

# **ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ**

**II жилд**

**(XIV-XV асрнинг бошлари)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ўзбек мумтоз адабиёти  
намуналари**  
**11 жилд**  
**(XIV – XVIасрнинг бошлари)**

Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи:  
филология фанлари доктори,  
профессор Насимхон Раҳмон

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
“ФАН” нашриёти  
2007

“Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”нинг 11 жилдига Олтин Ўрда ва қисман Темурийлар даври адабий муҳитида яратилган асарлардан намуналар киритилди. Мажмуанинг мақсади – ўзбек мумтоз адабиёти билан бугунги китобхонни, хусусан, талаба ва ёш авлодни танишитиришdir. Мажмуанинг “Илова” қисмида матнда учраган исмларга, баъзи сўзларга изоҳлар берилди, илгариги нашрларда хато ўқилган сўзлар, жумлалар қўлёзмаларнинг фотонусхаларига солинтирилган ҳолда тўғриланни. Олтин Ўрда адабий муҳити биринчи марта ўзбек мумтоз адабиётининг алоҳида даври сифатида қаралди.

Мажмуа олий ўқув юртлари талабаларига, мактаб ўқитувчилариغا ва мумтоз адабиёт билан шуғулланувчи мугахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
филология фанлари доктори  
**Нурбой Жабборов**

Тақризчилар:  
филология фанлари доктори, профессор  
**Сайдбек Ҳасанов**

филология фанлари доктори, профессор  
**Боқижон Тўхлиев**

филология фанлари номзоди  
**Музаффар Маматқулов**

ISBN 978-9943-09-423-9

© Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар Академияси “ФАН”  
нашириёти, 2007

## ЭҲТИЁЖ ҲОСИЛАСИ

Мумтоз матнлар устида ишлаш, уларнинг талаб даражасидаги нашрларини тайёрлаш осон иш эмас. Айниқса, қўлёзма манбаларни ўзаро қиёслаш, шу орқали мумтоз адабиёт намуналарининг аслиятга яқин матнлар нашрини амалга ошириш мутахассисдан муайян малака, сўзга бўлган юксак масъулият туйгусини талаб қиласди.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари жорий имлода шу пайтга қадар бир неча марта нашр этилган. Ўтган асрнинг 70-йилларида амалга оширилган “Ўзбек адабиёти” туркумидаги антологиялар, 80-йиллар сўнгидаги “Ўзбек адабиёти бўстони” рукнидаги нашрлар фикримизнинг далилидир. Бу нашрлар, шубҳасиз, миллий адабиётимиз тарихини ўрганишда муайян аҳамият касб этди. Лекин собиқ коммунистик мафкура таъсири кучли бўлган замонда бу китоблар ноўрин қисқартиришлар, мақсадга мувофиқ бўлмаган “таҳрир”лар билан чоп этилгани сир эмас. Мумтоз адабиёт намуналарининг бугунги талаблар асосидаги илмий изоҳи нашрларини амалга ошириш шу жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов тайёрлаган “Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”нинг иккинчи жилдида бу каби камчиликлар бартараф этилган. Ҳар бир асар матни қўлёзма манбалар ва аввалги нашрлар билан муқояса этилган. Хато ўқилиб, нотўғри табдил қилинган кўплаб сўзлар ва жумлалар тузатилган. Мафкура талаби билан қисқартирилган ўринлар тикланган. Мумтоз адабиёт матнлари илмий изоҳ ва луғат билан таъминланган. Бу ҳол ўқувчининг матн моҳиятини тушунишида қўл келади. Мутолаа жараёнида унга осонлик туғдиради.

“Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”нинг мазкур иккинчи жилди таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам илмий нашр талабларига тўлиқ жавоб беради. Дастрлаб Сайфи Саройининг шеърий ҳикоятлари, замондошларига ёзган шеърий жавоблари ва “Гулистони бит-туркӣ”дан намуналар берилган. Шундан кейин ўқувчи Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Хўжандийнинг “Латофатнома”, Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”, Сайид Аҳмаднинг “Таашшуқнома”асарларини илк бор тўлиқ ҳолда, қисқартиришларсиз ўқийдилар. Ўқувчилар ўзбек адабиётида нома жанрининг тадрижий такомили, бу борада Хоразмий бошлаган анъананинг муносабиб даражада давом эттирилгани ҳақида муайян тасаввурга эга бўлади.

Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй”, Сайид Аҳмаднинг ”Банг ва Чоғир”, Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси” эса миллий адабиётимиз тарихида алоҳида қимматга эга бўлган мунозара

жанрининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш имконини беради.

Насимхон Раҳмонов қадимги туркий ёзувлар, мумтоз адабиётимиз тарихи бўйича кўп йиллардан бўён изчил илмий изланиш олиб бораётган захматкаш ва катта тажрибали олим. Бу хусусият олим нашрга тайёрлаган ушбу иккинчи жилдда ҳам тўлақонли намоён бўлган, десак муболага бўлмас. Илмий ва маънавий эҳтиёж ҳосиласи ўлароқ юзага келаётган бу нашр мумтоз адабиётни ўрганиш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз. Бинобарин, бу нашр олий, ўрта маҳсус ва умумий ўрта таълим тизими учун ўқув адабиёти сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шу пайтгача амалга оширилган нашрлардаги кўплаб хатолар мазкур китобда бартараф этилган, матннинг мукаммал бўлишига ҳаракат қилинган бўлишига қарамай, хато ва камчиликлар учраши мумкин. Нуктадон ўқувчилар бу каби камчиликларни афв қалами билан ислоҳ қилсалар, қимматли мулоҳазаларини нашрга тайёрловчи ёки масъул муҳаррирга билдирсалар, фақат ва фақат миннатдор бўлар эдик.

**Нурбой Жабборов,**  
*филология фанлари доктори*

## ОЛТИН ЎРДА АДАБИЁТИ

Ўзбек адабиёти турли даврда кўп буҳронларни бошдан кечирди. Маълум бир замонда адабиёт таназзулга юз тутган бўлса, бошқа бир даврда тараққий этди, юксалди. Мамлакатдаги ижтимоий—сиёсий ҳаёт албатта адабиётга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чингизхон ва унинг ҳукмронлиги даври бунинг яққол намунасиdir. Бинобарин, чингизийлар замонида ўзбек адабиётининг тақдирида кутимагандекескин ўзгаришлар пайдо бўлди.

Чингизхон истилосидан кейин, унинг авлодлари Ўрта Осиёда Чифатой, Европанинг жануби—шарқида Олтин Ўрда давлатларини қурдилар. Мазкур давлатларнинг тарихдаги ўрни тўғрисида ўша давр муаррихларининг асарларидан маълумот олиш мумкин. Олтин Ўрда бу давлатлар орасида алоҳида из қолдирди. Олтин Ўрданинг давлат тузумидан ҳам кўра мамлакатдаги маданий муҳит фоят муҳимдир. Шу пайтгача бу давлат тўғрисида гоҳ ижобий, гоҳ асоссиз равишда салбий гаплар айтилиб келди. Аввало, “Олтин Ўрда” номи ва ҳудуди тўғрисида.

“Олтин Ўрда” номи араб ва Эрон манбаларида деярли учрамайди. Рашидиддиннинг “Жомеъут—таворих” китобида шундай воқеа келтирилади: “Тўргинчи йили — от йилида Чингизхон (ўзининг) ўрдасида бўлди, кузда эса (ўша ердан) жангга отланиб, (тангутларнинг) муҳим шаҳарларидан бирини қўлга олди. Бу шаҳарни Иригай деб атайдилар”<sup>1</sup> Чамаси, Чингизхон ҳаётлик даврига оид бу “ўрда” Олтин Ўрдага асос бўлган бўлиши мумкин. Зотан, Олтин Ўрда ташкил топа бошлаганда, Чингизхон ҳаёт эди.

“Олтин Ўрда” номи рус тарихий манбаларида учрайди, холос. Шарқ манбаларида Жўжи улуси ёки Кўк Ўрда деб юритилган. Лекин Рашидиддиннинг уч жилдлик бу асарида Олтин Ўрда тўғрисида умуман маълумот берилмайди. Чамаси, Рашидиддин Чифатой ва Эронда ҳукм сурган мўғул элхонлари тарихини ёритишинигига ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

“Олтин Ўрда” деган ном дастлаб Чингизхон ўрдасига нисбатан қўлланган. Чингизхон вафотидан кейин эса Жўжи улусининг номи деб тушунилган. Жўжи отаси Чингизхондан олдинроқ вафот этди. Жўжи вафотидан кейин унинг тўнғич ўғли Ўрда тахтга ўтирди. Жўжининг иккинчи ўғли Боту отаси улушкини гарбга томон кенгайтирди. Жўжининг учинчи ўғли Товка Темур Булғористонни — Итил дарёсининг юқори оқимиини мерос қилиб олди. Тўргинчи ўғил Шайбон чўлга эгалик қилди. Жўжининг бешинчи ўғли Тувол бажноқлар (нўғайлар) устидан ҳукмронликни қўлга киритди. Бу ҳудудларни гарчи Жўжининг

<sup>1</sup> Рашид—ад—дин. Сборник летописей, том 1, М.: — Л.: 1952, 144—бет.

ўғиллари мустақил бошқарсалар ҳам, ҳаммалари Боту хонадонига итоат этар эди. Боту ака—үкаларига қараганда құдратли эди. Шу боис ҳам отасидан қолған ҳокимиятни мустаҳакамлашга киришди ва ўз давлатининг пойтахтини Итил дарёси бүйіда барпо қылды. Бу пойтахт шаҳар Сарой деб номланди. Ботунинг құл остидаги ҳамма қавмлар Олтин Ўрда номи остида бирлашди. “Олтин Ўрда” деган ном Сир Ўрда, яъни “олтин қароргоҳ” деган маънодадир. Олтин Ўрда давлатига қарашли жамики аҳоли асосан туркӣ қавмлардан иборат эди\*.

Хуллас, Олтин Ўрда жуда катта ҳудудни — шимоли—шарқда Булғор вилоятини, шимолда рус князликлари ерларини ўз ичига олган; жанубда Крим ва унинг денгиз бүйидаги шаҳарларни, Дарбандгача чўзилиб кетган Кавказ, ҳатто Бокугача бўлган жойларни, шунингдек, Шимолий Хоразмни қамраб олган; гарбий ҳудуди Днестрдан бошланган даштиклар, шарқда — Фарбий Сибирь ва Сирдарё этакларигача шу давлатга қараган<sup>2</sup>. Чингизхон салтанати йиқилгандан кейин Каспийдан тортиб Олтойгача Чифатой улуси ташкил топди. Агар Олтин Ўрда давлатининг этник таркибиға назар ташласак, бу давлат ҳудудидаги асосий аҳоли туркӣ қавмлардан ташкил топганига амин бўламиз. Шу боис “Олтин Ўрда қандайдир бир ҳалқнинг нормал ривожланиши асосида ташкил топган давлат эмас, балки бирорларнинг ерини зўравонлик билан босиб олиш орқасида вужудга келган сунъий бир давлат бўлган”<sup>3</sup> деган қарашиларни мавжуд тарихий маълумотлар бугун рад этмоқда.

Олтин Ўрда маданий муҳити ўзига хос тарзда ривожланиб борди. Айнан шу давлатда ўзбек адабиётига ва ўзбек адабий тилига эътибор кучайди. Гарчи бу даврдаги адабиёт — туркӣ адабиёт, тил —туркӣ тил деб юритилса ҳам, туркӣ тилли ҳалқлар орасида алоҳида мавқе тутган ҳар бир ўзбек китобхонига Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарлар жула яқин.

Шу ўринда ўзбек мумтоз адабиётини ва ўзбек адабий тилини даврлаштириш масаласига эътибор қаратиш тирурати сезилади. Бу муаммо ҳануз ўз ечимини топган эмас, Қирғизларда шу кунгача яқдиллик йўқ. Ўзбек адабиётини даврлаштириш босқичлари учун баъзан адабий воқелик эмас, балки сұлолалар номлари ёки ижтимоий—сиёсий, тарихий жараёни асос қилиб олинмоқда. Масалан, “Чингизхон истилоси даври адабиёті” деб номланаётган давр анча мавхумлиги аён ҳақиқат. Истило ва адабиёт умуман, маданият бир—бирини рад қиласипан ҳодисалардир. Истило адабиётни ҳам йўқликка маҳкум қиласади.

<sup>2</sup> Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қуллани. Тошкент, 1956, 53—бет.

<sup>3</sup> Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Юқоридаги асар, 11—бет

Қолаверса, ижтимоий–сиёсий жараён адабиётнинг эстетик табиатига фақат салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбек адабиётида VІІІ –X асрлар ва XІІІ асрларда бўшлиқ пайдо бўлгани сабаби ҳам истилодир.

Аммо танганинг орқа томони ҳам бор: маълум бир тарихий давр маданиятнинг ривож топиши учун шароит юзага келтиришини ҳам унутмаслигимиз керак.

Олтин Ўрда туркий халқлар маданияти ривожида муҳим ўрин тутди. Бунинг ижобий томонларидан бири шу бўлдики, маданий ҳаёт Ўрта Осиёдан Олтин Ўрдага кўчди. Бу кўчиш тарих оқимининг табиий самараси бўлганини таъкидлаш керак.

Олтин Ўрда адабий муҳити шуниси билан диққатга сазоворки, *биринчидан*, ўзбек адабиётига янги жанр — нома жанри кириб келди; *иккинчидан*, мусулмон маданиятини ва ислом динини ёйиш учун ўзбек тилида биринчи марта пайғамбарлар тарихига оид асарлар яратилди. Носируддин Бурҳониддин Рабгузийнинг “Қисаси Рабгузий” (710\ 1310 йил), Маҳмуд ибн Али ас-Саройининг “Наҳж ул-фародис” (Жаннатларга очиқ йўл) (761\1361 йил) асарлари бунинг ёрқин намунасидир. “Қисаси Рабгузий” сингари “Қисасул–анбиё”ларнинг ўзбек тилидаги кўплаб нусхалари бугунги кунда Туркия музейларида, кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарларнинг бир қисми Олтин Ўрда ҳукм сурган даврда яратилган. Мазкур “Қисасул–анбиё”ларнинг аксарияти форсчадан қилинган таржималардир. Турк олими Исмат Жамилўғли “XIV асрга оид бир “Қисасул–анбиё” нусхаси устида синтактик тадқиқот” (Анқара, 1994) номли асарида ана шу китобларнинг қўлёзма нусхалари тўғрисида қимматли маълумотларни берган.

*Учинчидан*, Олтин Ўрдадаги адабий муҳитнинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири таржимачиликка алоҳида эътибор берилганидир. Турли тиллардан ўзбек тилига нодир асарларнинг таржима қилиниши бевосита ва билвосита Чингизхон ҳамда унинг фарзандлари олиб борган сиёсат, ерли аҳолига бўлган эҳтиром самарасидир. Чингизий ҳукмдорлар фармонларини туркий тилда эълон қилганлари, эски уйғур–турк ёзуви асосида мўғул ёзувини яратиб, мўғул давлатида янгича маънавий тараққиётга асос солғанлари бунинг яна бир далилидир.

Чингизхон авлодларининг муруватпешалиги ва ерли аҳолига хайриҳоҳ муносабатини Олтин Ўрда хонлари давом эттиридилар. Олтин Ўрдада ўзбек тилида яратилган ҳар бир асарнинг юзага келишида бирон ҳукмдорнинг таъсири бор. Кутбнинг “Хусрав ва Ширин”и таржимаси шаҳзода Тинибекка бағишланган, “Муҳаббатнома” айнан ўзбек тилида Муҳаммад

Хўжабекнинг ҳомийлиги ва таклифи билан, “Қисаси Рабгузий”  
Хоразм бекларидан Тўқбуғабекнинг илтимоси билан ёзилган ва ҳ.

Албатта, Олтин Ўрда абадий давлат бўлиб қола олмас эди. XIV аср бошларидан Олтин Ўрда икки давлатга — Кўк Ўрда ва Оқ Ўрдага бўлиниб кетди. Айниқса, Жонибек даврида (1342—1357) таназзул аломатлари аниқроқ кўрина бошлади. Таназзулнинг сабаби — Олтин Ўрдадаги иқтисодий буҳронлар, ишлаб чиқарувчи кучлар издан чиқиб бораётгани, хунармандларнинг, бошқа табақадаги аҳолининг катта қисми қашшоқлашуви, фақат маҳаллий бозорлар билан чегараланиб қолингани эди. Шубҳасиз, иқтисодий ва сиёсий заифлашув Олтин Ўрданинг адабий ҳаётига ҳам таъсирини кўрсатди. Олтин Ўрда адабий ҳаёти иқтисодий ва сиёсий буҳронларга аралашиб қолмаслик учун вазиятни ҳам, маконни ҳам ўзгартиришига тўғри келди. Адабий ҳаёт энди тамомила ўзга юртга — Мисрга кўчди. Бу адабиёт равнақи учун Мисрда барпо этилган туркий қавмлар давлати асос бўлди. Тарихда Мамлуклар давлати деб ном олган бу давлат ҳукмдори Иззидин Ойбег номи билан бөглиқ бўлиб, 1250 йили ташкил топган. У асли қипчоқ қавмидан эди. Қипчоқларнинг мавқеи баланд бўлгани учун ҳокимиятни асосан улар бошқарди.

Олтин Ўрдада қуллар кўп эди. Айниқса, мамлакат ичкарисидаги ўзаро урушлар натижасида қуллар сони ортиб бораверди. Муаррихлар, хусусан, Рукнидин Бойбарс деган муаррих ҳам Мисрда қуллар сотилгани тўғрисида маълумот беради. Тарихий маълумотларга қараганда, қул савдоси билан черкаслар ва руслар шуғулланган. Ўзбекхон ва Жонибек давридаги урушлар оқибатида ҳамда Эронда Халокухон давлати қулагандан кейин Олтин Ўрдага кўп миқдорда қуллар олиб келинган. Уларнинг аксарияти ўғуз қавмидан эди. Мисрда қипчоқлар ташкил қилган давлат маъмуриятида ўғузлар ҳам муҳим рол ўйнаган.

Мана шу давлат Олтин Ўрда адабиётининг Мисрда яшаб қолиши учун замин яратиб берди. Миср турк давлатидаги адабиётни тил бирлаштириди. Миср—турк давлатидаги адабиётнинг тил хусусиятлари чигатой тилидаги ёдгорликлар била.. қиёсланганда, ўғуз тили элементлари кўп экани кузатилади. Бу ҳақда машҳур турколог Амир Нажип алоҳида тадқиқот яратган<sup>4</sup>. Айни пайтда бу олим Олтин Ўрдада ва Мисрда қипчоқ тилининг мавқеи тўғрисида ҳам жiddий фикрлар айтган.

Миср турк давлатидаги адабиётнинг йирик намунаси сифатида Сайфи Саройи ва унинг замондешлари адабий

<sup>4</sup> Э.Н. Нажип. Культура и тюркоязычная литература мамлюкского Египта XIV века. — Туркестан, 2004.

меросини келтириш мумкин. Сайфи Саройининг “Гулистанни бит—туркий” асари илм аҳлига биринчи марта 1915 йили маълум бўлган\*. Асар Олтин Ўрдадаги таржима адабиётининг Мисрдаги анъанавий давомидир.

Сайфи Саройи ва унинг ижодкор замондошлари она Ватандан узоқда бўлсалар ҳам, XІV асрнинг икки ярмидағи туркий адабиётни юқори даражага қўтариб, жамики туркий худудлардаги аҳолига тушунарли тилда ижод қилганлар. XІV асрнинг иккинчи ярми — XІV асрда Мисрдаги маданий муҳитни мамлуклар тамомила ўзgartириб юбордилар. XІV асрда яшаган араб муаррихлари қипчоқ адабий тилида ва араб тилида ижод қилган кўплаб олимлар, ёзувчилар ва шоирларнинг номларини келтирадилар. Улар Мисрдаги мадрасаларда турли фанлардан дарс берганлар. Олтин Ўрдадаги ўзаро жанту жадаллар оқибатида XІV асрнинг иккинчи ярмида кўплаб маданият арбоблари Мисрга кўчиб бориб, янги—янги туркий маданий марказларни пайдо қилдилар. Бу даврда қипчоқ—ўғуз тилида турли мазмундаги ва жанрдаги адабиёт шаклланди. Араб ва форс тилларидан бу тилга таржима қилинган бир қатор асарлар туркий адабиётни миқдор ва сифат жиҳатдан бойитди. Мамлуклар 150 йилга яқин Мисрда ҳукмронлик қилиб, Олтин Ўрдадаги маданий ҳаёт ва туркий тил равнақига муносиб ҳисса қўшдилар. Саккиз шоирнинг биттадан шеъри ва Сайфи Саройининг уларга жавоблари “Гулистан бит—туркий”нинг қўлёзмаси охирида илова қилинган.

Умуман, туркий маданий муҳит, туркийча анъана, руҳ адабиётнинг ривож топишига имконият яратиб берди. “Шоҳнома”нинг таржимаси ҳам ана шу маданий муҳитнинг маҳсулидир. Машхур турколог Вон Лекок шундай ёзган эди: “Мисрнинг маданияти ва санъатининг ривожи муттасил равишда ҳокимият араблардан туркий ҳукмдорлари қўлига ўтган давр билан боғлиқ”. Мисрда нафақат адабиёт туркий тилда эди, балки туркий қавмларнинг азалий удум ва қадриятлари ҳам сақланиб қолган эди.

Туркий адабий муҳитнинг Мисрда мустаҳкам қарор топиб борганини ўша даврда яратилган илмий асарлар ҳам қўрсатади. Туркча—арабча лугатлар (ибн Мухамманинг лугати, XІІ аср охири; Абу Хайённинг лугати, 1313 йил), Жамолиддин Туркий (Қипчоқ туркчасига оид лугати) асарлари Мисрда туркий илмий муҳитнинг камол топишига катта хизмат қилди.

XІІ—XІV асрлар Олтин Ўрда ва Миср турк давлатидагина ёмас, балки дунё маданияти тарихида ҳам катта воқеа бўлган эди.

## ҚУТБ

Хоразмлик шоир Кутбнинг бизгача етиб келган бирдан бир асари “Хусрав ва Ширин” бўлиб, бу асар машҳур озарбайжон шоири Низомий Ганжавий қаламига мансуб шу номли достоннинг ўзбек тилидаги эркин шеърий таржимасидир. “Хусрав ва Ширин”нинг муқаддимасидаги маълумотларга кўра, Кутб XIV аср ўрталарида яшаб ижод этган. Кутбнинг ижоди Хоразмнинг Олтин Ўрда давлатига тобелиги даврига тўғри келади. Асар 1340 йилда ёзилиб, Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли Тинибек ва унинг маликасига бағишиланган. Бу асарнинг ягона нусхаси Парижда сақланади. Кутбнинг таржимаи ҳолига оид баъзи маълумотларни “Хусрав ва Ширин”даги “Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр” бобидан билиш мумкин.

Маълумки, Олтин Ўрдадаги парокандалик туфайли илм-фан ва маданий марказ Мисрга кўчган эди. Достоннинг бизга маълум бўлган ягона нусхасини ҳам шоир вафотидан кўп ўтмай 1383–1384 йилларда Мисрда амир Кутлуғ Ҳўжанинг тавсияси билан Фақиҳ ибни Бароказ Эдгу Қипчоқий кўчирган.

“Хусрав ва Ширин” “Кутадғу билиг” ва “Ҳибатул-ҳақойиқ”дан кейин маснавийда ёзилган нодир асарлардандир. “Хусрав ва Ширин” қисссасининг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шарқ ҳалқлари адабиётида бу қисса кенг тарқалиб, анча шуҳрат қозонган. Бир қатор “Жангнома” (Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Хусрав ҳикояти), “Ишқнома” (Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Хусрав Дехлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достонлари)ларнинг юзага келишига асос бўлган.

“Хусрав ва Ширин” достони таржима асари бўлса ҳам, Кутб воқеалар тасвирида анча эркин йўл туттган. Кутб достон муқаддимасида Низомийни чуқур ҳурмат билан тилга олади. Бутун достон давомида улуғ салафини устод сифатида кўп бора эслайди. Лекин Низомий томонидан яратилган бу асарнинг эркин таржимаси жараёнида Кутб ўз даврини кузатиш асосида пайдо бўлган қарашларини ҳам ифодалайди. Кутб Низомий образларини сақлаб қолгани ҳолда, асар таржимасига ижодий ёндошган. Натижада Низомий образларининг характеристи ўзгарган. Ана шу ҳолатлар Кутбнинг маълум даражада мустақил йўл тутганини кўрсатади. Бунинг устига, асарда Кутб томонидан қўшилган ўринлар, ҳалқ оғзаки ижодиёти ва урф-одатлари сингдирилган ўринлар ҳам бор. Айни чоқда Кутбнинг асарида асл матндан қисқартирилган ўринлар, ўзгартирилган географик номлар ҳам мавжуд. Масалан, Кутб ўқувчига кулаги түғдириш мақсадида Низомий достонидаги Сосонийлар сулоласини Эрон давлати деб атайди. Форсча матнданаги мамлакатлар, давлатлар

номларини Кутб ўзига таниш мамлакатлар номлари билан алмаштиради. Жумладан, Хусравнинг сухбатида Хурросон беклари иштирок этадилар. Ёки Низомийдаги Мехинбону саройи тасвири Кутбда йўқ. Низомийда Мадойиндан Хурмузд тазиикидан қочиб келган Хусравни Мехинбону ўз саройида кутиб олади. Кутб эса бу лавҳани яйловга кўчирган ва ҳ.

Достоннинг кириш қисмидаги бағишлов одатдаги қасидаларни эслатганидек, достон сюjetи давомида, боблар хотимасидаги лирик чекинишлар Кутбнинг нафис газаллар ҳам яратганидан далолат беради.

## “ХУСРАВ ВА ШИРИН”ДАН

### Хусрав–Ширин ҳикоятининг аввали

Мунунгтек аймиш ул бир пири оқил,  
Ким ул эрмиш қамуғ навъ ичра комил.

Тутулди эрса Нуширвоннинг ойи,  
Қўнуб Ҳурмиз уза давлат ҳумойи.

Ато тахтин билиб ул дод қилди<sup>2</sup>,  
Адл бирла жаҳон обод қилди.

Тутар эрди атосининг тўросин,  
Анинг расминча фолин<sup>3</sup> ҳам йўросин.

Ўкуш қурбон қилиб, ул шоҳ ўғондин,  
Тилади бир ўғил йиграк<sup>4</sup> бу жондин.

Изи даргоҳина қилдиса зори,  
Ўғул берди анга гавҳардин ори<sup>5</sup>.

Ўғанинг баҳшиши<sup>6</sup> дарёсидин дур,  
Анинг шамъинга бермиш фазлидин нур.

Муборак толеи давлат макони,  
Юзунда белгулук шоҳлиқ нишони.

<sup>2</sup> дод қилмоқ — адолат кўрсатмоқ.

<sup>3</sup> фол тутмак — яхши умид боғламоқ, яхшилик қўзламоқ.

<sup>4</sup> йиг — яхши.

<sup>5</sup> ори — тўғри, рост, шубҳасиз.

<sup>6</sup> баҳшиш — мурувват, ҳадя, тортиқ.

Етиз<sup>7</sup> хусравлиқин<sup>8</sup> күрди атоси,  
Ушондин ўтру Парвиз бўлди оти.

Зарифлик<sup>9</sup> ичра комил эрди зоти,  
Бу йўлдин ўтру Хусрав бўлди оти.

Янгоқи кун менгиз, кўз боқса бўлмас,  
Юзин кўрган кўнгилда қазфу қолмас.

Ани шоҳ табуғинга<sup>10</sup> кетурулар эрди,  
Эл элга гул менгиз кўтрурлар эрди.

Ҳарирға чулғатилмиш кин йипортек<sup>11</sup>,  
Тамом дурр донани кезлаб тутортек.

Нетакким чиқти бешикдин жаҳонқа,  
Севуклук урғун экти барча жонқа.

Йил ошмишча Изи<sup>12</sup> ортурди давлат,  
Билик таълим олиб ўгранди иззат.

Тамом беш ёшға етти эрса онглаб,  
Кўруб кўб нонгин ибрат олди тонглаб.

Қачонким олти ёшиқа етти ул шоҳ,  
Қамуғ йўнларни<sup>13</sup> англаб, бўлди огоҳ.

Ети ёшқа етиб ул сарви қомат,  
Гул узра мушк сочмоқ қилди одат.

Аннингtek кўрки бўлди элда машхур,  
Юзин кўрган бу Юсуф тею сақнур.

Атоси қилди бир устод тартиб,  
Аннинг рўзгори зойиъ кечмасун теб.

Бу сўз аймишда сўнг кечти бир анча,

<sup>7</sup> етиз — тугал, мукаммал.

<sup>8</sup> хусравлик — подшоҳлик.

<sup>9</sup> зарифлик — нозиклик, латофатлилик, зийраклик.

<sup>10</sup> табуғ — хизмат.

<sup>11</sup> йипор — ифор

<sup>12</sup> Изи — Худо

<sup>13</sup> йўн — санам, бут.

Хұнарлық бұлды Хусрав ўз ҳолинча.

Билик, сүз ичра андоғ бұлды фозил,  
Маоний баҳрида бир дурри комил<sup>14</sup>.

Фасиҳиким<sup>15</sup> равон сүз сүзлар әрди,  
Сүзин ондин ўелиб кезлар әрди.

Биликлик ҳам күриши йинчка қылтек,  
Сүз ичра қыл ёрап әрди ўшул бек.

Тұқуз ёшинда сүнг ўйунни солди,  
Баҳодирлуқ қиличин илк(к)а олди.

Етиб ўн ўшқа киши<sup>16</sup> боғланди белга,  
Ұкуш душман бошини берди елга.

Аннинг хавфиндин арслон титрар әрди,  
Қиличиндин ёғиілар құрқар әрди.

Шешар әрди ўқи қилдин тугунни,  
Сүнгү<sup>17</sup> бирла ёзар әрди бу күнни.

Агар душманқа кез slab бир ўқ отса,  
Қаю қалқон тузарким қарши тутса.

Кишиким ўн ё бирча тортса осон,  
Аннинг ёсін күтурмаз әрди ердан.

Камандиндін қутулмаз әрди душман,  
Ёрап әрди ўти ким теса түшман.<sup>18</sup>

Ногоҳ бир йилдиримтек гукrap әрса,  
Сүнгусин тошдин ўтрур әрди урса.

Тамомким умри ўн түрт ўшқа етти,  
Билик семурғи тан Қофини тутти.

Назар кезланчи чустлуқтарға<sup>19</sup> қилди,

<sup>14</sup> дурри комил – комиллик дури, марвариди.

<sup>15</sup> фасиҳ – равон сүзловчи, чечан.

<sup>16</sup> киши – ўқдон.

<sup>17</sup> сүнгү – найза.

<sup>18</sup> түш – эш, баравар.

Не эзгу, не ёмон борчани билди.

Бор эрди бир Бузург Уммид отлиғ,  
Улуғ билга, юзи сувлуг, уётлиғ.

Бұлуб кезланчи розларни<sup>20</sup> билиб чин,  
Фалак ганжларининг тобмиш килидин.<sup>21</sup>

Озоқи<sup>22</sup> ер юзини барча кезмиш,  
Фалак онинг ишин ройинча тузмиш.

Ани хилватқа ундағыш шоҳзода,  
Келиб рух<sup>23</sup> ерга қўйди шоҳ пиёда.

Илм дарёсидин излаб жавоҳир,  
Топуб, тутти этогин, бўлди шокир.

Билиб таълим олиб, кўнглин ёрутти,  
Укуш ҳикмат билиб, курсофда<sup>24</sup> тутти.

Қамуғ навъ ичра ул шаҳзода чолок —<sup>25</sup>  
Бўлуб моҳ, англади барча сирри афлок.

Бу оз умринда ул бир дурри макнун,<sup>26</sup>  
Бу янглиғ илм ичинда бўлди зуфнун.<sup>27</sup>

Чиқиб ғафлатдин огоҳлиққа тегди,  
Қамуғ ардам уза шоҳлиққа тегди.

Торилди эрса андин жаҳл суси,  
Анга билгурди сирлар жайсуси<sup>28</sup>.

Қамуғдин ўзруб ул хизмат жаҳонин,  
Кечурмаз эрди хизматсиз замонин.

<sup>19</sup> чустлуқ — тезлик

<sup>20</sup> роз — сир.

<sup>21</sup> кил — дон ўлчаш бирлиги ва ўлчагичи.

<sup>22</sup> озок\азоқ — оёқ.

<sup>23</sup> рух — шахмат доналаридан бирининг номи.

<sup>24</sup> курсоф — юрак, кўнгил.

<sup>25</sup> чолок — келишган; чаққон; зийрак.

<sup>26</sup> макнун — яширин.

<sup>27</sup> зуфнун — ҳунар эгаси.

<sup>28</sup> жайс\жайш —лашкар.

Атоси севди жаҳониндин ортуқ,  
Жаҳон худ не бўлғай жониндин ортуқ.

Анинг ёши узун бўлсун тею шоҳ,  
Зулмдин йиғди элни, қилди огоҳ.

Чақиртти билсу теб рустову<sup>29</sup> шаҳри,  
Тегар куч қилғучиқа шоҳ қаҳри.

Киши кирмасу боғчилар боғинға,  
Тавар<sup>30</sup> сурмасинлар ҳам тарлоғларинға.

Қаюким боқса номаҳрам юзинга,  
Қийқиртти “вой“ теб анинг ул юзинга.

Сиёsatни юритгайман тею шоҳ,  
Бу сўз узра толим онт ичти ногоҳ.

Шоҳ ўз адли уза турдиса дойим,  
Жигой бой бирла нард ўйнади қойим.

Хароблиқ ал қўтарди барча ёндин,  
Зулм қамчиси кетти эрса алдин...

### **Хусрав тушинда улуғ отаси Нўширвонни кўргани**

Нетакким, сочти тун зулфи йипори,  
Коронгулуққа кирди қун ҳисори<sup>31</sup>.

Қуёш юзинга очун парда тутти,  
Ёруқлуқ ер юзиндин қочти—кетти.

Кеча бўлдиса Хусрав эвга кирди,  
Изига ёлбориб бир дам ўтурди.

Севинч бирла тушинга кирди Нўшин,  
Севинмадинг, тею ул тунги тушдин.

---

<sup>29</sup> русто — қишлоқ.

<sup>30</sup> тавар — болта

<sup>31</sup> ҳисор — қўроғон, қалъя, истеҳком.

Күрар ўз жаддини<sup>32</sup> тушинда ул тун,  
Келиб Хусравқа айтур: “Эй юзи кун.

Севуклук тўрт ниманг кеттиса сендин,  
Башорат тўрт нанг узра тингла мендин.

Бири гўра егандин қазфу единг,  
Нечаким аччиқ эрса totли тединг.

Кўнгил овунчаси қўйнунгда бўлғай,  
Анинг ширинлиги очунға тўлғай.

Икинчким, кестилар отинг азоқи,  
Кўнгил эмгатмадинг<sup>33</sup>, эй жон, бу тоқи.

Елиб елга етар бир от бўлғай,  
Ўшул тун рангли Шабдиз<sup>34</sup> от бўлғай.

Учунч раҳтинг<sup>35</sup> шоҳ ул дехқонға берди,  
Ўзунг ул ишда розилиқда турди.

Санга бергай анингтек баҳт қодир,  
Ким ул бўлғай қамуғ дурру жавоҳир.

Яна тўртунчи жонинг сабр қилди,  
Ким ул парда ичра мутриб чанг солди.

Йирловчи табғосан бир жонқа роҳат,  
Зухрага бергай овози ҳаловат.

Тош ўрнинға тобғайсан,— теди, — олтун,  
Бу тўрт муҳрага<sup>36</sup> ул тўрт дурру макнун”.

Маликзода ўёниб уйқусиндин,  
Шукрлар қилди севнуб бу тушиндин.

Тилин сақлаб кишига аймади роз,  
“Боқойин,— теб,— тушум кимга бўлур воз”.

---

<sup>32</sup> жадд — бобо, ота ёки онанинг отаси.

<sup>33</sup> эмгатмамак — азоб бермаслик.

<sup>34</sup> Шабдиз — қора тусли от.

<sup>35</sup> раҳт — 1. Ўй асбоб—анжоми. 2. Кийим—кечак. 3. Йўл (сафар) юки.

<sup>36</sup> муҳра — 1. Юмалоқ нарса, соққа. 2. Мунчоқ, тасбиҳ. 3. Шахмат донаси. 4. Бирор нарсага босилган нақш, тамға.

Биликликларни унда бу тун қата ул,  
Ҳикоят сўрар эрди чиқға теб йўл.

Сезар эрди анинг кўнгли бу ишни,  
Алардин тобғаман теб бир билишни...

### **Хуравнинг отаси вафотин Хусравқа пайк<sup>37</sup> хабар келтургони**

Ўтурмиш эрди бир кун шоҳ хуррам,  
Келиб баҳт уш, кетар чоқ бўлди теб ғам.

Эшикдин ошуқуб бир пайк кирди,  
Салом қилди табуғда ўтру турди.

Багир бош, кўзлар қон ёша тўлуб,  
Ёйиб соч, инграмакдин хаста бўлуб.

Кетурди номаким уш ой тутулди,  
Ети иқлим тахти холи бўлди.

Замона бошлади уш жавр қайра<sup>38</sup>,  
Атосини севар ўғлиндин айра.

Қафасдин тўти янглиғ жони учти,  
Ўза келган ерин соқинди, қочти.

Яна ул гавҳари дарёқа тушти,  
Ошуқуб борди, аслинга қавушти.

Қани ул Юсуфим тею қилу оҳ,  
Замона доги Яъқуб урди ногоҳ.

Жаҳон солори<sup>39</sup> борди бу жаҳондин,  
“Белинг боғла, мадад қўл бир ўғандин.

Ким уш беглар салом изди санга қўб,  
Ўтурмиш эрсанган тарқ ошуқуб қўб.



---

хабарчи, элчи.  
орқа, қайта, бошқа.  
ланшарбоши; бошлиқ.

Равон кел, турма, ғофил бүлма зинҳор,  
Йүқ эрса элдин олди элни афёр.

Бошингда гил бор эрса анда юма,  
Неча сүз, иш бор эрса қўй, ёвума”.

Кўруб Хусрав фалакдин бу амаллар,  
Бузулди тею соқинғон амаллар.

Ирин тишлаб замона ишларинга,  
Бу оз вақтда нелар қилмишларинга.

Муайян билдиким харжи<sup>40</sup> бузуқ аҳд,  
Заҳарсиз бермаз эрмиш зарраи шаҳд<sup>41</sup>.

Очун гаҳ бол берур, гаҳ заҳми ори<sup>42</sup>,  
Келур сархушлуқ оринча хумори.

Амалда азли<sup>43</sup> бор, меҳринда ҳам кин<sup>44</sup>,  
Телим<sup>45</sup> ачиф егу сўнг тутғу ширин.

Фалак жавриндан эмин<sup>46</sup> йўқ ким эрса,  
Анинг таъсиридинтур ул не кўрса.

Вафо қилсанг жафо текрур бу ғаддор<sup>47</sup>,  
Мунунг макриндин эмин бўлма зинҳор.

Иярма<sup>48</sup> дунёға, йўқлуқ йўлин тут,  
Азаққа<sup>49</sup> сол танингни, жон қўлин тут.

Бериб тупроқни елга, ўтқа сув қуй,  
Ўлум келгу сенга, ўнгдин ўлуб қўй.

Очун жодусидин яхши ҳазар қил,  
Саҳл<sup>50</sup> тутма, қатиф тутмоздин ўнғ бил.

<sup>40</sup> харж – чиқим, сарф.

<sup>41</sup> шаҳд – асал, бол; *маж.* ширин сўзламоқ.

<sup>42</sup> ори – тўғри, рост, шубҳасиз.

<sup>43</sup> азл – бўшатиш, мансабдан тушириш.

<sup>44</sup> кин\кина – 1. Гина, адсоват. 2. Қасос.

<sup>45</sup> телим – кўп, бир талай.

<sup>46</sup> эмин – амонда, тинч, хавфсиз.

<sup>47</sup> ғаддор – 1. Алдамчи, хиёнатчи. 2. Бераҳм, золим.

<sup>48</sup> иярма – “бўйин эгма” маъносида.

<sup>49</sup> азақ – бу ўринда: иззат, шараф.

Кун, ойтек кизимга рози бўлгил,  
Кечар сендин керак бег, қози бўлғил.

Алинг торт дунёдин бўлғил фароғат,  
Бир эмак топсанган қилғил қаноат.

Очун ишларин уш ўзунг кўрарсан,  
Не ҳожаттурким ўзгадин сўрарсан.

Санга қазғу бериб, ул шод бўлур,  
Хароб этиб сени обод бўлур.

Бу буғдой кўргазиб, арпа сотар ул,  
Чурунг<sup>51</sup> арпасинга буғдой қотар ул.

Қилиб буғдой энгим<sup>52</sup> арпача сориғ,  
Тугатти буғдойими бўлди фориғ.

Анга бас бўлсу кўргузмак бу буғдой,  
Манга бу тош — тегирмон даъвисивой.

Манга ул йикким<sup>53</sup> ойтек оч кечсам,  
Бир арпа курси<sup>54</sup> бирла рўзам очсам.

Риёзатдин сизиб йинчкилса ўзум\*,  
Ул арпа курси янглиғ бўлса юзум.

Анинг макрин неча айтсам туганмас,  
Сан ул Ҳаққа сифин, андин сўзунг кес.

Қаю улким сифинди бир Изимга,  
Кулунгман тею айди шул Изимга.

### Хусрав Михинбону қатиндан кетиб, отаси тахтинга ўлтуруб адл қилғони

Муайян биўдиким ҳукми илоҳий,  
Етиб етмиш ети иқлим шоҳи.

**Ениғ** — осон, енгил, арзимас.

**Чурунг** — чирик

**Шиғ** — бет, юз, ёноқ.

**Нин** ғиг — яхши.

**Луғ** — кулча.

Уш ондин отланиб шоҳи жувонбаҳт<sup>55</sup>,  
Етиб ўз элинга, тутти ўрун тахт.

Ясоқ тўнгқаб қамуғ элларни тузди,  
Қароқчи, йўл уруғли бўйнин узди.

Анингтекким очунда дод қилди,  
Нуширвон адли қайда қолса қолди.

Бу янглиғ элларини асраю ул,  
Яна кўнглинда ёрин ўскаю ул.

Ширинсиз кўнгли ором қилмаз эрди,  
Вале ҳам мулк қўйса бўлмаз эрди.

Кўб эллар фитнадин тобтиса ором,  
Яна бошлоди айш этиб, ича жом.

Севинч бирла ов овлар эрди ҳар кун,  
Кечурмаз эрди ишратсиз—ма бир тун.

Яна ёр ишқи кўнгли ичра ортиб,  
Табуғчиларқа сўрди: “Қони ул?” теб.

Айиттилар: — Шоҳ, андин қазғусуз бўл,  
Неча кун бўлдиким юқ боғлади ул.\*

Яқин билмаз биз, эй шоҳи жаҳони,  
Яна Шовур не ерга элтти они.

Замона ишлариндин ибрат олди,  
Бўлуб ожиз, таажҷуб ичра қолди.

Икинчи ишқи чақмоқи чақилди,  
Шаҳаншоҳ жони қав<sup>56</sup> янглиғ ёқилди.

Шириннинг ёдгори теб бу Шабдиз,  
Азиз от мунмаз эрди овда Парвиз.

---

<sup>55</sup> жувонбаҳт – баҳтиёр.

<sup>56</sup> қав – пилик.

## Шовур Ширинни Мадойинқа Миҳинбону қатыға келтургани сұзи

Кетурди қаршидин Ширинни ул пир,  
Күрарким кетмиш ул шоҳи жаҳонгир.

Миҳинбону саройинга тушурди,  
Севинч кетруб, күнгүлдин қазғу сурди.

Чечак бўстонға, учмоққа яна ҳур,  
Фалакга кун кетурди, кўзга ҳам нур.

Нукар қизларким эрди барча пазмон,<sup>57</sup>  
Ширин қазғусидин кўнгли паришон.

Фироқ илкинда кўрдук тею кўб қин,  
Тушуб барчаси ўптилар азоқин.

Талим шукроналар берди ушул дам,  
Қилиб кўб вақф оташхонаға ҳам.

Севунмақдин кўнгуллар бўлди хуррам,  
Севунчга эврулуб ўксилди мотам.

Миҳинбону анингтек шод бўлди,  
Ким ушбу қазғудин озод бўлди.

Нетак(ким) бир ўлук топса тириклиқ,  
Ё бир қуртқа<sup>58</sup> йигит бўлуб эриклиқ<sup>59</sup>.

Уш анча халқ бирла қилди эъзоз,  
Ким ул юз байт ичинда айса бўлмаз.

Хазина, молу мулку иззу ҳурмат,  
Бу барчоси санинг, сан бўл фарофат.

Фидо бўлсун жонингға ушбу жоним,  
Сенинг бирла ёруғ жону жаҳоним.

Уялғай тею кечгандин ҳикоят,  
Юзинга қилмади ҳаргиз шикоят.

Иншоми

ғамгия

Куртқа

қари кампир.

Тириклиқ

тез, чаққон.

Билур эрди далиллар бирла они,  
Очуқ эрди ошиқлиқнинг нишони.

Яна шоҳдин нишонлар кўрмиш эрди,  
Бу қизлардин—ма барча сўрмиш эрди.

Билиб бу сирни ул эркак тишидин,  
Бу розни кезлар Эрди кўб кишидин.

Тануқлуқ берур эрди қўнгликим бу,  
Сўзум олғайким уш кўб еди қазғу.

Киёссиз лутфу инъом кўб қилди,  
Ким онинг қўнглини ором қилди.

Баёқи қизларин қўйди қатинда,  
Ўзоқитеқ турунг теб хизматинда.

Яна ул лувъбат<sup>60</sup> ўйнагучи чарх<sup>61</sup> уш,  
Ўюн бошлаб қавурчоқлар била хуш.

Ул ой табғинда йиғлаб мунча юлдуз,  
Тарозу ёситек бўлдилар туб—туз.

Ўтурди ирғамоқ андиша<sup>62</sup> қўюб,  
Ўзоқи ишларини пеша қўюб.

### **Хусрав Баҳман чўри бирла урушиб булардин қочғани**

Калид(и) бўлса ганж очмоқ умид ул,  
Темуртек рой<sup>63</sup> олтунлуғ калид ул?

Баҳодурдин минг ортуқ ройлиғ эр,  
Биликлиқ эр қилич захмин қачон ер?

Кўп элни рой бирла олса бўлур,  
Килич бирла олойин теса бузлур.

<sup>60</sup> лувъбат — ўйинчиоқ, қўғирчиоқ.

<sup>61</sup> чарх — бу ўринда: тақдир, толе.

<sup>62</sup> андиша — ўй, фикр—мулоҳаза.

<sup>63</sup> рой — 1.фикр, қараш. 2. Хинд подшоҳларининг унвони.

Бу Хусрав тахт тут(т)и тею Баҳром,  
Нетакким билди, кетти андин ором.

Бошинға тож савдоси ўтурди.,  
Боройин мен анга теб бош кўтурди.

Келиб Баҳманға айдиким: — Бу кун ман,  
Муни андиша қилдим, не теюрсан?

Айитти: — сабр қил, бир рой уролинг,  
Ушандин сўнгра бу ҳийла қуролинг.

Ким ул Хурмуз худ андин тонмиш эрди,  
Қатинда тутмади элдин—ма сурди.

Ани билмазким ул Юсуфда кезин,  
Фироқ нурин олур Яъқуб кўзиндин.

Битиб нома қамуғ ёнқа паришон,  
Қилиб айдиким эмди ушбу ўғлон.

Бу ўюнлар биламу бизни утгай?  
Ото ўлтургучиму элни тутгай?

Анга бир журъа<sup>64</sup> сусун элдин ортуқ,  
Зиҳиким<sup>65</sup> элга лойик шоҳ тобтуқ.

Бағишлиар бир надимга<sup>66</sup> тожу тўнин,  
Севар шоҳлиқтин ортуқ чанг унин.

Ҳануз ишқ ўти бирла бағри доғлиқ,  
Ҳануз Ширин сўзинга эрур боғлиғ.

Жаҳон билмак бу янг(лиғ) бирла бўлмаз,  
Очун тутмоқ бу нанглар бирла бўлмаз.

Ярашмаз барча ҳолда ўт била сув,  
Ақдлиғ улким ўт сўндурса ашину<sup>67</sup>.

---

Бир ютум, бир қултум.  
Чинни, жойида, қандай яхши!  
Чинни хизматкор; ҳамсухбат.  
Анинал, бошдан

Агар(чи) пандимизни олса олсун,  
Йўқ эрса ул атоси янглиғ ўлсун.

Килич бирла анинг йўлин тутингким,  
Гўр<sup>68</sup> арслонтек сўнгинча ман етойин.

Бу янглиғ кина бирла ҳийла қилди,  
Қамуғ эл бегларининг кўнглин олди.

Малик кўрдиким ул барча раийят,  
Қилиқ ўйнаттилар қилди ҳамийят.

Кўнгулда ушбу ишни сақну турди,  
Булар ол қилмасун теб сақну турди.

Бирин—бирин раийят барча кетти,  
Яна душман черики келди етти.

Боқиб тўрт ёри ожиз бўлди Парвиз,  
Равон отланди йўлға сурди Шабдиз.

Олиб бошдин азоққа солди тожин,  
Алиндин аврақин<sup>69</sup> учгинди лочин.

Солиб тахтин ушул жон олғучиқа,  
Улусни қўйди ул куч қилғучиқа.

Кўрар шоҳким дуо, ўйнар бу айём  
Хилоф шатранжини тикмишда Баҳром.

Бу фарзин банд етиб мот қилмасун теб,  
Яғантек<sup>70</sup> қочти изим бўлмазун теб.

Гаҳи йўлсуз елиб, гаҳ ул тутуб йўл,  
Яна Эронқа етти эмганиб ул.

## Баҳромдин қочиб Эронқа борурда Шириңга йўлуқғони

Мунунгтек аиди ул сўз айғучи пир,  
Нетакким, чиқти саҳроқа жаҳонгир.

<sup>68</sup> гўр — 1. ёввойи эшак. 2. Шоҳ Баҳромнинг лақаби.

<sup>69</sup> аврақ — ўрдак

<sup>70</sup> яған — фил.

Ов овларда ун эштиб ўтру боқти,  
Күрарким ногаҳон бир тўз чиқти.

Булут янглиғ кетиб тўз, ой очилди,  
Боқиб Хусрав таажжуб ичра қолди.

Фалак жодуси юз минг турлу афсун  
Ўқуб, Ширинни овқа измиш ул кун.

Ики овчи келиб бир овқа кирди,  
Замона ушбу янглиғ ов қурди.

Азин ёронлари ов бирла машғул,  
Анинг йўқ бир табуғчи мунунг (бир) қул.

Бири ишқ илкида дармонда, ранжур<sup>71</sup>,  
Мұхаббат жомидин ул бири маҳмур<sup>72</sup>.

Бирина тахту давлат, тож бермиш,  
Бирининг тахту тожи елга бермиш.

Бири сочмиш чечаки узра анбар,  
Бири тўқмиш йипор остинда шаккар.

Бири бермиш юзиндин бадри кофур<sup>73</sup>,  
Бириндин кўрк ўғурломуш қамуғ ҳур.

Кўруб бири—бирини ул ики ёр,  
Яна кўзларидин ёш бўлди сайёр.

Шириндин кўз кетармаз эрди Парвиз,  
Ҳам ул Гулгундин азрилмаз бу Шабдиз.

Тузуб дўстлар ёнгинча сўзларини,  
Чиқориб бошлаб ичдин сўзларини.

Сўра бошлади бир—биринга отин,  
Ширин ҳам тониди шоҳ минган отин.

71 Ҷонжур — касал, заиф, эзилган.

72 Қаммур — масти, сархуш.

73 Қоғифур — 1. ғоятда оқ ва хушбўй модда; 2. маж. Оқ тус; бадри кофур — ғонок, гўлини ой.

Бири—бирин яқинким билдилар чин,  
Үзин тупроққа солдилар иярдин.

Бир ончадан сүңг онлар құтурууб бош,  
Телим йиглодилар бағри бұлуб бош.

Яна сўзлаю бошлаб озин—озин,  
Қамуғ айтишилар бир—бирга розин.

Күб әрди сүз валекин чақладилар<sup>74</sup>,  
Тилин күб сўзламақдин сақладилар.

Укуш сўз барча ҳолда яхши бўлмаз,  
Тею сабр ишга боғлаб, қилдилар роз.

Йироқдин овчилар кўзга кўрунди,  
Равон ул икки ошиқ отқа мунди.

Кўруб тўрут ёндин ул овчи(ни) беглар,  
Изиб тизгин, паритеқ тебрадилар.

Малик Хусрав нўкарлари—ма кўрди,  
Елиб елтек, отин муналарқа сурди.

Тамом ул етигандек тарғонлар,  
Яна улкар менгиз йиғлишти онлар.

Кўрарларким, ушул кун бирла бир моҳ,  
Қарор қилмиш бу ишқ бурчинда ногоҳ.

Ёқиб кўнглинга ишқ ўтинг куярлар,  
Солар қуштек бири бирин кутарлар.

Кўрукли тонимас бирин—бириндин,  
Ким ул Хусрав қаю, қаюси Ширин?

Бирин—бирин йиғилди барча лашкар,  
Туруб саф—саф, қамуғ мунларни тонглар.

Тушуб Ширин ўтунди: “Эй жаҳондор,  
Туман минг мендин ортуқ қулларинг бор.

---

<sup>74</sup> чақламақ — ҳаддини билмак

Қутунгқа барча олам севнур, эй шоҳ,  
Манга қандин бу давлат келди ногоҳ?

Яқин бу мангда бор бир яхши боғим,  
Бу тун ул боғда тиккайлар ўтогим.

Оғирласа<sup>75</sup> малик ташрифи ·қулни,  
Туройин қавшуруб хизматда қўлни”.

Малик аиди:“ Қўноқ тилосанг, эй жон,  
Боройин бош била, эй шаҳди<sup>76</sup> туркон”.

Яна узр айтур ул Хусравқа Ширин,  
Шакар тўқти ушул Ширин эриндин.

Хабар қилди Меҳинбонуқаким шоҳ,  
Қўноқ келди яроғ қил теб, бўл огоҳ.

Нетакким бу хабарни билди Бону,  
Равон ўтру чиқиб, келтурди тузғу<sup>77</sup>.

Тушурдилар ўшул боғ ичра они,  
Ким ул боғ эрди учмоқнинг нишони.

Келибким Хусрав ул бўстонқа тушти,  
Яна кўб молу от бирла тикишти.

Тузулди базми шоҳона икинчи,  
Очилди айшу ишрат, завқ ганжи.

Кўруб ҳар дам малик Ширин юзини,  
Элиндин ичқинурди ўз—ўзини.

Миҳинбону буларнинг ҳолин англаб,  
Ўтурди ул кун ушбу ишни танглаб.

<sup>75</sup> оғирламақ\ ағирламақ – марҳамат кўрсатмоқ, ҳурмат кўрсатмоқ.  
<sup>76</sup> шаҳди – асал; шаҳди туркон – туркларнинг асли, гўзали маъносида  
<sup>77</sup> түнү – таом келтирмак, сафарга егулик тайёрлаб бермоқ.

## Хусрав Румга бориб, Қайсардии черик олиб Баҳром чўбин бирла урушгани

Темурдин тоф янглиғ тебрадилар<sup>78</sup>,  
Аларнинг кўблугиндин тебради ер.

Тамом эллик минг эл барча соғитлиғ<sup>79</sup>,  
Баҳодурлуқта текма бир минг отлиғ.

Келурлар қасд этиб Баҳром жонинға,  
Бўёлинг теб қилич онинг қонинға.

Ёвуқким етилар Баҳром—ма билди,  
Черик отландурууб ул ўтру келди.

Қачонким қилмаса бу баҳт ёри,  
Не қилсун бўлса олам шаҳриёри.

Етиб икки черик урушғу ерга,  
Тузуб бири биринга ўтру ерга.

Сучур<sup>80</sup> кўру, унин эштиб ул отлар,  
Эранлар чайнаб бошлаб пўлотлар.

Ўқ овози еринга ранг ёдин,  
Чиқиб қурди телимлар боши ёсин.

Сўнгилар учи<sup>81</sup> тўшга тўш<sup>82</sup> келди,  
Қаюким дафъини<sup>83</sup> билмаз йиқилди.

Қиличлар уни чока чок чиқти,  
Кутулди қаюким чолок<sup>84</sup> чиқти.

Йиқилди кимгаким бир гурз тегди,  
Бошин отлар азоқи бирла тўқди.

<sup>78</sup> тебрамоқ — ҳаракат қилмоқ, қимириламоқ.

<sup>79</sup> соғитлиғ — совутли

<sup>80</sup> сучур — жаҳонгирилик қилмоқ

<sup>81</sup> сўнгилар учи — охиридагиларнинг боши.

<sup>82</sup> тўшга тўш — тарафма—тараф.

<sup>83</sup> дафиъ — қайтариш, кетказиш.

<sup>84</sup> чолок — чаққон, тез, илдам.

Эранлар гукрап арслонтек қоришиб,  
Ики ёндин черик уршу қоришиб.

Қамишлиқ янглиг онгсиз ўт тушди,  
Ёна бошлоди барчаси тутушти.

Сұнгулар тушти синди барча элдин,  
Оғозди<sup>85</sup> болтачоқ кесмакға белдин.

Биқинға захм ханжар йұл топти,  
Килич оттек бүйинлар узра очти.

Тұбузлар<sup>86</sup> захмидин қолқон ушанди,  
Ушул ҳайбатда отлар қон қашанди.

Ажал жонлар сұнгингча юргу етти,  
Телим бошлар ул уруш била йитти.

Ябурғоқким нетак тұқлур хазонда,  
Тұкулди гавдасидин бөшлар анда.

Оқиб бўлди эранлар қони Жайхун,  
Қиёматдин нишон билгурди ул кун.

Хисоби йўқ ҳалойиқ ул кун ўлди,  
Кўрукли кўз тонгирқаб ҳайра қолди.

Шаҳаншоҳ урдуруб бир фил уза тахт,  
Илоҳий, сан оча бер тею бу тахт.

Ўтурмиш тахт уза арслон менгиз чин,  
Нукарлар илгару тортиб қиличин.

Бузург Уммид тахт олинда ўтруб,  
Куёшқа ўтру устурлоб<sup>87</sup> кўтруб.

Нетакким бўлди вақт айди:“ Равон бўл,  
Муборак толиъ ул, душманқа бул йўл.

Сур эмди филни, ул шоҳким уттуңг,  
Бу ўюн бирла уш очунни туттуңг”.

85 – бошланди, киришиб.

86 – ғынуз – бесўнақай, баҳайбат, катта (нарса)

87 – қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб.

Малик Баҳромни фил хартуми бирла,  
Анингтек урдиким индуруди ерга.

Филиндин бош—кўзи ерга йиқилди,  
Қовуртлуқта<sup>88</sup> азақ остинда қолди.

Тегиб йиқти ани бу шоҳ суси,  
Синиқтилар қамуғ Баҳром суси.

Равон аврақтек ул Баҳром учти,  
Бу туйғун илкидин жон олди қочти.

Черики барча қочмоққа юз урди,  
Сўнгингча шоҳ чериги қавди, сурди.

Оти кучлуклари қочти, қутулди,  
Ўкушроқи бўлун бўлуб тутулди.

Замона ушбу янглиғ дод қилди,  
Кимини қул, кимин озод қилди.

Очун мундоғ телим хирмон кўюрди,  
Бирин оч қўйди, бирин хуш тўюрди.

Қаю ерга бу очун берди роҳат,  
Ким уш сўнғ бермади юз анча ҳасрат.

Гаҳи софисин ичку гаҳ ўюкин,  
Гаҳи ош егу, гаҳ этмак кўюкин.

Улаш<sup>89</sup> бу хонда шаккар еса бўлмаз,  
Ҳамиша завқ қилғум теса бўлмаз.

Севунчда қазғу бор, хурмода хори,  
Йилон бор ганж уза, ҳам болда ори.

Неча дўст эрса юз онча ёғий ул,  
Неча кулдурса, юз онча йиги ул.

Кўурсан бирниким хуш шод тирлур,  
Яна бирининг умр тумори турлур<sup>90</sup>.

<sup>88</sup> қавуртлук — эзилиш, босилиш, оёқ остида қолиш.

<sup>89</sup> улаш — ғамгин, зулмат, ҳасратли.

Кезар бири тамошо бирла боғлар,  
Бирининг бўйинини онгсизда боғлар.

Уш анда воҳ войла бош очмоқ,  
Буёнда айш этиб, маъшуқа қучмоқ.

Бу наглар бирла дунё ободон ул,  
Гаҳи ул ёз ели, гоҳи хазон ул.

Очун бир тўхшун<sup>91</sup> отқа ўхшар, эй ёр,  
Соқинким тебмасун онгсизда зинҳор.

Сани тебмаздин ошну сан ани теб,  
Яқин келма ишониб бор халос теб.

Биликлиқ севгайму бу бевафони,  
Ким ўгранмиш улаш қилмоқ жафони.

Нетакким кеттиса Баҳромдин ул тахт,  
Яна Ҳусравқа қолди мулку ҳам баҳт.

### **Ҳусрав Баҳромни қочириб, атоси тахтин олиб султонлик қилғани**

Балиқ буржиндин ойким бош кўтурди,  
Бу шоҳлиқ буржинга шоҳни кўтурди.

Сурайёдин Зуҳра Янгождин—ма Биржис,  
Саодат бермиш ул таслису тасдис<sup>92</sup>.

Ҳамалга<sup>93</sup> етлиб ул хуршид манзур,  
Зуҳалга<sup>94</sup> далв<sup>95</sup> ичинда солмиш нур.

Түрул — тўхтамоқ, хотиржам бўлмоқ, яшамоқ.

Тўхшун — асов

Таслису тасдис — дунё, олам маъносида (уч ўлчам ва олти жиҳат ишлана тутилган).

Миман — 1. Ўн икки буржнинг биринчиси (бу буржни қўй шаклида ишлана тутадилар). 2. Куёш иили ҳисобида биринчи ой номи (мартишни ойига тўғри келади).

Тұхнан — Сатурн сайёраси.

Мали — 1. Кудуқдан сув олинадиган чарм идиш. 2. Ўн икки буржнинг

Бу толе бирла қувватланди баҳти,  
Илкинга кирди қайра ўз тахти.

Халойиқлар аро адлу човуқти,  
Қамуғ әлларга эзгу оти чиқти.

Анингтек адл уза юритти ёрлиғ,  
Ким онинг ёрлиғиндин тинди ёрлиғ.

Замона шаҳлиқи бирла қувонди,  
Анушировон яна тирилди сонди.<sup>96</sup>

Синуқлар кўнглида ўрнатти меҳрин,  
Золимлар устинга юритти қаҳрин.

Ети иқлим беглари йиғлиб қабуқға,<sup>97</sup>  
Камар боғлаб туруктилар табуқға.

Суюрқади<sup>98</sup> кимин тоблаб хирожин,  
Кимин маъзул<sup>99</sup> этиб, олдурди тожин.

Бу янглиғ барча эл ишин битурди,  
Кўнгул фориғ қилибким хуш ўтурди.

Севук қайғуси қайра кор қилди,  
Яна ул ишқи кўнглин зор қилди.

Не ул қазғу кўнгулдин сурса бўлур,  
Не қазғусинға чора қилса бўлур.

Розин очмоққа Марямдин соқинур,  
Яна Қайсар била шартин соқинур.

Неча кўб бўлмишинча молу ганжи,  
Уш анча ортти ул кўнглинда ранжи.

Тоши бирла кулуб, ишқ кўнглин ўртар,  
Вале розин халойиқлардин ўртар.

<sup>96</sup> сонмоқ\санмақ – ўйланмоқ, фикр қилинмоқ.

<sup>97</sup> қабуқ\қалуқ – эшик, дарвоза.

<sup>98</sup> суюрқа – 1. Инъом қилмоқ. 2. Хурсанд қилмоқ.

<sup>99</sup> маъзул – бўшатилган, ишдан озод этилган, йўқолиш, кетиш.

Гаҳи ишрат билан ўзин овитур,  
Гаҳ иғламоқ бирла күнглиң совитур.

Гаҳи айтур: “Дариғо, не қилойин?  
Бу әкимга<sup>100</sup> дору кимдин құлайин?”

Гаҳи айтур: “Эй күнгүл, не тиласан?  
Неча бұлмочи ишга тиш биларсан?

Ошиқлиқ бирла шоҳлиқ рост келмаз,  
Ики ишдин бириң қыл, йўқса бұлмаз.

Не хуш сўз аиди ул пири Хурасон\*,  
Кулук бир юкму тортсун ё тегирмон?

Буқун ёнимда бўлса эрди ул ёр,  
Бу янглиғ бўлмас эрдим ишқида зор.

Қани ул тунким ул ойим қатинда,  
Ёношиб ўтрур эрдим хизматинда.

Уюди баҳтим, андин сўнг ўёндим,  
Қамиштек фурқати ўтинда ёндим.

Кимга ўтнуб қилойин эмди фарёд,  
Ким ул қилсун мени бу мунгдин озод.

Қўлумга қўнмиш эрди ул лочин,  
Дариғо, онғизин ичқиндим элдин.

Қани ул тотли тиллик, оти Шириң,  
Не ялғуз оти, барча зоти шириң.

Қани ул ой бирла тун қота хуш,  
Азақ элда юрутуб қилғоним нўш.

Қани мажлисдаким ёношиб ул ёр,  
Қўли қул бўйни узра эрди тумор?

Гаҳи ул кумуш хомтек оқ зақанин,  
Тутуб ўпмак чечак янглиғ янгақин.

---

н. тк – дардлик, хасталик.

Гаҳи лаълин<sup>101</sup> сўруб хуш завқ қилмоқ,  
Гаҳи кўб ёлбориб бир қўлтга<sup>102</sup> қўлмоқ<sup>103</sup>.

Гаҳи оч арслонтек оҳуқа ёбушмоқ,  
Эринлар бирла шафтолу қабишмоқ.

Бу сўзларниким айдим, барча қўрдум,  
Хаёлму эрди, йўқса тушму йўрдум?

Кетиб хасмум, нечаким ганжим ортти,  
Вале ёрсизлиқимдин ранжим ортти.

Манга айтур ҳалойик: “Шод бўлғил,  
Тирил хуш, қазғудин озод бўлғил.

Охир кучун нетак хуш тирилойин,  
Ичимдин қазгу кетмаз, не қилойин?

Ман ул қушманким уш тўрға илиндим,  
Қутулмазман не янглиғким қилиндим.

Нечаким толбисом беркир бу боғим,  
Бу боғим бирла йўқ учфу ярогим.

Бу бир ёр қазғуси уш ақлим олди,  
Тутуб ишқи мени девона қилди.

Бу мунгдин чора йўқ ўзумни юлғу,  
Кўб эл қазғусини, билмон, не қилғу?

Манга юз қазғу егучи керак ёр,  
Агар юз қазғу есам ман бу душвор.

Эшактек юқ олиб кўтурсаман ор,  
Эшаклар кулгай ишимга, бил, эй ёр.

Кўнгул онсиз тиламаз давлату тож,  
Эрур доим анинг васлинга муҳтоҷ.

Паришон ул сабабдин бу кўнгул уш,  
Тута билмон ўзумни бир замон хуш.

---

<sup>101</sup> лаъл – мајс. қизил май.

<sup>102</sup> қулт – етакламоқ; илтимос қилмоқ?

<sup>103</sup> қўл – сўрамоқ, илтимос қилмоқ.

Бу юлдузлар ҳам райхону боғ ул,  
Паришонликта ўқ ноқис чароғ ул.

Ёрутмаз эвни учгун бўлмаса шам,  
Ким учгунлар паришон, шамъ эрур жамъ<sup>104</sup>.

Куварди бу очун, бўлди кунум тун,  
Сўкал<sup>105</sup> ўзумга безгак келди бу кун.

Чаён ининга сичқон сифмас эркан,  
Сипуртка қузрукинга боғлар андан.

Мунунгтек неча сўзлуг сўз айитти,  
Яна ўз ҳолинга боқти қайитти.

Ким уш бор давлатим, иш битгай ночор,  
Чун давлат бор эрур ҳам келгай ул ёр.

Бу давлатсиз улуғлуқ қилса бўлмаз,  
Битар иш бўлса давлат кеч қолмаз.

Топа давлат била эр барча мақсуд,  
Керак ўт анда сўнг куйдурсанга уд<sup>106</sup>.

Телим боғлиғ қабуғ давлатдин очлур,  
Бўлур вайронав давлат бирла маъмур.

Суви кўб бўлса хуш мева берур боғ,  
Авунсиз<sup>107</sup> курса бўлмоз қушқа ҳеч оғ<sup>108</sup>.

Бу сўзлар бирла ўз кўнглин овитур,  
Вале ишқ сўзин кўнглинга ёқитур.

Не қилсан қазғу ею сабр қилди,  
Сабр бирла сўнгги мақсудин булди.

---

1 Йиғинди, тўплам. 2. Барча, ҳамма  
хаста

илюнга солғанда хуш ис берадиган ёғоч  
лон  
туюк

## **Хусрав Шириңга ўфкалаң кетмишдин сүнг, Шириң Хусрав фироқындин зори қилмиши**

Мунунгтек аймиш ул сүз айған устод,  
Телим ранж бирла сүзга бермиш ул дод<sup>109</sup>.

Нетакким кетди шоҳ Шириң қотиндин,  
Фироқда түзмадин оҳ қилди Шириң.

Чечак кетти, еринда қолди хори,  
Күнгулда қолмади зарра қарори.

Тамом қурбон қўйитек йиқлиб ул ой,  
Азақ эл ерга уруб қилди қўбвой.

Узукда<sup>110</sup> тоқати чин тоқ бўлди,  
Бурунқидин минг ортуқ муштоқ бўлди.

Ёш ўрнинға кўзиндин қонлар оқти,  
Яна ёр ишқи жонин ўтқа ёқти.

Гаҳ айди: “Қани, қанда борди ёрим?  
Ким ансиз бўлди, кўнглум эмди ярим”.

Гаҳ усруктек<sup>111</sup> азақындин йиқилди,  
Гаҳ очун жавридин фарёд қилди.

Ҳавас тўлди димоғи, кетти уйқу,  
Яна ўлтурди жони узра қазғу.

Яна шавқ ўти бирла сизди ёғи,  
Узун тун бўлди қўз ёғи чароги.

Сарвтек қадди дол янглиғ эгилди,  
Чечактек менгзи қазғу бирла сўлди.

Очун хушлуклариндин кўнгли кечти,  
Ўз илкин бошинга тупроқ сочти.

Қонотти тирноқи бирла янгоқин,  
Йифидин тиймади бирдам қароқин.

<sup>109</sup> дод – маза; адолат

<sup>110</sup> узук – муҳаббат; алам

<sup>111</sup> усрук – масть

Гаҳи шаккарга бодомдин түкүб ёш,  
Гаҳи түкди түшин алга олиб тош.

Гаҳи ул югрутуб тек кезди майдон,  
Гаҳи ҳасратда қилди бүйни чавгон.

Бу күюкда сизиди ул юзи нур,  
Нетакким сув ичинда сизса кофур<sup>112</sup>.

Келиб меҳнат черики, кетти роҳат,  
Янгиланди иккинчи ул жароҳат.

Шабихун қилди ёр қазғуси күнглин,  
Синиқти сабру тоқат қочти андин.

Күнгүл буйнади ақлин ғорат этти,  
Қарори қолмади, ороми кетти.

Укуш жаҳд эттиким қуртулди жони,  
Фидоси<sup>113</sup> бўлди тун, кун бафри қони.

Гаҳи күнглинга кўб нафрин<sup>114</sup> қилди,  
Ким ўз күнглум манга бу қин<sup>115</sup> қилди.

Гаҳи баҳтинға айдиким: “Эй афёр,  
Нечага текру мени тутғасан зор?

Муродим илга ногаҳ кирмиш эрди,  
Чун ёри қилмадинг, уш қайра борди?

Узурдум бир шаҳаншоҳни кўб элдин,  
Алимга кирмиш эркан бординг элдин.

Телим ранж бирла топтум эрди ул ганж,  
Йитурдум, бўлди зойиъ, кўрмишим ранж.

Манга бу фурқати заҳрин ичурдуңг,  
Чароги кирди илкимга, ўчурдуңг.

Ноғур - тоята оқ ва хушбўй модда; маж. оппоқ тус

Муло - овқат

Нафрин - лаънат, қарғиш

Қин - қийинчилик, азоб, зиндан

Топуб мангу сувин қўймадинг ичсам,  
Йиг эрди ётмоқимдин минг кез учсам.

Чиқар ич ёнмоқимдин уш тутунум,  
Кечар елтек узамга бир бу тунум.

Пушаймон асиф йўқ, не қилғу билмон,  
Экимга дору кимдин қўлғу билмон”.

Бу сўзни айту қолмади мажоли,  
Паришон бўлди ёр ускинда ҳоли.

Гаҳ айтурким сўнгинча йўқ боройим,  
Мувофиқ тушмагай теб қайра ёrim.

Бу соқиш бирла кўнгли пора—пора —  
Бўлуб, ҳеч топмади ишинга чора.

Ериндин турди, отланди отингфа,  
Келиб кирди Миҳинбону қотингфа.

Хабар англатти Хусрав кетганиндин,  
Ўзи ҳам қўб жафолар этганиндин.

Миҳинбону билиб аҳволу борин,  
Кўраким, элтмиш ул Ширин қарорин.

Насиҳат қилдиким: “Эй жони Ширин,  
Эшиит пандимни, тут ақлинг қулоқин.

Неча кун сан бу қазғуда сабр қил,  
Ҳамиша қазғуда қолмаз киши, бил.

Чечактек тез давлат бўлмаз эзгу,  
Эвма, сабр этким ишинг биткай ақру<sup>116</sup>.

Қатиғ оқғон сув қўпруклар йиқар тарқ<sup>117</sup>,  
Сан ақрунлуқ била бунёд қил барқ<sup>118</sup>.

Ургниким солар ерга экинчи,  
Сабр бирла бошин кўтрур экинчи.

<sup>116</sup> ақру — тинч, осонгина.

<sup>117</sup> тарқ — тез.

<sup>118</sup> барқ(а) — ҳовуз

Ошуқған терк орап, югруб йүл олмаз,  
Ким ақрун сурса тун-күн борса толмаз.

Кишиким күтүрүл олтмиш ботмон осон,  
Беш ортуқ юкласанг ҳам құрқмаз андан.

Не мунча қазғу ерсан, бүл фориғ,  
Узукда қылма ол менгизни сориғ.

Сабр қил, баҳту давлат ёри қылғай,  
Тилагай ул сени ҳам зори қылғай”.

Миҳинбону бу янглиғ сүзлар айтур,  
Насиҳат қилди, Шириң күнглиң овтур.

Бу ёндин ҳам неча сүз айди Шовур,  
Қабул қилди сүзин жон бирла ул хур.

Ичурди сабр ўтиң Шовур аттор,  
Ярашти сабр бирла ул ма noctor.

Миҳинбону тақи күб панд қилди,  
Шириң күнглиң сабрқа банд қилди...

### **Хусрав Шириң учун Маряմга шафоат қылған сүзи**

Кетиб күн, чиқти эрса пардадин ой,  
Асаслар<sup>119</sup> келди теб тун чолди сурной.

Туруб Марям қотинга кирди Хусрав,  
Бүлуб ул эски савдоси яна нав.

Айиттиким: “Қулоқ(ингда) сүзүм бор,  
Кенгошурман санга ман, бүлма озор.

Ким асру әмгади ул ерда Шириң,  
Кетурсанг маслаҳат бүлғайму андин?

Сабаб ман бүлдүм, ул бадном бүлди,  
Бу янглиғ душманиңа ком бүлди.

Биз ирғарбиз<sup>120</sup> бол, ул еса қазғу,  
Әшитмакка бу иш әрмаз ҳам әзгу.

Охир давлат улаш бир ерда турмаз,  
Фалак иқбол таблин дойим урмаз.

Ижозат бергил әмди әлга кирсун,  
Азақда қолди, қайра әлка кирсун.

Табуғчилар саройинда ўтурсун,  
Аларқа сұзлашу ул овну турсун.

Күтүлсун қазғудин әмгакли жони,  
Манимтек сан тақи иззат қил они.

Валекин сан қунилаб қазғу ема,  
Мени Шириң қотинға борға(й) тема”.

Жавоб айтур сүзин бошлади Марям:  
“Ким эл ириклики, <sup>121</sup> эй шоҳи олам.

Тиласанг онт ичойин, бормагайман,  
Күнгүл фориг тут ул ёндін теди сан.

Замона шоҳлиқингдин лоф урур,  
Очун халқи қамуғ ҳукмингча юрур.

Санга ош бўлсун ушбу тотли ҳалво,  
Не ишинга келур бу қуру фавро.

Тиларсанким есанг ҳалвойи Шириң,  
Манга берсанг сўнги сафрайи<sup>122</sup> сирин.

Бу сучуклук била қилғил қаноат,  
Фузуллуқ<sup>123</sup> қилма, боқи сўз ҳикоят.

Кўярсан мени бир жодуқа қаршу,  
Ким эриксам жонимдин кунда уршу.

<sup>120</sup> иргамоқ – илгариламоқ, (бош) силкитмоқ.

<sup>121</sup> ириклик – ишбилармон, улдабурон.

<sup>122</sup> сафро – сариқ.

<sup>123</sup> фузуллуқ – ортиқчалик, бехудалик; тентаклик, эзмалик, телбалик.

Соқишиз ҳийлау макр, оллари бор,  
Саҳл ол бирла ул эр күнглин алдар.

Сени бир ҳийла бирла мендин олгай,  
Үзум бу ҳасрат ўти ичра қолгай.

Анинг афсунчилиқин каз<sup>124</sup> билурман,  
Бошимга келмасун теб сақланурман.

Телим аврат<sup>125</sup> ким ўндин бешни билмаз,  
Анинг макриндин арслонлар қугулмаз.

Хотунлар күпраки бил бадфаол ул,  
Ичи тұлуқ хабислик<sup>126</sup>, тош жамол ул.

Қиличда, отда, хотунда вафо йўқ,  
Жафо ул пешалари, сан сўзум ўқ.

Вафо эрлик нишони ул бил, эй ёр,  
Телим эрда—ма чиқмаз бир вафодор.

Тишида<sup>127</sup> келгай эрлик теса бўлмаз,  
Ким эрман тегучилардан топулмаз.

Яратмиш сўл ёндин ҳақ тишини,  
Битурмаз сўл ҳаргиз ўнг ишини.

Кўнгул боғлаб вафосизқа не ҳосил,  
Агар ақлинг бор эрса таркини қил.

Яна билгил кимунгким ғайрати бор,  
Тиши эрса эрур ул, эрдин тақи эр.

Эрур ғайратсиз эрман текли маъмун<sup>128</sup>,  
Ул эрдин йиграк ул ғайратли хотун.

Айитти Марям: “Эй шоҳ, шод бўлгил,  
Асиғсиз қазғудин озод бўлгил.

---

шундай, шу каби

вазифалар — вазифалар.

ёмон, ярамас, ифлос

хотин киши.

омонда, ҳимоя остидаги, ҳимояга олинган

Отам боши учун ким, эй шаҳаншоҳ,  
Агар Ширин бу ерга келса ногоҳ.

Кулоқ тут, хуш эшитгил сўнг сўзумни,  
Ким ўлтургайман илкингдин ўзумни.

Кўй ул бойқушни ким вайронда турсун,  
Шаҳарга келмасун, ёбонда турсун“.

Яқин билди сўзиндин шоҳ Парвиз,  
Ики хотун ярашмаз тею ҳаргиз.

Азин сўз бошлади, қўйди бу сўзни,  
Қуруғ ерда тек эмгатибон ўзни.

Яна яшрун бориб Ҳусравқа Шовур,  
Хабар кетур nekim сўзласа ул ҳур.

Не айса шоҳ жавобин қайра ул тун,  
Юрур жосус янглиғ югрур яшрун.

Бу ўюн бирла ҳайрон бўлди Ширин,  
Нетак мансиз сарап теб ул бути чин.

Кўнгулда соқшади не қилғу тею,  
Неча ўлтурғу мунтек қазғу ею?

Яна кўнгли тануқлуқ бердиким ул,  
Куяр вақтинга топғайман тею йўл.

Вафосизлиқтин эрмаз тею билди,  
Уминч<sup>129</sup> бирла ўтурди сабр қилди...

### **Шовур Фарҳодини Ширини қатинға келтургани тақи Фарҳод Ширинга ошиқ бўлгани**

Мунунг тек аймиш ул сўз айған устод,  
Саноат бирла қилмиш сўзга бунёд.

Ким ул қарши бўлуб Ширинга зиндан,  
Турур эрди бўлуб кўнгли паришон.

---

<sup>129</sup> уминч – тасалли, умид.

Ҳамиша сут эди анинг ғидоси,  
Тиламаз эрди андин ўнг егаси<sup>130</sup>.

Агар юз турлу ҳалво бўлса ё ош,  
Йўқ эрди анда бир луқма егу ош.

Йироқроқ эрди ул ердин тавори<sup>131</sup>,  
Сифир, йилқи, қора қўй, барча бори.

Табуғчиларға андин сут кетурмак,  
Кучай эрдики ҳар кун юқ кетурмак.

Тилайур эрди Ширин қилса тадбир,  
Ким эмгаксиз бу ерга келса теб шир.

Нетакким очти эрса зулфини тун,  
Қарорди мушку анбар, тўлди очун.

Яна ул ой чиқти пардасиндин,  
Ўтурди, айди Шовурга бу розин.

Эшитти қиссадин огоҳ бўлди,  
Икинчи ол чечак янглиғ очилди.

Ўга бошлади ҳиндутек парини,  
Нетакким ул Уторид\*, Муштариини\*.

Айтти: “Мунда бир бор яхши устод,  
Анинг оти эрур фарзона<sup>132</sup> Фарҳод.

Билушур эрдим анинг бирла ашну,  
Билур ул ҳандаса илмини эзгу.

Қачон ким тешасин илгинга олғай,  
Тош узра мендин ортуқ нақш қилғай.

Қилиб кўргузгай ул юз турлу санъат,  
Қайу ёндин тесанг бор анда қувват.

Ул устодлиқ била ишинг битургай,  
Осонлиқ бирла мунда сут кетургай.

\* яхши.

Иор — мол—мулқ, бойлик.

Іюна — оқил, доно, донишманд.

Бұлур устодсиз иш барча душвор,  
Буруң устод андин сүңг иш, эй ёр.

Бұлур құлмоққа соқиши бирла тартиб,  
Вале туз көлмаз ул соқишиң таркиб.

Бұлур мұмдін юзук құлмоққа осон,  
Вале билмазга олтундин йүқ имкон.

Агар фармоналасанғ холи боройин,  
Ани мен хизматинга кетуройин.

Ким өнинг бирла бир усто қотинда,  
Ики шогирд әзүк биз хизматинда.

Қамуғ иш аслини ҳаққинча билди,  
Қалам құзды манга, ул теша олди.

Үпарлар тешадин илгин қамуғ Рум,  
Қилур ул тошни теша захмидин<sup>133</sup> мұм”.

Бу янглиғ айттур Шовур сүз тугатти,  
Шириң күнглинда сут қазғуси кетти.

Нетак кун күзгуси очтиса юзин,  
Тутуб тун занги қочти занги издин\*.

Чиқиб ул ерни Шовур сурди, билди,  
Бориб издайу ҳам Фарҳодни билди.

Уқуб отландуруб йўл тутти, сурди,  
Ани Шириң табғинға кетурди.

Равон бошлаб ҳарамға олди, кирди,  
Салом қилди қўлин қовшурди, турди.

Тамом бир фил янглиғ турди Фарҳод,  
Айтти: “Бу эрур тош қазған устод”.

Табуғчилар боқишиб тонгладилар,  
“Не тонгсуқ<sup>134</sup> одам ўғли”, бу тедилар.

---

<sup>133</sup> ҳазм – хүшёрлик, ўйловчанлик, эҳтиёткорлик.

<sup>134</sup> тонгсуқ – ажойиб, гайритабиий.

Оғирладилар ул барча табуғчи,  
Рақибу посбону ҳам қабуғчи.

Равон<sup>135</sup> Шовур элин тутти, кечурди,  
Кечиб ул сандали<sup>136</sup> узра ўтурди.

Ўтурмиш парда ортинда ўшул хур,  
Юзининг шуъласиндин эв тўлуғ нур.

Соқишлиб кўнглида Фарҳод айтур:  
“Кўрайин пардадин қайра не очлур.

Қавурчоқ ўйнағучи чархи гардун,  
Не янглиғ пардадин белгуртур ўюн”.

Очун қавурчоқ ўйнин қилдиса соз,  
Чиқарди пардадин Ширин овоз.

Тўка бошлоди шаккар, лаълу ёқут,  
Шакар ёқут андин олдилар қут.

Нетакким бошлади сўз ул тили қанд,  
Ўқуб Фарҳод айди юз минг аҳсанд.

Анинг Ширин сўзини тинглайу ул,  
Кўнгул ичқинда элдин тонглайу ул.

Эшиттим оти андин бўлди Ширин,  
Ким ул сўзлари ҳадсиз эрди ширин.

Қайу мажлисда ким сўзласа ул ой,  
Ўқиғлилар қилур эрди телимвой.

Гар Афлотун эшитса оз сўзини,  
Унутғай эрди ул дам ўз сўзини.

Сўзин тинглайу ул Фарҳод ногоҳ,  
Кетиб ақли бошиндин, қилди бир оҳ.

Кўнгулда ишқ чақмоқи чақилди,  
Жони қав янглиғ ул ўтқа ёқилди.

<sup>135</sup> равон — тезда.

<sup>136</sup> сандали(й) — сандал ранг; сандал ёғочидан ясалган курси.

Тамом масрүтек<sup>137</sup> ул ерга йиқилди,  
Йилонтек чулғашу фарёд қилди.

Нетакким күрди Ширин ул ишини,  
Муайян билди ошиқ бўлмишини.

Эсиргаб қайра ул бечорасини,  
Сучук тил бирла қилди чорасини.

Уш андин айди: “Эй фарзона Фарҳод,  
Керакким қилсанган эмди мени шод.

Бу кун устодлиқингни кўргаз уш бир,  
Не қилғу қил бу бир ишимга тадбир.

Тавор биздин йироқ, сут келмаз осон,  
Тилисм қил ким оқсун, келсун андан.

Ушул ердин бу ерга текру қазгил\*,  
Йўнуб тошлар юзин маҳкам ариқ қил.

Ким ул чўпонларим сут соғсун анда,  
Оқиб иркилсун<sup>138</sup> ул сут барча мунда”.

Бу ширин сўз бирла Фарҳодни Ширин,  
Жонин юлноди горат қилди усин<sup>139</sup>.

Қулоқи сўзларин эштур вале ул,  
Бирин фаҳм этмаз айтур тек бале ул.

Йўқ имкони жавоб айғу сўзинга,  
Ожизликдин алин қўйди кўзинга.

Ки андин сўнгра ташра чиқди, турди,  
Табуғчиларни ундан қайра сўрди:

“Манга ҳоли не айди, айтинг ул жон,  
Тутойин эмди уш жон бирла фармон.

<sup>137</sup> масрү – тутқаноқ дардига мубтало бўлган.

<sup>138</sup> иркилмақ – йигилмоқ, тўпланмоқ.

<sup>139</sup> ус – бу ўринда: ўй.

Нелар айди бирини билмон уш ҳеч,  
Ақл йитланди издаб бўлмон уш ҳеч”.

Айиттилар не сўзким, кечти борин,  
Оқиб сут келгуга ариқ тилорин.

Нетакким билди эрса эштти Фарҳод,  
Анинг ҳукминга қўргазайин теб санъат.

Белин боғлади, олди тешасини,  
Қилу бошлади қайра пешасини.

Керак асбобини барча битурди,  
Бир ой ишлади, хуш ариқ етурди.

Тузатти, йўнди ариқ тошларини,  
Топулмаз қилди тошлар ошларини.

Ариқ учинда ҳам бир ҳавз қилди,  
Кўргуғли тонгламоқдин ҳайра қолди.

Ажаб шахс эрур бу одамийзод,  
Бўлур мум одамий алинда пўлот.

Бўлур, бил, иш бошланғинчда душвор,  
Не иш бошланса қилнур охир, эй ёр.

Ҳеч иш бу одам ўғлидин қутулмаз,  
Магар ўлмакким, анда чора бўлмаз.

Хабар англаттилар Ширинга ким уш,  
Тамом бўлди бир ариқ, ҳавза хуш.

Анингтек ҳавзу ариқ қилди Фарҳод,  
Ким антек қилмади бўлғай ҳеч устод.

Неча қўб сутким ул анда соқилғай,  
Тийилмадин оқиб мунда йифилғай.

Боқойин тейу Ширин ўзи келди,  
Қўруб хуш ҳавза ариқ севну кулди:

“Зиҳи устодким бу ҳавзу ариқ,  
Қилу бердинг,— теди,— қўнглумга лойиқ.

Алинг бор бўлсун дойим,—тейу Ширин,—  
Телим раҳмат ўқиди, қилди таҳсин.

Кетардинг мендин ушбу улу заҳмат,  
Сенга аҳсанту устодинг раҳмат”,

Тейу ундали қаршиқа кетурди,  
Аёқ тутти оғирлади, ўтурди.

Қулоқинда неча дона бор эрди,  
Ани зийнат учун ул асрар эрди.

Қамуғи доналарнинг эрди шоҳи,  
Ўкуш мол эрди бирининг баҳоси.

Ал уру ўз қулоқиндин чиқарди,  
“Қабул қилғил, — тейу Фарҳодга берди.—

Ким ул устодлиқингнинг музди эрмаз,  
Бу кун мундин азинга илгим эрмаз.

Буларни сот, ишинга харж қилғил,  
Уятлиғ бўлдум, озлама, қарам қил!

Агар бу ҳолдин эзгу бўлса ҳолим,  
Табуғ қилғай—ма баринча мажолим”.

Ёмонлама ол уш теб узр қилди,  
Сунуб Фарҳод ани илгиндин олди.

Фидо бўлсун санга, эй жони Ширин,  
Тейу солди азоқинға алиндин.

Уш андин тутти ул саҳро йўлини,  
Оқиту чашматек кўзлар бўлини.

Анинг ишқинда антак борди элдин,  
Ким илкин ювди безор бўлди элдин...

## **Ширин Бесутун тогинға Фарҳодни кўрмакка боргани**

Ўтурмиш эрди бир кун шод Ширин,  
Қамуғ йиглиб қотинда қизу қирқин.

Қилур эрди бири кечмиш тараб<sup>140</sup> ёд,  
Анинг бирла бўлурлар эрди дилшод.

Кечар эрди ҳикоя текма ёндин,  
Нетакким келса сўз эзгу, ёмондин.

Бери келгай яна баҳту саодат,  
Тею сўзлаштилар тангсуқ ҳикоят.

Бу янглиғ текма бири сўзлар айтур,  
Ҳикоят бирла Ширин қўнглин овтур.

Мусалсал<sup>141</sup> бўлди, сўз сўзга улошти,  
Ногаҳ Фарҳод ҳоли ўкка<sup>142</sup> тушти.

Эшиитмиш эрдилар онинг ишини,  
Узун кун тингмадин тоғ қазмишини.

Кулуб Ширин айттиким: “Боройин,  
Букун ул Бесутун тоғин кўройин.

Боқойинким не янглиғ ул кесар тош,  
Нетак ишқимда кўздин оқтурур ёш.

Магар бу тош қўнглум раҳм қилғай,  
Эсиркаб ошиқиндин узр қўлгай”.

Буюрди, от изарланг, тею Ширин,  
Изарлаб ақтачи от, тортти тизгин.

Йўқ эрди ҳозир ул соатда Гулгун,  
АЗин бир от изарланди ўшул кун.

Хиромлаб тошқа чиқти ул бути Чин,  
Равон отланди, сурди, изди тизгин.

Анингтек чуст<sup>143</sup> эди от узра ул ой,  
Ким эранларда онтек оз бўлгай.

<sup>140</sup> тараб – хурсандлик, шодлик.

<sup>141</sup> мусалсал – бир–бирига занжирга ўхшаб уланган, кети узилмас таражада сираланган; занжир шаклидаги.

<sup>142</sup> ўт – эс, ҳуш.

<sup>143</sup> чуст – тез

Эранлартек тугуб ул икки сочин,  
Соча бошлоди ерга анбару кин.

Учар қүштек отин сурди тутуб йўл,  
Елиб ел янглиф ошти кўб тўба, кўл.

Жамолиндин очунқа балқину(р) нур,  
Хиромлаб етти ул тоғларқа бу ҳур.

Анинг ёдинға ул Фарҳоди мискин,  
Кесар тош тингмадин, ёлғуз кўруб кин.

Қазар ул тош кўнгуллук ёр учун тош,  
Оқитур кўзлариндин тутшу қон ёш.

Лаъл тош аро издаб йитруб ўзин,  
Лаълtek ёш била юб тош юзин.

Кетиб қўнглиндин орому қарори,  
Қилурда оху вайло, теюрда зори.

Эшилти келди Ширин теб хабар ул,  
Тош оро топти сонғосан гуҳар ул.

Севунмакдин эли кучланди қайра,  
Кеса бошлади тоғни емра—емра.

Кўруб Шириннинг ой янглиф юзини,  
Мунаввар қилди ул юздин кўзини.

Кетурмиш эрди бора сут бирга,  
“Ол, ич ёдимга, — теди, — тўқма ерга”.

Олиб Ширин алиндин сутни Фарҳод,  
Шакартек ичти, Ширин айди: “Ҳуш бод”.

Айитти: “Соқи сансан бу эрур хуш,  
Сут эрмаз, оғу бўлса қилғаман нўш”.

Нетакким ичти ошиқ жоми боқий,  
Яна ўғради кетмакликга соқий.

Йироқ ер келмиш эрди қайра сурди,  
Гуҳар чекмакдин оти қолди, турди.

Не от, гар фил бўлса орғай эрди,  
Кумушдин қубба кўтруб толғай эрди.

Чун ошиқ қўрди ул маъшуқнинг оти,  
Юримаз, эмганур ул ой зоти.

Оти бирла ани бўйнинга ердин  
Кўтурди, йўлга кирди югру теркин.

Етурди қасринга юз ноз бирла,  
Тушурди бўйнидин эъзоз бирла.

Ани ўлтуруб ўрнинда Фарҳод,  
Қайитти оҳ тею, қилну фарёд.

Яна ул тош кеса оғоз қилди,  
Яна зориу навҳа<sup>144</sup> соз қилди.

### **Ширин ўзи ўлтурган чодирдин чиқиб, Хусрав қатига келиб кўрушгани баёни**

Ҳикоят сўзлар эркан шоҳ Шовур,  
Чиқа келди чодирдин ногаҳ ул ҳур.

Қилиб парвоз Ширин чин ҳумойтек,  
Чиқиб келди булутдин тўлун ойтек.

Кетиб ақли бошиндин кўнгли тушти,  
Азоқинга маликнинг югру тушти.

Боқиб Ширинга ногаҳ ул шоҳи Чин,  
Бошин кўтурди азақда борди алдин.

Не янглиғ хизматиким қилса ул моҳ,  
Қилур эрди ўн онча хизматин шоҳ.

Азақ ўпмақдин иш кечтиса ул дам,  
Эрин ўпмак тилар бўлди кўнгул ҳам.

Малик соқиндиким не бўлса бу тун,  
Ёқойин ўтни момуққа<sup>145</sup> туташсун.

<sup>144</sup> навҳа — товуш чиқариб йиғлаш, мунгли йифи.

<sup>145</sup> момуқ — пахта.

Нетак шоҳ хотирин билдиса Ширин,  
Ачиғланди, йироқ(роқ) борди шоҳдин.

Анинг ул ишидин шоҳ тонгқа қолди,  
Ким ул севнуб яна нек ўфка қилди?

Келиб Хусравқа яшрун Шовур,  
Агар ул ой тутулди эрса маъзур.

Уш андинким бу кунга текру ул хур,  
Чиқарди эзгу от оламда машхур.

Уш эмди қўрқар улким куч қилиб шоҳ,  
Үётдин менгизинга менг қўйса ногоҳ.

Нетак билдиса шоҳ онинг ишини,  
Не йўлдин ўтру ул сақланмишини.

Ичиб онт, аиди: “Онтек қилмағайман,  
Сени кобинсизин ҳам олмағайман.

Йифиб барча жаҳоннинг эзгуларини,  
Қилайн,— теди,— иззат бирла қобин<sup>146</sup>”.

Вале бу тун керакким хуш ўтурсанг,  
Қилиб ишрат, аёқ илга кўтурсанг.

Муродин топмаса охир ўзумуз,  
Кўрушолинг бори бирдам ўзумуз.

Малик шартин эшитти эрса Ширин,  
Очиб ул ой юзин, тарғатти парвин<sup>147</sup>.

Бўлуб лаъл эрни дурлар узра гавнос,  
Яна ул икки зулфи бўлди раққос.

Қилу неш ул шароби аргувони,  
Очилди кўнгли, хуррам бўлди жони.

<sup>146</sup> қобин — маҳр, никоҳ олдидан куёв томонидан келинга берилиши шарт бўлган мол, маблағ.

<sup>147</sup> парвин — ҳулкар юлдузи.

Аёқ йиғроқ юритти эрса соқый,  
Севинчдин қолмади (бир) журъа боқи.

Ичарда сақлашу ул бири—бирин,  
Тамом хуш асрудилар шоху Ширин.

Анингтек бўлдилар усрукким ул дам,  
Унтутилар бу шаҳват отини ҳам.

Ўюн бошлади ул дам икки ошиқ,  
Фараҳ<sup>148</sup> айи қўнгулдин қазғуқа чиқ.

Қўнгул рағбат қилур эрди, валекин,  
Не қилсун сақлар эрди шоҳ шартин.

Иликга кирди теб дўст кўнгли ул бек,  
Чиқар эрди ёзисиндин чечактек.

Юзинга бир замон суртуб юзини,  
Кетармаз эрди менгизидин кўзини.

Гаҳи бўйнин қучоқлаб ўйнаю шоҳ,  
Гаҳи лаъл эрнини сўруб, қилур оҳ.

Гаҳи илга олиб олма сақоқин,  
Суар эрди янгоқинга янгоқин.

Гаҳи ўйнаб кумушдин нори бирла,  
Ақиқин тишлар эрди хори бирла.

Гаҳи соchlари занжири(н) чўзуб ул,  
Камартек боғлар эрди белинга қўл.

Гаҳи шаккар ошаб ул лаъл эриндин,  
Сўрап эрди жулоб<sup>149</sup> оғзи териндин.

Гаҳи тонглаб анинг қиртек қароқин,  
Боқа қолур, кўруб андоми оқин.

Гаҳи тонглаю тинглар ўз сўзини,  
Кетармаз юзидин ҳаргиз кўзини.

---

<sup>48</sup> фараҳ — шодлик, қўнгулхушлик.

<sup>49</sup> жулоб\жуллоб — гулоб, гул шираси билан асал ёки шакарни тяралаштириб тайёрланган шарбат.

Гаҳи айтур: “Маним жонимға жонсан,  
Не жонким, эмди ҳам жону жаҳонсан”.

Топиб Ширинни антек севди шоҳким,  
Шакарни солди, онжоқ бу тилагим.

Нечаким рағбати ортти эрса ғоят,  
Ўюнға қилди ул тунла қаноат.

Ики ёндин бор эрди майл, валекин,  
Соқиндилар, соқиниб, эзгу отин.

Қилур эрди садаф ўз дуррини пос<sup>150</sup>,  
Ким онгсиз топмаса теб ногоҳ олмос.

Ўбушу, ўйнашу ўлтурдилар хуш,  
Қилу бир-биринга тонгқа теки нўш.

Ҳаводин субҳидам қилғинча овоз,  
Бу ялнур, ул қилур эрди ҳануз ноз.

Бу янглиғ гаҳ узр, гаҳ ноз бирла,  
Кечурдилар ўюн эъзоз бирла.

Қилу кундуз—ла иргалу тамошо,  
Қилурлар эрди хушлуқ ҳаддин оша.

Мунунгтек завқ бирла кечру ҳар кун,  
Яна ўтруб уйимадин узун тун.

Ўбушмак қаъбатайни<sup>151</sup> ул ики ёр,  
Солиб нарди қаноат ўйнадилар.

Яна сексинчи қун усрук бўлуб шоҳ,  
Бузулмосун бу шартим тею ногоҳ.

Буюрдиким икинчи ул тўлун ой,  
Яна ўз буржинга теркин қайитгай.

Черик юлдуз менгиз йиғлиб қотинда,  
Туруктилар борурқа хизматинда.

<sup>150</sup> пос — бу ўринда: қўриқлаш, сақлаш.

<sup>151</sup> қаъбатайн — нард ўйинидаги суюк тош.

Ким отлансун табуғинда боролинг,  
Оғирлаб ўз еринга еткуролинг.

Равон отланди Шириң сурди, етти,  
Табуғ қилди черик қайра қайитти.

Кун олтун елқаниким ўтру кирди,  
Кемитеқ ғарқа бўлди, тун йўқолди.

Малик ҳам манзилиндин тарқ кўчти,  
Мунуб Шабдизинга қуш янглиф учти.

Етиб элга яна бошлоди иргол<sup>152</sup>,  
Сув ўрнинга улаш оқти чоғир<sup>153</sup>, бол.

Очиб ганжлар қабуғин шоҳ ушул кун,  
Улаштурди жаҳон халқинга олтун.

Бу қор янглуғ қумушдин бўлди ер оқ,  
Анингтек ул қумушни ким сочар, боқ.

Қаю кимда қумушнинг кони бўлса,  
Улаштургай неча тан жони бўлса.

Укуш дахл эрни чу мард ўгратур, бил,  
Нарса билмаса, не сўзласун тил.

Ер урлук олмайинча бермаз ошлиқ,  
Ҳаво дарёдин олса сўнг берур жиқ.

Яна юлдузчиларқа айди ул шоҳ:  
“Боқинг, бир яхши кундин бўлунг огоҳ.

Муборак эзгу, хуш вақти тобунгким,  
Маним кўнглумча битсун бу тилаким.

Ярашсун ой бирла кунга ёвушмоқ,  
Тутулмодин кун ой бирла қовушмоқ.

Расад боғлағучи<sup>154</sup> устодлар ҳам,  
Тилакка толеъ эзгу,— теди,— бу дам”...

<sup>152</sup> иргол — инъом, бахшида қилиш.

<sup>153</sup> чоғир — май, шароб.

<sup>154</sup> расад боғлағучи — астроном; астролог.

## САЙФИ САРОЙИ

Сайфи Саройи XIV асрда яшаб ижод қилган ва эпик жанр тараққиёттида сезиларли из қолдирган шоирдир. У 1321 йилда туғилиб, 1396 йилда вафот этган.

Шоирнинг тахаллусидан маълум бўладики, у Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида яшаб ижод қилган. Шунингдек, у маълум вақт Маворауннаҳрда ва Туркияда ҳам истиқомат қилган. Сайфи Саройининг қуидаги шеъри унинг таржимаи ҳолига оид баъзи томонларни ёритишга ёрдам беради:

Илоҳи, бу қари мискин қулингни,  
Бағишила кўргузуб тўғри йўлингни.  
Маликлар расмидир дилшод қилмоқ,  
Қариса қулларин озод қилмоқ.

Кўринадики, Сайфи Саройи ҳаётининг сўнгти йилларини Мисрда ўтказган ва ватанига қайтиш учун маликдан ижозат сўраган. Бундан яна шундай хulosага келиш мумкинки, Сайфи Саройи шоҳ саройидаги эътиборли одамлардан бири бўлган.

Сайфи Саройининг яшаган ва ижод қилган даври Ўзбекхоннинг ўғли Тинибек ва Жонибек ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Бизгача шоирнинг адабий меросидан оз қисми етиб келган. Унинг бир неча фазаллари, қасида, қитъа, рубоийлари, “Суҳайл ва Гулдурсун” достони ҳамда Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асарининг ўзбек тилига қилган эркин таржимаси етиб келган. Сайфи Саройи бу асарига “Гулистони бит—туркий” деб ном қўйган.

Сайфи Саройининг бизгача етиб келган лирик шеърлари миқдор жиҳатидан оз бўлса—да, мавзу қамрови кенг: гоҳ одамийлик ва инсон қадр—қиммати, гоҳ самимий ишқ—муҳаббат, гоҳ олийжаноб инсоний туйғулар шоир шеърларининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Сайфи Саройи “Гулистони бит—туркий”да Саъдий “Гулистон”ининг асосий мағзини олиб, янги ҳикоятлар, қитъалар билан бойитди.

Сайфи Саройининг “Суҳайл ва Гулдурсун” достони ҳам бор. Шоирнинг бу достонида дунёвий ишқ, севгида вафодорлик, мардлик тараннум этилади. Бу достон кўпроқ Навоийнинг “Сабъа” сайёр достонидаги “Суҳайл ва Мехр” ҳикоятини эслатади.

### Шеърий ҳикоятларидан\*

Эшиктил бу ҳикоятни хабардур.  
Ари(ғ) йўлда юриган бир йигит эр

Бир ой юзли билан боғлаб муҳаббат  
Қилур эрди ҳамиша пок суҳбат.

Туруб бир кун ул ики ёри мавзун<sup>1</sup>,  
Кемада ўлтуруб кеттилар аркун<sup>2</sup>.

Қазо<sup>3</sup> ногаҳ\* мухолиф<sup>4</sup> ел кетурди,  
Кемани мавж уруб сувға ботурди.

Алар тушти теранг<sup>5</sup> сув ўграмина,  
Бир узгучи етиб ул ғам дамина,

Аларнинг бирина айтти: “Алинг сун<sup>6</sup>,  
Яна қилмоқ тиласанғ айш ҳар кун”.

Ул айтти: “Эй қаломи жонима қут,  
Мени қўй, бориб ул ёрим алин тут”.

Ҳақиқат ошиқ эрнинг мазҳаби ул,  
Тиласанғ бўлмаға ошиқ, алай<sup>7</sup> бўл.

Ёқарлар ул кишини ўтқа, ёрин  
Қўйуб меҳнат ичинда кетар ёрин.

Билур Сайфи Саройи ишқ расмин  
Нечукким билса ҳар устод қисмин\*.

Тири(к) бўлса эди Фарҳоду Ширин  
Ўқуғайлар эрди ишқ бобин\*.

\* \* \*

Этар бўстон ичинда айшу\* хилват,  
Килиб кўк ўт қизил гул бирла суҳбат.

Ман айттим ул қизил ўтқа: “Не сабабдин  
Олибсан буйла гул ёнинда маскан?”

Ул айтти: “Ҳақ таоло бахшишидур,  
Бу эҳсону ато доим эшидур\*.

1. **иши** – ўлчанган; **бу ўринда**: бир–бирига мос.

2. **иши** – бу ўринда: арғумоқ, тойчоқ.

3. **иши** – бирон воқеанинг юз бериши; тасодиф.

4. **ишиф** – тескари, қарама–қарши.

5. **иши** – чуқур.

6. **иши** – чўзмок, бермоқ.

7. **иши** – улардай(?)

Нечаким йўқ эса\* хусну жамолим,  
Кечар хуш фул ёнинда буйла\* ҳолим”.

Анинг зикрин қилибман қутлу пеша<sup>8</sup>,\*  
Умидим лутф эрур Ҳақдан ҳамиша.

Илоҳи, бу қари мискин қулингни  
Бағишила, қўргузуб тўғри йўлунгни.

Маликлар расмидур дилшод қилмоқ,  
Қариса қулларин озод қилмоқ.

Қари, ёрли қулунг Сайфи Саройи,  
Фақири бенаво лутфунг гадойи.

Бу кун ул минг бир отинг ҳурмати—чун,  
Ҳабибинг Мустафонинг иззати—чун.

Ани лутфунг билан дилшод қилғил,  
Бағишилаб ёзуқин, озод қилғил.

### **Сайфи Саройи замондошларининг ғазаллари ва шоирнинг уларга жавобларидан намуналар**

#### **Мавлоно Қози Мұхсин айтур, раҳматуллоҳ\***

Севдугум не одамилар жонидур,  
Қаму(ғ) хўблар хўбининг султонидур.

Кечти Лайли, кечти Ширин хўблиғи,  
Ўш бугун маним шоҳим давронидур.

Бандасидур бўйининг сарв чинор  
Ою гунаш юзининг ҳайронидур.

Янгоғи меҳрулара<sup>9</sup> олма сотар,  
Дудоғи дардларнинг дармонидур.

Не янгоқким мот этар тоза гулни,  
Не дудоқким, Мисри шаккар конидур.

<sup>8</sup> пеша — ҳунар, касб, одат.

<sup>9</sup> меҳр — қуёш

Энгаки зиндонига тушган асир  
Улки бикин Юсуф Кањонидур.

Қоши, кўзи алданурса догилар,  
Ҳуснунг таффарружи<sup>10</sup> раҳмонидур.

### Ул вазн, ул қофияда Сайфи Саройи айтур

Ул юзи ойким жаҳоннинг жонидур,  
Бу замон хўбларининг хонидур.

Ясмин<sup>11</sup> тан қомати сарви равон,  
Зулфи жаннат боғининграйхонидур.

Фамзасининг алина олам асир,  
Кўзлари даври қамар фаттонидур<sup>12</sup>,

Кирпугининг ўқина жонлар нишон,  
Қоши ёйининг жаҳон қурбонидур.

Шамс аниңг ҳар кун яқосинда туғар,  
Ул сабабдин бу жаҳон нуронийдур.

Нишласин ушшоқ<sup>13</sup> жонин чун бу кун,  
Кун, қамар юз ҳуснининг давронидур.

Кўргали Сайфи Саройи қул ани,  
Ҳақ таоло сониънинг<sup>14</sup> ҳайронидур.

### Мавлоно Исҳоқ айтур, раҳматуллоҳ\*

Назар қил бизга бир соат, аё маҳбуби руҳоний,  
Анингтек бизни хуш кўрким бигонсун ақли руҳоний

Кўзумнинг бобаги ичра хаёлинг нақш урур мутлак,  
Яна ақлим санинг ҳуснунг таниргаб фикри ҳайрони

Занаҳдонинг қудугинда кўнгул Искандари толиб,  
Ажабдур анда бўлмаса Хизрнинг оби ҳайвони.

\* таффарруж — сайд—тамошо, кўнгил очиши.

<sup>11</sup> исли, оқ ва сариф тусли гул (жасмин)

<sup>12</sup> фаттон — фитна қилувчи, мафтун этувчи.

<sup>13</sup> ушшоқ — ошиқлар, севувчилар.

<sup>14</sup> сониъ — яратувчи, пайдо қилувчи.

Бошимни ичмо олдим, фироқинг мавжина туштим,  
Етур васлинг кемасин ким әришти Нуҳ түфони.

Құрарман ҳар кече тушта қаро зулфингни занжиртек,  
Не келтургай бу бошимға ажаб ул туш паришони.

Менингтек неча ошиқлар сенинг ҳуснунг хаёлинда  
Боши ёстукқа тегмагай, тұшак ҳам күрмагай ёни.

Замона хұблари даъво қилурлар ҳусн мулкинда,  
Кел, эй Исҳоқ мискиннинг улуста инжу султони.

### **Ул вазн ва ул қофияда Сайф Саройи айтур**

Таоллоҳ зиҳи<sup>15</sup> сурат, зиҳи маҳбуби руҳоний,  
Ким онинг ҳусн шавқидин күнгуллар бўлди нуроний.

Муфарриҳ<sup>16</sup> шевали дилбар, тили тўти, сўзи шаккар,  
Кийик кўзли, қамар менгзар, малоҳат мулки султони.

Кўнгул олур кўзи оли, фараҳ берур энги оли,  
Бўйидур сарвнинг толи<sup>17</sup>, юзи жаннат гулистони.

Гунаштек белгили шоҳид, жамоли қавлим<sup>18</sup> шоҳид,  
Кечар ҳасрат билан зоҳид, йироқдан кўрмагай они.

Ало эй дилбари манзур, бу кўркинга бўлуб мағур,  
Кўнгуллар қилмагил ранжур<sup>19</sup>, кечар бу ҳусн даврони.

Бу муддатни ғанимат бил, бу фурсатта вафолар қил,  
Бу иззат бирла бўл кўб йил, халойиқнинг севар жони.

Қошинг чун байрам ойидур, жаҳон ҳуснунг гадойидур,  
Кулунг Сайфи Саройидур, бу кун ул Сониъ ҳайрони.

<sup>15</sup> зиҳи — яхши, жойида, гўзал.

<sup>16</sup> муфарраҳ — шодлантирувчи, суюнтирувчи.

<sup>17</sup> толиъ — 1. Бахт, иқбол, қисмат. 2. Толеъ кўрувчи, чиқувчи, кўринувчи (кун, ой, юлдузлар ҳақида).

<sup>18</sup> қавл — сўз, гап.

<sup>19</sup> ранжур — касал, кучсиз, эзилган

## **Мавлоно Имод Мавлавий айтур, раҳматуллоҳи алайҳ\***

Дилбарим нечага тегру, ман қулун қинда тутар,  
Ман қиличмуман, ажабким, мани ул қинда тутар.

Бу қиличтек манга қинда тутмайин, қилсин назар,  
Ким қилич күп турса қинда юзини, пас<sup>20</sup> қинда тутар.

Ман туурман бу қин ичра мубтало ожиз бўлуб,  
Ул улашу туну қун кендини завқинда тутар.

Ёлғуз эрмасман бу шоҳим дарди ичра бақирар,  
Ким жаҳон халқин тамомат ишқи шавқинда тутар.

Қарши боқса олам узра жумла ақлиндан кетар,  
Жодунинг аслин магар дилбар қароқинда тутар.

Кунтек ул кўркли висолинг тегмаларга кўргузур,  
Кул Имоди куймасинмиким фироқинда тутар.

### **Ул вази ва ул қофияда Сайфи Саройи айтур**

Бу фалак нечун мени доим фироқинда тутар,  
Бу отим Сайф<sup>21</sup> ўлдуғу чунми фироқинда тутар.

Қанда бир эрдам эри бўлса ани кўздин солиб,  
Тегма бир эрдамсиз эрни кўз қароқинда тутар.

Сўзларимнинг жавҳарин ориф кўриб, қадрин билиб,  
Кўп баҳолийдур бикин доим қулоқинда тутар.

Ал билан олди кўнгул мендан бир ой юзли малак  
Ким, муамбар<sup>22</sup> холи асвад<sup>23</sup> ол яноқинда тутар.

Хусн ичинда йўқ назири, лекин ул жони жаҳон,  
Доимо ошиқларини иштиёқинда тутар.

Одати будур ҳамиша бевафо маъшуқанинг,  
Ким анинг васлин тиласа ул фироқинда тутар.

<sup>20</sup> пас — 1. Кейин, сўнг, демак. 2. Орқа.

<sup>21</sup> Сайфи — ёз мавсуми.

<sup>22</sup> муамбар \ муанбар — хушбўй.

<sup>23</sup> асвад — қоп-қора.

Бу фалак жаври бикин Сайфи Саройи бағрини,  
Ул юзи ой ҳажр үтінинг ахтар үқінда тутар.

### **Аҳмад Ҳожа ас-Саройи айтур: раҳматуллоҳ**

Дилбаримнинг ул садаф тек оғзида дур бор эрур,  
Лаълининг шавқінда тун-кун дийдалар дур бор эрур

Зулфи сунбултек, бүйи сарв, энглари гулзор эрур,  
Бүйини күрмага бир дам булбулу гул зор эрур.

Жон олиб ҳұснунг сотар, бу не ажаб бозор эрур,  
Ё магар ошиқлара ноз этиб безор эрур.

Равза янглиғ ҳас<sup>24</sup> боғинда янгоғи нор эрур,  
Хажри ишқи күнгүлларни ёқарға нор эрур.

Банда Аҳмадни бек тобғинда хуш асрор эрур,  
Ким анинг шеъри сўзлари асрор эрур.

### **Ул вази ва ул қофияда Сайфи Саройи айтур**

Дилбаримнинг зулфи сунбул, чехраси гулзор эрур,  
Бүйина ошиқ санубар, юзина гул зор эрур.

Оғзи фистуқ, кўрки тангсуқ, ўзи мушфиқ ёр эрур,  
Ҳуснининг чови Хитоу Чин ичинда бор эрур.

Асли ялчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур,  
Минг яшар ҳа ким дудоги шарбатин тотор эрур.

Ишқининг элчисина кўнгил мунаққашвор эрур,  
Зулфина тушган кўнгилларнинг мақоми дор эрур.

Нечаким ишқи ўти бу жон ичинда бор эрур,  
Қаҳрабо узра кўзимдин дам-бадам дурбор эрур.

Шаҳд сўзи, ориф ўзи, воқифи асрор эрур,  
Васл бўстонида хуш ошиқларин асрор эрур.

Васфина Сайфи Саройининг иши ашъор эрур,  
Андин ўзга бирла ошиққа емак ош оп эрур.

---

<sup>24</sup> ҳас – тоза.

## **Абдул Мажид шеъри**

Андин бериким олди шул дилрабо күнгүл,  
Күйди жафода, күрмади ҳаргиз вафо күнгүл.

Күздин тушурди бир йўли кўз тушкали анга,  
Тарк эт тесам тилагими бермас ризо күнгүл.

Сизди таним, туганди саҳар шамитек ёниб,  
Эй-вой, не қилди қўрки бошимга бало күнгүл.

Кўрганга кўз тегар, қўл етмасга эл сунар,  
Кўйгил бу ишни эмди, баройи Худо күнгүл.

Боштин кечиб, қаро қон ичиб, қон ёшим сочиб,  
Топмади күнгүл тилагини у ҳасратта күнгүл.

Ети фалакни тарх қилиб нақд жон бирла,  
Бу ишқ дардин ўйнама, эй бенаво күнгүл.

Қон тек ёшим оқиб тун-кун йифлатур мени,  
Тегма ким эрса кулса манга не раво күнгүл.

Ё раб, кўзумдан ол бу күнгүл додини манга,  
Ким бўлди кўз балоси билан миннатаро күнгүл.

Меҳнат элина олди ҳаётим яқосини,  
Абдул қотинда қилмади бир можаро күнгүл.

## **Ул вазн ва ул қофияда Сайфи Саройи айтур**

Эй күнгуллар хаёли билан мубтало күнгүл,  
Кўзи билан кетурган ўзина бало күнгүл.

Не ерда бир қамар киби юз кўражак равон,  
Кўзун юмуб тушарсан анинг ўтина кўнгүл.

Бир гул янгоқли, жоду қароқлиға ўғрасан,  
Жонинг фидо қилурсан ўшал дам анго кўнгүл.

Султонлар ўғли зулфина густоҳ қўл сунар,  
Сенсан элинда бир пули йўқ, бенаво кўнгүл.

Ул ким сени жафо била ўлтурмакка тилар,

Минг жон билан қилурсен анга хуш дуо күнгүл.

Тортиб замона хұбларининг жаврини мудом,  
Күрдунгми ҳеч биринда булардин вафо күнгүл.

Қүйдим сенинг била неча гиз фурқат ўтина,  
Йиллар чекиб сенинг била жавру жафо күнгүл.

Қози эви на ерда, ажаб, муфти қайдадур,  
Қылғай әлим сенинг билан хуш можаро күнгүл.

Сайфи Саройини бу фироқина боғласанг,  
Хұблар жафоси бирла бұлурсан фано, күнгүл.

### **Тұғли Хожа шеъри**

Нигоро, күз учи бирла боқтинг ман құл қароқинга,  
Күзум ёши оқа тушти тушуб ман бу қаро қунға.

Күзумдин онча сел оқти, оқиндин тұлды бу олам,  
Үзум гирда борур чүптек юрур бұлдым ҳар ўқинға.

Аё, эй күрк әли хони, олиб олмас тейу әлга,  
Ахир солма мени тунда қилич янглиғ қаро қинға.

Висолинг равзасиндан бу заиф күнглум бўлиб хуррам,  
Сақинма, менда бор тоқат сенингtek шоҳ фироқинға.

Нечалар күнглин олдинг ўшал жоду қароқ бирла,  
Нечаларни асир қилдинг қароқингға, қаро қинға,

Қароқи узра тер томса, масал айни қароқинга,  
Зулуктек бармоқинг оқи урур таъна қаро қинға.

Тиласасмен сенсизин Тұғли ёши юзга етар бўлса,  
Сенинг табғингда\* фахр эткай умрнинг кисқарогинда.

### **Ул вазн ва ул қофияда Сайфи Саройи шеъри**

Менингтек нечалар ҳайрон ўшал жоду қароқингға,  
Кўруб жисмин хижолатдан равон бўлди қаро қинға.

Танининг оқи нанг узра янгоқи оли нанг ранги  
Эрур ул тоза қуш қонитеқ тўкилмиш қаро қинға.

Жамолинг күрмага ҳасрат бўлуб андан муридим ўл,  
Кўруб илгайму теб бир кез қулун сulton қароқинга.

Асиру мубтало бўлди бу қўнглум бирла бу жоним,  
Анинг фитна қароқининг қароқчитеқ қароқинга.

Висолинг доим истаб менингтек неча ошиқлар  
Чекарлар меҳнату фурқат ўзин солиб қаро қинға.

Чун ел бермадийса васл ўларман уш жафо бирла  
Фироқинда\* бўлиб рози умринг қисқарофинда.

Қаро қинға тушубтур бу Сайфи Саройи бечора,  
Нечук ўтдан чиқиб тушса қилич боғли қаро қинға.

### Ҳасан ўғли шеъри\*

Эвурди кўнглими бир хуш қамар юз жон физо дилбар,  
На дилбар дилбари шоҳид, на шоҳид, шоҳиди сарвар.  
Ман ўлсам сан бути бешакл сурохи<sup>24</sup> айлама қул-қул,  
На қул-қул, қул-қули бода, на бода, бодай аҳмар<sup>25</sup>.  
Бошимдан кетмади ҳаргиз сенунглаб ичтикум бода,  
На бода бодайи масти, на масти мастийи согар.  
Шоҳо, ширин сўзум қилур Мисрда бир замон қосид,  
На қосид қосиди қиймат, на қиймат қиймати шаккар.  
Тутушмай онча дар оташ билурмаз хислати анбар,  
На анбар анбари сўзаш<sup>26</sup>, на сўзаш сўзашни мижмар<sup>27</sup>.  
Азалда жоним ичинда ёзилди суръати маъни,  
На маъни маънийи сурат, на суръат сурати дафтар.  
Ҳасан ўғли санга гарчи дуочидир vale содик,  
На содик содиқи банда, на банда бандайи чокар.

### Ул вазн ва ул қофияда Сайфи Саройи айтур

Топулмас ҳусн мулкинда санга teng бир қамар манзар,<sup>28</sup>  
На манзар манзари шоҳид,<sup>29</sup> на шоҳид шоҳиди дилбар.

\* қроҳи(й) — май идиши.

\* аҳмар — қизил.

\* сўз — ён(моқ), куйдир(моқ).

\* мижмар — мушк анбар каби турли хушбўй моддаларни солиб,

\* манжалиган идиш (манжал).

\* қимар манзар — ой каби.

\* шоҳид — гувоҳлик.

Бу кун Юсуф жамолини қилибдур Ҳақ санга бахшиш,<sup>30</sup>  
На бахшиш бахшиши давлат, на давлат давлати мафхар.<sup>31</sup>

Сўзунг дуррӯ жавоҳирдур кўнгуллар ганжина лойиқ,  
На лойиқ лойиқи хисрав, на хисрав хисрави кишвар.<sup>32</sup>

Шакардин тотлидур хулқинг, карамда хотиринг матлаб,<sup>33</sup>  
На матлаб матлаби маъдан, на маъдан маъданни жавҳар.<sup>34</sup>

Зиҳи<sup>35</sup> давлатли ошиқум санинг бирлан қилур ишрат,  
На ишрат ишрати жаннат, на жаннат жаннати кавсар.<sup>36</sup>

Бу ҳуснинг шавқи—завқини кўнгул тўтилар топди,  
На топди топди хуш лаззат, на лаззат лаззати шаккар.

Жамолинг нақшина Сайфи Саройи боғладим сурат,  
На сурат сурати ҳасно,<sup>37</sup> на ҳасно ҳусни жонпарвар.

### Хоразмий айтур, раҳматуллоҳ

Солди никоб чехрадин ул турк ховари,  
Бўлди яна жаҳон юзи ойнатек ари.

Тун нафасина урди қүёшнинг шуъласи,  
Тўлди анинг насими билан қўқ меҳвари.

Қочти Хабаш чериги Адам қалъаси теба,  
Чиқти эса уфқ қинидин субҳ ханжари.

Анқоси қўқ Қофининг очти иккинчи бол,  
Юлдуз таври<sup>38</sup> барчаси турди ори ери.

Дарёга чекти ой, садафтек кўрунмас гавҳари,  
Соҳилга тушти Зуҳроу тилади Муштари.

---

30 бахшиш – бағишаш.

31 мафхар – фаҳрланиш.

32 хисрави кишвар – мамлакат шоҳи.

33 матлаб – талаб.

34 маъданни жавҳар – жавҳар кони.

35 зиҳи – яхши, гўзал.

36 жаннати кавсар – жаннат булоғи.

37 сурати ҳасно – ҳусн сурати.

38 тавр – равиш, йўсин, навъ, одат, қилиқ.

Соқый, қадаҳни сун, дағи қылғил равони ким,  
Бўлди равона кўк уза хуршид соғари<sup>39</sup>.

Ишрат била жаҳонни йигитликда хуш кечур,  
Ким ҳеч кишига қолмади бу бевафо қари.

Дунё санга қолурму Судаймонга қолмади,  
Улким, анга мусаххар<sup>40</sup> эди дев ҳам пари.

Хоразмийнинг гар тани тупроқ бўлса ҳам,  
Отин тири тутар жаҳон ичра сўзлари\*.

### Ул вази ва қофия уза Сайфи Саройи айтур

Олтун қанотин очти эса субҳ шунқори,  
Кўк кўлға ботти жумла кавокиб қабутари.

Искандари Рум чиқиб тикса алам,  
Бўлди кўруб азимат<sup>41</sup> ани Шом лашкари.

Тўқти қирмизи қон, оқитиб чарх тосина<sup>42</sup>,  
Туннунг юрак томирин очиб, субҳ ништари<sup>43</sup>.

Қушлар кўруб ҳавода ани бошлади равон,  
Тилма—тилча ўтмакка Оллоҳу акбари.

Жаннат менгиз бездаса ул дам ўзин жаҳон,  
Рақс урди ошиқона юруб чарх чанбари<sup>44</sup>.

Бўстон ичинда турли чечак анжуман кўруб,  
Раҳмат шароби бирла бўлуб маст ҳар бири.

Сунди пиёла лола қизил гулга гул ичиб,  
Булбулга қарши очти жамолин яна тари<sup>45</sup>.

Булбул муғаний бўлди навода тузуб нағма,  
Наргисини уйғариб яна асир этти сажора.

<sup>39</sup> соғар — май қадаҳи; хуришид соғари — қуёш.

<sup>40</sup> мусаххар — забт қилинган, ўзига қаратилган, бўйсундирилган.

<sup>41</sup> азимат — бирон ишни бажаришга қасд қилиш.

<sup>42</sup> тос — ичи чукур лаган, тогора, жом.

<sup>43</sup> ништар —

<sup>44</sup> чанбар(а) — банд, чамбарак, гардиш.

<sup>45</sup> тари(й) — 1. Янги, куврак. 2. Гўзал, тоза.

Маъшуқа қомати киби турлук чечак ори,  
Хуш қўлларим солиб солинур сарв ори бери.

Бўстон ичинда мушк сота бошлади сабо,  
Тўлди жаҳон димогина гуллар муаттари.

Ул анжуман ичинда эдим, келди ногаҳон  
Бир хуш ҳабибу мунтазиру ушшоқ дилбари.

Қаддин кўруб ер ўпти анинг сарви бўстон,  
Зулфи бирақти олама мушк ила анбари.

Айди: “Равон қасида фарра<sup>46</sup> қилиб бу кун,  
Элткил анинг қотина ким ул дар мафхари<sup>47</sup>.

Искандариянинг малики бўзлар аҳли жуд<sup>48</sup>,  
Ким хотами<sup>49</sup> замона, керак бўлса чокари<sup>50</sup>.

Ҳамза<sup>51</sup> юракли, эрдам эри Рустами замон,  
Бу аср ичинда ўзларининг йўқ баробари.

Эй маъдан<sup>52</sup> шижаату маҳдийи рўзгор<sup>53</sup>,  
Вой манбаи саховату иқбол манзари.

Сен ул ягона форс чобуксуворисан,  
Бир ўқ билан йиқарсан урубон Азанқари.

Шатранжи бахту нарди саодат санинг билан,  
Ким ўйнади — утулдию боғланди шиштари.

Базминда тутти Зухро бу ушшоқ пардасин,  
Соқий камар бўлуб санга тегучи Муштари.

Сайфи Саройи хидматина мадҳ ўқуб тўкар,  
Баҳри аruz ичиндан олиб дурри жавоҳири.

---

<sup>46</sup> фарра — мағурланиш, бирор нарсага ортиқ берилиш орқасидаги беларволик, алданиб қолиш.

<sup>47</sup> муфахар —

<sup>48</sup> жуд — 1. Инъом, эҳсон. 2. Сахийлик, қўли очиқлик.

<sup>49</sup> хотам — бўй ўринда: муҳр, тамфа.

<sup>50</sup> чокар — хизматкор.

<sup>51</sup> ҳамза — истовчи, орзу этувчи.

<sup>52</sup> маъдан — кон.

<sup>53</sup> маҳдийи рўзгор — давр, замон бешиги.

Бўлди ғарройи руҳу кўнгуллар муфарриҳи<sup>54</sup>,  
Кўркли сифатларинг била девону дафтари.

Ба мадҳи ул қасидаға қилдим жавоб ким,  
Тун зулфини кесарда тутуб субҳ ханжари.

Неча тузутса бод баҳори, абру, мушк,  
Неча чаманда бод, хазон қилса заргари.

Ончаға тегру эгу отин уза қолиб,  
Сўзлансин эл тилинда жаҳоннинг диловари<sup>55</sup>.

### “Гулистони бит-туркий”дан\*\*

#### Аввалғи боб

##### Ҳикоят

Бир султон бир асирни ўлтурмакка буюрди. Ул бечора тириклидан умидини кесиб, султонга сўқди. Масалда келиб турур: үйр ким жондан ал ювғай, не ким кўнгулда бўлса, тилина кетургай.

##### Шеър

Зарурат ҳолатинда ким қочарға тобмаса бир йўл,  
Юруб қаршу али бирлан тутар эту қиличин ул.

Султон сўрдиким: “У ўлумли киши не айтур?” Вазирлардан ғири, оқил вазир айтти: “Султон ёши узун бўлсун!”

Султон муни эшитти эса, ёзуқундан кечиб, озод қилди. Ул вазирнинг душмани бир вазир бор эди. Ул айтти: “Бизим жинсимизга лойиқ дагил, султон хизматинда ёлғон сўзламак. Ул сўзқли султонга сўқти, ярамас сўзлар сўзлади”.

Султон ул вазирдан малул<sup>56</sup> бўлуб айтти: “Мунинг ёлғон сўзи сенинг тўғри сўзунгдан яхшироқ турур, анинг учунким, анинг сўзунинг биноси маслаҳат уза турур, дафи сенинг сўзунг биноси гийбат уза турур”.

##### Шеър

Фитна юзли рост сўздан бўл йироқ,  
Маслаҳатли ёлғон андан яхшироқ.

<sup>54</sup> муфарриҳ – 1. Шодлантирувчи, кайфлантирувчи. 2. Ширин ва хуш исли дори.

<sup>55</sup> диловар – юракли, ботир, паҳлавон.

<sup>56</sup> малул – қайгули, хафа, ғамгин.

Оқил ул сўзни ўринда сўзлагай,  
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.

Ким мухолиф бўлса султон сўзина,  
Келтуур үл кўб балолар ўзина.

### Ҳикоят

Бир султон ўз раияти молина зулм алин узатиб, жавр эта бошлади. Ҳалойик зулминдан мутафарриқ<sup>57</sup> бўлди эса, иртифоъи<sup>58</sup> вилоят нуқсон топти, хазина бўшалди, даги душман голиб бўлди.

### Шеър:

Зулм қилса малик раиятга,  
Ложарам мамлакат хароб бўлур.  
Лутф душманга кўргузур бўлсанг,  
Дўстлуқ шартин үл тамом қилур.

Бир кун бу султон мажлисинда “Шоҳнома” китобин ўқур эдилар. Ул ерга еттиларким, Заҳҳок мулкининг заволи нечук эрди, даги Фаридун мамлакатин не тариқа тутти.

Султон вазирга сўрдиким: “Фаридуннинг моли ва лашкари ул қадар кўб дагил эди, нечук анга мамлакат муқаррар бўлди?” Вазир айтти: “Ҳалқани тираб келиб муованат қилдилар. Ул даги карам кўргузуб султон бўлди”.

Ҳалқнинг келмаги султон кўрки туур. Бас, сен не учун халқни тоғитурсан, магар мамлакатни тарқ этиб кетмак тиласан?

### Шеър

Хуш кўр бу раиятниким, нафъи фаровондор,  
Не ердаки султон бор, муналар била султондор.

Яна вазирга сўрдиким: “Раиятнинг жамъ бўлмоқина сабаб не туур?” Вазир айтти: “Султони карим<sup>59</sup> керакким, ҳалқ анга келгай, даги одилу мушфик бўлғай, ҳатто мамлакат эмин бўлуб қарор тутқай”.

### Шеър

Ким зулм алин узатса, султон бўлурми, бўлмас,  
Қўйларға қуврост<sup>60</sup> ҳаргиз чўпон бўлурми, бўлмас!

<sup>57</sup> мутафарриқ – бир–биридан фарқ қилган, сочилган, тарқоқ.

<sup>58</sup> иртифон – унумли, ҳосилдор.

<sup>59</sup> карим – карамли, сахий, олийжаноб.

<sup>60</sup> қуврост – бўри.

Вазир насиҳати султонға хуш келмади. Вазирни ҳибсга буюрди. Бир неча кун кечти. Султоннинг қариндоши ўғли отаси мулкининг ҳиссасин талаб қилди. Ул қавмким, андан зулм кўруб эдилар, барча муунунг қатина келиб, тақвият<sup>61</sup> қилдилар.

Алқисса, мулк ул золим элиндан чиқиб, буларға муқаррар бўлди.

## Шеър

Ул маликким, доим әлга ва улусқа куч қилур,  
Оқибат мулкин алиндан бир қавий душман олур,  
Кел, раият бирла сулҳ эт, ҳасмдан<sup>62</sup> фориғ юри,  
Чун раиятдур билурсан шоҳи одил лашкари.

## Ҳикоят

Бир малик билан тенгиз кўрмаган бир ҳалаб<sup>63</sup> қул кемага кириб ўлтурди. Ул қул чун тенгиз кўрмаган, даги кема заҳматин чекмаган эди, таҳаммул<sup>64</sup> эта билмади, қатти ун билан йиғлаб титрамакка бошлади. Не қадарким, лутф билан алдаб сўзладилар, фойда қилмади. Маликнинг хотири инган малул бўлди. Ул кемада бир ҳаким эр бор эди, келиб малик хидматина айтди: “Буйруқунг бўлса, ман ани сокин қилайин”. Айтти: “Фоят лутф бўлғай”. Ҳаким буюрдиким: “Тенгизга солинг!” Солдилар. Бир кез ботиб чиқди, иккинчи ботиб чиққанида сочиндан тутуб кема устуна кетурдилар. Ул қул икки али билан кема йибларина ёпишли, даги кириб бир ерда теб—тек ўттурди. Ҳакимнинг бу иши маликка ғоят хуш келди, даги сўрдиким: “Мунда ҳикмат не?” Айтти: “Бу гарқ бўлмоқнинг меҳнатин тотмайин, кема роҳатининг қадрин билмайин эди. Эмди бу мусибатни кўрди, кема офиятининг<sup>65</sup> қадрин билди”.

## Шеър

Эй тўқ, кўзунга арпа ўтмаги<sup>66</sup> кўрунмас хуш,  
Лекин меним оллимда иззатли мукаррамдур.  
Аъроф эрур жаннат боғи сақар<sup>67</sup> аҳлина,  
Ким аҳли жинонга<sup>68</sup> ул аъроф жаҳаннамдур.

<sup>61</sup> тақвият — қувватлаш, ёрдам бериш.

<sup>62</sup> ҳасм — душман.

<sup>63</sup> ҳалаб — ҳалаблик.

<sup>64</sup> таҳаммул — тоқат, сабр, чидам.

<sup>65</sup> офият — соғлиқ, эсонлик., хотиржамлик.

<sup>66</sup> ўтмак — нон.

<sup>67</sup> сақар — дўзах.

<sup>68</sup> жинон — жаннат.

## **Хикоят**

Бир золим ҳоким бир олим эрга сүрдиким: “Ибодатлардан фозилраки қайси туур?” Айтти: “Зүхд<sup>69</sup> вақтин уюмоқ, то ул замон ичинда халқни озор қилмагайсен”.

## **Шеър**

Күрдүм авло<sup>70</sup> вақт бир золим уюр,  
Айттим ул фитна уюса яхшироқ.  
Доим элга зулм ким қылса анинг,  
Үлмаги яхшироқ ҳаётиндан йироқ.

## **Хикоят**

Бир султон ўғлина отасиндан күб мол ва неъмат қолди. Карам алин очиб, сахо<sup>71</sup> додин<sup>72</sup> берди. Лашкарга ва раиятга фаровон мол ва неъмат багишлади.

## **Шеър**

Муборак ҳунардур жаҳонда карам,  
Карамсиз вужуди эрур күл адам.  
Улуғлуқ тиласанг сахий бўл, сахий,  
Сахийни севар Ҳақ таоло, ахий.

Ул мажлисда бир жоҳил бек насиҳат бошладиким: “Бурунги султонлар бу неъматни сайй этиб маслаҳат учун қўюб турурлар. Бу ҳаракатни оз қылғилким, илайингда кўб воқеалар бор, даги орtingда кўб душманлар бор!” Султон ўғли бу сўздан малул бўлиб айтти: “Сурунг бу қавводни!<sup>73</sup> Бир мен ичарман, бағишларман. Мен мунинг ҳориси<sup>74</sup> дегулманким емайин сақламага”.

## **Шеър**

Эл етарда эйгулук қил, эй фалон,  
Ким отинг қолғай жаҳонда жовидон.  
Қорун ўлди, қолди қирқ эв тўли ганж,  
Үлмади адли билан Нуширавон.

<sup>69</sup> зүхд – художўйлик.

<sup>70</sup> авло – 1. Бурунги. 2. Яхшироқ.

<sup>71</sup> сахо – саховат.

<sup>72</sup> дод – адолат; маза.

<sup>73</sup> қаввод – қўшмачи.

<sup>74</sup> ҳорис – ер ҳайдовчи, деҳқон.

## ФАҚИР АХЛОҚИ ИЧИНДА ТУРУР

### Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Абдулқодир Гилоний\* раҳматуллоҳи алайҳни кўрдум. Ҳарам ҳисорина юзуни қўюб айтур эрди: “Ё карим, ё раҳим, бу қулунгни бағишлиагил. Агар уқубатқа лойиқ юм, қиёмат куни мени қўзсуз қўпорғилким, эйгулар назаринда ҳижил бўлмагайман”.

### Шеър

Неча келса сабо ели саҳаргоҳ,  
Юзум ерга суруб айтурман Аллоҳ.  
Унутмон бир нафас ҳаргиз сени ман,  
Анғармисан бу қулни, эй ажаб сан.

### Ҳикоят

Бир фақиҳ<sup>75</sup> ўғли отасина айтти: “Эй ота, бу мутакаллим воғзларнинг кўркли ибодатининг асари ҳеч менга белгурмас, ул ишлат биланким, феъллари қавлларина<sup>76</sup> мувофиқ дагилдур”.

### Шеър

Элга дунё таркин ўргаткан фақиҳ,  
Ақчалар ҳосил килиб олтун йигар.  
Айтур ўзгага дағи тутмас ўзи,  
Ложарам уйған анга йўлдан озар.

### Шеър

Олимким, ул танаъум<sup>77</sup> издаб дароҳим олғай,  
Итлатиб<sup>78</sup> ўз йўлин ул кимга далил бўлгай.

Отаси айтти: “Эй ўглум, мужаррад бу хаёли ботил сўз билан иносичлар тарбиятиндин юз қайтармоқ, дағи батолат йўлин тутуб, ишшарни озғунлуққа нисбат қилмоқ, дағи маъсум фозиллар сұхратини тарқ этиб, фойдалариндан маҳрум қолмоқ, ул қўзсузга ұшарким, қаронғу кеча балчиққа тушуб айтур эрди: — Эй мусулмонлар, чароғни менинг йўлумда тутунгзу!

Бир хотун анга айтти: — Сен чароғни кўрмассан. Чароғ билан не кўргайсан?

<sup>75</sup> фақиҳ — фиқиҳ илмининг олими, диний ҳуқуқ билимдони.

<sup>76</sup> қилиб — сўз, гап.

<sup>77</sup> танаъум — ноз—неъматлар ичидагаш, роҳатда яшаш.

<sup>78</sup> ишлат — ерга урдирмоқ, ҳақорат қилдирмоқ.

Бас, олимлар мажлиси баззоз дүконина ўхшар, нечукким, анда нақд элтсанг, қумаш олурсан, дағи мунда иродат<sup>79</sup> кетурсанг, саодат элтурсан”.

### Шеър

Олиб олим сұзин самынгда<sup>80</sup> тут бек,  
Неча ким бұлмаса феъли сұзитең,  
Анинг қылса сұзина ҳар ким инкор,  
Жаҳаннамда бўлур дойим ери нор<sup>81</sup>.

Олимлар дин давлати, ислом иззати дурур, дағи имон аҳлин қоронгулуқтин чиқариб, ойдинлиққа кетуруб, тамуғ ўтиндидин халос қилиб, жаннатда Ҳақ дийдорина мушоҳада қилмаға сабаб бўлур.

### Шеър

Хонақоҳ таркин уруб бир оқил эр лайлу наҳор<sup>82</sup>,  
Мадраса кунжинда<sup>83</sup> сажжода солиб қилди қарор.  
Мен анга айттим: “Нечун ул хонақоҳ зоҳидларин,  
Тарқ этиб қилдинг фақиҳлар суҳбатини ихтиёр?”  
Ул азиз айтти: “Алар сувдин гилемини чекар,  
Бу жамоат тутмоқ издар қандаким, бир фарқ бор”.

### Ҳикоят

Бир улув шайхқа сўрдилар: “Тасаввуфнинг ҳақиқати не үтүр?” Айтти: “Мундин бурунроқ бир тоифа бор эди, суратлари паришон, дағи маънилари жамъ эди. Эмди бир қавм ҳосил бўлиб турурким, зоҳирлари жам, дағи ботинлари паришон”.

### Шеър

Бир ерда дагил келиб кетадур кўнглунг,  
Хилватда анинг учун сафо<sup>84</sup> топмассан.  
Кўнглунг туну кун бўлур эса Ҳақ бирлан,  
Хилват ўтуруб дағи эшик ёпмассан.

### Ҳикоят

Бир солиҳ эр кўрди: минг ботмон тош кўтурган паҳлавонни, ғазаби келиб, оғзи кўпукланиб ўтуур. Сўрди: “Бунга не бўлубтур?” деб. Бир киши айтти: “Мунга фалон кимарса сўкти”.

<sup>79</sup> иродат – 1. қасд, ният, хоҳиш, истак. 2. Муридлик, берилиш.

<sup>80</sup> самиъ – эшишитувчи, тингловчи, хабардор.

<sup>81</sup> нор – ўт. олов; дўзах.

<sup>82</sup> лайлу наҳор – кечаю кундуз

<sup>83</sup> кунж – бурчак.

<sup>84</sup> сафо – ёруғлик, равшанлик, хурсандлик, майшат.

Айтти: “Бу аблаң минг ботмон тошни күтуур, даги бир сүкүнчни  
күтүрә билмас”.

### Шеър

Бу эрлиқда ўкунуб лоф ууурсан,  
Нечун бас нафсинга ожиз бұлурсан.  
Дагил эрлик оғизға юмрук үрмоқ,  
Эр эсанг қуй оғизға болу қаймоқ.

### Хикоят

Бир фақиҳ эрнинг инган күрксуз қизи бор эди, хотунлар  
дамына етиб, молу жихоз ва неъмат билан ҳеч ким эрса ақди<sup>85</sup>  
никохина рағбат қилмас эди.

### Шеър

Уздан<sup>86</sup> киши ёпунса эски або ярашур,  
Күрксуз келинга күркли түн кийдириб ярашмас.

Филжумла, зарурат ҳукми билан бир күzsуз эрга ақди никох  
чилилар. Ул айёмда Ҳинд иқлиминдан бир ҳозиқ ҳаким келиб,  
и тох қилиб, күzsузлар күzун очар эди. Ул фақиҳга айттилар:  
“Сен нечук күёкунгги ул ҳакимга әлтмассан?” Айтти: “Күрқар-  
ман, даво қилиб күzin очқай, даги ул эр қизимни күrub  
бүшагай”.

### Шеър

Күрксуз ақчининг эри күzsуз керак,  
Гар күrap бўлса юзин, берур талоқ.

### Хикоят

Бир ҳакимга сўрдилар: “Шижаат билан саховатдан қайси  
иҳиироқдуур?” Айтти: “Ҳар кимда саховат бор, шижаат ҳожат  
мили”.

### Шеър

Келиб Баҳром гўринда ёзиб кетмиш муни котиб:  
“Қарам эли, яқин билким, қавий бозудан<sup>87</sup> оргуқдур.  
Кечибдур Ҳотами Тойи ва лекин то абад оти  
Халойиқнинг тилиндадур, қарам бирлан бўлуб машхур”.

<sup>85</sup> ақди – боғлаш, тутиш.

<sup>86</sup> уздан – гўзал.

<sup>87</sup> қавий бозу – кучли билак.

## ҚАНОАТ ФАЗИЛАТИНИ АЙТУР

Мисрда бир бекнинг икки ўғли қолди. Бири ул қадар илм ўқудиким, алломай аср бўлди. Бири даги ул қадар мол йиғдиким, азизи Миср бўлди.

Бир куни ул бой қариндоши бу олим қариндошина ҳақорат кўзи билан назар қилиб айтти: “Мен салтанатқа еттим, даги сен бояги масқанатда қолиб турусан”. Ул айтти: “Эй қариндош, анинг бекин шукр менга вожиб дурурким, анбиё меросин топтум, яъни илм — икки жаҳон кўрки. Даги сенга фиръавн ва Ҳомон ери, яъни Миср мулки”.

### Шеър

Мени сен ул қаринча тек яқин бил,  
Ким они йўл уза янчидек кечар фил.  
Дагилман захм уручи элга занбур<sup>88</sup>,  
Эрурман масканат мулкинда мазкур,  
Бу неъмат шукрини қилсан керак чўқ,  
Киши кўнглун йиқарга одатим йўқ.

### Ҳикоят

Ардашир Бобакон\* сийратинда келиб турур бир араб ҳакимина сўрдиларким: “Бир кунда не қадар таом емак керак?” Айтти: “Юз дирҳам вазни кифоят дурур”. Айттилар: “Ул не қадар қувват қилғай?” Айтти: “...бу қадар емак сени аёғинг устича кўтурур ... даги не қадар мундан ортурсанг, сен ани кўтарурсаноқил емак ер — тирилмак учун, даги жоҳил тири(к)лар емак учун”.

### Шеър

Емак тирилмак учундир, даги ибодат учун,  
Бу тириликинг емак учун дагил дурур ёлғуз.

### Ҳикоят

Бир яхши эр татар урушунда ёмон жароҳатли бўлди. Бир киши анга айтти: “Сенинг бу жароҳатинг давоси фалон хожа қотинда бор, бориб тиласанг бўлгайким, андан сенга бергай. Ва лекин ул хожани айтурлар: бухл<sup>89</sup> билан маъруф<sup>90</sup> эди, уйлаким:

<sup>88</sup> занбур — ари.

<sup>89</sup> бухл — баҳллик, қизғанчиқлик.

<sup>90</sup> маъруф — таниқли, билинган.

## Шеър

Гар гунашни кезласа ўтмак бекин ул суфрада,  
Құрмагай йиллар кечиб күз ул гунашни ерина”.

Андан ул мажрух эр айтти: “Анинг бекин кишидан ҳожат тиласам, бергай ё бермагай. Агар берур бўлса, фойда қилғай ё қилмағай”.

## Шеър

Ҳожат тиласам хасис эрдан,  
Буғдой тамаъ қилма шўра ердан.

Нечукким, масалда айтурлар: мазаллат<sup>91</sup> билан тири(к) юригинча, иллат билан ўлса яхшироқ.

## Шеър

Туруш юзлиниң алиндан егинча болу тар қаймоқ,  
Кулач юзлиниң алиндан олиб ҳанзал<sup>92</sup> еса хушроқ.

## Ҳикоят

Бир йил Искандария шаҳринда ёмғир ёғмади. Қаттиқ қуроқлик бўлди, уйлаким халқнинг тоқати инони алиндин етиб, кўклар эшики ер уза боғланиб, даги ер аҳлиниң фарёди кўкларга етиб туур эди.

## Шеър

Қолмади ерда жонворким аниңг  
Чиқмагай кўкка оху афгони.  
Сайл<sup>93</sup> бўлса керак халойиқнинг  
Кўзлариндан оқиб юрак қони.

Ул шаҳарда бир маъруф муҳаннас<sup>94</sup> бор эди. Дўстлардан ироқ нечаким аниңг васфин демак тарки адаб туур, аммо тақриб<sup>95</sup> ҳикоят учун сўзланди, даги қоилниңг<sup>96</sup> ажзина<sup>97</sup> ҳамл<sup>98</sup> этмасинлар деб. Бу икки байт билан ихтисор<sup>99</sup> эттим:

<sup>91</sup> мазаллат — хўрлик, хорлик.

<sup>92</sup> ҳанзал — итқовун.

<sup>93</sup> сайл\сайел — оқучи, оқадиган, суюқлик; маж. май;

<sup>94</sup> муҳаннас — заиф, шармисор.

<sup>95</sup> тақриб — яқинлаштириш, яқинлик, тахмин.

<sup>96</sup> қоил\қойил — айтувчи, сўзловчи, гапиравчи; иқрор.

<sup>97</sup> ажзина (ажзо данми?) — тана аъзолари.?

<sup>98</sup> ҳамл — 1. Кўтариш, чидаб туриш. 2. Елкага кўтарилиган юк.

<sup>99</sup> ихтисор — қисқартиш, қисқалик.

## Шеър

Ул муҳаннасни ҳалок этса татар,  
Хайр эрур, бил, ул татарнинг бу иши.  
Ҳулланинг жисми<sup>100</sup> бикин бўлғай, неча  
Сув анинг олтинда, устинда киши.

Оз далилдан кўб маъний ҳосил бўлур, даги бир овуч чошнидан<sup>101</sup> буғдой юки маълум дуур. Ул йил ул шахснинг кўп молу неъмати бор эди. Али овучи тор мискинларга олтун ақча улаштурди, даги мусофиirlарга сүфрапар тўкти, даги ул фақирларким, фоқадан<sup>102</sup> жонлари бурунларина етиб турар эди, онларни даъват қилди. Онлар келиб менга машварат қилдилар. Рози бўлмайин айттим:

## Шеър

Емас ит сарқитин келиб арслон,  
Фор ичинда очин ўлар бўлса,  
Ориф эр нафсина уюб кетмас,  
Не қадар нафс анга жафо қилса.  
Ул дагилдур фақир ким иттек,  
Текма нокас эшикина келса,  
Порсо билмагил сен ул эрни,  
Олтун оқча дуо қилиб олса.

## Ҳикоят

Бир фақир айтур: ҳаргиз замона жавриндан шикоят қилмадим, илло бир кун Куфа жомеина намоз қилмага кирдим. Кўнглум тор эди, ул сабабданким, бошмоқим йўқ, ялин оёқ эдим, кириб жомеъ ичинда бир кимарсани кўрдумким икки оёқи йўқ. Тангри таоло берган неъматларина кўб турлу шуқрлар қилдим.

## Шеър

Не қадарким семиз эса бир ён,  
Таррадан<sup>103</sup> кам кўрар ани тўқ эр.  
Оч ёрли топиб биши шалғам,  
Шишламиш қоз эти бекин хуш ер.

<sup>100</sup> Ҳулланинг жисми — сарпонинг матоси.

<sup>101</sup> чошни — маза; мазасини тотиб кўриш.

<sup>102</sup> фоқа — камбағаллик, фақирлик, муҳтожлик.

<sup>103</sup> тарра — овқатга қўшиб ейиладиган кўкат.

## СУКУТ ФОЙДАСИ ИЧИНДА ТУРУР

### Хикоят

Бир тожир ўғлиң айтурлар күб турли илму ҳунар билур эди. Қашонким, олимлар мажлисінда ўтурса, бир калима сүз сүзламас еди. Бир кун отаси айтти: “Эй ўғлум, сен дағи сүзлагил онларданким билурсан”. Айтти: “Құрқарман, билмаганимдан сұргайлар, жавоб топмайин хижил бұлғайман”.

### Шеър

Хонақоң эшикинда бир сүфи  
Қабқабина уурур эди мисмор.<sup>104</sup>  
Бир сипоҳи енгін тутыб айтти,  
Отима наъл урғул, эй байтор.<sup>105</sup>

### Хикоят

Бир мұytабар олим бирла бир мулхид<sup>106</sup> орасында мубоҳаса туши, ҳужжатлашиб, олим анинг билан чиқиша билмади, тарк этиб кетти. Бир кимарса ул олимга айтти: “Мунча турли илм фазли билан бир динсиз малъүн билан сүзлаша билмадинг?” Ул айтти: “Меним илмим Куръон ва ҳадис ва машойих каломи турур. Ул буларға мұттақид<sup>107</sup> дегул ва рози бўлмас. Бас, менга анинг куфрин эшитмак не керак”.

### Хикоят

Султон Маҳмуд\* қулларындан бир нечаси келиб, Ҳожа Ҳасан Маймандийга\* сұрдиларким: “Бу кун султон сенга не айтти, фалон маслаҳатда?” Айтти: “Ул сизга дағи ўртукли қолмагай, эшитгайсиз”. Онлар айтти: “Сен вазири мамлакатсан, ул сүзниким, султон сенга айтқай, ани бизинг текинларга айтмоқ раво дегул”. Ҳожа Ҳасан айтти: “Ул эътиқод биланким билурсиз, кишига айтмоқ керакмаз, бас, нечун сўрасиз?”

<sup>104</sup> мисмор — мих, пона.

<sup>105</sup> байтор — мол доктори.

<sup>106</sup> мулхид — ярамас, диндан қайтган.

<sup>107</sup> мұттақид — эътиқод қилувчи, қаттиқ ишонувчи.

## Шеър

Қылмади розин биликли ёр, фош,  
Кетмасун деб шоҳ сирри бирла бош.

### Ҳикоят

Санжор жомеъинда бир аблаҳ киши ҳар кун чиқиб кариҳ<sup>108</sup> ун билан мунглар эди, уйлаким эшитганлар сескана тушар эди. Жомеъ эяси эйгу сийратли, солиҳ бек эди. Тиламас эдиким, киши қўнгли андан оғриғай. Ул муаззинга айтти: “Эй азиз, бу жомеънинг қадимий муаззинлари бор, ҳар бирина беш олтун берурман. Сен ўн олтун олғил дағи бир ўзга ерга борғил”. Ул бу сўзга рози бўлиб, ул олтунни олди даги кетти.

Бир муддатдан сўнгра бу муаззин ул бекни кўрди дағи дуо қилиб айтти: “Ё амир, меним билан ҳайф<sup>109</sup> эттинг, ўн олтун бериб, ул ердан кетардинг бу ергаким келиб туурман, йигирми олтун берурларким дағи бир ўзга ерга борғил деб. Мен рози бўлмон”. Ул бек бу сўзни эшитти дағи кулуб айтти: “Зинҳор олмағилким, элли олтунга рози бўлурлар”.

## Шеър

Муаззин, яқин бил, жамоат мудом,  
Сафосиз унунгдан бўлурлар малул.  
Неча мунгласанг ул кариҳ ун билан  
Бўлур хаста, ло-шак эшиткан қўнгул.

### Ҳикоят

Бир муқрий<sup>110</sup> бир масжид эшикинда ўтуруб, кариҳ ун билан қатти чағириб, Куръон ўқур эди. Бир кимарса анга сўрди: “Мунда сенинг вазифанг не туурким, мунча заҳмат ичиндасан?” Айтти: “Вазифам йўқ, Тангри учун ўкурман”. Айтти: “Тангри учун ўқумагилким, диннинг иззатин кетарурсан”.

## Шеър

Бу қўнгуллар сафосин ул нохуш,  
Нафасинг бегумон яқин кетарур.  
Бу тариқа ўқур эсанг Куръон,  
Унунг ислом равнақин кетарур.

<sup>108</sup> кариҳ – ёқимсиз.

<sup>109</sup> ҳайф – эсиз, афсус, аттанг; ҳайф этмак – ачинмоқ, ҳайф кўрмоқ.

<sup>110</sup> муқрий – қироат қилувчи, қори.

## ИШҚ ДАГИ ЙИГИТЛИК СИФАТИ ИЧИНДА ТУРУР

### Хикоят

Шайх Саъдий айттур: Бир зоҳидни кўрдум, бир маҳбуб мұхаббати билан гирифтор бўлур, маломат<sup>111</sup> кўруб, каромат чекиб, таркин урмади.

### Шеър

Йўлунда бош ўйнаб жон таркин  
Урубмен кўргали дилдор кўркин.

Маломат қилиб айтти: “Эй ёри азиз, ақли нафисингга не бўлиниким нафси хасисинг голиб келди”. Бир замон тафаккурга бориб айтти:

### Шеър

Ажабми ишқ лажложи<sup>112</sup> суруб от,  
Салотинни пиёда бирлан ўтса.  
Кўруб ул шоҳиди раъно жамолин,  
Дегул тонг зоҳид эр зуҳдин унутса.

### Хикоят

Бир кимарсанинг кўнгли алдан кетиб дағи жон таркин уруб, назари ҳалокат ерина тушуб турар эди. Оғзи таомдан, қўзи уйқудан кесилиб, не кундуз сабри бор эди, не кеча қарори. Бир қуши бекинким тузоққа тушмиш бўлгай.

### Шеър

Васлина эришмакка недур, ажабо, тадбир,  
Маъшуқа қотинда чун туброқ била олтун бир.

Анга ёронлари насиҳат бериб айттилар: “Эй дўст, бу хаёли мұхолдан<sup>113</sup> ўзунгни чеккил. Неча сенинг қабилар бу дард билан мубтало бўлуб турурлар”. Ул ошики бечора нолаву зорий қилиб айтти:

### Шеър

Кўб ўгут бермагил менга, эй ёр,  
Чун иродат анинг алинда дурур.  
Душманин ўлтурур баҳодур эр,  
Дўстин ул ҳабиб қатл қилур.

<sup>111</sup> маломат — айб тақиши, ёмонлаш, обрўсизлантириш.

<sup>112</sup> лажлож — бир иш устида қаттиқ турувчи.

<sup>113</sup> мұхол — мушкул, қийин, ақлга сиғмайдиган.

Ул ёронларким, аниң ҳолина назари дағи рұзгорина шафқати бор эди, құрдиларким, насиҳат фойда қилмас. Мунунг ҳолин бориб ул мамдух<sup>114</sup> назар маҳбуби жаҳонқа айттилар: “Ҳар күн бу майдонға бир йигит келур. Латиф сурат, зариф сийрат, ажайыб ва гаройиб сүзлар сүзлаб, тонгсүқ нұкталар<sup>115</sup>, құркли иборат билан андин әшитурмиз. Дағи ишқ савдоси бошинда, муҳаббат дафтари алинда, ошиқона ҳаракатлари бор”. Ул маҳбуб билдиким, үзининг ошиқи турур. Отин сұруб ул йигит қотина келиб, мулотафа<sup>116</sup> билан муколама<sup>117</sup> қилиб, айтти: “Әй йигит, не ердансан, отинг ким, санъатинг не турур, келишиңг қандан?” Ул йигит муҳаббат тенгизина үйла мустағрақ<sup>118</sup> бұлуб турар әдиким, сүзламакка мажоли йүқ эди.

## Шеър

Агар сабъя<sup>119</sup> ривоят бирла Қуръон,  
Үқусанғ бир янгилмайин сен, эй жон.  
Қачон құнглунгда қылса ишқ маскан,  
Алифдан “бе”ю “те”ни билмагайсан.

Ул маҳбуб айтти: “Әй йигит, бизга нечун сүзламассан? Биз дағи фақирлар муҳиббимиз, балки фақирларга иродат<sup>120</sup> кетуруб, мурид бұлуб турұrbиз”, деди эса, ул ошиқи содиқ муҳаббат қуввати билан бошин күтариб айтти:

## Шеър

Келди киубон яна мени үltурса,  
Үltурганина үзи куюб келди магар”.  
Дағи муни айтти, жон таслим қилди.

## Хикоят

Бир кимарсаныңг йигит соҳибжамол хотуни қолмади дағи ул хотуннинг қари онаси әвда мутамаккин<sup>121</sup> үltура қолди кобин<sup>122</sup> иллати билан. Ул эр аниң чиркин мушоҳадасындан құтула билмайин мужоҳадасын<sup>123</sup> чекиб үтурур эди. Дүстларындан бир тоиға келиб мунга айтти: “Ул ёри азиз фироқындан нечук

<sup>114</sup> мамдух – мақталған.

<sup>115</sup> нұкта – нозик маңоли сүз, қизиқ, маңноси чуқур сүз.

<sup>116</sup> мулотафа – илтифот қымыз.

<sup>117</sup> муколама – гаплашмоқ.

<sup>118</sup> мустағрақ – ғарқ бұлған, чүмган.

<sup>119</sup> сабъя – етти.

<sup>120</sup> иродат – 1. Қасд, ният. 2. Муридлик, берилиш.

<sup>121</sup> мутамаккин – яшөвчи.

<sup>122</sup> кобин – маҳр, калин (пул ёки моли).

<sup>123</sup> мужоҳада – тиришиш, ғайрат қилиш.

күнчарсан?" Айтти: "Ани күрмак менга ул қадар куч келмаским, онласини күрмак куч келур".

## Шеър

Кетиб гул, булбулин нолон қўйди,  
Ажал матлаб олиб сұйбон<sup>124</sup> қўйди,  
Келур яхши сунги<sup>125</sup> учин кўтарга,  
Ёмон душман юзундан оқил эрга.

## Ҳикоят

Шайх Саъдий айттур: йигитлик айёминда бир кимарсанинг ишниниң кўнгул боғлаб эдим, ул сабабданким, юзи бадри латофатни ўзи кони малоҳат эди. Иssi тамуз<sup>126</sup> кунларинда бир кун шаша исси эдиким, бўғозни қурутуб, оғизни қайнатур эди. Іммирият заифиндан кунаш иссисина тоқат кетурмайин бир тесвор кўлкасина илтижо қилиб, бу исси заҳмати мендан бир ишни сув билан ким дафъ эткай, деб боқиб ўтирур эдим. Ноғаҳ у 1 ёвниңг қоронғу даҳлизиндан бир ойдинлиқ кўрдум, уйлаким фасоҳатнинг тили аниңг кўркли сифатлариндан ожиз эди. Сотингайсанким, қоронғу кечада тўлун ой туғди ё зулмат ишниндан оби ҳаёт чиқти. Ул маҳбуб алинда бир қадаҳ суккар шарбати қор билан қоришиб, миск ройиҳали<sup>127</sup> мовард<sup>128</sup> билан мамзуж<sup>129</sup> эди. Уйла қиёс эттимким, жамоли гулининг арақиндан онир неча қатра қадаҳқа томуб туур. Филжумла, шарбатни ул ҳабиб алиндан олиб ичтим дағи умрни аввалдан ҳисоб эттим дағи оу икки байтни бадиҳа айттим:

## Шеър

Ул кунаш юзга муборак фол эрур  
Ким, назар қиласа туруб ҳар субҳидам.  
Хамр масти уйғанур ярим кеча,  
Ишқ масти явми<sup>130</sup> маҳзиар субҳидам.

## Ҳикоят

Араб маликлариндан бир маликка Лайли ва Мажнун ҳикоятин айттилар, уйлаким Мажнун камоли фазл ва балоғат билан ошиқ ва девона бўлуб, ёзиларда ихтиёр инонин алинидан

<sup>124</sup> сұйбон — катта илон, аждаҳо.

<sup>125</sup> сунг — найза.

<sup>126</sup> тамуз — ёзниңг энг иссиқ пайти, саратон ойи, июль.

<sup>127</sup> ройиҳа — ис, ҳид, бўй.

<sup>128</sup> мовард — бирон аралашманинг номи бўлса керак.

<sup>129</sup> мамзуж — аралаш.

<sup>130</sup> явм — кундуз, вақт.

бирақиб юрур эди. Ул малик буюрдиким: “Мажнунни олиб келинг”. Бориб кетурдилар. Малик маломат қилиб айтти: “Бери кел, не нуқсон кўрдунг инсоннинг шараф нафсиңданким, бориб хайвонлар феълин туттунг даги одамий ишратин тарк эттинг?” Мажнун йиглади даги айтти:

## Шеър

Раҳм этти кўруб мени анга ошиқу зор,

Ул фоят ҳусн уза камолин кўрган.

Кескай алини турунж<sup>131</sup> ерина, филҳол,

Тонг ални уза қамар ҳилолин кўрган.

Бу маънининг даъвосининг сидқи уза тануқлуқ бергай даги айтқайлар эди: “Фазолиқуннал—лази—лумтуннани фиҳи” (Мени маломат қилганингиз — мана бу кишилар). Малик тиладиким Лайли жамолина мутолаа қилса, не суратда эмишким мунча фитналарга сабаб бўлиб туур. Буюрдиким Лайлини кетургайлар. Бориб, араб қабиласинда истаб, топуб олиб келдилар даги малик илайнда сарой саҳнинда турғуздилар. Малик суратина назар қилиб, бир шахс кўрдиким қора мағин, заифандом<sup>132</sup>, маликнинг кўзина ҳақиқар кўрунди, ул сабабданким, ҳарамининг ўксук ходими ҳусн билан андан ортуқ эди. Мажнун фаросат билан билди даги айтти: “Эй малиқ, Мажнун кўзининг даражасиндан Лайли жамолина назар қилмоқ кераксан, ҳатто мушоҳада сирри сенга тажаллий<sup>133</sup> қилғай”.

Соф эр билмас жароҳат оғрисин,  
Дардни чеккан киши билур яқин.

Кўрмаган занбур<sup>134</sup> феълин не билур,  
Ул билур ким захмин кўб еб туур.

Бўлмаса ҳолинг бизингтек, эй азиз,  
Бил ҳикоятдур қотингда ҳолимиз.

Нисбат этма дардим ўзга дардина,  
Туз тўқар ёrim жароҳат устина.

<sup>131</sup> турунж — апельсин.

<sup>132</sup> заифандом — кучсиз, заиф.

<sup>133</sup> тажаллий(й) — кўриниш, жилваланиш.

<sup>134</sup> занбур — ари.

## Олтинчи боб

# ҚАРИЛИК ДАФИ ЗАИФЛИК СИФАТИ ИЧИНДА ТУРУР

### Хикоят

Шайх Саъдий айтур: Дамашқ жомеъи ичинда фақиҳлар билан баҳс қилур эдим. Бир йигит келиб айтти: “Орангизда ажам тилин билур киши борми?” Менга ишорат қилдилар. Айттим: “Хайрми?” Айтти: “Қотимизда юз яшар киши бор, назъ ҳолатинда<sup>135</sup> турур. Ажам тили билур сўзлар. Биз билмасбиз, карам қилиб келсангиз, ул васият қилгай даги сизга хайр бўлгай”. Келиб хастани кўрдум, бу абётни ўқур эди:

### Шеър

Тиладим бир замон кўрсам жаҳонни,  
Дариғо, бўлди кўзум бабаки<sup>136</sup> жас.  
Бир—икки хуш нафас урмақ тиладим,  
Нафас йўли тутулли бўлдум ахрас.<sup>137</sup>  
Жаҳон хонининг алвон неъматиндан  
Беш олти луқма едим, айттилар: бас.

Бу сўзнинг маънисини арабча шомийларга айттим эса таажжуб қилдилар. Анинг учун умрундан дафи таассуф емаги дунё ҳаётиндан айттим: “Нечуксан?” Айтти: “Не айтайим”.

### Шеър

Бир кишининг тишин чекиб жарроҳ,  
Чиқарур бўлса, бил, недур ҳоли.  
Кел, қиёс эт, не бўлғай ул соат,  
Тотли жон чиқса, қолса тан ҳоли.

Айттим: “Ўлум тасаввурни хаёлингдан кетаргил, негаким, мараз ҳосил эса ҳалскати куллийга<sup>138</sup> далолат қилмас<sup>139</sup>. Тони била табиб изладим, келиб муолажа қилсун”. Айтти: “Ҳайҳот!”

### Шеър

Хона бу назъ ичинда нола қилур,  
Кўр, ўтачи анга даво берур.

<sup>135</sup> назъ ҳолати — ўлиш вақти.

<sup>136</sup> бабак — кўз қорачиги,

<sup>137</sup> ахрас — соқов, гунг.

<sup>138</sup> куллий — катта; кўп; ортиқ даражада; умумий.

<sup>139</sup> далолат қилмоқ — белги бермоқ, кўрсатмоқ, билдиримоқ, унダメмоқ.

Бўлди фосид<sup>140</sup> чун иътидоли<sup>141</sup> мизож,  
Не азимат<sup>142</sup> асар қилур, не илож.

### Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Диёри Бакр элинда бир оқ соқолли хожа мени эвина қўноқ әлтти. Моли кўб даги неъмати фаровон, бир соҳибжамол ўғли бор эди. Хожа бошладиким умрум ичинда мундан ўзга ўғлум бўлмиш йўқ турур. Ул қарши даги водий ичинда бир муборак хурмо агочи бор. Халойиқ бориб, зиёрат қилиб ҳожат тиларлар. Мен даги бориб, узун кечаларни қисқа қилиб, ул агоч аёқинда бош очиб, дуо қилиб, ҳожат тиладим. Тангри таоло менга бу ўғулни берди. Эшииттим ул ўғлон ёронларина айтур эди: “Тонг билан мен даги бориб ул агочқа ҳожат тилағайимким, отам тезрак ўлгай”. Отаси севунур. “Ўғлум оқил ва зийрак”, деб. Ўғли дам-бадам таъналар урурким, отам қариб мунуб турур деб.

### Шеър

Кечар йиллар отанг турбасина бир  
Келибан ўқимишинг йўқ такбир,  
Отанга эйгулукни қилдинг эса,  
Ани туткил тама ўғлингдан, эй пир.

### Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: “Суҳбатимда бир йигит бор эди, қулач юзли, ширин сўзли, латиф суратли, зариф сийратли, жаҳон қайғусиндан фориф бўлуб озод юрур эди. Иттифоқ туштикам қатимиздан сафар этти. Бир неча йилдан сўнгра кўрдум: хотун олмиш, ўғлонлари улғаймиш, Нишоти гули сўлуб, муфарриҳи айши талаф<sup>143</sup> бўлуб эди. Айттим: “Бу не ҳолат турур?” Айтти: “Ул вақт ўғлонлар отаси бўлдим, даги ўғлонлик қилмадим”.

### Шеър

Қари бўлдунг, йигитликдан алинг юв,  
Биларсанким, яна қайтмас оқар сув.  
Йигитликни йигитларга қўюб кет,  
Бу кун тонгда ужун кўб эйгулук эт.  
Бичин вақти келиб буғдой етибтур,  
Кўзунг оч уйқуданким, тонг отибтур,

<sup>140</sup> фосид — бузук.

<sup>141</sup> иътидол — мўътадиллик, ўрта даражада.

<sup>142</sup> азимат — бирон ишни бажаришга қасд қилиш, кетиш, йўлга чиқиши.

<sup>143</sup> муфарриҳи айши талаф — турмушнинг шодликлари тамом бўлиши.

Безаниб бир қари хотун тиши оз,  
Бүйб сочин қароға құб қылур ноз.  
Мен айттим: “Эй узун ёшли она, кел,  
Етар, қисқа қыл әмди хийладин ал,  
Кесилди юк құтурған күч белингдан,  
Кетибдур нозук әрдамлар алингдан,  
Билурсанким қилиб бир ҳийланы юз,  
Белинг буқрулғаны бұлмас яна туз,  
Жамолинг бояғи гулзори сүлубтур,  
Узун умринг дағи охир бұлубтур”.  
Ул айтти: “Рост айттинг, эй йигит сен,  
Нелайимким жақондан түймайиб мен”.

### **Хикоят**

Бир күн Рустам онасина қатти сүзлади. Аниң күнгли оғриб, үйегілаб айтти: “Магар кичикликни унұттанғым улуғлуқ этарсан”.

### **Шеър**

Онаси инжиниб Рустамга айтти:  
“Аё құрган үзүн ҳайбатли арслон.  
Агар бўлса эди ёдингда ул күн  
Ким, алимда ёдинг бир яшар ўғлон.  
Буқун бўйла менга жавр этмас ёдинг  
Ки, сен бир паҳлавон, мен бир қари жон”.

### **Хикоят**

Бир баҳил тоғирнинг ўғли хаста бўлди. Дўстлари келиб анга айттилар: “Маслаҳат ул дуурким, бу хаста учун Куръон хатм эткайсан ё бадали қурбон қилгайсан...” Бир замон андишага бориб айтти: “Қўйлар чўпон қотинда йироқ турур. Куръонни мен ўқигайим”. Бу сўзни эшитиб, бир ориф киши айтти: “Хатм этмакни аниң учун ихтиёр қилдиким, Куръон тил учинда дағи олтун жон ичинда туур”.

### **Шеър**

Қўни бўлса аниң тоатга бўйни,  
Саодат тўнлуқин дойим тўқигай.  
Вале бир ақча издасанг берур жон,  
Ўқу “алҳамду” десанг, юз ўқигай.

## ТАРБИЯТ ТАЪСИРИ ИЧИНДА ТУРУР

### Ҳикоят

Бир вазирнинг бир биликсиз ўғли бор эди. Ани элтиб бир олим қотина қўйдиларким, мунга тарбият қилғил. Ул тарбият баракати билан оқил бўлғай, деб. Бир муддат таълим берди. Қобили тарбият дегул эди. Тарбият таъсир қилмади. Айтти: “Муни отасина элтиб айтингким, бу оқил бўлмас ва лекин мени девона қилди”.

### Шеър

Жавҳари асл улдуур қобил  
Ким, анга тарбият асар қилғай.  
Сайқал урса, очилмағай ҳаргиз,  
Ул темурким, кўки ёмон бўлғай.

### Шеър

Бир итни едди tengизда ювса,  
Чун бўлди ўш палидрактур.  
Исо эшакин Ҳижоз элтиб,  
Кетурса яна ҳамон эшактур.

### Ҳикоят

Бир олими фозил бир малик ўғлина таълим берур эди. Ҳадсиз жавр ва ҳисобсиз жафо қилиб, бир кун бу ўғлон отаси хизматина келиб, шикоят али билан номус ёқасин йиртти даги ҳолини арз этти. Султон устодини индаб йифриб айтти: “Ўзганинг ўғлонлариндан жаврунг меним ўғлум уза ортуқроқ турур, сабаб не?” Устоди айтти: “Аввал киши керакким, не сўзласа сафиш<sup>144</sup> қилиб, аслини билиб сўзлағай даги не ҳаракатким қилса, мавзун<sup>145</sup> бўлғай. Бу барча ҳалқ ўғлонларина керак, хосса малик ўғлонлари не сўзласалар даги не ишласалар, эл тилина тушар. Аммо авомнинг қавлина даги феълина ул қадар эътибор йўқ турур”.

### Шеър

Журм<sup>146</sup> этса, қачон фақир андин,  
Кимдур сўруб эшиткан хатони.  
Султон минг ишинда бир янгилса,  
Элдин уйла еткуурурлар они.

Албатта, малик ўғлонларининг тазҳиби<sup>147</sup> ахлоқина ижтиход<sup>148</sup> ортуқрақ керак. Анданким, авом ўғлонларина бўлғай. Бу

<sup>144</sup> сафиш – саноқ, сон.

<sup>145</sup> мавзун – 1. Ўлчанган. 2. Комати келишган, чиройли.

<sup>146</sup> журм – гуноҳ, жиноят.

маник ул олимнинг ҳусни тақрирни<sup>149</sup> эшитиб, тарбиятини беканди дили хилъат ва неъмат бериб, жоҳу<sup>150</sup> мартабасин зиёдат қилди.

## Шеър

Кичиликда адаб ўгранмаган эр,  
Улу бўлса, бил андан хайр келмас.  
Эгулур ёш ағоч нечук тиласонг,  
Кури эгри ағоч ўтсуз тузалмас.

## Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: мағриб мулкунда бир куттоб фақиҳин кўрдим: турш юзли, ачи сўзли, чиркин хулқли, ёмон тирликли, кўнгуллар озор қилинчи, оч қўзли кимарса эди. Дағи суратин кўрган кишиларнинг айши талаф бўлур эди. Куръон ўқуса, шитганларнинг кўнгли корарур эди. Дағи ой юзли ўғлонлар дағи ўҳра қўзли қизлар анинг жафоси элинда гирифтор бўлуб, кўркусиндан имконлари йўқ эдиким, кулгайлар ё сўзлашгайлар. Бирининг гул яноқдарина силлилар<sup>151</sup> урур дағи бирининг нозук аёқларина шиканжа<sup>152</sup> қўяр эди.

Алқисса, эшиттимким анга бир бало келиб, ёмон ишга мансуб бўлуб, маҳқам уруб сурдилар дағи куттобни бир солиҳ кишига бердилар. Эйлаким ўзи ҳалим дағи кўнгли салим эди. Чун ўғлонлар устундан ул бурунги муаллимнинг ҳайбати кетти. Эмди бу муаллимни малак сийратинда кўрдилар, бири—бири билан девсифат бўлдилар. Бу муаллим ҳилмина<sup>153</sup> эътимол қилиб, илмни тарқ эттилар. Аксар авқотларин турууб ўйнамоқ билан кечуур эдилар. Дағи дуруст лавҳаларин бири—бирининг боши устунда ушаттилар.

## Шеър

Муаллим бўлмаса ҳайбатли, эй ёр,  
Сақолиндан тутуб ўғлонлар ўйнор.

Бир неча кундан сўнгра ул масжид эшикиндан кечдим. Кўрдум: аввалғи муаллимнинг кўнглин хуш этиб, бурунги ерина кечуур турурлар. Мужаррад ани кўрмак билан малул бўлуб, “ло ҳавл” деб айттим: бу иблисни нечун малоика уза муаллим қўюб дурурлар. Бир қари жаҳон кўрган эр эшитиб, кулуб айтти: “Эшитканинг йўқмиким айтиб турурлар:

<sup>147</sup> тазҳиб — зарлаш, олтин суви юргизиш, олтин билан нақш бериш.

<sup>148</sup> ижтиход — тиришиш, файрат кўрсатиш, янгилик излаб топиш.

<sup>149</sup> тақрир — қарор бериш.

<sup>150</sup> жоҳ — мансаб, амал.

<sup>151</sup> силли — шапалоқ.

<sup>152</sup> шиканжа — қыйноқ, азоб, уқубат.

<sup>153</sup> ҳилм — юмшоқлик, мулойимлик.

## Шеър

Бир ўғлин бир малик мактабга берди,  
Мурассаъ<sup>154</sup> эрди олтун лавҳи нақши.  
Муни лавҳинда ёзди котиб аввал,  
Ота меҳриндан устод жаври яхши”.

## Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир фақир эвдаши юклу эди. Муддати етти. Дафи бу фақирнинг умрунда ўғли бўлмиши йўқ эди.

Айтти: “Тангри таоло агар менга эр ўғил берса, бу устумдаги хирқамдан ўзга неким бор эса, фақирларга шукронга бўлсун”. Иттифоқо хотини эр ўғлон топти. Бу фақир ул ваъданинг шартина вафо қилди. Суфра баракти, турли—туман неъматлар тўкти. Ёронларина ўғлининг шукронасин едурди. Бир неча йилдан сўнгра келдим, ул фақирнинг маҳалласина етиб, анинг ҳолин нечук эмиш деб сўрдум.

Айттилар: “Волий ҳибсинда ётур”. Айттим: “Сабаб не турур?” Айттилар: “Ўғли ҳам ичиб, уруш этиб, киши ўлтуруб, шаҳардан қочди. Ул жиҳатдан отасин тутуб, алин, аёгин оғир занжир билан боғлаб ҳибсга бирақтилар”. Айттим: “Бу балони ул Тангридан ҳожат тилаб топти”.

## Шеър

Ул ўғлоннинг отаси бу балони ўз тилаб топти,  
Туну кун беслади<sup>155</sup> күштек, кийик бекин гургунча.  
Онаси тўқуз ой ўн кун кўтарди хайри бўлғай деб,  
Йилон топса эди яхши ул ўғлонни туфурғунча.

## Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир бой кишининг ўғлин кўрдум, отаси қабри уза ўтуруб, бир фақир ўғли билан мунозара қилиб айтур эди: “Отам турбасининг сандуқи уза алвон нақш қазилмиш даги олтун билан хатлар ёзилмиш, фарши кўқ мармар, кирпичлари фируза даги сенинг отангнинг гўри бир неча жик кирпичдан даги бир неча ович туброқ устуна тўкуб турурлар”. Ул фақир ўғли бу сўзни эшитиб айтти: “Тек ўтурким, сенинг отанг оғир тош остиндан тебрангунча, керак меним отам жаннатга кирмиш бўлғай”.

## Шеър

Эшакнингким юки бўлса юнгулрак,  
Юрур роҳат билан дойим било—шак.

<sup>154</sup> мурассаъ — 1. қийматли тошлар билан безатилган. 2. Шеърда икки мисрадаги сўзларнинг ҳар жиҳатдан бир—бирига мос ва оҳангдош бўлиб келиши.

<sup>155</sup> бесламоқ — парвариш қилмоқ.

## **СУХБАТ АДАБИ ИЧИНДА ТУРУР**

### **Хикмат**

Мол умр роҳати учун дуур даги умр мол жамъ этмак учун легул. Бир оқилдан сүрдилар: “Давлатли ким дуур дағи давлатсиз не дуур?” Айтти: “Давлатли улким, еди дағи еудурди, аммо давлатсиз улким, мутафарриқ<sup>156</sup> мол жамъ этти, емайин қўйди, кетти”.

### **Шеър**

Харж этиб умрин, йиғиб олтун—кумуш улким емас,  
Оргтурадур молу мулкин ҳеч ўлгайман демас.  
Дарду ҳасрат бирла ўлса устуна қилма намоз,  
Ул кишиким, охиратнинг қайфусин ҳаргиз емас.

### **Хикоят**

Мусо алайҳиссалом Қорунга насиҳат қилур эдиким: (арабча) “Худо сенга эҳсон қилгандек эҳсон қил. Ўл эшииттингким, анинг оқибати не бўлди?”

### **Шеър**

Эй фарра бўлған молина бўлур вужудунг кал—адам,  
Ҳасрат билан элтур сени ерга бу динору дирам.  
Дунё матоиндан тилар бўлсанг таматтуъ<sup>157</sup> олмаға,  
Кўргуз халойиққа сахо чун Ҳақ сенга қилди карам.

Араб масали дуур: бағишлиғил дағи миннат этмагил, анинг учунким фойдаси сенга қайтур.

### **Хикмат**

Икки киши фойдасиз ранж чекти дағи тухумни шўра ерга ёқди. Бири улким, мол йиғди дағи емади; иккинчи улким, илм ўқиди даги амал қилмади.

### **Шеър**

Сўзунг бу дууркни, мен фалон олимман,  
Чун йўқ амалинг яна ҳамон жоҳилсан.

Мунунг масали ўшул эшакка ўхшар: билмаски, юки ўтунмидур ё дафтар.

### **Хикмат**

Уч нима доим қолмас: бири — тижоратсиз мол, иккинчиси — баҳссиз илм, учунчи — сиёсатсиз мулк. Аммо ёмонларға раҳм

<sup>156</sup> мутафарриқ — бир—биридан фарқ қилган, сочилган.

<sup>157</sup> таматтуъ — баҳраланиш, фойдаланиш.

қылмоқ, эйгуларга жавр этмак бўлур даги золимлардан афв этмак фақирларга зулм қылмоқ бўлур.

### Шеър

Ёмонга эйгулук қилсанг, сунуб қўл,  
Алиигдан давлатинг олмоқ тилар ул.

### Насиҳат

Не сиррингким бор дўстларингга демагил! Не билурсанким бир вақт душман бўлғайлар, надомат емагил. Дафи не ёмонлиқким қила билур бўлсанг, душманига қилмағил! Не билурсанким, бир кун дўст бўлғай дафи не розинг бўлса ким эрса қотинда очмагил.

### Шеър

Сиррингни қўнгулда сақлағил бек,  
Мушфиқ сенга йўқ жаҳонда сентек.  
Айтма деб ани кишига айтма,  
Турмаским, ани эшитса теб—тек.

### Насиҳат

Қачонким душман қаттиқ заиф бўлса, дўстлуқ кўргузур. Аниг мақсуди мундан ортуқ дегулким, душманлигин қавий<sup>158</sup> қилур. Вақтиким, дўстларнинг дўстлуғина иътиимод<sup>159</sup> бўлмагандан, душманларнинг ёлғон дўстлуғиндан не ҳосил бўлгай. Дафи ҳар ким душманининг киччисин сахл<sup>160</sup> кўргай, анга үхшарким, оз ўтни сўндумрайин қўюб кеткай,

### Ҳикмат

Ул кишиким душманлар билан сулҳ қилур, дўстлари андан озор бўлур.

### Шеър

Алинг юв ул мунофиқ дўстданким,  
Юруп душманларинг бирлан бўлуб ёр.

### Насиҳат

Ул ишким олтун била биткай, аниг учун жонни хатарга қўймоқ керакмас.

### Насиҳат

Душманни ожиз кўруб раҳм этмагилким, қачон қодир бўлса, сенга раҳм этмас.

### Насиҳат

<sup>158</sup> қавий — .кучли, қувватли.

<sup>159</sup> иътиимод — таяниш, суюниш.

<sup>160</sup> сахл — осон, енгил.

Ҳаддан оша разабланмоқ ваҳшат кетурур. Дағи вақтсиз лутғ кўрғумак ҳайбат кетурур. Ул қадар қаттилиқ этмагилким, сендан тўйғапилар. Ул қадар юмшоқ бўлмағилким, сени аёқ остинда қўйғайлар.

### **Ҳикмат**

Қачонким душманнинг ҳийласи туганса, дўстлик силсиласин тебратар даги ул дўстлуқ билан уйла ишлар этарким, ён душманани қила билмағай.

Йилон бошин душманали билан янчгилким, икки кўркли ишдан холи дегул. Агар ул ғолиб келса, илон ўлтурдунг, вагар бу ғолиб бўлса, душмандан қуртулдунг.

### **Ҳикмат**

Ҳар ким ўзиндан олим билан мубоҳаса қилса, ҳатто билмағайларким олим дурур ва лекин жоҳиллиги маълум бўлур...

### **Ҳикмат**

Арслон билан панжа тутмоқ дағи қиличқа юмруқ урмоқ оқиллар иши дегул.

### **Ҳикмат**

Эрдамсизлар эрдам эйасин кўра билмас, нечукким, бозор итлари ов итларин тиламас, йироқдин ғавғо қилур, яқин келмас.

### **Ҳикмат**

Бўғуз балоси бўлмаса эди, қуш тузоққа тушмагай эди, сайдёт дағи тузоқни қурмагай эди. Ҳакимлар емакни кичик ерлар, обидлар ярим қорин, зоҳидлар садди рамақ<sup>161</sup>, қарилар ҳаттат-арақ<sup>162</sup>, йигитлар кўтрулча табақ, қаландарлар ҳар бири тўрт чанақ<sup>163</sup>.

### **Ҳикмат**

Хотунлар била машварат қилмоқ мусибат кетурур, дағи фосиқларға саховат қилмоқ маъсият бўлур.

### **Ҳикмат**

Жавҳар балчиққа тушса, бурунғи бекин нафис турур. Фубор кўкка чиқса, бояги бекин хасис<sup>164</sup> дурур. Дағи тарбиясиз истеъод ҳайф турур, дағи тарбият файр аҳдина зоеъ турур. Кулнинг олий нисбати бор, анинг учунким, жавҳари улвий<sup>165</sup> дурур нор ва лекин ўз нафсинда хунари йўқ, мартабаси тупроқ билан тенг дурур. Шакар қиммати ўзундан дегул, анинг хосиятиндан дурур.

<sup>161</sup> садди рамақ – жон чиқишнинг олдини олиш учун.

<sup>162</sup> ҳаттат-арақ – тер...

<sup>163</sup> чаноқ – 1. Узангининг икки учига ўрнатилган нарса. 2. Кичик тогора. 3. Тегирмон чаноғи. 4. Гўза чаноғи.

<sup>164</sup> хасис – нокас, назари паст; хайрсиз.

<sup>165</sup> улвий – юқоридаги, юксакликдаги.

## НОМА ЖАНРИ ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТ

Нома жанри узоқ тарихга эга. *Нома* сўзи “хат, мактуб” маъноларини билдиради. Номанинг илк кўринишлари Ўрта Осиё тарихида ёзма шаклда пайдо бўлмасдан илгари, буюмлар воситасида ҳам ифодаланган. Бунга мисол сифатида скифлар шохи Иданфриснинг эронийларга юборган буюмлар — камон ўқи, бақа, сичқон ва қушдан иборат ўзига хос “хат”ини эслаш кифоя.\* Бундай “хат”ларнинг тарихи жуда қадимийdir.

Номанинг илдизларини яна ҳалқ оғзаки ижодида кўрамиз. “Алпомиш” достонида номанинг илк намунаси бор. Қалмоқлар юртида қолган Барчин ўзининг ночор аҳволини баён этиб, Ҳакимбекдан ёрдам сўраб, унга нома ёзади ва бу номасини ўнта навкар орқали юборади. Маҳмуд Кошварий “Девону лугатиттурк” асарида *ирқиши* сўзини изоҳлар экан, “мактуб, нома маъносида ҳам қўлланади” (1 жилд, 17—бет), деб изоҳ беради. Шунингдек, Маҳмуд Кошварий “*қўшуғ*” сўзига изоҳ бергандা ҳам, лирик қаҳрамон Туркхон хотунга нома йўллаб, ходими хизматга тайёр эканини билдиради (1 жилд, 357—бет). “Кутадфу билиг”да Кунтуғди элиг тоғдаги форда зоҳидона ҳаёт кечираётган Ўзгурмишга мактуб юбориб, у билан учрашиб, сұхбатлашишни ихтиёр қилганини ёзади. Кунтуғдининг бу хати ҳам нома жанрининг бир кўринишидир.

Нома жанридан маълум тарихий воқеалар жараёнида ҳам истифода этилган. Милоддан олдинги 111 асрда Марказий Осиёда ҳукмдорлик қилган Ботир тангриқутнинг Хитой маликасига ёзган мактублари ва маликанинг Ботир тангриқутга ёзган жавоблари маълум.

Нома эски ўзбек тилида *бидургулук* сўзи билан ҳам ифодаланган. “Ўгузнома” достонида Ўгуз хоқон барча элларнинг ҳукмдорларига билдургулук, яъни нома юбориб, бўйсунишни ва ўлпон тўлашни талаб этади. Шу тариқа маълум эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлган хабарни ифодалаш шакллари ҳам номанинг шаклланишига асос бўлган бўлиши мумкин. Иккинчи гомондан эса, форс—тоҷик адабиётидаги нома жанри ҳам ўзбек адабиётидаги илк номанинг шаклланишига таъсир этгани шубҳасиздир. Форс адабиётида номачилик узоқ тарихга эга. X1 асрда яшаган Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин” достонида нома жанрининг мукаммалроқ намунасини кўрамиз. У “Вис ва Ромин” достонида маъшуқа Вис Роминга юборган ўнта нома келтиради. Бу номалар севги ва ҳижрон азобларига тўла мактублардир. Бу ўнта номани Фахриддин Гургоний “Даҳнома” сарлавҳаси остида беради.

Кейинчалик Авҳадий (1274–1338)нинг тугал нома жанри сифатида яратилган “Даҳнома”си юзага келди (1306–07

шилларда). Асар қайси манбалар асосида яратилганини Авҳадий кўрсатмаган. Асар тузилиши, образлар тизими билан оригинал. Авҳадийдан кейин “Даҳнома” ёзиш анъанага айланади. Милодий 1322 йили Хожа Имодиддин Фақих Кирмоний “Муҳаббатномаи соҳибдилон” ёки “Даҳнома” асарини ёзди. Бу асар ҳам ўнта номадан иборат. Номаларда муаллиф севги ҳақидаги қисқа ривоятлар билан изоҳлайди. Булар — “Варқа билан Гулшоҳ”, “Вис ва Ромин”, “Вомиқ ва Узро”, “Хусрав ва Ширин”, “Рубоб ва Даф”, “Бишр ва Ҳинд”, “Юсуф ва Зулайҳо”лардир. XІV аср охирларида ҳам Кирмонийнинг ўғли ибн Имод ҳам “Даҳнома” асарини яратди. Хуллас, XІV асрда учта “Даҳнома” яратилди. Авҳадийнинг “Даҳнома”си кейинги “Даҳнома”лар учун асос бўлган. Мазкур маълумотлардан шундай фикрга келиш мумкинки, Хоразмий, қолаверса, Олтин Ўрда адабий муҳити мазкур форсча нома жанридан яхши хабардор бўлган. Муҳаммад Ҳўжабекнинг Хоразмийга қаратा “Очунда порсий дафтларинг бор” деган гапи юқоридаги фикримизга асос бўлади\*.

### **Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари**

Шоирнинг исми маълум эмас. “Муҳаббатнома”нинг бир неча ўрнида “Хоразмий” тахаллуси учрайди. Шоир тўғрисидаги баъзи маълумотларни асарнинг ўзидан топиш мумкин. “Муҳаббатнома”дан маълум бўлишича, Хоразмий бу асарини Олтин Ўрда хони Жонибекнинг (1342–1357) қўл остидаги ҳукмдорлардан бўлган Муҳаммад Ҳўжабекнинг таклифи билан 754 (милодий 1353) йили ёзган.

Хоразмий тахаллусли шоирлар Навоийнинг “Мажолис уннафоис”идан ўрин олган. Биринчи мажлисда иккита Хоразмий тўғрисида маълумот беради. Аммо Олтин Ўрда адабий муҳитида ижод қилган Хоразмий ёки бошқа шоирлар тўғрисида маълумотлар тазқиралардан ўрин олмаган. Чамаси, бунга Олтин Ўрда адабий муҳитининг, Мамлуклар давлатига кўчгандан кейин ҳам, Мовароуннаҳр ва Хурросон давлатлари билан маданий–адабий алоқаларнинг биро оз сусайгани бўлса керак.

“Муҳаббатнома”нинг ёзилган жойи тўғрисида сўз кетганда, Сирдарё бўйидаги Сифноқ шаҳрида яратилгани айтилади. Бунга асос сифатида асардаги:

***“Муҳаббатнома” сўзин мунда айттим,  
Комуғин Сир яқосинда битидим***

деган мисралари олинади. Асар, Хоразмийнинг берган хабарига қараганда, бошқа шаҳарда тутатилган бўлса керак.

Биринчи номадаги қуидаги байт асарнинг Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрида тугатилганига ишора қиласиди:

**Саройидин борди Чин–Мочинга човинг,  
Қиё боқсанг, бўлур арслонлар овинг.**

Бу байт яна Хоразмий Олтин Ўрда адабий муҳитидан ташқарида — Мисрда ташкил топган Мамлуклар давлатида ҳам шуҳрат қозонганига ишора қиласиди. Эҳтимол, Хоразмий Сарой шаҳрига бориб, ўша ерда “Муҳаббатнома”ни тугатгандан сўнг, Мисрга кетиб, Мамлуклар давлатида яшаб қолган бўлиши мумкин. Бу фикрга далил сифатида қуидаги маълумотни келтириш мумкин:

Саъдий “Гулистан”ининг Сайфи Саройи томонидан қилинган таржимаси маълум. Шу қўлёзма таркибида Сайфи Саройига замондош шоирларнинг шеърлари ва Сайфи Саройининг ўша шоирларнинг шеърларига берган жавоблари бор (мазкур мажмууда ўша шеърлар “Сайфи Саройи” бўлимида берилган). Ана шу шеърлар орасида Хоразмий тахаллусли шоирнинг ғазали мавжуд. Ғазалнинг руҳи, услуги “Муҳаббатнома” таркибидаги ғазаллар билан бир. Бундан шундай хуносага келиш мумкинки, “Муҳаббатнома” билан ўша ғазалнинг муаллифи бир ижодкордир.

Хоразмий “Муҳаббатнома”ни ёзгунга қадар ҳам етук шоир сифатида эътироф этилганини асарнинг ўзидан англаш мумкин. Ҳусусан, ўзбек адабиёти учун тамомила янги жанрдаги асарни яратишни ҳукмдор Муҳаммад Ҳўжабек Хоразмийга топширгани ҳам фикримизнинг исботидир. Хоразмий ўзбек ва форс тилида маҳорат билан ижод қилганини “Муҳаббатнома” таркибидаги маснавий, ғазал, қитъа, фард каби қатор жанрлар қўрсатиб туради.

Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си ўзбек адабиётида нома-чиликнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлди.

### **“Муҳаббатнома”**

Улуқ Тангрининг отин ёд қилдим,  
“Муҳаббатнома”ни бунёд қилдим.

Ики ёқту гавҳар оламға берган,  
Муҳаббат ганжини оламға берган.

Фалакнинг дафтаридин тунни юған,  
Жаҳон бунёдини су узра қўйған.

Ети қат зарнигор айвони ми(й)но<sup>1</sup>,  
Яратти олти кунда Ҳақ таоло.

Ҳаво узра берур шунқорға куни,  
Тұлун ойдаг қилур бир қатра суни.

Аннингким ол әнгіда менг яратти,  
Бүйі бирла сочини тенг яратти.

Қаро тупроқтін сунбул яратти,  
Тиконлар орасинда гул яратти.

Қатиқ тоштын қилур гавҳарни пайдо,  
Куруқ найдин қилур шаккарни пайдо.

Ер узра құдрати дарё яратти,  
Садафтин лаълию<sup>2</sup> лола яратти.

Ариғ гулни арининг эши қилди,  
Сабо елин чаман фарроши қилди.

Булутлар филдаг күкраб юрурлар,  
Қайу ерга буюрса су уурулар.

Борур ерим сингак<sup>3</sup> әлгина сотур,  
Ким ул Намруднинг\* мағзин ушатур.

Қилур елни Сулаймоннинг буроқи  
Ким, ул елдур жаҳоннинг тумтароқи.

Берур қўй кутмаса Мусоға шўбон,  
Қилур Юсуфни Миср элида султон.

Қилур Айюбни меҳнат била ер,  
Тақи ўт ичра Озар\* ўғлин аспар.

Қуёшли қилди Исо фарқина<sup>4</sup> тож,  
Муҳаммад Мустафоға берди меърож.

<sup>1</sup> ми(й)но — шиша, май шишиаси; кўкимтир, ҳаво ранг; сир, нақш.

<sup>2</sup> лаъл — қизил рангли тош.

<sup>3</sup> сингак — чивин, пашша.

<sup>4</sup> фарқ — бошнинг тепаси.

Мұхаммад анбиёға шоҳ бўлди,  
Мұхаббаттин Хабибуллоҳ бўлди.

Мұхаммаддин мұхаббат бўлди пайдо,  
Мени мундоқ мұхаббат қилди шайдо.

### *Аввал кўрушгонин айтур \**

Тун оқшомким кўрунди байрам ойи,  
Мұхаммад Хўжабек давлат хумойи.

Буюрди урга шодурвон<sup>5</sup> урулди,  
Қадаҳ келтурдилар мажлис қурулди.

Ҳусайний\* пардаси узра тузуб соз,\*  
Муғаний бу газални қилди оғоз.

### *Fazal*

Чи маҳ руйи\* ту, эй сарви сарафroz,  
Ки мемонад би рӯят гул даҳанбоз.\*

Ба ёди қоматат мебўсамаш пой,  
Ниҳолероки мебинам сарафroz.

Бадан монад туро дур баногўш,  
Ки гардад зухра бо хуршид ҳамроz.\*

Хати сабзат бирезад жаъди мушкин,  
Чу тўтибаччаи дар чангали боз.

Чи монандбо лабат ҳар лаълу ёқут,  
На дар ҳар хотаме мебошад эжоз.

Ту бо мо то тавони ноз мекун,  
Ки хуш бошад зи ёри нозанин ноз.

Каманд афкан чу зулфат ҳиндуе нест,  
Чу чашмат тез турки новак андоз.

Ту сultonи сарир мулки ҳусни,  
Ба мо бечорагон гоҳ гоҳ пардоз.

---

<sup>5</sup> шодурвон – соябон, чодир.

Гулистон қай бувад холи зи булбул,  
Жамоли рўйи хубон бе назар боз.

Хушо рўзеки Хоразмий бимолад,  
Қадамхоҳи туро бар дийдаҳо боз.

### ***Баёни воқиии айтур***

Табассум қилди, айди: “Эй фалони,  
Кетургил бизга лойиқ армуғони.

Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,  
Очунда порси дафтарларинг бор.

Муҳаббат нардини кўплардан уттунг,  
Шакартек тил била оламни туттунг.

Тиларменким бизинг тил бирла пайдо,  
Китоби айласанг бу қиш қотимдо.

Ким уш елтек кечар айёми фоний,  
Жаҳонда қолса биздин армуғони”.

Қабул қилдим, ер ўптум, айдим: “Эй шоҳ!  
Эшикинг тупроғи давлатли даргоҳ.

Кучум етмишча кўп хизмат қилойин,  
Жаҳонга неку отингни ёяйин.

Бу кун тонгقا текин май нўш қилгин,  
Бадиҳа бу ғазални гўш қилгин”.

### ***Ғазал***

Юзунгни кўрдум, эй жон байрам ойин<sup>6</sup>,  
Мунунг шукронаси қурбон бўлойин.

Агар кун туғмаса ҳам ёқту<sup>7</sup> қилғай,  
Юзунг нури бу дунйининг саройин.

Гар Афлотун сенинг ишқингда тушса,  
Берур елга қамуқ тадбиру ройин<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> ойин – расм, одат, қилиқ, тарз, мисол; *байрам ойин* – байрам мисоли.

<sup>7</sup> ёқту – ёғду, нур.

<sup>8</sup> рой – фикр, қараш ҳинд подшоҳларининг унвони.

Шакартек тил била тұти тилингиз,  
Неча күп сайд этар жонлар ҳумойин<sup>9</sup>.

Саодат бирла баҳт икиси бичти,  
Бўйингизга латофатнинг буқойин.

Ижозат берсангиз тонг ёқтуситеқ,  
Жаҳонга ҳуснунгуз жонни ёйин.

Сиза теб келди, Хоразмийни асранг,  
Ким асрарлар қамуқ шаҳлар гадойин.

### ***Маснавий***

Дависқинча ғазал шаҳ гўш қилди,  
Манго хильят<sup>10</sup> киюриб қўш тутти.

Бир оз кечти доги мажлис исинди,  
Қадаҳ жаврулди—ю, май бошқа минди.

Яна фурсат била бўлдум маҳални,  
Ўқудум хизматинда бу ғазални.

### ***Ғазал***

Яротқон ким тан ичра жон яротти,  
Сени кўрклуклар узра хон яротти.

Қўёш янглиғ юзунгизни ёрутти,  
Фалактек бизни саргардон яротти.

Халойик қибласи бўлди жамолинг,  
Ўшал кунким сени яздон<sup>11</sup> яратти.

Тўлун ой таъбия<sup>12</sup> су\* узра қилди,  
Ой ичра гунчай хандон яротти.

Жамолингни жаҳонга жилва қилди,  
Мени ул сурата ҳайрон яратти.

Эшилтинг эрса\* Юсуфнинг жамолин,  
Сени ҳусн\* ичра сад чандон яротти.

<sup>9</sup> ҳумой — афсонавий қуш, давлат қуши.

<sup>10</sup> хильят — ҳашматли кийим, сарпо.

<sup>11</sup> яздон — Худо.

<sup>12</sup> таъбия — тузиш, тартибга солиш.

Карим\* тангри камолин қилса\* изҳор,  
Сен ойни бўйла бенуқсон яротти.

Зиҳи<sup>13</sup> қодир ким ул бир қатра судин,\*  
Мұҳаббат гавҳарингә кон яротти.

Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,  
Тағи манзуруни сulton яротти.

### ***Маснавий***

Китобат бошладим анжома етгай,  
“Мұҳаббатнома” Мисру Шома етгай.

Бисот узра салойи<sup>14</sup> ъома қилдим,\*  
“Мұҳаббатнома”ни ўн нома қилдим.

Қылойин икки бобин порсий ҳам,  
Ким атлас тўн ярошур бўлса мульам<sup>15</sup>.

Бурун алқисса бек мадҳин аёйин,  
Ўшандин сўзларимни\* бошлафойин.

***Мұҳаммад Ҳўжабек сифоти***  
Зиҳи арслонюрак қўнғирот уруғи,  
Кичик ёшдин улуғларнинг улуғи.

Мұҳаммад Ҳўжабек олам қувончи,  
Саодат маъданни иқбол ганжи.\*

Ўза жонсиз тан эрди мулк сенсиз,  
Шаҳаншоҳ Жонибекхонга етгансиз.\*

Сулаймон салтанатлиқ подшо сен,  
Масиҳ анфослиқ Юсуф лиқо сен.

Сипоҳинг\* тақвиятлар<sup>16</sup> динга берур,  
Фаридун ганжини мискинга берур.

<sup>13</sup> зиҳи -- яхши, қандай яхши.

<sup>14</sup> сало -- чақириқ, мурожаат; салойи эм -- умумий чақириқ.

<sup>15</sup> мульам -- ишораг қилинган.

<sup>16</sup> тақвият -- қувватлаш, ёрдам бериш.

Эсар тонг елидек елганда отинг,\*  
Күёш янглиқ жаҳонни тутти отинг\*.

Агар минг йил тирилса Ҳотами той,  
Сенинг отинг эшилтгач ерлар ўпгай.

Эрур давлатқа\* дийдоринг тавоғ<sup>17</sup> ул,  
Бўлубтур талъатингга<sup>18</sup> муштариқ кул.

Улус туттунг қамуқ ақлинг кучиндин,  
Черикта қон томар қамчинг учиндин\*.

Санго жуду<sup>19</sup> шижаат\* бўлди пеша,  
Шижаат бирла жудунгдин ҳамиша.

Гаҳе Ҳотам ўёлур базм ичинда,  
Гаҳе Рустам юпонур разм<sup>20</sup> ичинда.

Қачонким икки саф бўлса муқобил\*,  
Сенинг чокарларинг ўқ кўкраюр бил\*.

Кирар\* разм ичра тўйға киру\* янглиқ,  
Ачиқмиш бўри қўйға киру\* янглиқ.

Агар десам сени Рустам ярасен,  
Туганмас минг йил ичра мингда бири\*.

Агар мадҳинг битиса кўқ дабири<sup>21</sup>,  
Битилмас юз йил ичра мингда бири.

Неча ким бўлсалар кўқ ичра\* жовид<sup>22</sup>,  
Аторид битгачи барбатчи Ноҳид\*.

Күёштек давлатинг тобанда<sup>23\*</sup> бўлсун,  
Эшикингда\* эти кўқ\* банда бўлсун.

<sup>17</sup> тавоғ — бирон нарсанинг атрофини айланиш, зиёрат.

<sup>18</sup> талъат — юз, чеҳра, кўриниш.

<sup>19</sup> жуд — инъом, эҳсон; сахийлик.

<sup>20</sup> разм — уруш, фавро.

<sup>21</sup> дабир — котиб, мирза; маҗ. Аторуд сайёраси.

<sup>22</sup> жовид — абадий, доимо.

<sup>23</sup> тобанда — товланувчи, ярқировчи.

Айитсун банда Хоразмий дуолар\*,  
Карамдин ҳар замон қилғин атолар.\*

Санодин ўзга навъ атлас тўкуйин,  
Қиши ўртада баҳориёт ўкуйин.

Ким учмоқтур сенинг базминг биноси,  
Ҳамиша ёз\* эрур жаннат ҳавоси.

### *Fazal*

Қадаҳ чаврулди уш бўстон ичинда,  
Хуш ичгил роҳни<sup>24</sup> райҳон ичинда.

Чаман фарроши, яъне тонг насими,  
Гулафшонлиқ қилур бўстон ичинда.

Очилди ёз кечти ул ким эрди,  
Чаман Юсуфлари зиндан ичинда.

Кел, эй учмоқ гули, чимгонга<sup>25</sup> чиққил,  
Бу кун ўлтурмағил айвон ичинда.

Бизинг бек ёдиға ишрат қилоли,  
Нечаким йўқтурур биз сон ичинда\*.

Муҳаммад Ҳўжабек улким Алитеқ,  
Ўкуш жавлон қилур майдон ичинда.

Ўқи ногаҳ агар сандонга текса,  
Башоғи<sup>26</sup> тикланур сандон ичинда\*.

Аё соҳибқирони ким узарлар,  
Қиличингдин адувлар<sup>27</sup> қон ичинда.

Нишон бермас ким эрса мислингизни,  
Ироку Руму ҳам Кањон ичинда.

Хоразмийнинг кетиб ақли бошиндин,  
Турур тек сурати йўқ жон ичинда.

<sup>24</sup> роҳ — маж. май.

<sup>25</sup> чимгон — чаман.

<sup>26</sup> башоғ\бошоқ — ўқ учига бириктирилган ўткир учли метал.

<sup>27</sup> адув — душман.

### *Васфул-ҳол айтур*

Йигитсен, бода ичкил, нуқл<sup>28</sup> ошоғил\*,  
Бугундин сүнг юз эллик\* йил яшоғил.

Нишоту<sup>29</sup> айш нұшонуш<sup>30</sup> қылғил,  
Хирадни май била мадхуш<sup>31</sup> қылғил.

Ким асру бевафодур бу замона\*,  
Жаҳон қолмас кишига жовидона.

Улусқа раҳм этиб ғамхор бўлғил,  
Ҳамиша шоду бархурдор<sup>32</sup> бўлғил.

Жаҳонни эзгу отинг тутти мутлақ,  
Ямон кўздин йироқ тутсун сени ҳақ\*.

Муҳаббат бирла жониндин бу мискин,  
Дуо қилди ижобат бўлсин, омин.

Муҳаммад Ҳўжабек мадҳин тугаттим,  
“Муҳаббатнома”ни бунёд қилдим.

### *Аввалги номани айтур*

Аё кўрк ичра олам подшоҳи,  
Жаҳон тутти сенинг ҳуснунг сипоҳи.

Пари рухсораларнинг кўркка бойи,  
Юзунг наврўзу қошинг байрам ойи.

Кўнгул ширин сўзунгға бўлди Фарҳод,  
Кўзунғ Кашмир жодусига устод.

Қаро менғ ол янгоқингда\* ярошур,  
Бошим дойим адoқингға ярошур.

Бўйунг сарву санубартек белинг қил,  
Вафо қилғон кишиларга вафо қил.

<sup>28</sup> нуқл – май ичганда ейиладиган ширинлик, газак.

<sup>29</sup> нишот\нашот – суюниш, шод бўлиш.

<sup>30</sup> нұшонуш –устма–уст, сурункасига ичиш.

<sup>31</sup> мадхуш – бехуш, маст; ҳайрон.

<sup>32</sup> бархурдор – баҳраманд; лойиқ.

Ақиқинг суҳбатиндин жон бўлур сўз\*,  
Қамартек чеҳрангга боқса қамар кўз.

Урур наргисларинг<sup>33</sup> новакни жонфа,  
Кулар чеҳранг чечактек аргувонга.

Муҳаббат нори жондин кетмади ҳеч,  
Қўлум сим олмангизга етмади ҳеч.

Саройдин борди Чин Мочинга човинг,  
Қиё боқсанг, бўлар арслонлар овинг.

Табассум қилсангиз шакар ўёлур,  
Тишинг инжусидин гавҳар ўёлур.

Жамолинг етти оламға сипаҳлар,  
Қотингда ер ўпарлар жумла шаҳлар\*.

Фалак ишқинг йўлинда бесару пой,  
Исирғанг донаси Зухра, юзунг ой.

Латофат мулкида султонсен, эй жон,  
Қамуқ бошдин аёққа жон сен, эй жон.

Қатиқ кулсанг, магар оғзинг белургай,  
Пари кўрса сени ментек телургай.

Сочинг бир торина минг ҳур етмас,  
Юзунгнинг нурина минг\* нур етмас.

Агар берса суюргаб Ҳақ таоло,  
Керакмас сенсизин фирдавс аъло.

Кўнгулнинг қони қайнаб барча тошқай,  
Кўзумнинг ёшидан кавсар булашқай.

Кишининг сенсизинг не жони бўлсун,  
Анингтек умринг не сони бўлсин.

Шакар ирнинг наботи Хизра\* ўхшар,  
Аёгинг кимки ўпса мангу яшар.

---

тириис — гулнинг бир тури, бўтакўз; маж. кўз.

Жамолингтек кишининг йўқ жамоли,  
Дарего бўлмаса эрди заволи.

Қиёмат кўркласен ҳуснунгга не сўз,  
Йироқ бўлсун жамолингдин ёвуз\* кўз.

Бу кун йўқтур сен ойтек кўкта аспа\*,  
Кулунг бечора Хоразмийни аспа.

### ***Маснавий***

Кел, эй соқий, кетургил бодаи ноб<sup>34</sup>,  
Кула ўйнаю ичсунлар бу асҳоб<sup>35</sup>.

Ким ўш елтек кечар айёми фоний,  
Ажалдин ҳеч кишининг йўқ амони.

Сабурдин<sup>36</sup> яхши йўқтур пеша<sup>37</sup> қилсан,  
Бу йўлда сабр йўқ\* андеша қилсан.

### ***Иккинчи номасин айтур***

Саломим гулга элт, эй тонг насими,  
Ким эрур Ой қули, Ахтар надими<sup>38</sup>.

Саломиким кўнгул жанона эса\*,  
Ёрур кўзлар саводидин<sup>39</sup>, битиса.

Саломимни текур ул дилситонга\*,  
Раҳмсиз бевафо жону жаҳонга\*.

Саломимни текур ул кўркка бойға,  
Ким, урур чеҳраси минг таъна ойға.

Саломимни текур ул хушлиқоға,  
Қамуғ бошдин—оёқ оби бақоға<sup>40\*</sup>.

Айтиқил эй бўюнг туби бутоқи,  
Қулунг(нунг) ҳаддин ошти иштиёқи.

<sup>34</sup> ноб — тоза, тиник, соф.

<sup>35</sup> асҳоб — сұхбатдошлар, улфатлар, дўстлар.

<sup>36</sup> сабур — сабр, бардош.

<sup>37</sup> пеша — касб, ҳунар, одат.

<sup>38</sup> надим — ҳамсұхбат, яхши хизматкор.

<sup>39</sup> савод — кора; қоронгулик.

<sup>40</sup> бақо — абадий.

Айитқил эй висолинг умр бοғи,  
Эшикинг тупроги кавсар булоги.

Айитқил, эй сўзи ёлғон жафокор,  
Қароқлари қароқчи, ўзи айёр.

Айит, эй меҳринг\* оз, ишванг\* фаровон,  
Нетар ул\* оғизда мунча ёлғон.

Айит, мандин ким ул мискин урур ох,  
Қачон ингай гадонинг уйини\* шоҳ.

Қачон қилғай кўзумни ёқту ул ой,  
Эрур юзи қүёштек оламорой.

Қачон лаълинг қадаҳлар нуш қилғай,  
Карашманг бандани мадҳуш қилғай.

Зиҳи\* фархунда<sup>41</sup> толиъ бахтиёри,  
Ким ул ҳасратта\* бир кун топса бори.

Юзунгдин билгуур\* давлат нишони,  
Ўромунг тупроги баҳт ошиёни.

Жаҳон тутти жамолинг дод қилғил\*,  
Бу мискинни бирар ҳам ёд қилғил.

Сенингтек подшоҳнинг\* марҳабоси,  
Менингтек минг гадонинг хун баҳоси.

Кучум етгунча кўп қилдим вафолар,  
Вафолиқ қулини асрар подшолар.

Манга сенсиз ўлумдур бу ҳаётим,  
Сенинг меҳринг била йўғрилди зотим<sup>42\*</sup>.

Кўнгулга ўзганинг меҳрин ёвутмон,  
Йироқ(лик) бирла мен сизни унутмон.

Эрурман васлингга дойим талабкор,  
Нечаким тун узун бўлса тонги бор.

---

архунда — баҳтли, қувончли  
эт — бу ўринда: моҳият, бирон нарсанинг асли.

Топилғай мақсудум топқунгда бори,  
Саодат қылса Ҳоразмийга ёри.

Оғир уйқучи баҳтим неча ётқай,  
Висолинг машриқидин ҳам тонг отқай.

### ***Маснави***

Кел, эй соқый, кетургил жоми Жамни,  
Кишининг кўнглидин май юр ғамни\*.

Ким ошти кўкка оҳим иҳтироқи,  
Куюрди кўнглуми дилбар фироқи.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсан,  
Бу йўлда сабур йўқ\* андеша қилсан.

### ***Учинчи номасин айтур***

Аёй хуршидтек олам чароги,  
Мунаввар чеҳрангиз фирдавс боғи.

Қамуқ кўрклуклар узра подшосен,  
Масиҳ анфослиқ Юсуфлиқосен.

Очилса лаълингиз шаккар сочикур,  
Кўруб гулғунчанинг оғзи очилур.

Бўюнгтек сарв йўқ бўстон ичинда,  
Юзунг нуридин ой нуқсон ичинда.

Жаҳон бўлди жамолингдин мунаvvар,  
Зиҳи ҳусну жамол оллөху акбар!

Қилур зулфунг қамуқ оламни шайдо,  
Бўлур жоду кўзунгдин фитна<sup>43</sup> пайдо.

Ярап\* минг жон бир ишколинг<sup>44</sup> фидоси,  
Кўзум(нинг) мардуми холинг фидоси<sup>45\*</sup>.

Сени кўрган ўзиндин ёт бўлур,  
Рухунгни кўрса, минг шаҳ мот бўлур.

---

<sup>43</sup> фитна — тўполнон, фавро.

<sup>44</sup> ишкол — мушкиллик, қийинчиллик.

<sup>45</sup> фидо — қурбон, бағишлиш.

Икки зулфунг күнгулларни(нг) паноҳи,  
Эшикинг тупроғи жон саждағоҳи.

Рақибингдур тикан, сиз тоза гулсиз\*  
Чечак чимган\*эро бўлмас тикансиз.

Шакардин тотли сўзли дилрабосен,  
Дареғоким, чечакtek бевафосен.

Сенинг ёдинг қилурмен кўп ғазалда,  
Ким эрдим онунга\*ошиқ азалда.

Манго ҳаддин оширма бу\*жафони,  
Кўзунгдин солма бу\*мискин гадони.

Эшиткил бу ғазалда\* ишларидин,  
Муҳаммад Ҳўжабек аймишларидин.

### ***Ғазал***

Жаҳонта сентек эй\* жонон йўқ, эй жон,  
Сенинг дардингга ҳеч дармон йўқ, эй жон.

Анингдек ерга қўл сунди иликким\*,  
Йироқтин боқмағо имкон йўқ, эй жон.

Бу кун минг жон билан кимки\* кўнгулни,  
Санго бермас танинда жон йўқ, эй жон.

Ети иқлим ичинда қўркка ҳоли,  
Сенингтек бир тоғи\* султон йўқ, эй жон.

Бизинг мазҳабта ошиқларни сизлар,  
Агар ўлтурсангиз товон йўқ, эй жон.

Унугтунг бу Муҳаммад Ҳўжани, ох,  
Бизингтекларга анда сон йўқ, эй жон.

Сени жонимдин ортиқроқ севармен,  
Бу сўзда Ҳақ билур, ёлгон йўқ, эй жон.

Сенинг ишқингда сайрарға\* Хоразмий,  
Бу кун оламда бир бўстон йўқ\*, эй жон.

## ***Маснавий***

Кел, эй гулчехра соқиј, май келтургил,  
Мени ҳайрат\* мақоминга етургил.

Ҳабибим нақшидин\* маъни бўлайин,  
Таҳайорда\* ўзимдин қуртулойин.

Эрур бечора Хоразмий муроди,  
Жаҳонда дилбарининг эътиқоди.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ\* андеша қилсам.

## ***Тўртинчи номасин айтур***

Қужойи шаҳи хубони олам,  
Ҳавоҳоҳи ту маҳбубони олам.

Ба пеши нахли қаддат сарв кўтоҳ,  
Зи хоки пои ту хуршид ҳам моҳ.

Гирифта ҳусни рўят қоф то қоф,  
Рухат гулгуну равшан чун майи соғ.

Зи сунбулзори зулфат хун шуда мушк,  
Лаби гулғунча пеши лаъли ту хушк.

Ба назди оразат гул қатраи об,  
Жаҳон ҳамчун шабу рўи ту моҳтоб.

Зи қаддат сарв ларзон ҳамчу бедаст,  
Баногўшат чу гулбарги сабидаст.

Баногўши ту обу дурри тобон,  
Гирифта ахтари маҳро гиребон.

Жабинат рўзи равшан зи кокулат шаб,  
Зи хуршидат ба рў афтода ғабғаб.

Лаби хандон ба бўят сабзаи нав,  
Шуда қарсу хўр аз рўи ту жав–жав.

Хизир бар ёди лаълат медиҳат жон,  
Зи лаълат хок бар сар оби ҳайрон.

Гаҳе мастаст чашмат гоҳ махмур,  
Зи чашми хуби мастат чашми бад дур.

Даҳони танги ту чун дийдан мӯр,  
Зи нури рӯи ту бийно шавад кӯр.

Миёни нозикат бас нопадидаст,  
Магар бар сояи муре ки дидаст.

Ба пеши руи хубат маҳ кабутаст,  
Қадатро шохи тубий дар сужудаст.

Надори чун маҳ сайёра монанд,  
Маҳи гулрӯйи-у шамъи шакарханд.

Жаҳоне дил ба савдоят супурда,  
Ба бӯйи себи симини ту мурда.

Туро холест туш бар тарфи рухсор,  
Чу занги баччае дар саҳин гулзор.

Намеояд туро тиру камон кор,  
Ту бо ин ғамзаи хунхор бигзор.

Ба хуби аброят эй қудратул айн,  
Расад сад офарин аз қобу қавсайн.

Мабодо аз жамолат дийда холи,  
Ки сultonию урдуий жамоли.

Маро он соади симини ту күшт,  
Хирадро бар лаб аз ишқи ту ангушт.

Надорад боғи умри чун ту гулбун,  
Зи сар то пой хуби то ба нохун.

Ба рӯят ҳӯрдаам роҳе дил афруз,  
Хушо роҳу хушо рӯй-ю хушо рӯз.

Инони жони ман дар дасти меҳраст,  
Ту ҳуршиди ва аспи ту сипеҳраст.

Вале шоҳон ту бар фитрок дори,  
Кужо парвойи ин ғамнок дори.

Маро як қасди жони мумтаңаро,  
Ки бе жон эътиборе нест танро.

Чу мурғе мондаам дар қайди доме,  
Димогам сўхт аз савдои хоме.

Ба Хоразмий кужо васлат расад оҳ,  
Кужо меҳмони дарвеше шавад шоҳ.

Ту чун дарёи покиу мани хок,  
Чи нисбат хокро бо гавҳари пок.

Вале то жон бувад дар жусту жӯям,  
Забон то ҳаст ман дар гуфту гӯям.

Ману ишқи туvu ин шӯру масти,  
Найи аз дил берун ҳар жоки ҳости.

Хаёлат то саҳар бо ман ҳамегуфт,  
Шаби алҳақ чи хуш равшан ҳамегуфт.

Қадам дарнеҳ ки дар ишқи мажози,  
Ба мақсуде раси гар покбози.

### ***Маснавий***

Эло, эй соқийи жоми маоний,  
Маро боядки аз ман вораҳони.

Зи хористон ба гулзорам расони,  
Ба базми васли дилдорам расони.

Ду оламро ба як жоме фурӯшам,  
Ба ёди шоҳ Муҳаммад Ҳўжа нӯшам.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсан,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсан.

### ***Бешинчи номасин айтур***

Аё гулчехралар, молик рикоби<sup>46</sup>,  
Қамуқ олам сенинг ғамзанг ҳароби.

Латофат мулкининг соҳибқирони,  
Мувофиқ суратинг бирла маони.

<sup>46</sup> рикоб – узанги; *маж.* подшоҳ ҳузури.

Хирадни оздурур\* ғамзанг хумори,  
Янгокларинг Ҳалиуллоҳ нори.

Сенинг ҳуснунг қамуқ оламда машхур,  
Юзунгдин кизланибдур хулд<sup>47</sup> аро ҳур.

Кўнгулга жондин ортиқроқ қераксен,  
Парию ҳурдин\* ҳам кўрклуроқсан.

Фаришта кўрса бўлғай сизга мойил,  
Сизингдек кимда бор\* шаклу шамойил.

Ярар жон десалар ёқутунгузга,  
Тенг этмон Зухрани Ҳорутунгузга<sup>48</sup>.

Мен асрү бенаво, сиз муҳташамсиз,  
Латифу нозику зебо санамсиз.

Қилур ўз жонига қасд ўзи бойик,  
Гадойиким бўлур султона ошиқ.

Менинг дардимға дармон васл эрур, бас,  
Вале ҳаргиз улашмас гавҳара хас.

Саботек\* билмас охир ўз чоғини,  
Босар ҳар дам эшикинг тупроғини.

Куяр кўнглум сабонинг ул ишидин\*,  
Нечукким\* қуйса хирманлар ёшидин\*.

Кулар ой ҳуснунгга\* гултек энгингири,  
Қародур лола кўнглитеқ\* менгингири.

Манго учмоқ эрур\* васлинг ҳузури,  
Юзунгдин шуъла урур тенгри нури.

Ўромунг итларининг иттиҳоди<sup>49</sup>,  
Кўнгуллар мақсуди, жонлар муроди.

<sup>47</sup> хулд — абадийлик; жаннат.

<sup>48</sup> Ҳорут — афсонага кўра, кўқдан ер юзига ҳайдалган икки фариштанинг бири (бошқаси Морут).

<sup>49</sup> иттиҳод — бирлашиш, қовушиш.

Чечак дермен юзунгузга қамар ҳам\*,  
Халойиқ севганин\* холиқ севар ҳам.

Сенинг ишқинг каманди бизни тортар,  
Жамолинг равнақи оламни ўртар.

Ўшул кунким, сени холиқ яратти,  
Сени дилбар, мени ошиқ яратти.

Манго топқунгда ҳаргиз бўлмади сон,  
Киши ул салтанатни бўлмас инсон\*.

Анингким сидқи бўлса сизга зоҳир,  
Ани сизинглар асрар бўлур охир.

Нечаким берса чеҳранг кўзлара нур,  
Чечактек бўлмагил ҳуснунгға магрур.

Сенинг ишқингда Хоразмий йўқолди\*,  
Валекин\* ер юзинда оти қолди.

### *Маснавий*

Кел, эй ой юзлу дилбар\*, тут бирор кеш\*,  
Бирор кеш бирла қилғил бизни мадхуш.

Бўлоли\* айшу ишрат пешалардин,  
Кутулсун кўнглумиз андешалардин.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ\* андеша қилсам.

### *Олтинчи номасин айтп*

Аё бўйи\* санубар, чеҳраси ой,  
Қуёш янглиғ жамолинг оламорой.

Хатинг тўтиси лаъл узра қўнуб бор,  
Берибтур пистага қанду шакарбор<sup>50</sup>.

Турубтур қўзда қаддингиз хаёли,  
Анингдекким сув узра тол ниҳоли.

Сенинг чеҳрангда\*, эй фирмавс сарви,  
Энгин қон бирла юр чимгон тадарви\*.

<sup>50</sup> шакарбор – шакар ёғдирувчи; *маж.* ширин сўзли.

Юзунг нури қүёшнинг нурин ўртар,  
Сақоқинг шуъласи\* оламни ўртар.

Ўтурсанг, ўлтуур фитна кетар ғам,  
Агар қўпсанг қиёматлар қўпар ҳам.

Сумантек оразинг гулдур тикансиз,  
Манго дўзах эрур учмоқ сенсиз.

Юзунгузда\* кўрунур кўзгутек юз,  
Бўюнгузға латофат кисвати<sup>51</sup>\* туз.

Тишинг, лаълинг гуҳар жон дуржи<sup>52</sup> ичра,  
Юзунг, қошинг Қуёш, Ой буржи ичра.

Не билур\* қадрингизни текма нодон,  
Гуҳар қадрини аъмо<sup>53</sup> билмас, эй жон.

Кўзимдин ҳар замон йўлтек фаровон,  
Висолинг орзусиндин\* кўп оқар қон.

Кўнгуллар оҳидин иймангил, эй моҳ,  
Ким ойина тунар кўп қилсалар оҳ.

Жаҳон тутти қаро зулфунг балоси\*,  
Куорди халқни\* чеҳранг юлоси.

Бўйунсундим бу йўлда минг балоға,  
Кўнгул парвона бўлди ул йўлоға.

Билурсизким эрур айёми фоний,  
Нелук ҳаддин ошуурурсиз жафони.

Жаҳонда салтанатро қул\* била хуш,  
Чаманнинг гуллари булбул билан хуш.

Қачонким шод эсанг\*, гамгина раҳм эт,  
Агар сultonон этсанг, мискина раҳм эт.

<sup>51</sup> кисват — кийим, уст—бош.

<sup>52</sup> дурж — қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича; маж. оғиз, кўнгил.

<sup>53</sup> аъмо — кўзи ожиз.

Сенинг зулфинг каманди бизни тортар,  
Жамолинг равнақи оламни ўртар.

Бұлур ҳаққо\* зиёдат дийда нури,  
Қачонким бұлса мен\* дилбар хузури.

Севармен құзни сизни күрмак учун,  
Юрурмен ерда изни күрмак учун\*.

Кулунг не қилсун ўз ҳаддини\* тақсир<sup>54</sup>,  
Күнгүл бир, қибла бир, жонона ҳам бир.

Мұхаббатни туғар минг турли асрор,  
Күнгүл асрорини жон бирла асрор.

Чечаксен, банда сайрап булбулунгдур,  
Неча боринча\* Хоразмий қулунгдур.

### ***Маснавий***

Кел, эй соқый, кетургил лолагун май,  
Ким ул май қилди құпни Ҳотами тай.

Суроқий тұлса қўп, оғзин очолинг,  
Бу кун майхонада ярмоқ<sup>55</sup> сочолинг.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсан,  
Бу йўлда сабр йўқ\* андеша қилсан.

### ***Еттингчи номасин айтур***

Аё зебо санам, шохи қабойил<sup>56\*</sup>,  
Таолаллоқ зиҳи шаклу шамойил.

Шакар ирнинг қачон сўз қилса оғоз,  
Қилур жон тўтиси танларда\* парвоз.

Шакарму ирнингиз\* ё қанд, ё жон,  
Үёлур лаълингиздан оби ҳайвон.

Қачонким бұлса тор оғзинг шакарбор,  
Сабо гулғунчанинг оғзини йиртор.

<sup>54</sup> тақсир — камчилик күрсатиш.

<sup>55</sup> ярмоқ — пул.

<sup>56</sup> қабойил — қабилалар.

Қаро\* қошингда юз минг фитналар бор,  
Күзүнг охуси арслонларни овлар.

Санго пайваста, эй кони малоҳат,  
Күзүнг қошинг била ўқ ё не ҳожат.

Сүзүнг шириң, ўзунг хисравдин<sup>57</sup> афзун<sup>58</sup>,  
Бўлур Лайли сенинг ҳуснунгга Мажнун.

Билик билмас ичинда жавҳарисен,  
Вале ҳусн ичра\* жавҳардин ари сен.

Қуёш ҳар кун юз урур ул қалиққа,  
Жамолинг солди Юсуфни ул қудуққа.

Қаро кирпукингга кундуз\* тенголмас,  
Сақоқингни ёқанг киши ўпар, бас\*.

Дудофингдин кўнгул жон ҳосил этмас,  
Аёқинг тупроғин ўпсам не етмас.

Тилармен ким юзунгга сажда қилсам,  
Висолинг қадрининг\* шукрини билсам\*.

Сенинг ишқингда бағримдин оқар қон,  
Жамолингнинг тамошосин тилар жон.

Жамолингдин хирад шайдо бўлубдур,  
Ичим бағрим\* қамуқ савдо тўлубтур.

Қачон ўлсамсанго қадрим билургай,  
Бу йўлга\* тушса Афлотун телургай.

Караашма бирла ошиқ ўлутурурсиз,  
Сиз ўлдурган киши\* ўлгайму ҳаргиз.

Қилибтур халқни шайдо карашманг,  
Қиёматлар қўпар\* пайдо карашманг.

Нечук меҳрингни\* жонимдин йийойин\*,  
Кўнгул сиздин олиб кимга беройин.

<sup>57</sup> хисрав — подшоҳ.

<sup>58</sup> афзун — ортиқ, зиёда.

Биҳамдуллоҳ сенинг ҳуснунг чоғинда,  
Еримиз бор эшикинг\* тупроғинда.

Тирик бўлунг, шаҳо, даврон боринча,  
Кулунгузмен танимда жон боринча.

Умр кечти қамуқ савдо ичинда,  
Неча юзгай киши дарё ичинда.

Кўнгул икки жаҳонни кўзга илмас,  
Сенинг ишқинг умрнинг\* ҳосили, бас.

Жаҳондин ашну\* минг йил қилди холик,  
Сенинг ҳуснунгга Хоразмийни ошиқ.

Довур сизнинг туурп даврон боринча,  
Кулунгузмен танимда жон боринча.

### *Маснавий*

Кел, эй соқий, назардин солмоғил гал,  
Кетур ул майки бўлгай бизга сайқал.

Эрур бечора Хоразмий муроди,  
Ики оламда дилбар иттиҳоди.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ\* андеша қилсам.

### *Саккизинчи номасин айтур*

Ало, эй ояти лутфи илоҳи,  
Ту дар иқлими хуби подшоҳи.

Жамолат фитнаи оғоқ гашта,  
Ду аброят ба хуби тоқ гашта.

Гаҳе лаълат диҳад ёқутро об,  
Гаҳе ҷашмат диҳат Хорутро хоб.

Зи қаддат монда пои сарв дар гил,  
Рухат афқанда маҳро шӯъла дар дил.

Зи шарми рўйи ту ҳуршиди ховар,  
Кашад дар зи шаб то субҳ чодар.

Баровард аз жаҳон ҳусни ту ғавфо,  
Фалак дар жустужӯят бе сару по.

Зи килки Нақшбанди сунъи бечун,  
Наёяд сурате амчун ту мавзун.

Дилам аз соғаре базми аластаст,  
Ки чун ҷашми хушат пайваста маастаст.

Шабихун кардани ҷашми ту то кай,  
Ҳама бар жони ман ҳашми ту то кай.

Дар ин мазҳаб агарчи хун баҳо нест,  
Макун хун бар дарат кинжо раво нест.

Чу ҳоки рӯят омад қабъаи жон,  
Нашояд кардан андар қаъба қурбон.

Чи мегуям ман охир ин хаёласт,  
Ки жон аз ишқи ту бурдан маҳоласт.

Висоли шаҳ чу ҳоҷад марди дарвеш,  
Занад оташ ҳаме дар хирмани хеш.

Куну бошадки, ҳамчун тан барин жой,  
Фитад ногаҳ сарам чун шамъ бар пой.

Агар парвона жон бар каф надорад,  
Ба гирди шамъ гардидан наёрад.

Маро сад жон агар бошад ба ҳар мӯй,  
Фидои сокинони ин сари кӯй.

Зи ҳуснат оламе афтода дарҳам,  
Сазад к-аз бевафои ҳамчу олам.

Дари ишқи ту аввал ман қушодам,  
Аз он чун ҳалқа бар дар уфтодам.

Зи кори афтодаи дар кори ишқам,  
Самар шуд з-он ҳама дар кори ишқам.

Магар огаҳ наи аз нолаи ман,  
Дар ин тӯфон сейли жолаи ман.

Сарам аз ишқи ту боло гирифта,  
Зи ашкам оламе дарьё гирифта.

Зи ҳоли зори ман бингарки гардун,  
Чи сон ҳар дам ба доман меҳурад хун.

Агар дил дар ҳавоят чарх басти,  
Зи бори меҳнатат дарҳам шикасти.

Фамат чун кӯху ман умре танидам,  
Ба як мўй ончунон кӯҳе кашидам.

Макун бедод метарс аз қатоли,  
Ки аз хуни манат бошад вуболи.

Бинои аҳдро обод мекун,  
Ба ёде гаҳ гаҳам дилшод мекун.

Дар он дам кофаринеш гашт мавжуд,  
Ҳавоят дар ҳувайдои дилам буд.

На чун ҳар бод паймойи ба кўйе,  
Шавам дар жустужӯи рангу бўйе.

Чу хoke гарчи дар кўи ту хoram,  
Зи хоки даргаҳат сар бар надорам.

Чу сарв озод ҳар озод мебош,  
Чу гул аз ҳусни хубат шод мебош.

Саодатро жамолат бод манзур,  
Ба сад манзил зи ҳуснат чашми бад дур.

Пас аз умреки Ҳоразмий шавад хок,  
Дами ишқи туро гўяд бар афлок.

Рақам бар жони ман зад хомаи ишқ,  
Ба болои ман омад жомаи ишқ.

Навои ишқи ту оғоз кардам,  
Чу чангӣ базми дилро соз кардам.

Сипоҳи субҳ бар шаб буд пирӯз,  
Ки иншо гашт ин сарнома то рӯз.

Агар з--ин пеш пардозам ба гуфтор,  
Хусайниниро намонад рўзи бозор.

### ***Маснавий***

Ало эй соқии навбода бархез,  
Биёр он кўҳна май дар коми жон рез.

Ки месўзад маро жон аз тафу тоб,  
Магар биншинад ин оташ бадон об.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,  
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

### ***Тўққузунчи номасин айтур***

Аё оху назарлар шахриёри<sup>59</sup>,  
Хусн майдонининг\* чобуксувори<sup>60</sup>.

Латифу тансуку зебо санамсиз,  
Зарофат<sup>61</sup> олами ичра аlamсиз.

Қилич урсанг қулунгман жовидона,  
Вагар\* ўқ отсангиз бағрим\* нишона.

Таним\* боринча сендин\* юз жовурман,  
Эшикинг тупроқиндин бош кўтурман\*.

Қамуқ умрум сенинг нозинг фидоси,  
Менинг кўнглум қуши бозинг<sup>62</sup> фидоси.

Латифу нозику Юсуфлиқосен,  
Зарофат бирла оламда аlamсен.

Нечаким илмасангиз қўзга бизни,  
Кўнгул жон ичра асрар меҳрингизни.

Ғаниматту(р) умур навқони<sup>63</sup> бизга\*,  
Мубоҳ<sup>64</sup> эрур қўнгуллар қони сизга.

■нинр – буюқ подшоҳ.

■нгунир – чавандоз, улоқчи.

■нин – ширифлик, нозикфаҳмлик, гўзаллик; қочирим сўз,

■нини – қочини.

■ – наиқиронлик.

Жамолинг мадҳидин\* оғоқ<sup>65</sup> түлди,  
Санғо олмоқ күнгүлни хатм бўлди\*.

Ачиқ сўзи Қирим шаҳдига ўхшар,  
Жамол айёми гул аҳдига<sup>66</sup> ўхшар.

Сени кўрса кечар тарсо санамдин,  
Вужудқа\* келмади сентек\* аламдин\*.

Қачон зулфунг насими Рума эсгай,  
Ким ул ё қошларинг зуннор кесгай.

Манго ишқинг йўлинида қон кўрунур,  
Юзунг ойинасинда\* жон кўрунур.

Яротти ой бикин зебо сени Ҳақ,  
Ким уш чеҳранг берур оламга равнақ.

Мени қилди фалактек бесару пой,  
Таги минг йилда сентек туғмағай ой.

Жаҳоннинг фитнаси усрук кўзингда,  
Аён Исо дами ширин сўзунгда.

Кишининг покларга кўнгли тортар,  
Хусн худпок доманлиқтин ортар.

Агар кўрса сени ҳам лола сўлғай,  
Сенингдек гул магар учмоҳта бўлгай.

Аёқинг ўпмакин қул қилди одат,  
Сураймон булмади\* мундоқ саодат.

Висолингнинг бу кун шукрин қилурман,  
Хаёлинг кўзда учқонин билурман.

Қуёш акси юзунгдин роҳ ичинда,  
Сенингдек йўқ чечак учмоҳ ичинда.

<sup>64</sup> мубоҳ – диний қоида юзасидан – рухсат этилган (жоиз бўлган) иш; қилса ҳам, қилмаса ҳам бўла берадиган.

<sup>65</sup> оғоқ – уфқулар, дунё.

<sup>66</sup> аҳд – ваъда, олинган мажбурият, сўз бериш.

Кулунг қўптур, vale мен инжу қулмен,  
Висолинг қадрини билмас дегулмен.

Кўнгул сенсиз тиламас танда жонни,  
Кўрар юзунгда Хоразмий жаҳонни.

### ***Маснавий***

Кел, эй соқий, кетур паймона<sup>67</sup> бизга,  
Иноялтар қилур жонона бизга.

Ичолинг\* бодани жонон юзига,  
Хизир суйин сочолинг\* жон юзига.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсан,  
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсан.

### ***Ўнунчи номасин айтур***

Аё номеҳрибон аҳди бақосиз\*,  
Жаҳон елтек, умур гултек вафосиз\*.

Қамуқ ёқут иринли(к) сўзи дурлар,  
Вафосизлиқни сиздин ўгранурлар.

Умур меҳнат билан поёна келди,  
Кўнгул жаврунг алиндин жона келди.

Мени ўлтурди ишқинг, бермадинг дод,  
Борурмен остоңандин ёр хайрбод<sup>68\*</sup>.

Кўзум\* кўрди жамолинг шевасини,  
Кўнгул тотмади боғинг мевасини.

Эрур жон мақсади ирнинг наботи,  
Ҳуснунг ҳам\* бўлур охир закоти.

Санго то бўлдум эй жон, ошиномен,  
Жафонг илгиндин\* асрү мубталомен.

Салойин ўзуми ўзга диёра,  
Кўнгулни боғлағойин\* ўзга ёра.

<sup>67</sup> паймона — май пиёласи, қадаҳ.

<sup>68</sup> хайрбод — хайрлашиш, видолашиб.

Талим гулчехра наргис күзлилар бор,  
Шакар дудоғли шириң сұзлилар бор.

Вале күнгүл қутулмас домингиздин,  
Қамуқ шаккар томар дашномингиздин.

Боғишиласанг қоним\* султонсен охир,  
Күзумга\* нур, танимга\* жонсен охир.

Довур сизнингдуур даврон боринча,  
Кулунгузмен\* танимда жон боринча.

Билурменким сизингдек бўлмай\*, эй жон,  
Бўйунсундим, жафоға\* қулмен, эй жон.

Киши қайда улардин\* билса бўлмас,  
Ҳақиқат ёридин айрilsа бўлмас.

Хирад бирла жаҳон афсонаси мен,  
Вале занжикингиз девонаси мен.

Улумдур\* бизга жононсиз тирилмак,  
Маҳол эрур\* тана жонсиз тирилмак.

Күнгүл мөхри назар йўлингдин ортар,  
Нигори\* жаврини жон бирла тортар.

Ҳуснни то ҳувайдо<sup>69</sup>\* қилди холик,  
Ҳусн бирла вафо бўлмас мувофиқ.

Жафодин инграмас бу йўлда ушшоқ,  
Вафодин жаврингиз минг қатла хушроқ.

Эвурмен юз нечаким келса меҳнат,  
Жафо сиздин, тағи биздин муҳаббат.

Уғон Юсуф жамолин сизга берди,  
Муҳаббат кимиёсин бизга берди.

Бу\* Хоразмий “Муҳаббатнома”сини,  
Аторид кўрди, солди хомасини\*.

---

<sup>69</sup> ҳувайд — белгили, ошкора, аён, зоҳир.

## **Маснавий**

Кел, эй соқий, кетургил\* хуш сабуҳи,  
Ким ушбу дам эрур жоннинг футуҳи.

Ичолинг\* бодани гуллар сўлисар,  
Танимиз оқибат тупроқ бўлисар.

Бу ерга етти сўз, тохир<sup>70</sup> бўлди,  
Бурун ўн дедим, ўн бир бўлди.

**Ўн биринчи номасин айтур**  
Ало, эй шамъ, жамъи пок бозон,  
Чу шамъ аз меҳри рўят ҳар гадозон.

Рухи хубат гули боғи биҳиштаст,  
Қазо бир хотамат хатте навиштаст.

Ки мулки ҳуснро соҳибқирони,  
Макун бо ошиқон номеҳрибони.

Лабат он ё шакар, ё оби ҳайвон,  
Суханҳоят ҳама ширинтар аз жон.

Даҳони гунча аз лаъли ту хунаст,  
Надонам то зи рўят лола чунаст.

Зи чашмат низ бемораст нарғис,  
Магар сарваст озода қадат бас.

Агарчи сарвро озод номаст,  
Хаёли нахли қаддатро ғулом аст.

Дарахти қомататро себу гулнор,  
Турунжи ғаббабат дар жон занад нор.

Биҳишти лолазор ва ғозаи туст,  
Жаҳон андар, жаҳон овозаи туст.

Ба шаккарханда бикшон даҳонро,  
Пур аз жон сози атрофи жаҳонро.

Шаби васли ту моро умри жовид,  
Зи ҳуснат заррае сад курсу хуршид.

<sup>70</sup> тохир – “охиригача” маъносида.

Чу меафтад назар бар рүйи жонон,  
Хамегүямки эй ойинаи жон.

Гадои муҳтарам Жамшед гаштаст,  
Дилам ҳамхонаи хуршед гаштаст.

Ба рүят мондаам чун нақши айвон,  
Тамошо мекунам бар сунъи яздон.

Жамолат кард оламро мунаввар,  
Зиҳи ҳусну жамол оллоҳу акбар.

Ба сад жон куштай ишқи ту шуд дил,  
Ки мегардад ҳаёт аз ишқ ҳосил.

Маро ид аз жамоли фаррухи туст,  
Ба ҷашмам рӯшнойи аз рухи туст.

Мани ошифта дил ин кеш дорам,  
Ки гар қурбон куни сар пеш дорам.

Зи меҳрат гаштаам машҳури оғоқ,  
Зи хокам бӯи меҳр ояд зи ушшоқ.

Касе қўй меҳри жононе надорад,  
Агар Исо бувад жоне надорад.

Рухи ҳуршиди зард аз ранжи ишқат,  
Шаҳои мотанд дар шатранжи ишқат.

Ту султони—у, ман мискин асирам,  
Бувад рӯзеки дар пои ту мирам.

Ғамат то чанд сўзад синаҳоро,  
Жамолат тийра кард ойинаҳоро.

Диламро гаҳ навози гаҳ гудози,  
Зи дилбандон хуш ояд дилнавози.

Туро бо моҳрӯён подшоҳест,  
Муҳаббатҳои мна бо ту илоҳист.

Жаҳонро навбаҳори тоза бишкуфт,  
Чу Ҳоразмий “Муҳаббатномае” гуфт.

Вале бе дилситон жоне надорад,  
Мұхаббат гарчи поёне надорад.

Агар пурси чи мебошад муҳаббат,  
Мұхаббат онки нагрези зи меҳнат.

Күжойи соқиё май деҳ равонам,  
Ки-к-аз май тоза мегардад равонам.

Ало, эй баҳти хоб олуда бархез,  
Майи дўшин биёвар зуд бархез.

Таманноҳои хуш доранд ҳар қас,  
Маро маъшуқ даме мебояду бас.

Ироқий мутрибе хоҳам хуш илҳон,  
Ки хонад ин ғазалро дар Сафоҳон.

### *Fazal*

Биё, эй сарв, қадди гул баногуш,  
Майи гулгун ба рўйи хештан нўш.

Агар ҳарчанд ҳам хомаст бода,  
Барорад з—оташи рухсори ту жўш.

Нигоро чашмаи меҳри ту дорад,  
Ниҳон ҳар заррае сад чашмаи нўш.

Ҳамекӯши ҳама дар дилрабойи,  
Замони ҳам ба дилдори ҳамекӯш.

Ба умри хеш боре дўш будам,  
Ба ту зону, ба зону дўш бар дўш.

Ба коми хештаи худро дигар бор,  
Магар дар хоб бинам чун шаби дўш.

Хушо сарвеки ҳамчун хирмани гул,  
Ба сад ҳийла намеғунжад дар огуш.

Ту масти шергир аз бодай ҳусн,  
Мани мискин ҳароб аз ишқ мадҳуш.

Димор аз жон Хоразмий барорад,  
Ба теги ғамза он турки сияхпүш.

Сухан бисъёр дорам лек чашмат,  
Ишорат мекунад ҳардамки хомуш.

### ***Муножот***

Илохи ёқту қылғил жонимизни,  
Халалдан сақлағил\* имонимизни.

Тикондин қудратинг пайдо қилур гул,  
Хато кўп келди мен қулдин, кечургул.

Аё, фархунда толеъ, талъати кун,  
Сени тенгри муродингға текурсун.

Муҳаммад Ҳўжабек Жамшиди сони,  
Жаҳоннинг орзуси\*, халқ хони\*.

Саодатни ҳунарға ёр қылғил,  
Ҳунардин бизни бархурдор қылғил.

Сўзум бикрини<sup>71</sup> кўргуз шаҳга ширин,  
Шоҳиким қилди хисравларни ширин\*.

Аёйин эмди бир қитъа эшитгил,  
Нечукмен ҳолу аҳволимни билгил.

### ***Қитъа***

Тамаъ доминда қолур қуш эмас мен,  
Телим айвон уза учқон Ҳумомен\*.

Қиличтек тил била туттум жаҳонни,  
Қаноат мулки ичра подшомен.

Харобот ичра\* масжидда ерим бор,  
Ким уш ҳам риндмен, ҳам подшомен\*.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,  
Айтмон мол учун мадҳу саномен.

Қиёматқа текин\* қолсун отинг деб,  
Сенинг топқунча бўлдум ошиномен.

---

<sup>71</sup> Сўз бикри — асл, маъноли сўз.

## **Хотиматул-китоб**

“Мұхаббатнома” сүзин мунда айттим,  
Қомуғин Сир яқосинда битидим.

Назар бирла агар жамсен гар Осаф\*,  
“Мұхаббатнома” қылсанг мушарраф.

Үқиғил\* фотиҳа, хур қибла ёни,  
Суюнсун\* банда Хоразмий равони\*.

Бу дафтарким бұлубтур Миср қанди,  
Ети юз әлли түрт ичра туганди.

Тугатмакликка Ҳақ берди иноят,  
Әшитгил әмди ҳам бир хуш ҳикоят.

## **Ҳикоят**

Маро солеки сүйи Шом шуд рой,  
Басе будам сувора бар сари пой.

Асо дар дасту кафше зери каш буд,  
Ба ҳар ҳоле ки будам низ хуш буд.

Яке обам ҳамедоду яке нон,  
Чу зулфи дилбарон заврақ паришон.

Таваккал кардам аз дарьё гузаштам,  
Зи сар то пой мулки Рум гаштам.

Бар ҳар горекиabdolle шунидам,  
Ба качкуле ба сарвақташ расидам.

Ба шомам баъд аз он доданд дастур,  
Гирифтам роҳи Шом аз мулки Тайфур.

Рафиқе доштам озодае буд,  
Жавону поку саййид зодае буд.

Ду гесу тоб дода бар сари дүш,  
Фалакро дар кашида ҳалқа дар гүш.

Гаҳе далқи гарони дар бари ў,  
Кулоҳи боязиди бар сари ў.

Фақире хуш зи фақраш пеш сабру,  
Чу хуршиди ниҳон дар зери абру.

Баҳам буд оби хўр ширин агар шўр,  
Сулаймони шуда ҳамкосай мўр.

Зи айвони салотин карда парвоз,  
Ҳумойи гашта бо гунжишк ҳамроҳ.

Гаҳи бар гул, гаҳи бар хор будем,  
Ҳамадар бешау кӯҳсор будем.

Ҳаме рафтем умдо ногаҳонаш,  
Яке дашном дод аз корвонаш.

Ки Сайийд нести ҳошо гадойи,  
Ки мегўяд зи насли мустафойи.

Дар он раҳ пирмаде буд тарсо,  
Ки мешуд сўйи кудсу дайри мийно.

Довон омад гирифт он хожаро даст,  
Ки моро дар таратбидан маъбаде ҳаст.

Дар ў бошад кунун сесад сўм ҳар,  
Мурасса жумла бо ёқуту гавҳар.

Ҳамедоданд инро неку ҳам бад,  
Ки як ҳар чор сўм дорад на сесад.

Вале он жумла онҳоеки ҳастанд,  
Ҳама баҳри хари Исо парастанд.

Ҳамебўсанд ҳар якро ба сад жон,  
Ки охир з—ин ҳама бошад яке он.

Ҳаме гуфту бимонд аз раҳ бадар шуд,  
Ба гумроҳи худро роҳбар шуд.

Чу тарсо таънаи исломиён кард,  
Ҳамон дам хожа истиғион он кард.

Замин бўсид то будем ҳамроҳ,  
Басе хизмат намуди гоҳу бегоҳ.

Ту ҳам дар зулмате шамъе бар афрӯз,  
Мусулмони зи тарсоён биёмӯз.

Сари мӯе дили солот маҳрош,  
Чу Хоразмий муҳиби хонадон бош.

Агар дори қаноат дар фақири,  
Ба вақти худ ту ҳам шоҳу амири.

Хуш вақтаст ки айши тоза дори,  
Бисоти нек беандоза дори.

Мабар савдои хоми к—он казофат,  
Даме обу лаби ноиат кафофат.

### ***Илтимосин айтур***

Муни ким ишқ бирла бир ўқуғай,  
Ҳақиқат оламини мунда булғай\*.

Айтқон бу китобни ҳам битигай,  
Тилармен ким дуода ёд қилғай.

### ***Фард***

Ниёзим<sup>72</sup> бу турур сендин, нигоро,  
Унутма бандани баҳри Худоро.

Таммат “Муҳаббатнома” Хоразмий.

## **Хўжандийнинг “Латофатнома” асари**

Хўжандий XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган. Унинг “Латофатнома” асари етиб келган бўлиб, ўзбек адабиётида нома жанрининг ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Шоирнинг таржима ҳоли тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Тахаллусидан Хўжанддан экани маълум бўлади.

“Латофатнома” XV асрда анча шуҳрат тутган кўринади. Жумладан, Отойи ҳам бу асардан яхши хабардор бўлган. У бир шеърида шундай дейди:

*Отойи шеърининг лутфини билса,  
“Латофатнома”дан кечгай Хўжандий.*

<sup>72</sup> ниёз — ёлвориш, ўтиниш, сўраш; эҳтиёж, муҳтоҷлик.

Хўжандийнинг “Латофатнома”си XV аср бошларида (1411 йилларда) ёзилган бўлиб, Темурнинг авлодларидан бири, Хоразмда ҳукмронлик қилган Султон Маҳмудга бағишиланган.

“Латофатнома”нинг “Муҳаббатнома”дан фарқи шуки, бу номада ҳар бир номадан сўнг fazal келтирилмайди, фард, қитъя ва муножотлар ҳам йўқ. Аммо Хўжандий бу асарини “Муҳаббатнома”га жавоб тариқасида ёзганини айтади:

*Муҳаббат жомидин иссанг шаробе,  
“Муҳаббатнома”га айсанг жавобе.*

Асарда Хўжандий тахаллуси фақат олти ўриндагина учрайди, “Латофатнома”даги бош мавзу ҳаёт гўзаллигини, инсонга бўлган самимий севгини қўйлаш, уни тарғиб қилишдан иборатdir. Бу мавзу ёрниг жафокашлигию ошиқнинг дарди орқали кўрсатилади. Ёрниг жамолини кўрган гул уялганидан фунчага айланади, қиши фаслида ёр кулганда, ёз бўлади, унинг карашмаси жону дилни горат қиласи, кўзлари ягмою чигилни талон—тарож қиласи...

Машуқанинг қуидагича таъриф—тавсифи орқали шоир ана шундай дунёвий севгини улуғлайди, дунёвий севгидан қудратлироқ куч йўқлигига ишора қиласи:

*Аё сардафтари хубони олам,  
Қамуғ мулки жаҳон сизга мусаллам,  
Парилар шоҳисан, ҳуснунг зиёда,  
Руҳунг кўрса бўлур шоҳлар пиёда.  
Қаро зулфунг ажаб ҳиндуйи тасвир,  
Эрур фаттон кўзунг жодуи Кашмир.  
Юзунг кундуз бикин, зулфунг шаби тор,  
Сочинг чининда пинҳон мушки тотор.  
Лабинг лаъли Бадахшон, тишларинг дур,  
Садаф отзин қурутқон тишларингдур.*

Ёрниг анъанавий таъриф—тавсифи билан бирга, Хўжандийга хос тасвир учрайдики, бу байтлар “Латофатнома”нинг бошқа номалар билан беллаша оладиган асар эканини таъминлаган. Шоирнинг:

*Хўжандий сўзларин Хоразмий мискин,  
Эшиштса ўлли деб қилғайди таҳсин,*

дея айтган сўзлари ҳақдир. Зотан, Хўжандий Хоразмийнинг таҳсинига сазовор нома яратди.

“Латофатнома”да ҳар бир номанинг охиридаги бир байт соқийга мурожаатдир:

*Кел эй соқий, бу кун мажлис қуроли,  
Замони айш этиб, хуш ўлтуроли.*

“Латофатнома”да муаллиф эътибор қаратган яна бир жиҳат табиат тасвирига алоҳида эътибор берганидир. Шунингдек,

марда тажнисли қофия Хўжандийнинг халқ тилидан маҳорат билан фойдаланганини кўрсатиб туради:

Исириғанг донаси чин *Муштарийдур*,  
Сочингға нофайи *Чин муштарийдур...*

Қаро зулғунғ ичинда чин *кўрармен*,  
Хато йўқдур бу сўзда, чин *кўрармен*.

### **Латофатнома\***

Сано қодирғаким жон берди бизга,  
Иноят қилди, имон берди бизга.

Яратғон одаму жину малакни,  
Таратған аршу курсиу фалакни.

Шажарға хилқату наврӯзи берган,  
Қамуқ халқи жаҳонга рўзи берган.

Тўқуз афлокни тутғон муаллақ,  
Ети қат ерни ҳам қилғон мутаббақ.

Худовандиким, ул олам яратти,  
Мани судин, бани одам яратти.

Чаман қушларин ингратур саҳарда  
Тугал неъмат берур шоҳи шажарда.

Булутларни ҳаво узра йурутур,  
Сусулиқтин садаф оғзин қурутур.

Яратти тош ичинда лаълу ёқут,  
Парии одамиға ул берур қут.

Қамишдин қанду шаккар, аридин бол,  
Таратти қудратиндин шаҳду ханзол.

Бирагуни қилур неъмат била бой,  
Яна бириси тун кун нолаювой.

Қилур одамни қудсийларға масҷуд,  
Азозилни қилур малъуну мардуд.

Берур Яъқубға Юсуф фироқин,  
Суғарур иштиёқида қароқин.

Қилур маҳбус Юсуфни қудуқда,  
Яна қул деб сотарлар ҳар қабуқда.

Сулаймонга қилур елни мусаххар,  
Бўлур Довуд шавқинда зириҳгар.

Ошиқларға берур жавру жафони,  
Қилур сарвар Мұхаммад Мустафони.

Илоҳи жумланинг сиррин билурсен,  
Етар эркинг не ким қилсанг қилурсен.

Худоё, кўнглум ичра ишқ ўтинг ёқ,  
Хўжандий хастага лутфунг била боқ.

Мұҳаббат жомидин саҳбо ичиргил,  
Хато ишлар телим қилдим, кечургил.

Илоҳи, сен мени жондин айрма,  
Азиз жонимни имондин айрма.

Дурӯд ул маъданси сидқу сафога,  
Ҳабибуллоҳ Мұхаммад мустафога.

Сўкал бўлғон кўнгулларнинг табиби,  
Шариат равзасининг андалиби.

Мұхаммад ишқ ганжина амин ул,  
Мұхаммад раҳматан лилаламин ул.

Мұхаммад анбиёнинг сарваридур,  
Мұхаммад авлиёнинг раҳбаридур.

Мұхаммад улким, айди Ҳақ Таоло  
Фақана қаба қавсайни ав адно.

Зиҳи султони дорул мулки афлок,  
Ўғон берди санга ташрифи лавлок.

Қамуқ оламни имонға ўқуди,  
Жаҳон гурбизларин ерга тўқуди.

Иди ҳукми била күргузди мұғыз,  
Араб коғирларини қилди ожиз.

Ишорат бирла ойни пора қилди,  
Жаҳон султонларин бечора қилди.

Аё султони зурриёти одам,  
Сенўқұдурсен шафоатхөмі олам.

Имоми анбиә соқийи қавсар,  
Сенўқұдурсен шафийи рүзи маҳшар.

Ёзуқдин ўзга йүқ менда бизоат,  
Улуг кунда манга қилғил шафоат.

Шаҳаншоҳсен, Хўжандийдур гадоинг,  
Кўзига сурма қилсун хоки пойинг.

Расул айди: “Менинг асҳобим анжум,  
Биайин иқтадайтум иҳтадайтум”.

\* \* \*

Саҳар вақтінда ким султони ховар  
Жамолиндин жаҳон бўлди мунаввар.

Олиб найза иликга хусрави Чин,  
Ҳабаш султонини қавди жаҳондин.

Шаҳи машриқ алам оламға урди,  
Сипоҳи занги қўрқуб юз ёшурди.

Чиқарди эрса шоҳ ҳанжар белиндин,  
Ҳабаш султони қочди Рум элиндин.

Сипоҳи турк бўлдиса сипоҳи,  
Азимат<sup>1</sup> тутти ҳиндулар сипоҳи.

Хуруси субҳдам фарёд ошурди,  
Кеча зоги<sup>2</sup> юмуртқасин ёшурди.

Тафаккурда туур эрдим саҳаргоҳ,  
Эшиктин бир жавоне кирди ногоҳ.

<sup>1</sup> азимат – бирор ишни бажаришга қасд қилиш, йўлга отланиш.

<sup>2</sup> зог – қарға

Фироқ үтінда бағри пора бұлғон,  
Элиндин ишқұ учун овора бұлғон.

Аннігким ишқұй йүқ андин не ҳосил,  
Севар жононасиз жондин не ҳосил.

Аннігким бир севар жонони йүқтүр,  
Хақиқат бил танида жони йүқтүр.

Не билсун текма нодон ишқбози,<sup>3</sup>  
Хақиқат бұлмаса бори мажози.

Аюрким сүз ичинде ул бағоят,  
Не бўлғай қилсангиз бизга иноят.

Сени шоир деб айтурлар халойик,  
Сўзунгдин тухфа келтур бизга лойик.

Тиларман сендин эй кони малоҳат,  
Ки берсанг сүз била жонимға роҳат.

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,  
Муҳаббатномага айсанг жавобе.

Қабул эттим, қабулият<sup>4</sup> йүқ эркан,  
Фасод<sup>5</sup> олди салоҳият йүқ эркан.

Боқиб сүз шоҳидининг юзин очтим,  
Бошиға дурру жавҳар, инжу сочтим.

Тафаккур баҳриға боттим ҳижобсиз,  
Чиқардим дурру жавҳар кўп ҳисобсиз.

Риёзат баҳриға солдим ўзумни,  
Иборат<sup>6</sup> силкина<sup>7</sup> торттим сўзумни.

---

<sup>3</sup> ишқбоз — ошиқ, ишққа берилған, ошиқлик.

<sup>4</sup> қабулият — лаёқатлилик, муносиблик.

<sup>5</sup> фасод — бузукчилик, тартибсизлик.

<sup>6</sup> иборат — ибора, матн.

<sup>7</sup> силк — 1. ип. 2. қатор, тизим.

Тилимда сўз, элимда хома<sup>8</sup> бўлди,  
Латофатнома ҳам ўн нома бўлди.

Табиаттин<sup>9</sup> чиқардим назми бисёр,  
Ажунда булмадим эзгу харидор.

Сўзум чун донадур нодон не билсун,  
Бале одам тилин ҳайвон не билсун.

Хирад айтур: манга тархона<sup>10</sup> борғил,  
Салотин сарвари султона борғил.

Маони бир бадантек руҳи улдур,  
Қамуғ шоирларинг мамдуҳи<sup>11</sup> улдур.

Жамоли бирла жонинг тоза бўлсан,  
Шоҳим оти баланд овоза бўлсан.

Ўзум бирла ўзум андеша қилдим,  
Шаҳим мадҳу дуосин пеша қилдим.

\* \* \*

Аё фахри салотин шоҳи даврон,  
Замона мафҳари Махмуд тархон.

Ажун фахри шаҳаншоҳи замона,  
Сифоти савлатинг тўлди жаҳона.

Зиҳи соҳибқирон арслон юраклик,  
Маони мажлиси ичра кўруклук.

Саховат бобида чун Хотами тай,  
Шижаот мулкида чун Қовусу Кай.

Қиличинг ҳайбатидан Рустами Зол,  
Қилибдур дунёда гўр ичра инзол.<sup>12</sup>

Жаҳон тинди сенинг адлинг кучундин,  
Ёшин яшнар қиличингнинг учиндин.

<sup>8</sup> хома — қалам.

<sup>9</sup> табиат — феъл—автор.

<sup>10</sup> тархон — бу ўринда: мансабдор одам назарда тутилган.

<sup>11</sup> мамдуҳ — мақтаган.

<sup>12</sup> инзол — тушиш, воқиф бўлиш.

Саховат мулкида соҳибқадамсен,  
Латофат маъдани кони карамсен.

Бегим, адлинг қамуғ оламга тўлди,  
Куёш янглиғ сифотинг жилва бўлди.

Жамолинг аксидин хуршед олур нур,  
Отинг бўлди қамуғ оламда машхур.

Булут ичра ёшунди ой юзунгдин,  
Шакар сизди қамиш ичра сўзунгдин.

Куёш юзунг кўруб ерга йиқилди,  
Адоғинг туфроғини сурма қилди.

Фалак боши бирла эврулса минг йил,  
Сенингтек қилмагай дунёда ҳосил.

Хирад шатранжини уттунг жаҳондин,  
Сенинг лутфунг била тўлди жаҳондин.

Маони ичра, шоҳим, қил ёрарсен,  
Ажунда ҳар не қилсанг, қил, ярасен.

Сўз аймоқ сиз бикин доно қотинда,  
Қудуқ қазмоқ эрур дарё қотинда.

Валекин мўр келтурди яроқин,  
Сулаймонға чевуртканинг аёғин.

Сулаймонтек эрур жоҳу<sup>13</sup> жалолинг<sup>14</sup>,  
Хўжандийтек заиф бўлсун чумолинг.

Асар қилса агар лутфунг жамоли,  
Адоқ остинда қолмагай чумоли.

Саховат ичра сен мингда бир эрсен,  
Иноят қил Хўжандийға бирор сен.

Ҳамиша зоти покинг бор бўлсун,  
Саодат, баҳту давлат ёр бўлсун.

<sup>13</sup> жоҳ — мансаб, мартаба.

<sup>14</sup> жалол — улуғ, виқорли.

Аё, сардафтари<sup>15</sup> хұбони<sup>16</sup> олам,  
Қамуғ мулки жақон сизга мусаллам<sup>17</sup>.

Сенүқсен сарвари ҳұсну малоҳат,  
Қилибтур ғамзангиз жонға жароҳат.

Олур зулфунг насимидин пари зод,<sup>18</sup>  
Әрам боғида йүқ сентек паризод.

Хижил хуршиди тобон ой юзунгдин,  
Ётур маҳмур ўлуб<sup>19</sup> наргис кўзунгдин.

Шакар лаъли лабинг боли чин оре,<sup>20</sup>  
Чаманинг сарвари, қилдинг чинори.

Бегим, оғзингда сўз оре, баледур<sup>21</sup>,  
Сўзунгузга жавоб оре, баледур.

Жамолингни кўриб гул фунча бўлгай,  
Тор оғзингтек магар гулғунча бўлгай.

Кулар бўлсанг қишичка ёз очилур,  
Сочингдин анбари соро<sup>22</sup> сочишур.

Кўнгул эви жамолингдин мунаvvар,  
Насимидин димоги жон муаттар.

Санга боқсам юзунгга жон кўрунур,  
Лабингдин кўзларимга қон кўринур.

Қадинг тузу<sup>23</sup> юзунг фирмавс боғи,  
Мунаvvар чеҳрангиз жонлар чироғи.

<sup>15</sup> сардафттар — олдинги, пешқадам.

<sup>16</sup> хұбон — яхшилар, чиройлилар.

<sup>17</sup> мусаллам — бўйсунган, таслим бўлган.

<sup>18</sup> зод — озиқ.

<sup>19</sup> маҳмур ўлмак — маст бўлмоқ.

<sup>20</sup> ори/оре — шубҳасиз, рост.

<sup>21</sup> бале — шундай, тўғри, оғарин.

<sup>22</sup> соро — холис, тоза, соғ.

<sup>23</sup> туз — адл, келишган.

Хати<sup>24</sup> ирнинг уза тўтию шаккар,  
Хижилдур тишларингдин дурру гавҳар.

Парилар шоҳисен ҳуснунг зиёда,  
Рухунг кўрса бўлур шоҳлар пиёда.

Хатинг сеҳру сочинг сўъбони Мусо,\*  
Лабинг иглиг<sup>25</sup> кўнгулларга Масиҳо.\*

Қаро зулфунг ажаб ҳиндуйи тазвир,<sup>26</sup>  
Эрур фаттон<sup>27</sup> кўзунг жодуйи Кашмир.

Набот оғзинг қошинда оғзин очмаз,  
Шакар ирнинг қошинда бол су ичмаз.

Сени севган киши девона бўлур,  
Ўзидин бир йўли бегона бўлур.

Сенингtek дилрабо оламда йўқтур,  
Менингтек мубтало одамда йўқтур.

Анинг ким сиз бикин дилдори бўлса,  
Фами йўқтур жаҳон афёри бўлса.

Кимин сентек нигори бўлса , эй ёр,  
Raқиблар жавридин не қайгуси бор.

Висолинг ганжи эмгаксиз булунас,  
Тиконсиз гулистон ҳаргиз булунас.

Чечак севган жафойи хор тортар,  
Raқиб жаврин рақиб ночор тортар.

Кел, эй соқий, бу кун мажлис қуроли,  
Замоне айш этиб хуш ўлтуроли.

## 2

Аё налук баданлар кўрка бойи,  
Замона хўбларининг тўлун ойи.

<sup>24</sup> хат — чизик.

<sup>25</sup> иғ/ йиг — хаста.

<sup>26</sup> тазвир — алдаш, ҳийла

<sup>27</sup> фаттон

Пари рухсораларнинг жонидурсиз,  
Қамуғ гулчехралар султонидурсиз.

Берур зулфунг насими жонға роҳат,  
Сизингтек кимда бор ҳусну малоҳат.

Юзунг нури урур юз таъна ойға,  
Юзунгни ойға ўшшар деб ким ойға.

Берур шаккар сўзунг жонларға мақсуд,  
Эрур лаълу лабинг ҳалвойи бедуд<sup>28</sup>.

Сенинг зулфунг бир ўзга дин чиқарди,  
Жаҳон зоҳидларин диндин чиқарди.

Қаро қошинг эрур байрам ҳилоли,\*  
Қўруб шукронга жон қурбон қилоли.

Қилур коғир кўзунг оламни яғмо<sup>29</sup>,  
Қаро менг бирла босдинг ойға тағмо.

Агар ғамзангға қилсанг бир ишорат,  
Қилур бир дамда юз минг жонни форат.

Жаҳон хисравлари ширин сўзунгга  
Бўлуб мажнун, боқа қолди юзунгга.

Исирганг донаси чин Муштарийдур<sup>30</sup>,  
Сочингфа нофайи<sup>31</sup> Чин муштарийдур.\*

Юзунг кундуз бикин, зулфинг шаби тор,  
Сочинг чининда<sup>32</sup> пинҳон мушки тотор.

Сочинг белга етар белинса сочтек,  
Сочинг чин мушкү анбар сочса сочтек.

Лабинг лаъли Бадахшон, тишларинг дур,  
Садаф оғзинг қурутган тишларинг дур.

<sup>28</sup> бедуд — соғф, ялтирок

<sup>29</sup> яғмо — талон—тарож, бузғунлик.

<sup>30</sup> Муштарий — Юпитер сайдераси.

<sup>31</sup> нофа — мушк, хушбўй ҳидли модда.

<sup>32</sup> чин — сочининг жингалаги.

Юзунгни Ҳақ жаҳон гулзори қилди,  
Юзунгни кўрдию гул зори қилди.

Шакар нархин лабинг арzon қилибдур,  
Тор оғзинг фунча бағрин қон қилибдур.

Қилур зулфунг кўнгулларни паришон,  
Лабингдин уфтанур<sup>33</sup> лаъли Бадахшон.

Паримусен бу талъат<sup>34</sup> бирла ё ҳур,  
Ўғон қилсун юзунгдин чашми бад дур<sup>35</sup>.

Сенинг ишқингда жон кечти бадандин,  
Севукраксен манга жону жаҳондин.

Юзунг шамъина жон парвона бўлди,  
Сочинг занжирина девона бўлди.

Юзумни қилди сариқ ол яногинг,  
Қизил қоним тўкар жоду қароғинг.

Яногинг лаълу чеҳранг барги гулдур,  
Сени севмаз киши одам дегулдур.

Висолингда кеча—қундуз эвармен,<sup>36</sup>  
Сени севган учун жонни севармен.

Гунаҳ бўлса сени севмаклик, эй ёр,  
Жаҳонда бўлмағай ментек гунаҳкор.

Сени севмаз кишига жон керакмаз,  
Биҳишту кавсару ризвон керакмаз.

Кўзумга хоки пойинг тўтиёдур,  
Таним тупроғу ишқинг кимиёдур.

Кел, эй соқий, шароби ноб келтур,  
Фақирлар кўнглини даръёб<sup>37</sup> келтур.

---

<sup>33</sup> уфтанмоқ – уялмоқ.

<sup>34</sup> талъат – юз, бет, хусн, кўриниш.

<sup>35</sup> дур – узоқ.

<sup>36</sup> эвармоқ – айланмоқ, ўгирмоқ.

<sup>37</sup> даръёб – дарё суви.

Аё қадди санубар, чеҳраси гул,  
Хати райхон менгизлик зулфи сунбул.

Алифтек түгри бўйлиқ қошлари нун,  
Жаҳон Лайлилари ҳуснунғга Мажнун.

Тор оғзинг миму фаттон<sup>38</sup> кўзларинг сод,  
Жаҳонда сиз бикин йўқ одамизод.

Ҳилолтек чеҳрангиздин кўк уза бадр<sup>39</sup>,  
Юзунг кундузу зулфунг лайлатулқадр.

Пари пайкар нигори сарвқомат,  
Жамолингдин жаҳон ичра қиёмат.

Жамолинг чови<sup>40</sup> тўлди Чину Мочин,  
Үёлур зулфунгуздин нофайи Чин.

Жамолинг шуҳра бўлди шаҳр ичинда,  
Туман ментек қулунг бор даҳр ичинда.

Сенинг ишқинг мени солди балофа,  
Раҳм қил, эй бегим, мен мубталофа.

Нигоринга жафо ҳаддин ошурма,  
Фироқ ўти била бағрим пишурма.

Манга сендин жафо айни вафодур,  
Жафо оз бўлса ошиққа жафодур.

Шикоятму қилур ошиқ жафодин,  
Ошиқларга жафо хушроқ вафодин.

Жафодин ушбу йўлда ошиқ армаз,  
Жафодин юз чевурган ошиқ эрмаз.

Лабинг лаъли эрур дардим давоси,  
Бу дардимға даво мушкил бўлоси.

<sup>38</sup> фаттон – фитна қилувчи, мафтун этувчи, ўзига тортувчи, жозибали.

<sup>39</sup> бадр – тўлин ой, ўн тўрт кечалик ой.

<sup>40</sup> чов – қичқириқ, товуш.

Висолинг тегмади мен бенавоға,  
Шаҳаншақлиқ қачан тексун гадоға.

Кўнгул мулкин хароб этти фироқинг,  
Қамуғ оламни сайд этти қароғинг.

Фаминг то маскан этти жон ичинда,  
Кўнгул мустағрақ<sup>41</sup> ўлди қон ичинда.

Манга сенсиз керакмас танда жоним,  
Сенўқдурсен менинг жону жаҳоним.

Кел, эй соқий, кетургил жоми Жамни\*,  
Кечар дунё ғанимат тут бу дамни.

#### 4

Сабо, мендин салом ул бевафоға,  
Бути номеҳрибон кони жафоға.

Саломимни тегур ёлғончи ёра,  
Сўзи шаҳду шакар қўзи хумора.

Саломимни тегур ой юзлуғумға,  
Шакар эринли ширин сўзлуғумға.

Саломимни тегур қоши ҳилола,  
Саломимни тегур ирни зилола.

Айтит, эй меҳри ёлғон, бевафо ёр,  
Қулунг бўлди фироқ ўтинда аффор.

Айтиқил мендин ул номеҳрибона,  
Фироқ ўтини оз ёқсин бу жона.

Бегим, асрү<sup>42</sup> унуттунг мен гадони,  
Унуттунг бир соғин мен мубталони.

Не бўлдиким, қулунгдин юз эвурдунг,  
Бир айғон сўзни, шоҳим, юз эвурдунг.

<sup>41</sup> мустағрақ — гарқ бўлган, чўмган.

<sup>42</sup> асрү — ниҳотяда, тамомила.

Қачон келгайсан, эй, сарви равоним,  
Фидо бўлсун санга жону жаҳоним.

Қачон юзунг қўруб қўзум ёруғай,  
Висолингдин кўзум ёши қуруғай.

Қачон ўксулса<sup>43</sup> ҳижрон можароси,  
Қачон бутгай юрагимнинг яроси.

Киши дармон топмаз ул яроға,  
Лабингдин марҳаме берсанг яроға.

Манга сенсиз, бегим, кундуз кечадур,  
Дариғо сенсизин умрум кечадур.

Фалак ишрат бутогини қайирди,  
Ўшал кунким, сени мендин айирди.

Фалак солди мени жавру жафоға,  
Бўйин сундум, ризо бердим қазоға.

Фироқ ўтинда бағрим бўлди бирён,  
Қачон бўлғай фироқинг иши бир ён.

Висолинг қадрини билмадим, эй ёр,  
Фироқ илгинда ўш бўлдум гирифтор.

Ғанимат тутмадим васлингни, эй жон,  
Осиғ қилмаз неча есам пушаймон.

Йироқ туштум жамолингдин зарури,  
Маҳол эрмиш бегим сенсиз сабури<sup>44</sup>.

Таоллолоҳ<sup>45</sup>, бу не ҳусну жамол ул,  
Сабур қилмоқ жамолингдин маҳол ул.

Хаёлингдин ойин кўнглумда йўқдур,  
Йироқ бўлсам ўзум кўнглум ёвуқдур.

Фироқингда жафо кўп чектим, эй ёр,  
Вале ҳар йигламақнинг кулмаги бор.

<sup>43</sup> ўксумак — камайтирмоқ, камситилмоқ.

<sup>44</sup> сабур — сабрли, чидамли, тўзимили.

<sup>45</sup> таоллолоҳ — энг улуғ ва устун, олий Оллоҳ.

Не бўлғай мен гадони ёд қилсанг,  
Висолинг бирла кўнглум шод қилсанг.

Кел, эй соқий, ичоли жоми гулгун,  
Вафо қилмаз, яқин бил дунёйи дун<sup>46</sup>.

## 5

Аё дилбар, кел эмди ёз очилди,  
Гулистон саҳнида гуллар сочилиди.

Яғиз ер кўк менгизлик бўлди ҳазро,<sup>47</sup>  
Чаман шоҳидлари бўлди мусаффо.

Етиб келди яна фасли баҳор ул,  
Дами Исодин\* эмди ёдгор ул.

Чечак хони урунди тахти мийно<sup>48</sup>,  
Калимтек<sup>49</sup> қумри гулшан Тури Сино\*.

Чаман саҳнида кўп турлук чечаклар,  
Тушуб қолмиштек абришим бичаклар.<sup>50</sup>

Бинафша зулвидин анбар сочилиши,  
Кўруб гулғунчанинг оғзи очилмиш.

Мурассаъ<sup>51</sup> чаҳ суйидин лола тожи,  
Жавоҳир инжуга йўқ эҳтиёжи.

Аликка жоми Жам олмиш шақойиқ<sup>52</sup>,  
Эрам боғи бикин бўлмиш ҳадойиқ<sup>53</sup>.

Гулистон қушлари гулгул қилишур,  
Яғочлар ўйнаюрда енг солишур.

<sup>46</sup> дунёйи дун — пастқаш, ярамас дунё.

<sup>47</sup> ҳазро — яшил, кўқимтири

<sup>48</sup> мийно — 1.шиша. 2. ҳаворанг.

<sup>49</sup> калим — сўзловчи, ҳамсуҳбат.

<sup>50</sup> бичак — игна, сўзан.

<sup>51</sup> мурассаъ — 1. Кийматли тошлар билан безалган; 2. Шеърда икки мисрадаги сўзларнинг ҳар жиҳатдан бир—бирига мос ва охандош бўлиб келиши.

<sup>52</sup> шақойиқ — гуллар, лола..

<sup>53</sup> ҳадойиқ — боғлар, гулзорлар.

Чин ул маңшуқу ошиқтек чибуқлар,  
Бири бирини ўйнарда чибуқлар.<sup>54</sup>

Чечак хониға нарғис бирла лола,  
Боши бирла тутар тун-күн пиёла.

Муғанний чангу барбат\* соз қилмиш,  
Тараннум андалиб оғоз қилмиш.

Тараннум қылса илхон<sup>55</sup> бирла булбул,  
Суроҳи<sup>56</sup> күшларинг айтарки “қулқул”<sup>57</sup>.

Ичурди жон суроҳи қулқулидин,  
Гулистон тўлди күшлар ғулғулидин.

Сабо гул кўнглакини пора қилди,  
Рақибларни Идим овора қилди.

Кел, эй соқий, майи гулфом<sup>58</sup> келтур,  
Шароби аргувондин<sup>59</sup> жом келтур.

Жаҳонда айшу ишрат мавсумин<sup>60</sup> ёз,  
Қадақ келтур, кўнгуллар махмурин<sup>61</sup> ёз.

Қароба<sup>62</sup> қони бирла жони қондур,  
Қароба тўйди қоним қона қондур.\*

Гулистон ичра гул термак не хушдур,  
Бегим ишқинда жон бермак не хушдур.

Қачон усруб<sup>63</sup> қизарса ол яноқин,  
Бошим ерга қўйиб ўпсам аёқин.

<sup>54</sup> чобук/чобуқ — чаққон.

<sup>55</sup> илхон/алхон — овозлар, ашулалар, сайрашлар.

<sup>56</sup> суроҳи(й) — май идиши, май.

<sup>57</sup> қулқул — майнинг шиша оғзидан тушадиган овози: “айт—айт”, “гапир—гапир” маъносиди.

<sup>58</sup> гулфом — гул ранг, қизил.

<sup>59</sup> аргувон — қизил гулли бир дараҳт.

<sup>60</sup> мавсум — номланган, аталган.

<sup>61</sup> махмур — маст, маст бўлган.

<sup>62</sup> қароба — май шишаси.

<sup>63</sup> усрумак — маст бўлмоқ.

Бўлуб маҳмур сенинг усрук кўзунгга,  
Мудом ичсам, боқа қолсан юзунгга.

Жаҳони бевафо елтек кечадур,  
Берур додин<sup>64</sup> кишиким май ичадур.

Шаробу шоҳиду<sup>65</sup> чангу чағона<sup>66</sup>,  
Бегим, айш эт, ким ўш кечти замона.

## 6

Аё, сарви сиҳи<sup>67</sup> бўйлуқ, бели қил,  
Ўлодурман фироқингда, раҳим қил.

Раҳимсиз бевафо номеҳрибоним,  
Фироқинг ўтида ўртанди жоним.

Унуттунг бир йўли аҳду вафони,  
Фалакдинму сабақ олдинг жафони.

Сенингtek кўрмадим турфа нигоре,  
Эрурсен бевафолиқда диноре.

Лабинг шаккар тўқар дашномингиздин,  
Киши бир журъя<sup>68</sup> тотмаз жомингиздин.

Шакар ирнинг дўкон қўймиш давоға,  
Вале тегмаз менингтек бенавоға.

Ўроминг ити бизга бор бермаз,  
Телим ёнса гадоға бор бермаз.

Тавонгарсен<sup>69</sup> бегим ҳусн ичра комил,  
Гадоға манфаат тегмаз не ҳосил.

Фанисен ҳусн мулкинда бағоят.  
Фақирларға бирор қилғил иһонт.

<sup>64</sup> додин бермак – 1) қасос олмоқ; 2) ёрдам чақириғи.

<sup>65</sup> шоҳид – 1) далил; 2) гўзал.

<sup>66</sup> чағона – сапойил номли чолғу асбоби.

<sup>67</sup> сиҳи – рост, баланд.

<sup>68</sup> журъя – қултум, хўплам.

<sup>69</sup> тавонгар – 1) кучли, қувватли; 2) бой, бадавлат.

Нисоби<sup>70</sup> ҳуснунгиз етмиш камола,  
Закот бермазмусен мундоқ жамола.

Софинмазсен бирор, эй күрка бойим,  
Қаён борди эшикдин ул гадойим,

Гадо ҳолин ғани билмазму бўлур,  
Фақирларга раҳим қилмазму бўлур.

Кўзум тўймаз юзунга боқса тун-кун,  
Гадонинг кўзи тўймаз, бўлса Қорун.

Бегим, неча баҳил бўлсанг вафода,  
Очуқдур қўлларинг элги дуода.

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,  
Фақирлар кўнғлини қилғил иморат.

Фанимат тут бу ҳусн даврини беш кун,  
Кечар дунё, қани Лайлию Мажнун.

Бадал<sup>71</sup> қил шодига дунё ғамини,  
Фанимат тут йигитлик мавсумини.

Маишат бирла ғам ўтин ўчурғил,  
Кечар дунёда беш кун хуш кечурғил.

Муҳаббат бирла ўсруб эшларингни,  
Ғани қилғил, бегим, дарвешларингни.

Замона бевафодур такя<sup>72</sup> қилма,  
Бу кунги яхши ишни тонгга қўйма.

Фалакнинг гардишидин бўлма ғофил,  
Пушаймон бўлғасен охир не ҳосил.

Жафо ҳаддин ошурма қулларингга,  
Чечаксен, раҳм қил булбулларингға.

<sup>70</sup> нисоб — даража; комиллик.

<sup>71</sup> бадал — эваз.

<sup>72</sup> такя — 1) дарвешнинг турар жойи; 2) суюниш, суюнчиқ; *такя қилмоқ* — суюнмоқ.

Кўнгул игинга бол ирнинг даводур,  
Раҳим қилким, Хўжандий бенаводур.

Кел, эй соқий, шароби аргувон<sup>73</sup> бер,  
Кўнгулдин ғам кетар, жонға равон бер.

7

Аё, қадди санубар, энги лола,  
Нигори маҳваси мушкин кулола<sup>74</sup>.

Юзунг гул, оразинг чин настариндур,  
Жамолингдин қамуғ олам чамандур.

Шақойиқ<sup>75</sup> бағри қон ол энгларингдин,  
Куяр анбар ўт ичра менгларингдин.

Қаро зулфунг ичинда чин кўрармен,  
Хато йўқдур бу сўзда, чин кўрармен.

Юзунгтек гул Эрам боғида бутмаз,  
Нетак қилғай кишининг илги етмаз.

Суман<sup>76</sup> кўрса аниң нозук танини,  
Қабо<sup>77</sup> қилғай равон<sup>78</sup> пироҳанини<sup>79</sup>.

Кўзунгни кўрса нарғис хира қолғай,  
Бўлуб усрук<sup>80</sup> бошини ерга чолғай.

Саҳар гулғунчаким оламға кулди,  
Тор оғзингни кўруб гул ғунча бўлди.

Тор оғзинг шаккар ирнинг шаҳди фойиқ<sup>81</sup>,  
Сўзунгдин эл булур турлук дақойиқ<sup>82</sup>.

<sup>73</sup> аргувон — қизил гулли бир дарахт.

<sup>74</sup> кулола — жангалақ соч, гажак.

<sup>75</sup> шақойиқ бирл. шаққ — ёриқ, тирқич, ёриш.

<sup>76</sup> суман — ёсмин гули.

<sup>77</sup> қабо — эркакларнинг узун ва уст кийими.

<sup>78</sup> равон — 1) юрувчи, 2) тез; 3) жон.

<sup>79</sup> пироҳан — кўйлақ.

<sup>80</sup> усрук — масти.

<sup>81</sup> шаҳди фойиқ — шаҳд —асал

<sup>82</sup> дақойиқ бирл. дақиқа — аниқлик, нозиклик.

Юзунг қофоз, қора қошинг қаламдур,  
Жамолинг чови оламда аламдур.

Қаро сочни нелук белга солурсен,  
Үзунгни ҳиндуға<sup>83</sup> не тенг қилурсен.

Жамолинг шеваси жоним баҳоси,  
Таним ўлса сайин жоним баҳоси.

Кўзунг ўқ отса жон ўтру<sup>83</sup> тутармен,  
Кишига тегмасин деб қон ютармен.

Сенинг дардинг кўнгулларнинг давоси,  
Висоқинг<sup>84</sup> гарди кўзлар тўтиёси.

Танинг сийми<sup>85</sup> юзумни қилди олтун,  
Кўзум ёши фамингда бўлди Жайхун.

Сени севган жафодин ўзга қолмаз,  
Нетак қилсун, вафо хубларда бўлмаз.

Юзунгда кўрса бўлур сунъи холиқ<sup>86</sup>,  
Нетук бўлмай муунунгтек юзга ошиқ.

Сенинг ишқингда бағрим бўлди пора,  
Эригай ушбу йўлда санги хора.

Ким ўлғай ёридин озор бўлмаз,  
Сенингтек бир йўли безор бўлмаз.

Мени ишқингда асрү зор қилма,  
Фақирлар кўнглини озор қилма.

Кел, эй соқий, қадаҳ келтур ичолинг,  
Замоне ўсрубон жондин кечолинг.

## 8

Аё, ҳусн ичра олам беназири,  
Зарофат<sup>87</sup> чархининг бадри мунири<sup>88</sup>.

<sup>83</sup> ўтру – рўпара, қарши.

<sup>84</sup> висоқ – 1) тугун; 2) уй, капа; 3) аҳд, келишув.

<sup>85</sup> сийм – кумуш.

<sup>86</sup> сунъи холиқ – яратганинг иши.

Хижилдур оразингдин нуқрайифом<sup>\*89</sup>,  
Күнгулда зулфу холинг донау дом.

Іозунгтек гул булунмаз боғ ичинда,  
Кўзунгдин куйди нарғис доғ ичинда.

Қаро зулфунг бегим ол энг узола,  
Гулистонда ётур ҳинду узола\*.

Сочинг белга етар орам ўруми,  
Кўзунг коғир, юзунг тарсойи<sup>90</sup> руми.

Сочинг зулмоту ирнинг оби ҳайвон<sup>91</sup>,  
Не билсун қадрингизни текма нодон.

Лабинг сарчащмайи оби ҳаёт ул,  
Хатинг ул чашма қирғинда ул.

Қароғинг сехридин Ҳорут\* уялди,  
Ўзин Бобил қудуги\* ичра солди.

Кўзунгни Зуҳра кўрса, хира қолгай,  
Тўлун ой сизни кўрса, ярим ўлгай.

Сени кўрса жаҳон, тушгай сужудга,  
Адамдин\* келмади сентек вужудга.

Карашибанг форат айлар жону дилни,  
Кўзунг яғмо қилур яғмо, чигилни.

Карашибанг бирла жонға ўт ёқарсен,  
Кўнгулга жондин ортуқроқ ёқарсен.

Юзунгга неча боқсам, тўйман, эй жон,  
Сени сайдум ҳақиқат қўйман, эй жон.

Жаҳонни ўртади ишқинг балоси,  
Қамуғ олам қароқинг мубталоси.

<sup>87</sup> зарофат – хуштаблик, мулойимлик.

<sup>88</sup> бадри мунир – нурли ой.

<sup>89</sup> нуқрайифом – кумушранг, оқ.

<sup>90</sup> тарсо – насроний, христиан.

<sup>91</sup> оби ҳайвон – тириклик суви.

Бегим, ишқинг манга құп қилди бедод,  
Замона шоҳисен кимдин тилай дод.

Үроминг тупроғида юз менингтек,  
Бор ул тупроқда қўйған юз менингтек.

Ёмон кўз бўлмасун ҳуснунгга мойил,  
Қўлумни бўйнунга қилсан ҳамойил<sup>93</sup>.

Нечук йўқ бўйла<sup>94</sup> ишқинг жон ичинда,  
Бўлур ганжи равон вайрон ичинда.

Биҳамдулоҳ, хаёлинг кина<sup>95</sup> тутмаз,  
Бирор чоғда сўрар бизни унутмаз.

Хаёлинг келдиса жондин қўпар фам,  
Хаёлингни топан жондин қўпар фам.

Неча бўлсам йироқ, эй дўст, сиздин,  
Хаёлинг холи эрмаз қўнглумиздин.

Хўжандий ишқингизда бўлди охир,  
Раҳим қилсанг, бегим, не бўлди, охир.

Кел, эй соқий, кетургил жоми гулфом,  
Фанимат тут бу дамни кечти айём.

## 9

Ало, эй аҳди ёлғон, бевафо ёр,  
Қамуғ олам сенинг ишқингда афгор.

Вафосиз дилбари шўхи жафокеш,  
Сенинг ишқингда шайдо шоҳу дарвеш.

Қиё боқсанг улусни ўлтуурурсен,  
Йилонсиз ич—бағирни куйдуурурсен.

Қиё боқсанг қиярсен жонимизни,  
Раҳим қи рёнимизни.

<sup>93</sup> ҳамойил — елкадан пастга тушадиган камар, тасма ёки боғич.

<sup>94</sup> бўйла — бундай.

<sup>95</sup> кина — гина, адоварат; қасос.

Ақиқинг орзуси қилди бағир қон,  
Сени севмаклик осон эрмаз, эй жон.

Үзини күч била солди балоға,  
Гадоким ошиқ ұлди подшоға.

Үлар бўлдум раҳим қилмадинг, эй жон,  
Натук қилгай раҳимсиз бўлса жонон.

Неча ишқ ўтиға бирён<sup>96</sup> бўлайин,  
Равон ўлтур мени, бир ён бўлайин.

Гар ўлтурсанг, ироқ тур мендин, эй, моҳ,  
Адоқингға қоним тегмасму ногоҳ.

Гар ўлтурмак тиласен бизни ноҳақ,  
Кўзунгнунг учи бирла бир қиё боқ.

Айурлар ошиқ үлса хун баҳосиз,  
Равому ошиқ үлса хун баҳосиз.

Үлам, махмур<sup>97</sup> кўзунгдин бир боқа кўр,  
Фано бўлған вужудимға боқа кўр.

Зиҳе,<sup>98</sup> фархунда<sup>99</sup> толиъ ул ким эрса,  
Жамолингни кўруб жонини берса.

Мусулмонлар фифон ул ёр элиндин,  
Раҳимсиз бевафо дилдор элиндин.

Вафоси йўқ, жафоси жонға тегди,  
Хароб айлаб кўнгулни жонға тегди.

Фалакка етти ўш оҳим тутуни,  
Танимда жондин ўзга йўқ бутуни.

Кўзумдин қон оқадур ёшға не сан,  
Ўромунгнинг<sup>100</sup> бошинда бошға не сан.

<sup>96</sup> бирйон – қовурдок, кабоб.

<sup>97</sup> махмур – масть, масть бўлган.

<sup>98</sup> зиҳе – қандай яхши.

<sup>99</sup> фархунда – баҳтили.

<sup>100</sup> ўром – кўча.

Сени севган киши девона бўлур,  
Ўзидин бир йўли бегона бўлур.

Сенингтек дилрабо оламда йўқдур,  
Менингтек мубтало оламда йўқдур,

Анингким сиз бикин дилдори бўлса,  
Фами йўқдур жаҳон агёри бўлса.

Киминг сентек нигори бўлса, эй ёр,  
Рақиблар жавридин не қайғуси бор.

Висолинг ганжи эмгаксиз булуnmаз,  
Тиконсиз гулистон ҳаргиз булуnmаз.

Чечак севган жафойи ёр тортар,  
Рақиб жаврин рақиб начор тортар.

Кел, эй соқий, бу кун мажлис қуроли,  
Замони айш этиб хуш ўлтуроли.

Аё нозик баданлар кўрки бойи,  
Замона хўбларининг тўлун оий.

Пари рухсорларнинг жонидурсиз,  
Қамуғ гулчеҳралар султонидурсиз.

Юзунг кўзгусида юз кўрса бўлмаз,  
Юзунгга майл этиб юз кўрса бўлмаз.

Жафою салтанат сизга ярашур,  
Вафоу масканат<sup>101</sup> бизга ярашур.

Хаёлинг жонда маскан килди кетмаз,  
Гадоға мунча султонлик не етмаз.

Фироқ элгинда бўлдум усрү<sup>102</sup> ожиз,  
Висолинг давлати бўлғайму ҳаргиз.

Висолинг давлатин ҳақин тилармен,  
Шакар эрнингга доим тиш бўлармен.

<sup>101</sup> масканат — фақирлик, начорлик.

<sup>102</sup> усрү — кўп, жуда, ниҳоятда.

Фироқингда кўзум неча тўлур ёш,  
Умид бир, оқибат васлинг қилур бош.

Кел, эй соқий, кетургил жоми Жамни,  
Кечар дунё, ганимат тут бу дамни.

## 10

Аё, аҳди вафосиз дилрабо ёр,  
Нигори сарв қадди лоларухсор.

Алифтек тўғри қаддим ё ғамингда,  
Кўзумнинг чашмаси дарё ғамингда.

Қошуңг нуну қўзунг айни балодур,  
Ўғон қилсун жамолингдин бало дур.

Тор оғзинг мушкилинг ҳал қилса бўлмаз,  
Лабингдин сўрмагунча билса бўлмаз.

Лабингдин белгуур оғзингда тишлар,  
Бўлур сўзунг била ҳал мушкил ишлар.

Лаби лаълинг сўзинг эй, турфа, дилбар,  
Шакар десам бўлур сўзум мукаррар<sup>103</sup>.

Қаро менг ирнингиздин холи эрмаз,  
Кўнгуллар доғидур ул ҳоли эрмаз.

Раҳим қилмазмусен, эй бағритошим,  
Ичим ёнди ғамингда, куйди тошим.

Бегим, сенсиз бу мискин қул не қилсун,  
Чечаксиз бенаво булбул не қилсун.

Чечаксиз булбулинг иши наводур,  
Ошиқлар ҳар не ким қилса раводур.

Не истарсен менинг жонимдин, эй ишқ,  
Не келди бир овуч қонимдин, эй ишқ.

---

<sup>103</sup> мукаррар – такрорланган, қайтарилиган.

Сенинг ишқинг мени девона қилди,  
Мұхаббат жомига паймона қилди.

Мұхаббат жомини ул ошиқ ичгай,  
Ки аввал ишқ үчун жонини кечгай.

Киши жононидин жонин қиёрму,  
Күрунг, боруға ҳеч ўтдин ёнарму?

Кишиким жонини жононға бермаз,  
Хақиқат билса бұлур ошиқ әрмаз.

Агар сен ошиқ әрсанғ сүзлама ҳеч,  
Фидо қил бошнию жондин равон кеч.

Хўжандий, мухтасар қилғил сўзунгни,  
Ошиқларга қотиъ<sup>104</sup> кўргул ўзунгни.

Биҳамдуллоҳ иноят қилди бори<sup>105</sup>,  
“Латофатнома” охир бўлди бори.

Телим эмгак йипардим қон қуруттум,  
Ўғон қилди иноят сўз юруттум.

Латофаттин телим ҳангома қўйдум,  
Анинг отин “Латофатнома” қўйдум.

Китобат қилмадим беҳуда сўзлар,  
Сўзумни билмаган беҳуда сўзлар.

Сўзумни билга(й) ким бўлса сухандон,  
Не билсун доно қадрин тегма нодон.

Хўжандий сўзларин Хоразмий мискин,  
Эшитса йўлли деб қилғайди таҳсин.

Фарибларнинг сўзи бўлур жигарсўз,  
Фарид эрмаз Хўжандийдин фарид сўз.

Илоҳи дардима дармон қилу бер,  
Қамуғ душвор ишим осон қилу бер.

<sup>104</sup> қотиъ – қатый, ўзgartириб бўлмайдиган.

<sup>105</sup> бори(й) – яратувчи, тангри.

Қамар янглиф мунаввар қил юзумни,  
Күёштек элга машхур эт сўзумни.

Кўнгуллар сиррини Жаббори олам,  
Сен ўқсен билгучи воллоҳу аълам.

### Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асари

Асар 846 (1435 – 36) йили Сайд Аҳмад томонидан ёзилган Сайд Аҳмад — Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғлидир Навоий “Мажолис ун–нафоис” асарининг VI1 мажлисида Сайд Аҳмад тўғрисида қуидагича маълумот беради: “Сайид Аҳмад Мирзо — салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хили машхуј назмлари бор. Ҳам фазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий фазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида “Латофатнома” анингдур. Бу туркча матлаъ яхши воқеъ бўлубтурким:

*Сайд этии фироқинг мени мурғи саҳарийдек,  
Қил одамийлик, қилма ниҳон юзни паридек.  
Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:  
Маҳам гар пеш аз ин пинҳон бимонад,  
Ажаб, гар бедилоонро жон бимонад*

[Агар ой (юзлигим) бундан кейин (ҳам) пинҳон қоладига бўлса, бедилларнинг омон қолиши ажабланарлидир]”\*\*.

“Таашшуқнома” “Муножот”, “Мадҳи наби алайҳиссалом” “Китоб сабаби”, “Подшоҳи ислом мадҳи” ва ўнта номадаи иборат. Ўнинчи номадан кейин китобнинг хотимаси вишиорнинг илтимоси ўрин олган.

Навоийнинг маълумотидан кўриниб турибдики, Сайид Аҳмаднинг “Латофатнома” асари тўғрисида маълумот берилган, “Таашшуқнома” тўғрисида эса маълумот йўқ. Шунингдек, Сайид Аҳмад ўзбек ва форс тилларида фазаллар ёзган бўлиб, иккита девон тузгани ҳам Навоийнинг маълумотларидан маълум бўлади.

“Мажолис ун–нафоис”да Сайид Аҳмаднинг “Латофатнома”сидан келтирилган байт “Таашшуқнома”да учрамади.

“Таашшуқнома” ўнта номадан ташкил топган бўлиб, 319 байтдан иборат. “Таашшуқнома”нинг ўзига хос томони шунда кўринадики, ҳар бир нома уч қисмдан — нома, фазал, сўзнинг хуласасидан иборат қилиб тузилган. Сайид Аҳмад бу асарини бирон шоир асари таъсирида яратилганини қайд этмаса ҳам, асарнинг foявий йўналиши, тузилиши, тасвирий воситаларга асосланиб айтиш мумкинки, бу асарга “Мұҳаббатнома” ва “Латофатнома”нинг таъсири кучли бўлган. “Таашшуқнома”нинг

ўнта номадан иборат экани шундай хулосага олиб келади. Аммо “Таашшуқнома”нинг ўзига хослигини таъминловчи омил – унинг тузилишидир.

Ҳаётга муҳаббатни ошиқнинг маъшуқага бўлган муҳаббати орқали акс эттириш “Таашшуқнома”даги усуллардан биридир. Бу асар бадиий воситалардан истифода этишда ўзига хослик билан ҳам ажralиб туради. Хўжандий эски ўзбек тилининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, иккинчи номани бошдан охиригача тажнисли қофияда ёзган.

## Таашшуқнома

Санга ву ҳамд ул тангригаким жон,  
Тан ичра ошкора қилди пинҳон.

Яратти аршу<sup>1</sup> фаршу<sup>2</sup> лавҳу<sup>3</sup> афлок,  
Берib Одамға сирри маъорифнок<sup>4</sup>.

Зуҳални<sup>5</sup> посибони анжум этти,  
Бу йўлларда хирадни паждум<sup>6</sup> этти.

Агар шашдар<sup>7</sup> мақомин топти Бархис<sup>8</sup>,  
Саодат номасин ҳам топти Идрис.

Бешинчи манзилин Баҳрома берди,  
Анинг тасхирини<sup>9</sup> Баҳрома берди.

Қуёшким найири заамдур<sup>10</sup>, эй дўст,  
Фалак андин дурур мустаҳкам, эй дўст.

Жамолу ишва бирла шеваю ноз,  
Бўлур Ноҳид<sup>11</sup> сориндин сарафroz<sup>12</sup>.

<sup>1</sup> арш – осмоннинг энг юқориси; *маж.* энг юқори жой; *маж.* тахт.

<sup>2</sup> фарш – тўшаш, ётқизиш; тўшама, тўшалган, ётқизилган нарса.

<sup>3</sup> лавҳ – ёйик нарса, ёзув таҳтаси; равшанлик.

<sup>4</sup> маориф – билиш, таниш, билим.

<sup>5</sup> зуҳал – Сатурн сайёраси.

<sup>6</sup> паждум –

<sup>7</sup> шашдар – нард ўйинида мот бўлиш хонаси.

<sup>8</sup> бархис – бирон шахс исми бўлса керак.

<sup>9</sup> тасхир – забт этиш; қўлга киритиш.

<sup>10</sup> найири – порлоқ, ну сочувчи; *найири заъам* – *маж.* қуёш.

<sup>11</sup> Ноҳид – Ёруғ юлдуз, Зухра сайёраси.

<sup>12</sup> сарафroz – юксак, ҳаммадан устун.

Уторидким дабир ўлди муфизи\*,  
Халойиқ барча ондин бўлди рози.

Магар даври қамар бўлди муқаддам  
Ки, саргардон бўлубдур насли Одам.

### ***Муножом***

Худовандо, билурсан барча асрор,  
Ёзуқлуқ бир қулунгдурман гуноҳкор.

Билурман чўқ турур хайру гуноҳим,  
Магар кўз ёши бўлғай узр ҳоҳим.

Агар лутфу амининг\* бўлмаса шоҳ,  
Не келгай бандадин ёр нолаю оҳ.

Каримо холиқо парвардигоро,  
Раҳимо зулжалоло<sup>13</sup> кардикоро.

Нажот чогидур, қилғил иноят  
Ки, йўқтур сендин ўзга ҳеч ҳимоят.

Ба ҳаққи абруйи сирри Одам  
Ки, пайдо бўлди андин барча олам.

### ***Наъти наби алаӣҳиссалом***

Муҳаммадким Ҳабибуллоҳ дерлар,  
Фироқиндин мұхабилар оҳ дерлар.

Рисолат сарвари тожи футувват,  
Вилоят маҳрами хатми нубувват

Ки, олам нуридин бўлди мұхайё  
Ким, Одам анинг учун қилда пайдо.

Яратти Нуҳу Иброҳиму Мусо,  
Сулаймон бирла Довуду Масиҳо.

Валекин барча ондин нур топти  
Ки, ризвону беҳишту ҳур топти.

<sup>13</sup> зулжалол — азамат ва энг буюк, буюклик эгаси.

Жаҳону жони одамдур Мұхаммад,  
Бани одам ҳам одамдур Мұхаммад.

Фалак афлок уза бир дамда борди,  
Ишорат бирла ойни икки ёрди.

### ***Китоб сабаби***

Түшумда бир неча күрдүм саҳаргоҳ,  
Ки Мажнун бирла бўлдум йўлда ҳамроҳ.

Менға дедиким: “Эй шўрида аҳвол,  
Чиқар бошдин, такаббур қилма аҳмол<sup>14</sup>.

Ки ошиқлар мақоми карбалодур,  
Кишиким бўлди ошиқ мубталодур.

Чу сен ҳам мубтало бўлмишсен охир,  
Жафодин гул бикин сўлмишсен охир.

Бу йўлда қўй сару сомон<sup>15</sup> адам<sup>16</sup> бўл!  
Агар васл истасанг, событ қадам бўл!

Тахайюл бирла назм эт бир ҳикоят,  
Валинеъмат қошинда қил ривоят”.

Ҳикоятким, “Таашшуқнома” бўлғай,  
Улуғлар қошида аллома бўлғай.

### ***Подшоҳи ислом мадҳи***

Шаҳоншоҳи жаҳон Доройи аъзам,  
Фаридун сийрату Жамшид мұқаддам\*.

Сулаймон талъату Кайхисрав иршод<sup>17</sup>,  
Сикандар шавкату Нўширавон дод.

Улуғ султон муazzзам Шоҳруҳ хон,  
Мұхаммад халқу Султон бан\* Султон.

<sup>14</sup> аҳмол – юклар.

<sup>15</sup> сомон – илож, ёрдам; тартиб, интизом; куч, қудрат; қобилият; давлат, бойлиқ.

<sup>16</sup> адам – йўқлик.

<sup>17</sup> иршод – тўғри йўл қўрсатиш.

Ҳамиша давлати маъмур бўлсун,  
Қўра билмас кишилар кўр бўлсун.

Илоҳи бўлмасун ҳеч интиҳоси,  
Қабул эт Сайди Аҳмаднинг дуоси.

Чу шоҳаншоҳ дуосин хатм қилдим,  
“Таашшуқнома” сори азм қилдим.

Сафо етти битиган хома бўлди,  
“Таашшуқнома” ҳам ўн нома бўлди.

*Аввалги номасин айтур*  
Аё, зебо санамлар кўркабойи,  
Қамуқ шаҳлар гадойингнинг гадойи.

Латофат мулкининг соҳиб камоли,  
Топар нуқсон юзунгдин моҳ камоли.

Бу кун ҳусн ўрдасинда подшосен,  
Зарофат оламинда маҳлиқосен.

Сифотингдур сенинг оламда машхур,  
Сени Ҳақ сақласун аз чашми баддур<sup>18</sup>.

Бўюнгдур эй санам чун сарви озод,  
Сенга қул бўлди ҳар ким бўлди озод.

Сочингнинг исидин олам муаттар,  
Сочингдин\* мунфаилдур<sup>19</sup> мушку анбар.

Сенинг бирла бўлур жону жаҳон шод,  
Ки жон бирла тирикдур одамизод.

Фироқингдин бўлур бу чеҳра сори,  
Висолинг чун назар қилмас бу сори.

Қўша қошингдин ўлур фитна пайдо,  
Қилур жоду кўзунг оламни шайдо.

<sup>18</sup> баддур – ёмон назар қиласиган.

<sup>19</sup> мунфаил – хижолатли, уялган, таъсиранган.

Эшигингда аё мөхі қасабпүш<sup>20</sup>,  
Бұлур хуршиди тобон ҳалқа дар гүш.

Қаро зулфунг әрүр күнглум қарори,  
Аннинг учун тан ичра йүқ қарори.

Хаёлингдур ҳамиша муниси жон,  
Фироқингдурки бағримни қилур қон.

Жамолинг даврида эй күзи қаттол,  
Әрүр дардинг күнгулларга суюргол.

Малоҳат кишваринда жонсен, эй жон,  
Латофат оламинда жонсен, эй жон.

Сенинг сори қүнгүл учмоқни истар,  
Күрунг бечорани\* учмоқни истар.

Неча жавру жафо қылғайсен, эй ёр,  
Билурсенким қулунгдурмен вафодор.

Сенинг бирла менинг аҳдим ҳамондур,  
Нечаким жонима жаврунг ямондур.

Фалак тегурди чун фасли ҳамални,  
Ироқивор<sup>21</sup> айтай бу ғазални.

### ***Ғазал***

Сенинг дардингдин, эй шүхи\* мусаввар,  
Қамуқ олам хароб ўлди саросар<sup>22</sup>.

Нечаким жаҳд этар бечора ошиқ,  
Висолинг давлати бўлмас мұяссар.

Дудоғинг олида, эй сўзи ширин,  
Наботу қанду шаккардур мұкаррар.

Тишингдин мунфаилдур баҳр ичинда,  
Янгоқингдин хижил ёқути аҳмар<sup>23</sup>.

<sup>20</sup> қасабпүш – ипакли юпқа мато ёпинган.

<sup>21</sup> ироқивор – мусиқада бир күйнинг номи.

<sup>22</sup> саросар – бошдан–оёқ.

<sup>23</sup> аҳмар – қизил.

Шаҳо, даврингда жавру зулму бедод  
Бўлубтур Сайди Аҳмадқа муқаррар.

***Сўзнунг хуносаси***  
Кел эй соқий, кетур жоми дилфуруз<sup>24</sup>,  
Ки ишрат чоғидур ҳам фасли навруз.

Чалиб чангю чағона бода бирла,  
Ичоли май ҳарифи сода бирла.

Ки беш кун умр елтек кечгусидур,  
Сен андин кечма, ул худ кечгусидур.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андеша қилмоқ.

***Иккинчи номасин айтур***  
Нигоро, олди кўнглум юзунг оли,  
Қиласидур қасди жон ҳам қўзунг оли.

Отиб ғамза ўқин пайваста қошинг,  
Юроким қон қилур пайваста қошинг.

Жамолинг шамъиниким ёндуурсун,  
Қамуқ оламни ўтқа ёндуурсен.

Энгингда менгларинг мушки хатодур,  
Қаро зулфунг сари бормоқ хатодур.

Күёшдур оразинг ё Муштарийдур,  
Ки жон бирла жаҳони муштарийдур.

Висолинг завқин истаб эй дилором,  
Тан ичра топмади мискин дил ором.

Кўнгул қушини ишқинг қилди шунқор,  
Бу ғамдин муддайлар<sup>25</sup> бўлди шунқор.

Карашма қилмоқ ичра қил ярорсен,  
Неким жонимга қилсанг қил ярорсен.

<sup>24</sup> дилфуруз – кўнгилга ўт солувчи, кўнгилни шод этувчи.

<sup>25</sup> муддай – даъвогар, рақиб.

Аннгким ол юзинда холи бўлғай,  
Қачон фитна қилурдин холи бўлғай.

Айитсалар сенга, гамзангдин ўқ от,  
Они ўзгага отма, бизга ўқ от.

Турубтурмен ўқунгнуң қаршусина,  
Отар бўлсанг тутармен қаршу сина.

Чу тортармен ҳамиша ҳажр борин,  
Сенга айтай кўнгулда ҳар не борин.

Билурсенким, қулунгдурмен камина,  
Карам қил, боқмагил қулнунг камина.

Тўкар ҳар дам фироқинг дийда қони,  
Менингтек бир доғи ғамдийда қони.

Кўнгулда гарчи ҳажринг доғи бордур,  
Валекин васл умиди доғи бордур.

Нечаким ғамдамен, эй қадди шамшод,  
Бўлурмен ҳар қачон кўрсам сени шод.

Тараҳхум бу гадоға қилғин охир,  
Йўқ эрса қайғудин бўлғуси охир.

Ўлодур Сайди Аҳмад, қил яроғин,  
Аннг\* бори бир ишига яроғин.

Эшиттил бу ғазални чун ироқи,  
Ажам созин тузуб айтар Ироқи.

### ***Fazal***

Вафо боринда эй шўхи суманбар<sup>26</sup>,  
Жафо кўп қилма охир, эй санубар.

Латофат бирла нозуклук ичинда,  
Белингдур сочу сочинг мушки анбар.

Агар оҳ урсам оҳим шуъласиндин,  
Эзилгай Қоғ\*, эригай кўхи Хайбар\*.

---

уманбар — оқбадан, гўзал; *маж.* севгили.

Күнгүлнунг лавҳида ишқинг сифотин,  
Битибтурлар азалдин ўқуб азбар<sup>27</sup>.

Унутмайдур баён Сайди севинур\*,  
Неча жавру жафо кўп қилса дилбар.

*Сўзнуңг хуолосаси*

Кел, эй соқий, кетургил бодау жом,  
Ичоли май ба ёди Аҳмади жом.

Майиким руҳ андин маст бўлғай,  
Муҳаббат куйида сармаст бўлғай.

Хуморимизни ул майдин ёзоли,  
Мудом ичмаганни не деб ёзоли.

Билурсенким жаҳоннинг йўқ бақоси,  
Бақоси йўқ жаҳонга не бақоси.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Таҳайюл бирла ҳам андеша қилмоқ.

*Үчунчи номасин айтур*

Саломим тегур\*, эй беги жаҳонгир,  
Нигорим ҳазратинда қилма таъхир<sup>28</sup>.

Саломим элта кўр тинмай, то ёнмай\*,  
Худой учун ёвуқ етканда ёнмай.

Саломимни тегур\* ул дилрабоға,  
Сочи валлайлу юзи ваззуҳоға\*.

Саломим тегур ул сарви равона,  
Раҳмсиз дилбари номеҳрибона.

Айитқил, эй юзи руҳи мусаввар<sup>29</sup>,  
Айитқил, эй дудоги мушку анбар.

Айитқил, эй юзи хуршиди оғоқ,  
Паривашлар ичинда барчадин тоқ.

---

<sup>27</sup> азбар – ёдаки, ёддан.

<sup>28</sup> таъхир – кечиктириш, кечикиш.

<sup>29</sup> мусаввар – зеҳнда тасвиранган.

Айитқил, эй малоҳат мулкида шоҳ,  
Мулозим хизматингда зуҳраю моҳ.

Айитқил, эй латофат ичра зебо,  
Жамолингдин жаҳони бўлди шайдо.

Қачон келгай сенинг раҳминг гадоға,  
Фақиру мустаманду<sup>30</sup> мубталоға.

Гарибларни басе ҳайрон қилибсен,  
Нечага тегру саргардон қилибсен.

Қамуқ олам жамолингдин мунаввар,  
Аёқинг тупроғидур тожи Қайсар.

Агарчи итларинг бирла тенг эрман,  
Валекин ўлайнин ишқингда дерман.

Тирик бўл сен юз эллик йил жаҳонда,  
Сени Ҳақ сақласун дойим омонда.

Қачон сентек ажунда шоҳ туққай,  
Менингтек минг гадо ўлса не бўлғай\*.

Кучум боринча тортай бори ҳижрон,  
Аёқдин тушсам ўзга сен бил, эй жон.

Менга сенсиз керакмас бу тириклиқ,  
Киши истарму ўзга ҳеч ериклиқ.

Қўнгул меҳрингдин ўзгани ёвутмас,  
Йироқ бўлди дебон сизни унутмас.

Тилармен туну кун субҳи висолинг,  
Биҳамдуллоҳки кўзدادур хаёлинг.

Хаёлинг бирла айтай бу газални,  
Наво созин тузуб қўйдук жадални.

### ***Fazal***

Нигоро, ҳусн ичинда мунтаҳосен<sup>31</sup>,  
Латифу нозику Юсуфлиқосен.

<sup>30</sup> мустаманд — ғамли, қайгули, гирифттор.

<sup>31</sup> мунтаҳо — бирор нарсанинг охри, чеки, ниҳояси.

Дуочи бир қулунгдурмен вафодор,  
Нечаким жонума қилсанг жафосен.

Сенинг ишқинг балойидур бошимда,  
Менинг бошимға билмон не балосен.

Дедим: “Күнглум сенинг зулфунгни истар”,  
Дедиким: “Кет ямон, күнгли қаросен”.

Аё Сайди, чу хублар бевафодур,  
Алардин истама меҳри вафосен.

### *Сўзнинг холосаси*

Кел, эй соқий кетур жоми лаболаб,  
Қўбуз қўбсаб ичоли қулуб ўйнаб.

Ки фонийидур бу дунё йўқ бақоси,  
Маишаттур бу заҳматнинг давоси.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Таҳайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

### *Тўртинчи номасини айтур*

Ало, эй сарви бўйлуқ, лола рухсор,  
Кўзунг жайрон менгингдур мушки тортар\*.

Қароқчи кўзларинг, эй раشكнхуро<sup>32</sup>,  
Қилур юз минг балони бошқа пайдо.

Бузар пайваста қошинг кўнглум элин,  
Бирор ҳам тут йиқилса кўнглум элин.

Дудогинг рашкидин қавсар бўлур су,  
Киши лоф урса ҳоли бу бўлур бу.

Бўлубтур ишқингиз чови ажунда,  
Тутубтур барча оламни жунунда.

Жамолинг нуридин олам тутар нур,  
Менга сенсиз керакмас жаннату ҳур.

---

<sup>32</sup> ҳуро – офтоб, қуёш.

Латофат мулкининг сultonисан сен,  
Малоҳат кишварининг хонисан сен.

Кўнгул Фарҳоду Шириндур дудофинг,  
Вале топмас киши истаб сўроғинг.

Юзунгдур офтоби лоязоли<sup>33</sup>,  
Илоҳи бўлмасун ҳаргиз заволи.

Жамолинг чун жаҳонорой бўлди,  
Юзунг олинда моҳ гаррой<sup>34</sup> бўлди.

Нечаким хизматингда бизга йўқ сон,  
Вале ишқингни қўйғаймен не имкон.

Тирик боринча сенсан ёри зорим,  
Муни таҳқиқ бил, эй ғамгузорим.

Шикаста хотиру ғамгинмен, эй жон,  
Вале ишқингни қўйғоймен не имкон.

Манго сен Тенгри учун раҳм қилғил,  
Ўлармен оқибат қайғунгда, билғил.

Агар ўлсам мазоримға гузар қил,  
Қулунгни ёд этибон бир назар қил.

Қилур бўлсанг мазоримға нигоҳе,  
Чиқаргаймен лаҳадтин гарм оҳе.

Эшиттил топтим эмди чун маҳални,  
Ҳусайн(й) пардасинда бу ғазални.

### ***Fazal***

Не бўлдиким унуттунг ёр бизни,  
Қилибсан васлинг учун зор бизни.

Кўруб ёр ул сияҳрӯ муддаийни,  
Кўродурсен басе агёр бизни.

Фамингиздин ўларга рози бўлдум,  
Бу жондин қилдингиз безор бизни.

---

саъз – агадий, мангуб, ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган.  
иррой – сартарош; қон оловчи.

Тобуғингда чу йўқтур эътиборим,  
Рақибинг қувлағай ночор бизни.

Жафодин юз жевурмас Сайди Аҳмад,  
Нечаким солса кўздин ёр бизни.

### *Хулосаи сухан*

Кел, эй соқий, майи гулранг қил нўш,  
Йигитлик мавсумин қилма фаромуш.

Маишат қил замонидур замона,  
Фалак топмайдурор истаб баҳона.

Ки дунё маъдани ранжу балодур,  
Ани севган кишилар мубталодур.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андеша қилмоқ.

### *Бешинчи номасин айтур*

Аё, ҳусн элининг тобанда моҳи,  
Малоҳат кишварининг подшоҳи.

Юзунгдак лола йўқтур боғ ичинда,  
Кўзунгдак ҳам жайрон улоғ ичинда.

Лабингдин мунфаилдур<sup>35</sup> лаълу маржон,  
Тишинг қошинда луълуға<sup>36</sup> не баён.

Табассум қилса лаълинг дур сочилиур,  
Юзунгни кўрса гул кўнгли очилур.

Қамуқ оламда сендек жон йўқ, эй жон,  
Сенингдек дунёда жонон йўқ, эй жон.

Жамолингдур магар руҳи мусаввар,  
Таъоло шаънаху<sup>37</sup> Оллоҳу акбар.

Сочингдин, эй лаъли лаби бадаҳшон,  
Бўлур жамъияти кўнглум паришон.

<sup>35</sup> мунфаил – хижолатли, уялган, таъсиранган.

<sup>36</sup> луълу – марварид., инжу.

<sup>37</sup> шаънах

Күнгулда жонтек аспарман хаёлинг,  
Кўзумнинг мардумидур акси холинг.

Бўлур ҳуру пари жон бирла мойил,  
Кўруб ул шевау шаклу шамойил.

Дудогингни кўруб су бўлди яксар,  
Хижолаттин наботу қанду шаккар.

Тутубтур ҳуснунгуз офоқда анфус<sup>38</sup>,  
Бўлур ҳайрон сенинг васфингда Ҳўрмус.

Уурмэн то қиёмат лофи ишқинг,  
Килурмэн то абад авсофи ишқинг.

Бўлубтурмэн хаёлинг бирла қонеъ,  
Манго бўлмас киши ишқингда монеъ.

Дариғо асрү, эй жон бевафосен,  
Нечага тегру қилгайсен жафо сен.

Жафолар, эй бегим, ҳаддин ошибтур,  
Юрогим қони бу ғамдин тошибтур.

Фироқингдин бўлубтур чун юрак қон,  
Аёқтин туштум, элик тут, аё жон.

Манго чун келди бу илҳом бехост,  
Эшитгил, айтайнин бу ғазални рост.

### ***Fazal***

Ало, эй кўрк улуси ичра бардам,  
Хад<sup>39</sup> аро\* тўкмагил қонимни ҳардам.

Умид улдурки раҳминг келгай охир,  
Қомуқ оламда чун сенсен мукаррам.

Ҳўтан мулкинда зулфунгнунг черики,  
Қаро кўрсатиб элни урди барҳам.

<sup>38</sup> анфус — шахслар, жонлар.

<sup>39</sup> хад — ёноқ (юзнинг қитзариб турган жойи, юз олмаси).

Надиминг хуру соқи зухраю ой,  
Не нисбат менгзагай хуснунгга одам.

Агар дардимни билсанг эрди, эй дүст,  
Қилур эрди(ңг) даво дардимға ул дам.

Санго бу хусну хулду<sup>40</sup> шеваю ноз,  
Мусалламдур<sup>41</sup>, мусалламдур, мусаллам.

Нишоту айшу ишрат қил ҳамиша,  
Унутма Сайдини воллоху айлам.

### ***Сўзнунг холосаси***

Кел, эй соқий, кетур жоми мураввақ<sup>42</sup>,  
Ичоли бода ба ёри муваффақ.

Ки дунё бевафодур, бевафодур,  
Кўнгул қўймоқ анга айни хатодур.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

### ***Олтинчи номасин айтур***

Аё, хусну малоҳат ичра фохир,  
Не бўлдиким унуттунг бизни охир.

Сочингдур лайлутулқадру юзунг ой,  
Бўюнг тубою<sup>43</sup> хуснунг жанноторой.

Сенинг ишқинг бало бўлғайму, эй дус  
Бало десам раво бўлғайму, эй дўст.

Ёвуз кўзлар юзунгдин дур бўлсун,  
Жамолингдин жаҳон маъмур бўлсун.

Тишингнинг васфини ҳар ҳам\* билма!  
Гуҳарнинг қадрини чун оми билмас.

Кулар гул кўрса чеҳранг шодлиқтин,  
Севунур\* сарви ҳам озодлиқтин.

<sup>40</sup> хулд – абадийлик; жаннат.

<sup>41</sup> мусаллам – инкор қилинмай ёки қаршиликсиз маъқуллағ

<sup>42</sup> мураввақ – сузиг софланган, соф, тиник, тоза.

<sup>43</sup> тубо – маж. келишган қомат, сарвқад.

Киёмингдин қиёмат құпқусидур,  
Үтурсанг фитна ҳам ўлтурғусидур.

Ярошур ноз ила сизга ўтурмок,  
Күнгуллар хирманиға ҳам ўт урмоқ.

Юзунгдур наргису гулдур янгоқинг,  
Магар оби муаллақдур сақоқинг.

Аликингдур ёди байзо нишони,  
Ки бордур Ҳақ Таолодин нишони.

Мунаввардур юзунгдин барча оғоқ,  
Муаттардур сочинг исидин учмоқ.

Жафо оз қылсанғиз не бұлғай, эй жон,  
Билурсизким вафосиздур бу даврон.

Ажунда құлсизиң султон хуш эрмас,  
Нечукким дарди бедармон хуш эрмас.

Сураймонсен шаҳо, мен бир қаринча,  
Дуогүймен санго то жон боринча.

Фироқинг зулмидин дод истарам, дод,  
Рақибинг дастидан фарёд, фарёд.

Эшигтил, айтойин күнглум ниёзин,  
Құбуз құбсағ тузуб ушшоқ созин.

### *Fazal*

Иноят өғиғидур эй ёр, эй ёр,  
Ки құп қылди жафо ағёр, ағёр.

Ёзуқсуз тұқмагил қонимни охир,  
Билурсенким аймас\* хунхор, хунхор.

Бұлур ўз хижлатидин ҳайрат олиб,  
Күруб ҳұснунгни дар гулзор, гулзор.

Бұлур мушкин нағаснинг ҳасратидин,  
Қачон бұлғуси ҳар аттор, аттор.

Аё Сайди, санамлар машрабиндин  
Тамъа тутма вафо зинҳор, зинҳор.

### ***Сўзнуңг хуласаси***

Кел, эй соқий, кетур жоми бир оз\* май,  
Ки ғамларни кўнгуллардин қилур тай<sup>44</sup>.

Ичоли ул бути<sup>45</sup> айёр бирла,  
Қароқлари қароқчи ёр бирла.

Ки кечти бевафо бу умр елтек,  
Боришоли анинг бирла бу елтек.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

### ***Еттинчи номасин айтур***

Аё, жоду қароқлиқ ишвапардоз,  
Қилур зулфунг сори жон қуши парвоз.

Жамолингдин мунаvvардур чарогим,  
Юзунг олида ўлмакдур ярогим.

Қуёш ҳуснунг кўруб, эй моҳитобон,  
Хижолат топтию бўлди яро қон.

Қачонким лаълингиз бўлса шакарханд,  
Набот эрнинг қошинда су бўлур қанд.

Дудоғинг чун эрур ширинтар аз жон,  
Киши дегайму ани оби ҳайвон.

Шаҳо, пайваста қошинг қиблагоҳи,  
Эрур жону кўнгулнинг саждагоҳи.

Қошинг чун ёю кирпукларинг ўқтур,  
Сенингtek берк<sup>46</sup> тийрандоз йўқтур.

Саросар дуняни ғамзанг бузубтур,  
Карашманг ҳуд басе элни тузубтур.

<sup>44</sup> тай — юриш, қезиш.

<sup>45</sup> бут — мајс. севгили, маъшуқа.

<sup>46</sup> берк — қаттиқ, мустаҳкам, яширин, хилват, махфий.

Фироқингдин күнгүл девона бўлди,  
Ажунда ушбу сўз афсона бўлди.

Тилармен туну кун субҳи висолинг,  
Кўзумдин лаҳзае кетмас хаёлинг.

Кўнгулдин дарду мәҳнат бори кетмас,  
Этогингга илигим чунки етмас.

Манго сенсиз керакмас танда жоним,  
Чу\* сенсан мунису жону жаҳоним.

Малаксен, ё пари, ё ҳур, ё нур,  
Ки олам барчасиндин\* бўлди маъмур.

Камина чокаринг қўлуқчисидур\*,  
Азизи Қайсару хоқону фагфур<sup>47</sup>.

Кўнгул меҳрингни сақлар жон ичинда,  
Сенингдек жон қани даврон ичинда.

Қамуқ олам сенинг бирла хуш, эй жон,  
Ки сенсиздур тириклик нохуш, эй жон.

Салотинлар қачонким бўлса пайдо,  
Мубоҳ<sup>48</sup> ўлур гадоларга тамошо.

Ижозат бўлса, эй султони хубон,  
Ўқуйин бу газални дар Сифаҳон.

### ***Ғазал***

Беким, сўзким сочинг васфинда борди,  
Ривоят қилғучилар қилни ёрди.

Энгингни кўрди ёқут аз хижолат,  
Гаҳи сарғардию гаҳи қизарди.

Қилур эрди ўзини мушк таъриф,  
Менгингни кўрдию юзи қизарди.

Эшилти чун ақиқ ирнинг сифотин,  
Ўзиндин яхшилик отин кўтарди.

---

ағфур – кечириувчи.  
убоҳ – рухсат этилган иш, қилса ҳам, қилмаса ҳам бўладиган иш.

Қабул қылсанг не бўлғай кўнглум, эй жон,  
Бу мискин келмаку бормоқдин орди.

Анинг бирла мени кўргаймусен тенг,  
Сўнгоким ушбу ҳасраттин қаварди.

“Кўрунма кўзга,— дединг,— ўлдуурмен”,  
Қошингдин кетмади Сайди қошорди.

### *Сўзунг ҳулосаси*

Кел, эй соқий, кетургил май зи боқи(й)  
Ки, қолмас дунёда ҳеч киши боқи(й).

Билурсенким кечар айём охир,  
Ўзунгни қилмағил бадном охир.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

### *Сакизинчи номасин айтур*

Аё, сарви равон гулчехра шоҳим,  
Фироқингдин фалакка ошти оҳим.

Мунаввар бўлди одам талъатингдин,  
Мушарраф бўлди одам хизматингдин.

Сенингтек дунёда бир жон топилмас,  
Санго ҳам менгзаю инсон топилмас.

Жамолинг қошида хуршидон\*,  
Мутеингдур фалакта моҳитобон.

Юзунгнунг нуридин ҳур ўлди пайдо,  
Янгоқинг норидин нур ўлди пайдо.

Малак — ходим, парилар — чокарингдур,  
Улусни бузған ул кофирларингдур.

Санго нисбат ажунда туғмади шоҳ,  
Юзунгдек ҳам фалакта туғмади моҳ.

Кўнгул ширин сўзунгдин шод бўлди,  
Гаҳе Наврўзу гаҳ Фарҳод бўлди.

Гаҳи Мажнун бикин озода бўлди,  
Гаҳи Вомиқлайин бечора бўлди.

Тутубтур ҳуснунгиз васфи саросар,  
Хурносуни Ироқу Руму Ховар.

Сенинг бирла кўнгул бирдур ҳамиша,  
Валекин сийнағондур соқла шиша.

Не келди, не қиёмат бўлди охир,  
Ки боғрим қонидин кўз тўлди охир.

Фироқинг зулмидин мазлум бўлдим,  
Йироқлик дардидин мадум<sup>49</sup> бўлдум.

Висолинг давлати гар даст бермас,  
Қароқимдин хаёлинг холи эрмас.

Жафоу жаврнунг поёни йўқтур,  
Фалакнинг чун сару сомони йўқтур.

Кулоқ тутгил ривоят қилса рови,  
Эшитгил бу ғазални дар раҳови\*.

### *Fazal*

Шаҳо қилма манго жавру ситамлар,  
Қани у(л) аҳду эҳсону қарамлар?

Қилойин теб вафо қилдинг жафони,  
Қани ул аҳду паймону қасамлар?

Йалиник\* бўлсалар ҳуснунгни кўруб,  
Қани ул меҳру ул зебо санамлар?

Кўнгулнинг можаросини кимга айтай,  
Қани ул оқилу доно ҳакамлар?

Тут, эй Сайди, ғанимат фақир куйин,  
Қани ул салтанатлиқ муҳташамлар?

### *Сўзнунг холосаси*

Кел, эй соқий, кетур ул мири мажлис,  
Ки қилди кўп ғани бегларни муфлис.

<sup>49</sup> мадум — мавжуд эмас, йўқ, йўқ бўлган.

Анинг бирла замони хуш бўлоли,  
Ичиб бир журъани сархуш бўлоли.

Билурсенким бақосиздур бу даврон,  
Бўлубтур олами бу ишта ҳайрон.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

**Тўқузунчи номасин айтур**

Аё, кўнглум олан жонона дилбар,  
Жамолинг шуъласи оламни ўртар.

Кишиким ҳусн ичидаги бордур они,  
Ёвуз кўздин йироқ тутсун Ҳақ они.

Халойиқларниким Холиқ яротти,  
Сени Узро, мени Вомиқ яротти.

Кўнгул ишқинг била бўлди басе ром,  
Не ерга етгуси охир саранжом.

Саросари ишқим дерлар балодур,  
Они деган кишилар мубталодур.

Ажунни бесару сомон қилон ишқ,  
Фалакни бўйла саргардан қилон ишқ,

Бу ишқ эрмас, эрур бир аждаҳойи  
Ки, кўкдин инди у, бўлди балойи.

Агар ишқ ўлмаса ошиққа не сон,  
Кўнгулда сидқи йўқ содикқа не сон.

Кишиким ишқ ичидаги бўлса содик,  
Масалдурким бўлур маъшуқу ошиқ.

Дило, жаҳд айла, сидқинг рост бўлғай,  
Қамуғ ишлар бу ишдин рост бўлғай.

Нигоро, барчадин мақсудсан сен,  
Адамдур бори чун мавжудсан сен.

Сенинг бирла бўлур дил шод, эй жон,  
Санго нисбат дегил дилишод, эй жон.

Бўюнг тубоу жаннаттур жамолинг,  
Қамуқ оламни тутти қилу қолинг.

Висолинг давлатин топмас парилар,  
Не қилсун чора мискин одамилар.

Фалак бу ишта саргардон бўлубтур,  
Фироқингдин юроким қон тўлубтур.

Кўнгулнинг йўқтуур сенсиз қарори,  
Азалдин бу эди онинг қарори.

Мусалламдур санго бу халқу эҳсон,  
Ало, эй офтоби худпастон<sup>50</sup>.

Қилур кўнглум ҳавои кўҳи алванд,  
Эшигил бу ғазални дар ниҳованд.

### *Fazal*

Хаёлинг, дилбаре, нури басардур,  
Жамолинг фитнайи даври қамардур.

Юзунг олида жон тортай нигоро,  
Нечаким жон матои муҳтасардур.

Мени ҳар ерда сўзлар шум рақибинг,  
Анинг учун ҳамиша дарбадардур.

Рақибо, манго не носиҳ<sup>51</sup> бўлурсен,  
Саросар сўзларинг чун дардисардур.

Ёзуқсиз ўлтуур ошиқни ҳижрон,  
Магар сultonи хубон бехабардур\*.

Дедим: “Ногаҳ гузар қилма бу қулдин”,  
Деди: “Тек турки”, ахтар дар гузардур”.

Эшигингда, азизим, Сайди Аҳмад,  
Итингнинг ити бирла сарбасардур.

<sup>50</sup> худпастон — худбинлар, такаббур.

<sup>51</sup> носиҳ — насиҳатгўй.

## *Сүзнунг хулосаси*

Кел, эй соқий, хумор ашкин\* олиб кел,  
Кулингни белсаниб енгни солиб кел.

Ичоли ҳарчи бода бод бода,  
Күнгүл қайгусини бероли бода.

Ки дунё ҳеч кишига пой тутмас,  
Неча эврулса ўз ишин унутмас.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,  
Тахайюл бирла ҳам андиша қилмоқ.

## *Ўнунчи номасин айтур*

Аё, хиргоҳишин моҳи қасабпүш,  
Бўлубтур олами ҳуснунга мадҳуш.

Юзунгдур, эй пари, фирдавси аъло,  
Сени зебо яратти Ҳақ Таоло.

Улусда чунки сенсен инжу хоним,  
Фидо бўлсун санга жону жаҳоним.

Не бўлди кўзга илмассен қулунгни,  
Унугтунг, эй юзи гул, булбулунгни.

Кўруб пайваста ул қошинг ҳилоли,  
Кўзунгнунг қошида қурбон бўлоли.

Жамолинг чун жаҳонорай бўлди,  
Юзунг олинда маҳ гаррој бўлди.

Қуёш ҳуснунг кўруб ҳайрон бўлубтур,  
Фалак ишқингда саргардон бўлубтур.

Манго ҳажринг басе кўп қилди бедод,  
Нетай, эй шоҳи хубон, бир демадинг дод.

Бўлубтур барчадин бегона кўнглум,  
Сенинг зулфунг тилар девона кўнглум.

Ажаб мушкул балоларға тушубмен,  
Ки етмас ерда кўз қўлни сунубмен.

Күнгүл султонки дебтурлар чин эрмиш,  
Қарочи<sup>52</sup> – хонки дебтурлар чин эрмиш.

Манго жон сенсизин, эй жон, керакмас,  
Агар дард ўлмаса, дармон керакмас.

Магар дардинг манго ҳам дард бўлғай,  
Ки кўнглум ҳам даводин сард<sup>53</sup> бўлғай.

Кўнгулдин бори дардинг шукри кетмас,  
Бу давлат мен тиланчига не етмас.

Туганди нома сўз поёна етти,  
Фироқингдин кўнгул ҳам жона етти.

Сўзум кўбтур валекин айта билман,  
Улуқлар сўзидин ҳам қайта билман.

Сухан кўтоҳ қунам кон табъи нозик,  
Надорад тоқати чандон гарони\*.

Валекин бу фазалдур хатми дафтар,  
Тузуб панжгоҳ<sup>54</sup> созин айтай азбар.

### **Fazal**

Тутубтур дунёни ҳуснунг саропой,  
Жамолинг чун бўлубтур оламорой.

Сенинг базмингда, эй султони хубон,  
Аёқчи Мехру соқи Зуҳраю ой.

Қаро зулфунг қилур кўнглумни гумроҳ,  
Қароқинг худ жафо қилмоқча худрой.

Висолинг давлати бўлмас мұяссар,  
Фироқинг зулмидин, эйвой, эйвой.

Агар жавринг чериклаб келса бизга,  
Бўлур Сайди Аҳмадий бечора манглай.

<sup>52</sup> қарочи – кўз қорачиги.

<sup>53</sup> сард – совуқ.

<sup>54</sup> панжгоҳ – чолғу мақомларидан бири.

## ***Китоб хатмин айтур***

Худовандо, ёзуклуқ бандадурман,  
Ёзугимдин басе шармандадурман.

Қулунгнунг сендин ўзга йүқ панохи,  
Нечаким йүқтуур журму гунохи.

Саодат ганжидин күрсатгил эхсон,  
Ало, эй подишохи подишоҳон.

Сўзумни бу улув султон қотинда,  
Карам қил, яхши кўрсат хизматинда.

Шаҳеким адлидин Эрону Турон,  
Тузуклук топтию топмади нуқсон.

Ажунда то анингтек шоҳ бўлғай,  
Дуогӯ(й) ибни Мироншоҳ бўлғай.

## ***Илтимосин айтур***

Валекин бир сўзум бор ҳазратингда,  
Ижозат бўлса айтай хидматингда.

Эшитгил, эй улуснинг подшохи,  
Ятимларнинг бугун пушти панохи.

Риёзаттин тан ичра қолмади қон,  
Туганса қон тирик қолгайму инсон.

Басе ошуфтау ҳайрон бўлубман,  
Фалактек бесару сомон бўлубман.

Билурсен барчанинг ҳолини, эй шоҳ,  
Иноят ҷоридур валлоҳу биллоҳ.

“Таашшуқнома”ни ҳиммат бўлуб ёр,  
Туттим етти кунда bemadadkor.

Секиз юз ўттузу тўкузда эрди,  
Ки сўз поёна элтмак даст берди.

Сўзумни ким ўқуб қилса дуойи,  
Илоҳи кўрмасун ҳаргиз балойи.

## Юсуф Амирийнинг “Даҳнома” асари

Шоир Юсуф Амирий XV асрда яшаб ижод этган шоир бўлиб, унинг девони, “Даҳнома” ва “Банг ва чоғир мунозараси” бизга етиб келган. Бу шоир тўғрисида Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида қўйидаги маълумотлар бор: “Мавлоно Амирий — турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубтур, аммо шуҳрат тутмабтур. Ва бу байт аниг “Даҳнома” сидиндур:

*На емакдин, на уйқудин солиб сўз,  
Емакдин тўйуб уйқудин юмуб кўз.*

Ва форсийда шайх Камол татаббути қилибтур. Бу матла анигдурким:

*Рўзи қисмат ҳар касе аз айш бахши худ ситонд,  
Файри зоҳид к-ў риёзатҳо қашиду хушк монд”.*

(Қисмат куни (насиба тақсим этиладиган кун) зоҳиддан бошқа ҳар ким ўзига бахшида қилинган айшини олди. У эса не чоғлиқ мashaққат чекмасин, қуруқ қолди).

Аниг қабри Бадаҳшон сари Арҳанг Саройдадур”\*.

Амирий тўғрисида Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкирату уни-шуаро” асарида эслайди. “Мавлоно Юсуф Амирий султон Шоҳруҳ мирзо замонида катта шуҳратга эришган шоирлардан биридир. У оддий ҳаёт кечирган, айтишларича, амирлар ва машҳур амалдорлар унга ғамхўрлик кўрсатганилар. Буюк хоқон Шоҳруҳ султон ва унинг улуф авлодлари, амалдорлари шарафига Амирий кўп қасидалар битган. Султон Бойсунғур мирзо шарафига битилган қўйидаги қасида ҳам униклири:

Делам бедард гирифтор гашт дар фаме у,

Магар кунад шоҳи олам белутф дар монаш...”\*\* Навоийнинг Юсуф Амирий тўғрисида берган маълумотидан маълум бўладики, Юсуф Амирий яшаган давр Навоийнинг ёшлиқ пайтларига тўғри келади. Қолаверса, Навоий Юсуф Амирийнинг девонидан яхши хабардор бўлган. Бу маълумотдан, Юсуф Амирий XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган, деган хуносага келиш мумкин. Навоий яна “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида ҳам, Гадоий, Ҳайдар Хоразмий ва бошқа кўплаб шоирлар қатори, Юсуф Амирийни ўз лаврининг улуф шоири сифатида таърифлайди.

“Даҳнома”дан маълум бўлишича, Юсуф Амирий Шарқ тарихи ва міфологиясидан, диний ва дунёвий билимлардан яхши хабардор эди.

Амирийнинг “Даҳнома” асари ҳам номачилик анъаналарига риоя қилинган ҳолда ёзилган. Асар ўнта номадан иборат бўлиб, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сига ҳамоҳанг усулда ёзилган. Аммо асарнинг ўзига хослигини кўрсатадиган далиллар борки,

булар “Даҳнома”нинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрнини белгилайди. Жумладан, “Муҳаббатнома”да асарнинг охирида фард берилгани ҳолда, “Даҳнома”даги ҳар бир номада ошиқ ёки маъшуқанинг номасидан сўнг фазал, сўнгра фард берилган. Яна “Даҳнома”да ҳар бир номада ошиқнинг мактубидан сўнг маъшуқанинг мактуби қелтирилади. Бундай усул ҳар бир номани мустақил асар сифатида талқин қилишга имкон беради. Қолаверса, муаллиф ҳам шу мақсадни кўзлаган бўлса, эҳтимол. Шу тариқа “Даҳнома”нинг тузилишида ўзига хослик юзага келган.

“Даҳнома” ҳижрий 833 (милодий 1429–30) йили ёзилган. Зотан, Юсуф Амирий Бойсунгур мирзо ҳимоясида яшаганлигини таъкидлайди. Айни пайтда Бойсунгур мирзо илм–фанни, мусикани тояр қадрлаганини ҳам “Даҳнома”да айтиб ўтади.

## Даҳнома

Сипосу<sup>1</sup> шукр анга ким жон яратти,  
Кўнгулни тан аро сulton яратти.

Тўратти<sup>2</sup> сунъ<sup>3</sup> алиги бирла кавнайн,<sup>4</sup>  
Қаламдин нун яратиб, ишқдин айн.

Қилиб одамни хоки қудратин ё,  
Этиб бир чиллада ишин муҳайё.

Зихи Сониъки<sup>5</sup> жон берди кўнгул ҳам,  
Берид давлат аёғу<sup>6</sup> қилди мулҳам<sup>7</sup>.

Гуҳар бўйини заврақтин<sup>7</sup> кўтарди,  
Киши қилдию тупроқдин кўтарди.

Саодат муждасин бергучи ҳам ул,  
Саховат муҳрасин<sup>8</sup> бергучи ҳам ул.

Ясоди олти кунда етти айвон,  
Кўюбон устида доруға Кайвон<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> сипос — мақтов.

<sup>2</sup> тўратмоқ — яратмоқ.

<sup>3</sup> сунъ — ясаш, яратиш; қудрат; иш, ҳунар.

<sup>4</sup> кавнайн — икки дунё.

<sup>5</sup> Сониъ — яратувчи, пайдо қилувчи.

<sup>6</sup> аёғ — бу ўринда: пиёла.

<sup>7</sup> мулҳам — илҳомланган.

<sup>7</sup> заврақ — қайик.

<sup>8</sup> муҳра — юмалоқ нарса, соққа; мунчоқ, тасбех.

Қилиб Наҳидни<sup>10</sup> анда навосоз,  
Этиб Баҳромни<sup>11</sup> андин сарандоз.

Юбориб Муштарини<sup>12</sup> илм ишига,  
Тузотиб Тирни<sup>13</sup> хат таришига.<sup>14</sup>

Ёрутуб кун юзиндин чарх бөгөн,  
Юрутуб кечаларда ой чироғин.

Үзи бу мунча тарк ангиз<sup>15</sup> қилди  
Ки, то күк атласин гул рез қилди.

Аюрлар жину инсу хору хашок,  
Таҳаййур<sup>16</sup> пардасинда маъроғнок.

Боса олимки бўлди тира ройи<sup>17</sup>,  
Билигин қилди сарф, аммо ҳавои.

Паришон фикридин қўнгли тутулмай,  
Үзи маълбулу<sup>18</sup> иллаттин қутулмай.

Фалак тақвимин ул ким билмаса ҳеч,  
Ҳамул<sup>19</sup> яхшики, мадҳал<sup>20</sup> қилмас ҳеч.

Бу авроқ ичра қўргузмак фузулин<sup>21</sup>,  
Бу тасниф ичра асрарақ усулин.

Анга тегарки ер кўкини тузди,  
Мухолифни уруб бўйнини узди.

---

лоруға Кайвон — тартиб сақловчи Зуҳал (Сатурн) юлдизи.

Наҳид — Зуҳро Юлдузи.

Баҳром — Мирриҳ (Марс) саёраси.

Муштарий — Юпитер планетаси.

Тир — Аторуд (Меркурий) планетаси.

хат тариш — котиб, кўчирувчи.

ангиз — уйғотувчи, қўзғатувчи; бошлиш; қасд, қўзғатиш.

таҳаййур — ҳайратланиш, ҳайрон бўлиш.

рой — фикр, қараш.

маълул — касал.

ҳамул — сабр, чидам.

мадҳал — кириш, кирап жой.

фузул — ортиқ ва кераксиз (иш, сўз); ҳар нарсаға аралашувчи; телба, штак, ўзбошимча.

Бору олам аниңг лутфина қочуб,  
Ситойиш<sup>22</sup> суфрасина оғиз очуб.

Нажи<sup>23</sup> миннат<sup>24</sup> гулобун сочти юзда  
Ки, түфон игриминдин<sup>24</sup> чиқти тузда.

Халил<sup>25</sup> этти тилин ҳамд ичра булбул  
Ки, күрди ер юзин ўт ичра гулгул.

Колим\* элин күтаргач шукр этти  
Ки, кечә бир йиғочтын ун эшитти.

Масиҳ оғзин санога қилди дамсоз  
Ки, балчиқтин қушу күргузди парвоз.

Бу борча шамътек күрунди күзга,  
Вале ой шамъининг нуридуру ўзга.

Дар наъти Пайғамбар саллолоху алайҳи вассалам

Рисолат<sup>26</sup> мулкининг соҳиб сарири<sup>27</sup>,  
Нубувват<sup>28</sup> сиррининг моғиз— замири<sup>29</sup>.

Вилоят кишварининг тўлун оий,  
Каромат шаҳрининг фарру<sup>30</sup> ҳумоий.

Муҳаммад улки бу айроми<sup>31</sup> воло<sup>32</sup>,  
Аниң учун яратти Ҳақ таоло.

Малоҳат бўстонининг чирофи,  
Ўзи гул, тўрт маҳрам чаҳорбоғи.

- 
- <sup>22</sup> иш — мақтов.  
<sup>22</sup> сит — Нуҳ пайғамбар.  
<sup>23</sup> Надат — бу ўринда: яҳшилиқ.  
<sup>24</sup> мигъим — уйрум, гирдоб.  
<sup>24</sup> игрим — дўст, ёр.  
<sup>25</sup> халлат — элчилик.  
<sup>26</sup> рисо — таҳт.  
<sup>27</sup> саръват — зичилик.  
<sup>28</sup> нуғиз—замир — кўнгилдаги.  
<sup>29</sup> моғиз — пордоқлик.  
<sup>30</sup> фаррум  
<sup>31</sup> айроғ — баланд, юқори, улуғ.  
<sup>32</sup> воғ

Ҳаминким урди ул куси<sup>33</sup> нубувват,  
Жаҳонда етти ондин беш навбат.

Чу айни бўлди Мехри\* фалаксой,  
Бу ҷоққа тегру айрудур ҳануз ой.

Бериб ғозига нусрат<sup>34</sup> сарқитини,  
Алиги синдуруб кофир бутини.

Башорат ваҳйининг\* ҳамхонаси ул,  
Саодат баҳрининг дурданаси ул.

Бор эрди бир кечада қундуздин ортуқ,  
Не хўш сочики бўлғай юздин ортуқ.

Етиб ул Уммухони\* хилватина  
Ки келди сидра<sup>35</sup> товусу қатина.

Ўзи бирлан Буроқу ел юрушлук,  
Не елким, ваҳмтек итиқ сурушлук.

Башорат бердиким: “Отлан равона,  
Ким анда мунтазирдурлар жаҳона.

Бу тўққуз ҳужрадин\* ошмоқ кераксен,  
Малоик бирла булғашмоқ<sup>36</sup> кераксен”.

Эшиккач Мустафо бўлди равона,  
Бўлубон “қабо қавсайни”\* нишона.

Чу Ақсо масжидина қўйди ул юз,  
Қазо<sup>37</sup> афлоктин келтурди тўққуз.

Бу ўндар ақбодин<sup>38</sup> бир дамда ошти,  
Боруб сабуҳийлар<sup>39</sup> бирлан улашти.

---

<sup>33</sup> кус – ногора.

<sup>34</sup> нусрат – ғалаба, нусрат.

<sup>35</sup> сидра – еттинчи осмондаги бир дарахт.

<sup>36</sup> булғашмоқ – учрашмоқ.

<sup>37</sup> қазо – тасодиф, тақдир.

<sup>38</sup> ақбо – булутлар.

<sup>39</sup> сабуҳийлар – эрта тонгда Оллоҳга илтижо қилувчилар.

Алардин ҳам ошиб нур анда солди  
Ким, андин йўл аро йўлдоши қолди.

Эшитти анда Тенгрининг каломин,  
Каломидин бурунроқ ҳам саломин.

Қўзина кўргузубон васли дийдор,  
Ўзина топшурубон ганжи асрор.

Бийик<sup>40</sup> борди чу ҳимматга ётитеқ,  
Энибон келди раҳмат оятидек.

Илоҳи мухридин бер нуру жовид<sup>41</sup>,  
Шафоат куни андин қилма новмид.

Дар мадҳи ҳазрати салтанат  
Сиъор анараллоҳу бурханаҳу

Кўнгулким бу азимат<sup>42</sup> соз қилди,  
Бу мушкил<sup>43</sup> нақшни<sup>44</sup> бунёд қилди.

Аритти мушки манбар бирла оғзин,  
Лаболаб қилди шаккар бирла оғзин.

Тил андин сўнгра билди хизматини,  
Оғизга олди султон мидҳатини<sup>45</sup>.

Фиёсулҳақи ваддин<sup>46</sup> Бойсунғур,  
Ки сўзига қулоқ тутгувчидуру дур<sup>47</sup>.

Саодат номасин чун бердилар арз,  
Битирди баҳт зиллуллоҳ<sup>48</sup> фил арз<sup>49</sup>.

Юқори ҳиммат отин улки сурди,

<sup>40</sup> бийик — буюк, улуг.

<sup>41</sup> жовид — абадий, доимо.

<sup>42</sup> азимат — бирор ишга қасд, ният этиш.

<sup>43</sup> мушкил — қийин ишларни ёқтирувчи, қадрловчи, зеҳнли киши.

<sup>44</sup> нақшин — бу ўринда: куй, ашула.

<sup>45</sup> мидҳат — мақташ, мадҳ қилиш.

<sup>46</sup> Фиёсулҳақи ваддин — Ҳақ ва диннинг ёйилиши учун ёрдам берувчи зот.

<sup>47</sup> дур — олис, узоқ.

<sup>48</sup> зиллуллоҳ — Ҳудонинг сояси, подшо.

<sup>49</sup> арз — замин, ер юзи.

Қамар бир ойча йўлун супурди.

Шиҳоб<sup>50</sup> элни қуруб йўл бошлиғувчи  
Ясовултек яғочин ташлағувчи.

Кавокиб ўрдаю ул ўртада ой,  
Муғаний Зухра ул мажлисорой.

Анга ишрат ери Кайвон\* ровоқи,  
Аёқ қўйғучи – баҳту, арш – соқий.

Анинг ҳукми фалак гўйина<sup>51</sup> тегиб,  
Фалак чавғонитеқ ўз бўйнин эгиб.

Бўлуб афлок қушлогинда<sup>52</sup> соъир<sup>53</sup>,  
Кушининг илбасуни<sup>54</sup> насли тоъир<sup>55</sup>.

Кўруб шунқорининг баҳри очилиб,  
Олиб семурғни турнотек илиб.

Қилиб адл алини бўрига ёғи(й),  
Кўкармай ёзида қўзи қулоғи.

Ҳаводис итина заҳмат қовушқон,  
Жафосин кўрмай уйқуда товушқон.

Етиб эл дардина ортуқ билиги,  
Ёпиб фақр эгнини очуқ алиги.

Улусни қутқориб меҳнат қунидин,  
Ўлукни уйғотиб ярмоқ унидин.

Саховат баҳрининг ямғурлуғ абри,  
Шиҳоат ерининг ўчлук ҳизабри<sup>56</sup>.

Ёруғлуқда зафар қўсини чолғон,  
Сикандарни қоронғулуққа солғон.

<sup>50</sup> шиҳоб – ўт, олов ёлқини; ҳавода ялт этиб ўтадиган шуъла; учар юлдуз.

<sup>51</sup> гўй – тўп, шар; чавғон ўйинидаги кичкина ёғоч тўп.

<sup>52</sup> қушлоқ/ қушлуқ – қуш бўлиш.

<sup>53</sup> соъир/соир/ сойир – сайр этувчи, кезувчи.

<sup>54</sup> илбасун/илбусун – илвасин, ов қиладиган парранда.

<sup>55</sup> насли тоъир – наср қуши, қийғир.

<sup>56</sup> ҳизабр – арслон, шер; маж. жасур одам.

Қиличи иш құни тилин узотиб,  
Йитиб олмосни лаъл ичра қотиб.

Тепиниб найзаси боқмай кишига,  
Йилонтек заҳарлиғ сончиш ишига.

Бориб ёғифа ўқи онда қолиб,  
Гаҳи тил берибу гаҳи тил олиб.

Уруш куни бори иши яроғлиқ,  
Қаро черики забт этмай ясоғлиқ.

Муаммо<sup>57</sup> фикритек ҳар ишга бориб,  
Анинг зеҳни ул иштин от чиқориб.

Эшиги зуфунунларнинг<sup>58</sup> макони,  
Замири<sup>59</sup> барчанинг илм ошиёни.

Кечиб оллида юз турлук дақойик<sup>60</sup>,  
Маориғ бирла анвойи ҳақойик.

Бири ҳайъат риёзидин териб гул,  
Бири ҳикмат шифосидин бериб мул<sup>61</sup>.

Бири Уқлидис ашколин ҳал этиб,  
Бири қўқ жадвалинда мадхал<sup>62</sup> этиб.

Бири фақр ичида асраб мақомин\*,  
Бири мантиқ сори элтиб каломин.

Бири жаҳри ҳуруф иқлимида\* Қоф,  
Бири таърих майдонида авсоғ<sup>63</sup>.

Бири ашъор баҳриндин су сочиб,  
Бир адвор<sup>64</sup> рудиндин<sup>65</sup> сўз очиб.

<sup>57</sup> муаммо — беркитилган, жумбоқ.

<sup>58</sup> зуфунун — фанлар, ҳунарлар эгаси, кўп фанларни билувчи олим.

<sup>59</sup> замир — ич, юрак, қўнгил; яширинган фикр, мазмун.

<sup>60</sup> дақойик (бирл. дақиқ) — ингичка ва нозик маънолар, нозик нуқталар, чигалликлар.

<sup>61</sup> мул — май, шароб.

<sup>62</sup> мадхал — кириш, кирап жой.

<sup>63</sup> авсоғ (бирл. васф) — сифатлар, таърифлар, мақтовлар.

<sup>64</sup> адвор (бирл. давр) — даврлар, айланышлар; мусиқа илмининг бир соҳаси.

Сүзум хашхощу<sup>66</sup> ул мажлисдур афлок,  
Не күрүнгай тенгиз ичинда хошок.

Агар мен анда келтурдум сүзумни,  
Бу фан бирлан соғиндурдум ўзумни.

Менинг ишимга ўхшар ул ҳикоят,  
Ки Ҳорундин қилурлар эл ривоят.

### ***Ҳикоят***

Анигтек күргузур сүз раҳнамуни,<sup>67</sup>  
Ки топти бир араб ёзида сувни.

Не сув, бир күлмаки, күлмакка лойик,  
Күрубон тутти ул замзамқа фойиқ.<sup>68</sup>

Деди: “Ёраб, бу сувни нетайин мен,  
Олиб елтек қаёна кетайин мен?”.

Кенида тушти бу савдо бошина,  
Ким элтай тұралаб<sup>69</sup> Ҳорун қошина.

Олиб сувни юруди шаҳр сори,  
Тұға тушмай анинг шатқа<sup>70</sup> гузори.

Они иззат билан чулғаб юз алвон<sup>71</sup>,  
Софин, бу Хизрдур ул оби ҳайвон.

Етиб Ҳорун қошина қўйди бўйин,  
Узотиб сув бошида гуфту гўйин

Ки: “Шоҳо, мен арабмен барда тўзғон,  
Тикон бирлан мұҳаббатин дам урғон.

Қулондин ўзга эшу ҳамдамим йўқ,  
Кийиктин ўзга ёру маҳрамим йўқ.

---

руд — мусиқа қуороли.

хашхощ — кўкнори уруғи ва ўсимлиги.

раҳнамуи/раҳнамо — йўл кўрсатувчи, етакчи.

фойиқ — ғолиб, забардаст.

тўраламоқ — қоида, одатга қилмоқ.

шат — дарё, дарёнинг қирғоги.

алвон (бирл. лавн) — ранглар.

Кечиб сувдин юруб күз ёши бирлан,  
Кун элтиб ою йил үт боши бирлан.

Тилаб бир пора ёмфур суйи топтим,  
Зулолидин тамаъ оғзини ёптим.

Үзум ичмай санга келтурдим они,  
Ки күрдүм санда султонлар нишони.

Манга эмди бу сувдин оби ру қил,  
Дедим улким бор эрди ўзга сен бил”.

Табассум қилди чун эшитти Ҳорун,  
Риоят бирлан они қилди Қорун.

Буюрдиким бировга: “Они қотинг,  
Идишин тұлдурууб ярмоқ узотинг”.

Ки гар ул билсаким бор Дажла суйи,  
Тұқулгусидур онинг оби руйи.

Бу кун шеърим суву мен ул арабмен,  
Зиҳи густоху гұлу беадабмен.

Ки дарё оллиға сувни юбордим,  
Масиҳо алиға доруни бердим.

Умид улким бу журъатни гадодин  
Кечургай подшоҳ лутфу атодин<sup>72</sup>.

Халифа расму ройи<sup>73</sup> бирла боргай,  
Иноят суйи күкартиб чиқоргой.

Илоҳи то эрур чарх ой билан кун,  
Хилафот тахтин андин тут ҳумоюн<sup>74</sup>.

Муборак хотирини берма ғамға,  
Туто берғил араб бирлан Ажамға.

---

<sup>72</sup> ато — бағишкаш, ҳада бериш.

<sup>73</sup> рой — фикр, қарааш.

<sup>74</sup> ҳумоюн — құтлуг, муборак, шарафли.

## *Дар сабаби назми китоб*

Манга бир дўсте бор эрди жони,  
Кўнгулда меҳри онинг жовидони.

Қилиб ул ўқтек эл бирла тузлук,  
Қиличтек йўқки бўлгай икки юзлук.

Кудурат зулматидин кўнгли фориғ,  
Ёруғ кўзгу сифатлик ичи ориғ.

Йўлуқти бир кун кўргузди таклиф  
Ки, “Келтургил бу кун евимға ташриф.

Замоне ўлтуруб суҳбат тутоли,  
Қилоли шишатек кўнгулни холи.

Салоли ғам черикина ҳазимат,  
Билоли айшу ишратни ғанимат.

Емас оқил бу кун тонглоғи ғамни,  
Эшит мендин, ғанимат тут бу дамни.

Май ич паймона тўлмасдин бурунрок,  
Бу сувдин ур хирад кўзина туброқ.

Аёқ тўлдур, қави<sup>75</sup> тут бода дастин,  
Ки то кўргузмасин даврон шикастин”.

Чу ул ёре тутар эрди ўзини,  
Юрудум, солмадим ерга сўзини.

Бориб хуш хуш чу еттим манзилина,  
Қилиб васфини талқин жон тилина.

Тузотиб мажлисе ул бетаваққуф<sup>76</sup>,  
Такаллуфсиз вале айни такаллуф.

Йигилиб базм аро Исо нафаслар,  
Тирилиб айшдин ўлгон ҳаваслар.

Юқори ошуруб мени оғирлаб,  
Аёғ элига олиб тутти йирлаб.

<sup>75</sup> қави(й) – кучли, маҳкам.

<sup>76</sup> бетаваққуф – тўхтаб турмасдан, тўхтовсиз.

Кўбузчи завқ бахшу нағма пардоз,  
Килиб паррон<sup>77</sup> эли булбултек овоз.

Тобуқдо<sup>78</sup> най камар ешмай белидин,  
Юқунуб чанг чангилар элидин.

Най ўтин ўчуруб унлар садоси,  
Жаҳонни кўчуруб барбат навоси.

Муюширлар<sup>79</sup> димогини саросар<sup>80</sup>,  
Килибон мажмар<sup>81</sup> анфоси муаттар.

Самандартек товуқлар ўтқа мойил,  
Килиб шиш бўйнига қўллар ҳамойил<sup>82</sup>.

Муғанний гарм<sup>83</sup> нақшин кўргузурда,  
Ўлар ҳолат қилибон чарх урурда.

Қолибон олмо кўнгли бор ичинда,  
Ки солди ўсрук они нор ичинда.

Кўруб нор ичгучиларнинг ишини,  
Кулуб андоқки кўргузди тишини.

Ўпуб соқий аёғин дам-бадам эл,  
Қўнгул очилмоғига боғлабон бел.

Қилиб сухбатни ҳамдамлар дами гарм,  
Тааммул<sup>84</sup> пардасиндин кетиб озарм<sup>85</sup>.

---

<sup>77</sup> паррон — учувчи, учган ҳолда, отилган.

<sup>78</sup> тобуқ — бўйсуниш, итоат этиш; ҳузур, олд, хизмат.

<sup>79</sup> муюшир — одамлар билан бирга кун кечиравчи, бирга айш—ишрат сурувчи.

<sup>80</sup> саросар — бошдан—охиригача, бошдан—бошга.

<sup>81</sup> мажмар/мижмар — мушк анбар каби турли ҳушбўй моддаларни солиб тутатиладиган идиш (манқал).

<sup>82</sup> ҳамойил — елка ва қўлтиқ орқали ўтказиб тақиладиган боғ, масалан, қилич ёки китоб жилдининг боғи.

<sup>83</sup> гарм — иссиқ, ёқимли; очиқ чеҳрали; жаҳли тез; чаққон.

<sup>84</sup> тааммул — чукур ўйлаш, диққат билан фикрлаш, мулоҳаза қилиш.

<sup>85</sup> озарм — шарм, ҳаё, уят; меҳр—муҳаббат, шафқат, меҳрибонлик; ғазаб.

Тараб<sup>86</sup> ишрат<sup>87</sup> хатидин<sup>88</sup> тортмай бош,  
Күнгүл чини суроҳидин<sup>89</sup> бўлуб фош.

Ҳикоятлар улошиб бир—бирига,  
Кулоқ солмай йиравчилар йирига.

Босиб танбурчи эгри аёгин,  
Уруб танбурини тўлғаб қулогин.

Муғанийлар чолиб мажлисда хўшлар,  
Юруб соқий тутуб саркўча қўшлар.

Уланди кеча тегру эл йигини,  
Чиқорди эл чоғирдин аччиғини.

Чу май қилди мушавваш эл димогин,  
Дедим: “Тут эмди отланур аёгин.

Аёғ ичиб, қўпуб отландим ондин,  
Бағоят хурраму фориг жаҳондин.

Бошимдин элтибон май нашъаси хуш,  
Бериб юз шеър баҳри тунду<sup>90</sup> пуржуш<sup>91</sup>.

Мубарро<sup>92</sup> бўлубон дину дунё гамидин,  
Чиқиб яъни такаллуф<sup>93</sup> оламидин.

Кўнгулда жилва бериб хўбларни,  
Софиниб эртаги маҳбубларни.

*Пеш омадани соҳибжамоле дар роҳ*  
Бу ҳолатда йўлуқти бир нигори,  
Шакар сўзлуқ бути симин узори.

Карашма кўзларига сурма тортиб,  
Кўнгул нақдина<sup>94</sup> қосид кўз қоротиб.

тараб — хурсандлик, шодлик.

ишрат — ишорат.

хатидин — бу ўринда: чизик.

суроҳидин — май идиши.

тунду — аччиқ, ғазабли; асов, саркаш, шўх.

пуржуш — мајс. завқли, шод, ҳаяжонли.

мубарро — холи, озод, бирон нарсага йўлиқмаган.

такаллуф — қийналиш, кулфатга йўлиқиши; ҳашамат, безак.

нақдина — ғанимат; қийматли мол.

Қоши ошиқ фирибу зулфи дарҳам,  
Үруб кирпуклари дунёни барҳам<sup>95</sup>.

Қўзи қон қилғучиу ғамза ғаммоз<sup>96</sup>,  
Юруб ул тўкулубон шеваю ноз.

Қилиб ўз боши бирлан зулфи қонлар,  
Бузуб жавр алиги бирлан жаҳонлар.

Юз алвон ишвалар бир боқмоғинда,  
Фироқи саъй этиб қон оқмоғинда.

Каманд эрди сочидин элга ҳар тор,  
Менингтек ҳар хамида<sup>97</sup> юз гирифтор.

Йетибон ишқи тўлғоди алигим,  
Янги ой эрди тутти телбалигим.

Дедим: “Тур Тенгри учун”, турди ул ой,  
Ёрутуб эл кўзин ул шўхи худрой.

Дедим: “Эй, умр ўтарға қилма рағбат”,  
Деди: “Гар умр ўтар хуш, бил ғанимат”.

Дедим: “Турғилки, жоним ичра ўқтур”,  
Деди: “Жонға борурдин чора йўқтур”.

Дедим: “Лаълинг сусоғонларға боқмас”,  
Деди: “Усрукка шарбат онча ёқмас”.

Дедим: “Етгайму сендин ташна суғо?”  
Деди: “Йўқтур бале айб орзуғо”.

Дедим: “Зулфингда боғлиқтур жафолар”,  
Деди: “Олингда бордур кўп балолар”.

Дедим: “Сочинг хаёлидур заарлиқ”,  
Деди: “Ул мушк бордур дардисарлиқ”.

Дедим: “Кўзунг қароси дилрабодур”,

<sup>95</sup> дарҳам – чатишган; тартибсиз; титилган, ўйилган.

<sup>96</sup> ғаммоз – сир очувчи, чақимчи.

<sup>97</sup> хамида – эгилган, букик, буқчайган.

Деди: “Усруктуру ичи қародур”.

Дедим: “Қошинга элнинг майли ортар”,  
Деди: “Ёдур күнгүл ул ёни тортар”.

Дедим: “Ҳолинг эрур офат нишони”,  
Деди: “Келтурмагил юзумга они”.

Дедим: “Жонимда шавқинг фулгули бор”,  
Деди: “Ҳар қонда гулдур булбули бор”.

Дедим: “Олғил мени сен бир қулуңға”,  
Деди: “Күп сұзлама, борғил йўлунгға”.

Дедим: “Йўлдур ёвуқ, кел, билса бўлмас”,  
Деди: “Мунда ёвуқлуқ қилса бўлмас”.

Дедим: “Турғил”, равони сурди отин,  
Кўзум кўрди бородурғон ҳаётин.

Юрудум эв сори мен зору гирён,  
Килиб парвонатек ўзумни бирён”.

***Ибтидои таъаллук ва нома навиштани маҳбуб***  
Саҳар симинбаре чун сурди раҳшин<sup>98</sup>,  
Паришон этмак учун нур баҳшин<sup>99</sup>.

Кўпорди элни чорлаб тонг хуруси,  
Кўрунди ожтек<sup>100</sup> тун обнуси<sup>101</sup>.

Кўнгултек дард кусин чалди оғоқ,  
Нафири<sup>102</sup> қилди элнинг тоқатин тоқ.

Юруди эл қўпуб ҳар ишга мойил,  
Мени азғуруб ул шаклу шамойил.

Саҳар шамъитеқ ул дам жон талошиб,  
Келиб ишқ ўтию бошимдин ошиб.

<sup>98</sup> раҳш – югурик от, олачипор, чиройли от.

<sup>99</sup> баҳш – парча, ҳисса; кечиши, кечириш, муруват; бериш, бағишлиш.

<sup>100</sup> ож – фил тиши, фил сугиги; маж. оқ, равшан, ёруғ.

<sup>101</sup> обнус – маж. қора тус, қора.

<sup>102</sup> нафири – нафрлатланувчи.

Тутиб суҳбат хаёли бирла ноком,  
Боғир хунобасиндин тўлдуруб жом.

Кўзумдин ул санамтек уйқу бориб,  
Келиб ёш ўрнига тўфон қўбориб.

Кўнгулда ғамасидин юз жароҳат,  
Кўпуб дарду ўчуб кўзумга роҳат.

Фироқидин қўруб жавру ситамни,  
Сифишдуруб бири бирига ғамни.

Фарофат карвони раҳт<sup>103</sup> боғлаб,  
Видоъ ўти билан қўксумни доғлаб.

Паёлай танда ўксуб хўрду хобим<sup>104</sup>,  
Дамодам елтек ортиб изтиробим.

Гаҳе қон тўқмака коғир хўйитек,  
Гаҳе туфроққа агнаб қўз суйитек.

Гаҳе сабр этаги алимда намнок,  
Гаҳе йиглаб қилибон пироҳан<sup>105</sup> чок.

Гаҳе қўруб хадангин<sup>106</sup> оҳ тортиб,  
Гаҳе асраб кўнгулда, ғаҳ тортиб.

Гаҳе айтиб ўзум бирлан ҳикоят,  
Гаҳе айтиб фироқидин шикоят.

Гаҳе бўлуб сабо бирлан ҳамовоз,  
Гаҳе фарёду афғон бирла дамсоз.

Сабо эрди манго чун ёру ҳамдам,  
Ани билдим бу мушкил ишда маҳрам.

Дедим: “Эй мунису ёри сабукруҳ<sup>107</sup>,  
Ки сендин тоза бўлди жони мажруҳ.

<sup>103</sup> раҳт — йўл (сафар) юки; уй асбоб—анжоми; кийим—кечак.

<sup>104</sup> хўрду хоб — ейиш—ичиш ва уйқу.

<sup>105</sup> пироҳан — кўйлак.

<sup>106</sup> хаданг — ўқ, камон ўқи.

<sup>107</sup> сабукруҳ — хушчақчақ.

Кишига йўқ муайян тулу<sup>108</sup> арзинг,  
Вале маълум бўлди тайи арзинг<sup>109</sup>.

Сулаймон тахтининг чобуксувори,  
Бериб Яъқубга Юсуф насими...

Ҳаводорим<sup>110</sup> сену мен хаста ёринг,  
Не ёрингким, сенинг бир хоксоринг.

Не бўлғай гар менинг ҳолимни бир—бир,  
Бориб бир ерда қилсанг эмди тақрир.

Бу ниятни ўзунгга фарз билсанг,  
Санго ҳар неки десам арз қилсанг.

Тегурсанг номае ошиқ тилидин,  
Хабар берсанг бир ойнинг манзилидин”.

Сабо эшиттию олди нафасни,  
Борурға тез кўргузди ҳавасни.

Битидим номае мен жонға етиб,  
Қаро кўздин қалам кирпукдин этиб.

Қилиб сўз гавҳари бирла дурафшон<sup>111</sup>,  
Этиб кўз қонидин юзига афшон<sup>112</sup>.

Равон бўлди олиб пайки<sup>113</sup> сабукхез<sup>114</sup>,  
Юрубон йўлда гаҳ оҳиста, гаҳ тез.

Хиромон етти чун ул гул қошина,  
Дуо қилди у, эврулди бошина.

Ер ўпти у, туто берди алига,  
Рисолат этагин санчиб белига.

<sup>108</sup> тул — узун, бўй; узун муддат.

<sup>109</sup> тайи арз — ер юзини ёки узоқ йўлни оз вақт ичидан юриб ўтиш.

<sup>110</sup> ҳаводор — ошиқ, севувчи, ҳавасли, тарафдор.

<sup>111</sup> дурафшон/дурфишон — дур сочувчи; маж. ажойиб шеър тузувчи, гўзал сўзловчи.

<sup>112</sup> афшон — сочувчи.

<sup>113</sup> пайк — хабарчи, элчи.

<sup>114</sup> сабукхез — енгил, чаққон.

*Номаи аввал аз забони ошиқ ба маъшуқ*  
Ало, эй меҳрнинг тобонда<sup>115</sup> моҳи,  
Малоҳат кишварининг подшоҳи.

Жайрон кўзлук, бути<sup>116</sup> мушкин<sup>117</sup>, кулола<sup>118</sup>,  
Кўзи наргис, бўйи сарв, энги лола.

Набот оғзинг чу кўргузди шакарханд<sup>119</sup>,  
Юзунг берди лабингдин элга гулқанд<sup>120</sup>.

Лабинг таъинини лаъл ўзига олмас,  
Недир ул сангсор<sup>121</sup> охир уёлмас.

Белингни синжилаб топмади кўзлар,  
Ки тор оғзинг бикин бор анда сўзлар.

Руҳу зулфунг сўзи гулшанда бориб,  
Қарориб гул, вале сунбул қизориб.

Кўзинг усрук қўбориб фитна<sup>122</sup> қомат,  
Қошинг меҳроб этибон юз қиёмат.

Юзунг шамъу анго бир шуъла хуршид,  
Ёзуқлуққа топиб парвона жовид<sup>123</sup>.

Сипанд<sup>124</sup> этиб кўнгул ўзини ғам еб,  
Юзунгга чашм заҳми тегмасун деб.

Эсиб шавқинг насими жон ичинда,  
Шақойиқтек кўнгуллар қон ичинта.

Юзунг ойина кўбтур муштарилар,  
Ўтотиб кўзга кўрунмас парилар.

---

<sup>115</sup> тобонда — порлоқ, нурли, тобли.

<sup>116</sup> бут — бу ўринда: севгили, машуқа.

<sup>117</sup> мушкин — хушбўй.

<sup>118</sup> кулола — гажак, жингалак соч.

<sup>119</sup> шакарханд — ширин табассум.

<sup>120</sup> гулқанд — гул билан шакардан қилинадиган ширинлик.

<sup>121</sup> сангсор — тошлоқ жой; одамни белигача тик кўмиб, тошбўрон қилиш, тошга тутиб ўлдириш.

<sup>122</sup> фитна — бу ўринда: гўзал.

<sup>123</sup> жовид — абадий, доимий.

<sup>124</sup> сипанд — исириқ, исириқ уруғи.

Күнгүл зулфунгдаю андин чиқиб дуд,  
Наво бирлан тузолиб эгрию уд<sup>125</sup>.

Лабинг ишрат сурудини демакда,  
Мен оху нола бирлан қон емакда.

Сочинг бирлан белинг бир бўлмаға ёр,  
Паришон фикрларга мен гирифтор.

Мени солди буто меҳринг бу кунга,  
Улошти хуш—хуш аҳволим жунунга.

Юзунгни кўрубон ошуфталиқдин,  
Мен ўзумдин бориб кўнглум илиқдин.

Кўзунг сеҳри манго уйқуни боғлаб,  
Фаминг меъёрида ҳолимни чоғлаб.

Фаровон панд бердим ўз—ўзумга,  
Юзунгдин ўзга кўрунмас кўзумга.

Не ҳосил ошиқи ошуфтаға панд,  
Ки зулфунг солди ҳар бандина бир банд.

Юзунг хуршидина қўптур ҳаводор,  
Вале бу зарратек йўқтур вафодор.

Камина эшигингда бир гадойинг,  
Тутубон эл кўзида хоки пойинг.

Агар фарёд этар бечора булбул,  
Сен ул ундин паришон бўлма, эй гул.

Парига чора йўқ девоналардин,  
Нечукким шамъға парвоналардин.

Эрур гул қошида булбул нафири,  
Шакардин ҳам жибиндин йўқ гузири<sup>126</sup>.

Бу кун туттум ки кўзунгдур жафолиғ,  
Юзунг бергай худ охир ошнолиғ.

<sup>125</sup> эгри, уд — солғу асбоблари.

<sup>126</sup> гузир — чора, илож, тадбир; қочиш.

Сен ул кунки назарни мендин олма,  
Билиб ўзунгни билмасликка солма.

Мени ўтқа солиб турма йироқдин,  
Тамошо қилма ёт әлтек қироқтин<sup>127</sup>.

Күрунди то сочингнинг ҳалқа доми,  
Кўзумни тийра қилди фусса шоми.

Қачон етгай манго ул фамза фарёд,  
Ким илингон қуш унин севди саййод.

Мен ул парвонаменким йўқ саботим,  
Вафо ўтина исинди қанотим.

Сенинг кўйингда саргардон юурмен,  
Юзунг шамъини кўруб жон берурмен.

Не кўнгулдин санго, парвона жондин,  
Сени деб кечибон жону жаҳондин.

### *Фазал*

Хаёлинг хайли<sup>128</sup>, эй жоним чароги,  
Турур кўзумда у кўнглумда доғи.

Юзунг кўрар кўзумдур, гар рақибинг,  
Кўра олмас они чиқтек қароги.

Қачон зулфунг кўнгул бирлан тузалгай,  
Ким эгридур онинг боштин аёғи.

Фигонимни рубоб оллиға, эй дўст,  
Не айтойин, чу эшиитмас қулоғи.

Кўзунг кўнглунгда экмас меҳр тухмин,  
Ажаб йўқ тушмади экин яроғи.

Юзунг гулзоридин йўқтур манго ранг,  
Очилғил гаҳ—гаҳе, эй ҳусн боғи.

Амирий олидин то ўтти ул зулф,  
Насимидин мушаввашдур<sup>129</sup> думоғи.

<sup>127</sup> қироқ\қирғоқ — чет, қирғоқ, чека.

<sup>128</sup> хайл — гуруҳ, тўда; от—улов тўдаси.

## **Фард**

Димоғингнинг иложин қилғил, эй ой,  
Ки Мажнунтек бўлубтур бе сару пой.

### ***Мутолаа намудани маъшуқ номаи ошиқро ва жавоб фиристодан***

Жароҳат<sup>130</sup> номанинг муҳрини ул гул,  
Улоштурди эли нарғисга сунбул.

Қўзин хатларга қилди корфармой<sup>131</sup>,  
Коронғу кечада юлдузтек ул ой.

Ўқуб ҳар сатрини ирғатти бошин,  
Юз алвон ўйнатиб қўзин ва қошин.

Тугатти ва итоб оғоз қилди,  
Фазабни ғамзага дамсоз қилди.

Ки кимдур бу рақамға нукта пардоз,  
Муҳаббат куйидин қилғучи парвоз.

Ўзини куч билан бергучи ғамға,  
Ясониб ўтру борғучи аламға.

Машаққат элина солғучи жонин,  
Ўзи ўз бўйнина қилғучи қонин.

Бу худ оқил кишининг иши эрмас,  
Ки оқил кўнглини ҳар кимга бермас.

Магар бир телба янглиғ беқароре,  
Паришоне, паришон рўзгоре.

Ҳаво бирлан ҳавас ройина борғон,  
Залолат<sup>132</sup> макру олидин қарорғон.

Не иш бўлғай бу ошиқлик жаҳонда,  
Ўзи маҳруму эл андин гумонда.

<sup>129</sup> мушавваш — ташвишли, бесаранжом, кўнгли паришон.

<sup>130</sup> жароҳат — маж. озор.

<sup>131</sup> корфармо(й) — иш кўрсатувчи, иш буюрувчи, ишибоши.

<sup>132</sup> залолат — залолатга, адашишга бошловчи, адаштирувчи.

Келиб бадномлиқ таблині чолмоқ,  
Үзини икла әл тилига солмоқ.

Оғиз очмай ўлуб нокомлиқдин,  
Қилиб фахр исм учун бадномлиқдин.

Солиб шаҳр ичра ишқ овозасини,  
Очиб юзига ғам дарвозасини.

Анніг дардидин этмай ҳеч ким ёд,  
Етиб дардина гаҳ—гаҳ нола фарёд.

Бирав деди: “Бу мискиндурким ул күн,  
Сени күрди йўл ичра бўлди мафтун”.

Неким деди: “Сен анніг сори бординг,  
Ани хуш сўз била йўлдин чиқординг.

Бери келдинг сен, ул борди ўзидин,  
Бориб оллида дур поло<sup>133</sup> кўзидин.

Кўнгул берди санго ва тегди жонга,  
Тили ишқинг сўзин ёйди жаҳонга.

Тиламас эмди жононсиз тириклиқ,  
Ки мушкулдур анго жонсиз тириклиқ.

Деди: “Ул гул чу зойиъ бўлди авқот,  
Қалам бирлан давоти келтурунг бот.

Битик асбоби чун бўлди муроттаб<sup>134</sup>,  
Фазабни лутф илан қилди мураккаб”.

Битиди номае у қилди тавқиъ,  
Аёқтин бош бори таъризу ташни<sup>135</sup>.

Сабо олина ташлайберди ким ол,  
Равон бўл, йўл юрурда қилма аҳмол<sup>136</sup>.

---

<sup>133</sup> поло — сузгич.

<sup>134</sup> мураттаб — тизилган, тартибга келтирилган.

<sup>135</sup> ташниъ — маломат қилиш, айлаш.

<sup>136</sup> аҳмол — юклар.

Анго еткурки күрдунг изтиробин,  
Вале зинҳор келтургил жавобин.

**Номаи дуввум аз забони маъшуқ ба ошиқ**  
Ало, эй фазл мулкининг чироги,  
Топиб фикр ўтидин нуқсон димоғи.

Паришон фикрлик девоналартек,  
Жиҳатсиз куйгучи парвоналартек.

Таманно<sup>137</sup> курсини<sup>138</sup> не ерга тортиб,  
Ишинг савдоийлардин доғи ортиб.

Таманно қил vale ӯзунгга лойиқ,  
Тамошо қил vale кўзунгга лойиқ.

Санго тегмаски меҳримдин дам урсанг,  
ӽузунгни зарра янглиғ барҳам урсанг.

Мен ул ойменки кундур фурқатимда,  
Куяр ичию йўл топмас қотимда.

Мен ул гулменки баргим йўлда қолмас,  
Вале бир ел келибон элта олмас.

Мен ул дурменки нақдимдур<sup>139</sup> сафолиғ<sup>140</sup>,  
Енгил беҳад vale оғир баҳолиғ.

Йўқ андоқ гавҳари бекадру миқдор,  
Ки ҳар муфлис<sup>141</sup> анго бўлғай харидор.

Гадо туттумки юз минг саъй этгай,  
Вале эли мунингтек дурга етгай.

Юру ижмо маломат маҳфилини,  
Узатма ӯзунгга элнинг тилини.

Хаёледурки топқайсен висолим,  
Кўрунгай кўзунгга ойтек жамолим.

<sup>137</sup> таманно – тилак, истак, орзу.

<sup>138</sup> курси – курси; таҳт; осмон.

<sup>139</sup> нақд – сайдланган; қимматбаҳо нарсалар; тайёр; оқча.

<sup>140</sup> сафо – ёруғлик, равшанлик, майшат.

<sup>141</sup> муфлис – камбағал, бечора.

Юзум аксини күзум сувда күргай,  
Күзумни ўзга эл уйқуда күргай.

Не бўлди завқ учун гар йўлда турдум,  
Сенинг бирлан бир—икки ҳарф урдум.

Ўюнни ҳам уюн<sup>142</sup> бирлан кечургил,  
Санго ким дер тамаъ отини сургил.

Яргисиз йўруғунг фикринг йироқ ҳам,  
Тамаъ хому сен андин ҳомроқ ҳам.

Эшиттим анда йиғлаб оҳ уурсен,  
Ўзунгни тикла, элга кулдуурсен.

Ўзунгни бермагил шайтон алина,  
Совурма гардни тӯфон елина.

Сўз эшитмай десанг, сен сўз эшитгин,  
Йўқ эрса ҳам кўнгул кенина етгин.

Кўнгул кинина<sup>143</sup> борғондин умид уз,  
Ки ҳаргиз эгри иши бўлмагай туз.

Тааллуқдурки сен ғам ҳамдамисен,  
Ани тарқ этки хуш—хуш одамисен.

Фасиҳат<sup>144</sup> қилмоғил ўзунгни амдо<sup>145</sup>,  
Ки ҳаргиз қилмади суда<sup>146</sup> бу савдо.

Кўзум ғавғосидин бир гўша тутқин,  
Ҳамул бир кўрмадинг, яъни унутқин.

Яна зулфинга ҳам чулғашмагил ҳеч,  
Ким анинг қиссасидур печ дар печ<sup>147</sup>.

142 уюн — қўзлар; булоқлар.

143 кин/кийн / кина — кек, ўч, душманлик, нафрат.

144 фасиҳат — сўзнинг очиқ, равшан, ёқимли, қоидага мувофиқ бўлиши.

145 амдо — қасддан, атайин, билиб—тушуниб.

146 суд — фойда, манфаат, нафъ; суду савдо — олди—сотди, савдогарчилик.

147 печ дар печ — уст—устига ўралган, қатма—қат, маҳкам.

Бўйим сарвинки кўрдинг нозпарвар,  
Тамаъ узким, киши андин емас бар.

Висолим хонидин ул хаста тўйғай,  
Ки жонини алик устида тутғай.

Жамолимдин ўқуғай ул рақамни,  
Ким аввал бошина қўйғай қадамни.

Бу асли йўқ ҳавасқа қўйма бунёд,  
Тутанмас дарду ғамдин бўлмагил шод.

Ғамим дарёсина солма назарни,  
Ки сув элтибтур эмди ул гузарни.

Лабимдин жонга қилдинг ул замон док,  
Не соғиндингки, ул бир тушти андоқ.

### *Fazal*

Санго кўргузмагай рух зулфу холим,  
Агар юз қатла бўлсанг поймолим.

Мени сен кўрмагайсен ўзга ҳаргиз,  
Паритеқ қўзунгга учқай жамолим.

Юзум ойинасиндин гар дам урсанг,  
Кўрунгай қўзунгта гаҳ—гаҳ хаёлим.

Ўзунгни қилма асрү бе сару барг,  
Ким эгилмас сенинг сори ниҳолим.

Неча бу бастатек<sup>148</sup> сарбаста<sup>149</sup> сўзлар,  
Ки тутти пуч даъводин малолим<sup>150</sup>.

Менингтек ой кўқ устида йўқтур,  
Бу кун кўрким не ерга етти ҳолим.

Манго кўргузмасин Тенгри худ ул кун,  
Ки туфроқ бирла бир бўлғай зулолим<sup>151</sup>.

<sup>148</sup> баста — боғланган.

<sup>149</sup> сарбаста — маҳфий.

<sup>150</sup> малол — малоллик, ҳорғинлик.

<sup>151</sup> зулол — тиниқ, ширин ва совуқ сув.

## **Фард**

Зилолимдин кетар күнглунг хуйини,  
Күрубон ютмағил ҳасрат сүйини.

### **Мутолаа намудани ошиқ номаи маъшуқро ва жавоб фиристодан**

Равон қилди фалак чун жоми Жамшид,  
Очиқланиб қизориб чиқти хуршид.

Улус юзига тортиб тег<sup>152</sup> бебок<sup>153</sup>,  
Алигидин яқосин субҳ этиб чок.

Жаҳонга кўргузубон тез хуйин,  
Тўкубон ерга элнинг обрўйин.

Эшиқдин кирди ул Исо нафаслиқ,  
Ки топти кун қошинда дастраслиқ.

Аёғи, боши булғаб гард ичинда,  
Иликда номае у дард ичинда.

Манго берди муҳаббатқа ишониб,  
Башорат бирла кўктин ерга эниб.

Дуотек олибон суртуб кўзумга,  
Тасаллий бердим андин кўп ўзумга.

Табаррук бирла жон таъвизи<sup>154</sup> қилдим,  
Киши чун билмади ўзумни билдим.

Ёруди хатлариндин кўз юз алвон,  
Қоронгулуғда топти оби ҳайвон.

Манго юз қўйди давлат ҳар тарафдин,  
Саодат куни туғди ул шарафдин.

Кўнгул ҳар соате ором топти,  
Ки дилдор оғзидин ул ком топти.

<sup>152</sup> тег/тек – фақат.

<sup>153</sup> бебок – қўрқмас, ҳайиқмас; ҳаёсиз, бепарво, бевош.

<sup>154</sup> таъвиз – кўз тегиши ва бошқа ёмонликларни қайтариш учун дуо ёзилган тумор.

Битикида тааммул<sup>155</sup> қилдим эрса,  
Битикитең даме очилдим эрса.

Күрармен қоши этиб фитна ангиз,  
Итобу<sup>156</sup> ғамза бозорин қилиб тез.

Тили аччиқ сұзин шаккарға қотиб,  
Күзи таъриз үқін жонға отиб.

Сабо кунда ўлуб айтиб тез сұзлар,  
Әшитиб анда боданғиз сұзлар.

Совуб күнгли бу хизматқа қовушмас,  
Дедим: “Мардана бўлким ҳеч бўшмас.

Не соғиндинг манга мундин ғам эрди,  
Күнгул захмина бу бир марҳам эрди”.

Неким чиқса тилидин жон талошур,  
Ачиғ сұз тотлиғи оғизға ярошур.

Деди: “Бас, жаҳд қил недур тааммул,  
Жавоб айтурда кўргузма тааллул<sup>157</sup>.

Ки кўрдум мен аниг нозу итобин,  
Кичик ҳам антаким беру жавобин.

Кириштим сўз безарга хоматек тунд,  
Ишимда сарзанишдин<sup>158</sup> бўлмайин кунд.

Битидим сафҳае мен жон тилидин,  
Қилибон арз ҳижрон мушкилидин.

Фаровон дарди дил кўргузуб анда,  
Қилиб шарҳеким ул сифмас гумонда.

Анго топшурдуму ул учти дарҳол,  
Этиб саъй анда етти форигулбол<sup>159</sup>.

<sup>155</sup> тааммул — чуқур үйлаш, диққат билан фикрлаш, мулоҳаза юритиш.

<sup>156</sup> итоб — қаҳр, ғазаб, қийноқ.

<sup>157</sup> тааллул — иллатланиш; баҳона қилиш, сабаб кўрсатиш.

<sup>158</sup> сарзаниш — койиш, сазо бериш; танbih, ҳақорат.

<sup>159</sup> форигулбол — хотиржам, кўнгли тинчланган, бўшалган.

Хаминким тобти боре ҳазратина,  
Тавозиъ қилдию қүйди қотина”.

**Номаи сейюм аз забони ошиқ ба маъшуқ**  
Ало, эй ҳусн бобининг тазарви<sup>160</sup>,  
Латофат жўйборининг<sup>161</sup> ки сарви.

Юз алвон шевалик шўхи шакарханд,  
Ки то кўрди лабингни эриди қанд.

Лабинг оллида эл жон келтуурлар,  
Қўзунгни кўруб имон келтуурлар.

Ўқуб зоҳид муҳаббат гоятдиндин<sup>162</sup>,  
Қошинг меҳробида нур оятдинин.

Қилибон мушкни ул анбарин менг,  
Жаҳон ичра қаро туфроқ била тенг.

Ёшунуб гул юзунгдин боғларда,  
Қочиб лола чиқибон тоғларда.

Келиб кўюнгда сарв ойин бериб,  
Аёф босиб бошини елга бериб.

Юзунг шамъ оллида ул зулф тунтек,  
Кўрунуб ўтқа тўлқошқон тутунтек.

Сочингда шона ҳайрон мушкилидин,  
Балоларға илиниб ўз тилидин.

Илик юб ўзидин сув хизматингда,  
Ариғлиғ лофин урмай ҳазратингда.

Юзунг холи солиб ўт ичра филфил<sup>163</sup>,  
Фусун қилмоққа очиб лабларинг тил.

Янгоқингдин мусалсал халқ ройи,  
Лабинг – халвои, юзунг – байрам ойи.

<sup>160</sup> тазарв – тустовуқ, қирғовул.

<sup>161</sup> жўйбор – дарё, сой, катта ариқ.

<sup>162</sup> ғоят – чек, чегара, охир, ҳад.

<sup>163</sup> филфил – ловуллаш, аланга.

Гулоб айдики келса юз чевурма,  
Анинг ул хизматин юзига урма.

Магар лоф урди гул билмай ниҳони,  
Ким ағноттинг тикан устинда они.

Мен эй баҳт умда<sup>164</sup> этмагинг не,  
Жароҳат устина туз сепмагинг не.

Кўнгулда ишқинг ўти солди булғоғ<sup>165</sup>,  
Яна доғ устина сен қўймоғил доғ.

Не ҳожат қасди жон тандин чу кўчар,  
Тугангон шамътек ким ўзи ўчар.

Мени синдумаким фам синдирибтур,  
Бориб кўнглини мендин тиндирибтур.

Хуш эрмас жаврини ҳаддин ошурмоқ,  
Келиб ўқ отмоқ ёни ёшурмоқ.

Тағофул<sup>166</sup> дафтарин очмоқ, не яъни,  
Солиб ўт эвгаю қочмоқ не яъни.

Не бўлди куй агар арз этти ҳолин,  
Деди саргашталиқдин ўз малолин.

Гадо аҳволини хонларға дерлар,  
Яроғлиғ сўзни султонларға дерлар.

Лабинг туттумки бермас ихтиёре,  
Кўнгулни асрагил тил бирла боре.

Сенинг кўюнгдин, эй кўрк ичра боғим,  
Бошим гар борса, бормагай аёғим.

Мен ул булбул эмасмен, эй гуландом,  
Ки бир дам баргиз топқаймен ором.

Куяр парвона жондин қайғу емас,  
Киши парвонадин худ эксук эмас.

<sup>164</sup> умда — таянч, энғ муҳим, асос.

<sup>165</sup> булғоғ — тўполон, гавғо, фитна.

<sup>166</sup> тағофул — билиб—бilmaslikka олиш.

Мен ул кунким ғаминг созини туздум,  
Сени дедим күнгүлни жондин уздум.

Ямон яхшики англади ғамимни,  
Тутубмен эшикингда мотамимни.

Үлумдин гар манго ҳижрон туни бор,  
Не ғам, эй дүст, чун маҳшар куни бор.

Чиқойин ер ичидин нөла янглик,  
Кафанни қонға булгаб лола янглик.

Тутайин этагингни түкүбөн ёш,  
Юзунг меҳрини элга этибон фош.

Умидим улдур эй сарви суманбар,  
Ки етгай васл боғидин манго барр<sup>167</sup>.

### *Fazal*

Бўюнг сарвики нанг ер суҳбатимдин,  
Эгилгай оқибат туз ниyatимдин.

Этогингга алигин ургай, эй гул,  
Чиқиб бир—бир тиконлар турбатимдин<sup>168</sup>.

Лабингни кўрдуму холинг хаббини,  
Алигин барҳам урди ҳайратимдин.

Агар кўнглунг манго қуйса ажаб йўқ,  
Ки кўруб тош эригай риққатимдин<sup>169</sup>.

Танимдин жон кўруб раъно қадингни,  
Равон бўлди кутулди миннатимдин.

Аёғингға қўёйин зулфтек бош,  
Агар тўлғонмасанг бу хизматимдин.

<sup>167</sup> барр— қуруқлик, саҳро.

<sup>168</sup> турбат — тупроқ, ер; *мажс.* қабр; мақбара.

<sup>169</sup> риққат — ингичкалик, нозиклик, юмшоқлик, мулојимлик, кўнгли бўшлиқ.

Амирий, асрагил күз боги бирла,  
Сен ул гулники бормасун қотимдин.

### **Фард**

Қотимдин күп хаёлингни қочурма,  
Жароҳат майлини күзумга сурма.

### ***Мутолаа намудани маъшуқ номаи ошиқро ва жавоб фиристодан***

Битик печинда чун қўлғашти ул ҳур,  
Қовуштурди ели анбарға кофур.

Хат ичра солди күз ул тун чироғи,  
Нетукким тун ичинда кун чироғи.

Мусалсал<sup>170</sup> зулфитеқ чун урди барҳам,  
Кўнгул ҳолини анда топти дарҳам<sup>171</sup>.

Ичина дарди онинг кор қилди,  
Кулуб бир зарра меҳр изҳор қилди.

Деди: “Нетсун киши бу мубталоға,  
Ки куч бирлан ўзин солди балоға.

Маломат қибласидин юз эвурмас,  
Халойиқ неча таън урса дам урмас.

Таниға чулғошиб заҳмат жунунтек,  
Қўёбериб ўзин ранж ичра тунтек.

Қиличин қил учича йўқ анга ваҳм,  
Ёвутмас ўзиға худ ўқдин ваҳм.

Насиҳат бирла ул келмас ўзига,  
Юз эвурмай турубтур бир сўзига.

Киши кун йўғра ҳам керишса бўлмас,  
Сафоҳат<sup>172</sup> кинина эришса бўлмас.

<sup>170</sup> мусалсал — бир—бирига занжирга ўхшаб уланган, кети узилмас даражада сараланган, занжир шаклидаги.

<sup>171</sup> дарҳам — чатишган, чирмашган, тўпланган, кетма—кет.

<sup>172</sup> сафоҳат — ақлсизлик, нодонлик, аблажлик.

Борур бот ҳусну қолмас бу йигитлик,  
Қолур аммо ирик сүз бирла итилек.

Не дебон мен ани күздин солойин,  
Күнгүл олдим, бориб ҳам жон олойин.

Биравким жон билан йүктүр низойи,  
Нечук мен бўлойин қонина сойи..

Ўлук бошина етмаклик хуш эрмас,  
Совуқ су(в) юзига сепмак хуш эрмас.

Келибтур боғда гулдин очилмоқ,  
Ярашмас тил тиконтек тез қилмоқ.

Кўрубтур гул юзин булбул ҳамиша,  
Тиконларга ёвуқтур гул ҳамиша.

Тилабтур ўт исиниб гул чироғин,  
Үпубтур су туз олиб сарв аёгин.

Ёрубтур шамъдин парвона кўзи,  
Севибтур заррани хуршид ўзи.

Ародин олайин ётлиқ ҳижобин,  
Очуқ—ёруқ юборайин жавобин”.

Тааммул қилди бир дам ўз—ўзига,  
Қалам тилини очти сўз юзига.

Тасаввур мантиқин чун қилди тасдиқ,  
Битиди номае лутф ила таълиқ<sup>173</sup>.

Чу кўргузди муҳаббатни юз алвон,  
Тугатти номани у, қилди унвон.

Тилади оллида тинмай сабони,  
Битикни берди у тез этти они.

Деди: “Дам урмай отланмоқ кераксен,  
Агарчи елсен ёнмоқ кераксен.

---

<sup>173</sup> таълиқ – сийиш; араб ёзувининг бир тури.

Чу қўйсанг ул хароб оллида гоме<sup>174</sup>,  
Битикни тез тегур биздин саломе”.

***Номаи чаҳорум аз забони маъшуқ ба ошиқ***  
Ало, эй дард оҳангини тутқон,  
Ўзини нақшлар бирлан овутқон.

На емактин, на уйқудин солиб сўз,  
Емактин тўюб, уйқудин юмуб кўз.

Ёши дарё бикин ҳар ёни бориб,  
Ичидин умр ачиғини чиқориб,

Ўзин ғам шашдарина<sup>175</sup> қўя берган,  
Фароғат тахтасиндин муҳра терган.

Тилаб ой васлини эвурмаган юз,  
Санаган кеча тонг отқунча юлдуз,

Кўриб ҳар дам қаро баҳтини тунтек,  
Кўнгулдин тортиб оҳини тутунтек,

Оlam доғини кўргузмай кишига,  
Гоҳи юзумга ҳайрон гоҳ ишига.

Бори ой хирманин бир ёвға сотқан,  
Элик тортиб аёғини узатқон.

Нафири чангтек ҳар ерда чолиб,  
Фифони ўрлаб оҳи ўткай олиб,

Маони ҳар жониндин кўргузуб зўр,  
Солиб ҳар лаҳза сўз бозорина шўр<sup>176</sup>.

Азимат бобида итиқ ҳаваслик,  
Исундургай мени жоду нафаслик.

Кўтарган сеҳр элидин сўз юзидин,  
Уёлдурган кўзумни ўз юзидин.

<sup>174</sup> гом — қадам.

<sup>175</sup> шашдар — нард ўйинида мот бўлиш хонаси.

<sup>176</sup> шўр — фавро, тўполон.

Енгиллик қылдым эрса (бир замоне),  
Сен оғир олмағил құнглунтга они.

Сени, дедим, бу даъвода синойин,  
Тараддуд боридин бир дам тинойин.

Қизил олтунки васфин қылса бүлмас,  
Ани күйдурмагинча билса бүлмас.

Кабоб үтқа тушар нокомлиқтин,  
Ким андин ваҳм этар әл хомлиқтин.

Ясарлар олматек әл әритиб мум,  
Бўлур ул тишлаган оғизға маълум.

Манго билгурди эмди иттиҳодинг<sup>177</sup>,  
Бор эрмиш зулфума чин эътиқодинг.

Санга ул замзама бехост эрмиш,  
Ҳар оҳангики қилдинг рост эрмиш.

Қўнгул кўзгудур они билса бўлур,  
Ичиндагини пайдо қылса бўлур.

Битикларингда солдим мен басе кўз,  
Тиладим кўп сўзунгда топмадим сўз.

Менинг итиклигимдин бўлмадинг кунд,  
Ўзунгни қилмадинг ташниъдин тунд.

Ёвуқ келдинг йироқ солмай ўзунгни,  
Ачиқтин боғламай ширин сўзунгни.

Бу одат хуш яғочлар мевасидин,  
Ки тош отсанг берурлар мевасидин.

Садафтин доғи ул хуш бетағайюр<sup>178</sup>,  
Ким ани неча синдурсанг берур дур.

Қамиш ҳам холи эрмаским бирур қанд,  
Неча аюранг аниңг бандидин банд.

---

<sup>177</sup> иттиҳод — бирлашиш, қовушиш, бирикиш.

<sup>178</sup> бетағайюр — ўзгаришсиз, бошқа тусга кирмаслик.

Киши деса севармен урса бўлмас,  
Бу ёзуқдин они ўлтурса бўлмас.

Нечук мен дўстни душман қилойин,  
Алик берса аёгини синдиройин.

Шакар ўрнина хантал ким берибтур,  
Ямон сўз яхшига ким юборибтур.

Севар севгучини ҳар кимки бўлса,  
Сўзи ҳар нечаким оламға тўлса.

Берур тоф одамигарлиғ нишони,  
Ки ҳар не десанг айтур ул ҳам они.

Хаёлим йўлидин кўзунгни олма,  
Чу бўлдум жон санга кўнглунгни солма.

### *Fazal*

Узун туи қолмаға олингда ғамлар,  
Ёргай аиш ичинда субҳидамлар.

Очилғай меҳр бозори бўлуб гарм,  
Ичингдин раҳт<sup>179</sup> боғлагай аламлар.

Муҳаббат кўйида кўзунг сўйидин,  
Ҳавас ўти чиқиб ургай аламлар.

Алик бергай нашот<sup>180</sup> аёғи ҳар дам,  
Малолат юзина босиб қадамлар.

Келиб иқбол бош қўйғай қотингда,  
Бузулмоқлиқға юз қўйғай ситамлар.

Арилғай ғам оти жон дафтариндин,  
Кўнгул жамъина тортилғай рақамлар.

Иноят номайи келгай анингтек,  
Ки вассфинда қарапғай кўп қаламлар.

<sup>179</sup> раҳт — бу ўринда: йўл (сафар) юки.

<sup>180</sup> нашот — суюниш, шодланиш.

## **Фард**

Қаламлардин дуруст эрмас ривоят,  
Ки сифмас тилларига ул ҳикоят.

### ***Мутолаа намудани ошиқ номаи маъшуқро ва жавоб фиристодан***

Чу фош этти фалак маъшуқаси меҳр,  
Жаҳон авранг<sup>181</sup> бўлди, меҳр — гулчехр.

Хизр қилди равон жон чашмасини,  
Алики очти ҳайвон чашмасини.

Ёруди ер кўзи тун Марямидин,  
Башорат берди Исо ҳамдамидин.

Исиниб етти ул фархунда<sup>182</sup> мақдам,  
Ки оёғи унидин бутради ғам.

Нашот ангиз лаззат ғоятитеқ,  
Ёзуғлуғларга раҳмат оятидек.

Битик берди у жон киргузди танга,  
Хабар берди тирикликтин баданга.

Очилдим ул иноят номасидин,  
Кутулдум дарду ғам ҳангомасидин.

Кўнгул бўлди фараҳ евина дохил,  
Кўзумга обрўйи бўлди ҳосил.

Фигоним тиндию фарёд ўчти,  
Тараб<sup>183</sup> келдию ғам филҳол кўчти.

Фарогат рўдидин тегди садое,  
Башорат кўкидин етти навое.

Кўзумни чун битик юзина очтим,  
Севингондин гуҳар бошина сочтим.

<sup>181</sup> авранг — тахт; тож; ақл, гўзаллик; осмон; шавқат.

<sup>182</sup> фархунда — қутлуғ, саодатли, баҳтили.

<sup>183</sup> тараб — шодлик, хурсандчилик.

Не күрармен иборатлар қилиб харж,  
Фаровон лутф ёкути этиб дарж<sup>184</sup>.

Қалам ҳар сатрда меҳри ёшуруб,  
Құториб заррани қўкка ошуруб.

Этиб алтоф анворини зоҳир,  
Сочиб ашъор баҳриндин жавоҳир.

Навозиш ганжини очиб алиги,  
Ситойишлар<sup>185</sup> қилиб дарё алиги.

Этиб хошокни гавҳар билан teng,  
Килиб туфроқни анбар билан teng.

Манга маҳсус этиб нуру зиёни,  
Улусқа кўргузуб кундуз Сухони.

Сабо алини ўптум қўюбон бош,  
Анго ихлос нурин этибон фош.

Дедим: “Ёқинг кўнгул захмина марҳам,  
Даминг яхши Масиҳотек қадам ҳам.

Қилойин сурма туфроқингни кўзга,  
Не турлук қўлайн узрингни ўзга.

Агар сендин учар элнинг чироги,  
Манго сендин ёрур уммид боғи.

Карам кўргуз азимат маркабин<sup>186</sup> сур,  
Ўзунгни ҳар нечук ит анда еткур”.

Битидим нома айтиб хомани тез,  
Саросар дард аммо узромиз.

Дуо янглиғ они бўйнина илдим,  
Анинг еткурмоқин бўйнина қилдим.

Тикилиб анда чун еткурди ўзин,  
Алина бердию бошлади сўзин.

<sup>184</sup> дарж – киритиш, қайд этиш; ўралган хат;

<sup>185</sup> ситойиш – мақтоб.

<sup>186</sup> маркаб – улов.

*Номаи панжум аз забони ошиқ ба маъшук*  
Ало, эй ҳусну нозу шева кони,  
Тириклик чашмасорининг равони.

Шакар сўзлук нигори сарвқомат,  
Ки сен ўлтурдунгу қўбти қиёмат.

Набот оғзинг ҳадисин то эшитти,  
Хижолаттин бошин олдию етти.

Сочингдин анбар эрур кўп уётлиқ,  
Қаро қулдуру санго бир анбар отлик.

Янги ой кўрубон қошинг ҳилолин,  
Чиқориб бошидин эгри хаёлин.

Сабо ўзин қотингда сола олмай,  
Ютуриб кўп дамини ола олмай.

Сочиб ҳар сори ямғуртек су ёшинг,  
Аёғингга узотиб сарв бошин.

Кўнгулни куйдуруб юзунг чароги,  
Кўрунуб лолатек ичинда доги.

Юруб зулфунг алиндин кечалар тун,  
Ёшунуб хижлатингдин ойлар кун.

Қотингда қанд ўзини элга сотиб,  
Унутуб ўзини сўзунгга қотиб.

Тушуб жон бўйнина зулфунг каманди,  
Бўлуб саргашталикда пойбанди<sup>187</sup>.

Бинафша сочинг оллида очилмай,  
Уёттин бошини юқори қилмай.

Юзунгнунг фуссасидин кун иситиб,  
Фалак иситма таъвизин битиб.

Кўюбон бошини хаттингга хома,  
Сўзунг этиб сабони гарднома<sup>188</sup>.

<sup>187</sup> пойбанд — оёғи боғланган.

Қилиб ойтек юзунг нурини пайдо,  
Этиб кун заррага мәхрин ҳувайдо<sup>188</sup>.

Бу кун туттум тамоми тил бүлойин,  
Не тил бирлан лабинг узрин қулойин.

Агар жон тортсам жондин не ҳосил,  
Күрунмас күзга ул андин не ҳосил.

Агар тандин десам бир хоксоре,  
Не күрүнгай эшигингда фуборе.

Агар олингда дам урсам фигондин,  
Эшитиб хотириңг оғриғай андин.

Агар солсам назарни күз ёшина,  
Не бүлгай қатрайи дарё қошина.

Мен эмди бир гадо, сен подшоҳе,  
Магар жон тортқай оллингда оҳе.

Аёғинг туфроғин гар топсам эрди,  
Ани элнинг күзидин ёпсам эрди.

Юзум олтунға тутғай эрди они,  
Күзида асрағай эрди ниҳони.

Вале ул мартаба ҳар кимга етмас,  
Бу савдода таманно осиқ этмас.

Итинг эй кошки бўлса қариним,  
Ўзин этса бу ерда ҳамнишиним.

Ки чун кўзум суйидин ўт кўкарса,  
Эшигингдин сўнгогимни кўтарса.

Мен ул итменки гар юз қатла сурсанг,  
Юз эвурмон агарчи юз эвурсанг.

Тушуб туфроқтек фориф ишидин,  
Не елtek ким келиб ўтгай кишидин.

<sup>188</sup> гарднома – бирорнинг бошини айлантириш учун ёзилган дуо тумори.

<sup>189</sup> ҳувайдо – белгили, ошкора, зоҳир, равшан.

Агарчи дард евининг маҳрамимен,  
Фамингда нолаларнинг ҳамдамимен.

Умидим Тенгридин улдурки гоҳ—гоҳ,  
Ёруғай кӯзларим юзунгдин эй моҳ.

Узатқайсан сочингдин васл тунин,  
Учургайсен келиб ҳижрон тутунин.

Аёғинг тузи бўлғай сурма кўзга,  
Улашқаймен етиб тортинмай ўзга.

### ***Ғазал***

Юзунг бир гула манго, эй ҳусн боғи,  
Иноят кўргузуб ёрлиғ нишони.

Жамолинг нур солғай туфроғимға,  
Севингай қолабим руҳи равони.

Тузолиб сарв бўюнг эшикимдин,  
Кириб келгай нетукким танга жони.

Хаёлинг юзланиб тушгай кўнгулга,  
Ясониб тебрагай ғам карвони.

Узатмағай алик Баҳман бикин дард,  
Совулғай ранжу меҳнат достони.

Үётқай баҳтни ноз уйқусидин,  
Кўзин очиб фароғат посбони.

Амирийким бўлибтур эмди ғунча,  
Очилғай ёзтек жону жаҳони.

### ***Фард***

Жаҳони ёруғай, жони тирилгай,  
Тириклар сонина оти кирилгай.

## ***Мутолаа намудани маъшуқ номаи ошиқро ва жавоб фиристодан***

Чу олди номани алин узотиб,  
Олурда мушк аро сандални қотиб.

Назар солди битик юзина ул хур,  
Духон<sup>190</sup> ичинда, яньи күzlари нур.

Тааммул қилди эрса нукта сарфин,  
Қилиб зеру забар ул ҳарф ҳарфин.

Мубавваб<sup>191</sup> топти анда ишқ розин,  
Муфассал ичидә бир—бир баёнин.

Муваддат<sup>192</sup> равзасинда гул очилиб,  
Мұхаббат әлидин райхон сочилиб.

Кулимсінди ношот оғзини йифмай,  
Севиниб гул бикин түніна сиғмай.

Деди: “Ул бенаво булбул не ишта,  
Ки бұлды ғам билан жони сиришта.

Сочимға бормудур боғлиқ хаёли,  
Нечуктур үл парищенликта ҳоли.

Қошимнинг ёсидин тортарму ғамни,  
Күрармуғұшаларда үл аламни.

Тегарму кирбекумдин жонина ўқ,  
Балони туш күрарму күзи ё йүқ.

Юзум хуршидидин ҳайрон юрурму,  
Бұлуб бир зарра саргардон юрурму.

Тикибмидур күзин ҳолимға үл ёр,  
Агарчи айнға йүқ нұқта даркор.

Лабимдин жон етибмудур лабина,  
Ҳам андоқ соғ борму муштарина.

Ичинда ишқ ўтидин борму сүзи,  
Тилар оғзимни ҳеч үл танг рүзи.

Тилимни оғзига олурму ё йүқ,  
Ароға сүзини солурму, ё йүқ.

---

/хон — тутун.

убавваб —

уваддат — дүстлик, мұхаббат.

Тишим лулусидин<sup>193</sup> ул күзи дарё<sup>194</sup>,  
Чиқарурму фалак янглиғ Сурайё.

Зақан<sup>195</sup> чоҳидаким ғамдин қутулмас,  
Нечуктур анда ул күнгли тутулмас.

Гаҳи тортар хаёлим рўйина жом,  
Эмастур сайдим симина худ хом.

Белим розини айтурму кишига,  
Камартек тўлғонурму ҳеч ишига.

Недур ҳоли аниңг ғам лашкаринда,  
Жони оғрурму меҳнат бистаринда<sup>196</sup>.

Итим фарёдина гоҳ—гоҳ етарму,  
Кишилизлифина ул раҳм этарму”.

Тилади қоғазу чун бўлди мавжуд,  
Қалам тилини этти анбаролуд<sup>197</sup>.

Битиди нома мазмуни латойиф,  
Қилиб шарту этиб кўнгулни воқиф.

Равон этти сабони нома бирлан,  
Тузатти йўлға туртуб хома бирлан.

Деди: “Борким кўзидур йўлда аниңг,  
Қулоғи унгадур ул бенавонинг”.

*Номаи шашшўм аз забони маъшуқ ба ошиқ*

Ало, эй меҳри дардангиз қилғон,  
Ичинда нолаларни тез қилғон.

Замоне оҳ элидин кўнгли тинмай,  
Фигонлар тортибон найтек оринмай.

---

<sup>193</sup> лул – уятсиз, шарманда.

<sup>194</sup> дарё – маж. олий ҳиммат, эҳсонли, мурувватли.

<sup>195</sup> зақан – бағбақа.

<sup>196</sup> бистар – ўрин–бош, кўрпа–ёстик.

<sup>197</sup> анбаролуд – хушбўй аралаш.

Тани заҳматқа қил янглиғ тузулуб,  
Гоҳи яхши бўлуб, гоҳи узулуб.

Тинибон турмайин бир ерда элтек,  
Кезибон кеча тонг отқунча йелтек.

Ўзин этиб жунун амрида маъруф,  
Бўлуб куфви<sup>198</sup> бузуғлар ичида куф<sup>199</sup>.

Тузуб Фарҳодтек ғамлиғ нафирин,  
Лабим лаълин этиб кўнглиға ширин.

Ҳамиша уйқусизлиққа қилиб ҳў,  
Тушида кирмайин умрида уйқу.

Юзум бирлан сочимни этибон ёд,  
Бўлубон кечаларда ойдин шод.

Сиришки тоза этиб гуфт гуйин,  
Фигони елга бериб обруйин.

Фарофат юзина эшикни ёпиб,  
Маломат нардини нақшиға топиб.

Қилибон ишқи юз мансуба<sup>200</sup> тасниф,  
Топиб шатранж эвитеқ тасфиғ.

Руҳина кўз ёшин этиб равона,  
Хаёлим бирла ўйнаб ғойибона.

Етиб элдин ўтуб саҳро елитек,  
Юруб кўз ёшида дарё элитек.

Қилиб ғам элидин ҳайъатни тагийир,  
Этиб ишқ оятин ўзига тафсир.

Манго йўқтур фигоре<sup>201</sup> сендин ўзга,  
Санго йўқтур нигоре мендин ўзга.

<sup>198</sup> куфв – тент, баробар; ўхшаш, ҳамнасаб.

<sup>199</sup> куф – бойёғли.

<sup>200</sup> мансуба – қурилган, барпо этилган; ўйин (шатранжда).

<sup>201</sup> фигор – ярали, жароҳатли.

Мени десанг дема сен ўзга жондин,  
Күзүнгни юм бори жони жаҳондин.

Кечар жонидин аввал сувда ғаввос,  
Ки то охир бўлур бир дурга ул хос.

Ўтар кўп чашмадин сайёди мағбун<sup>202</sup>,  
Ки то моҳи кирар алина бир кун.

Кесар кўп шоҳни деҳқон билиги,  
Ки то бир мевага етар алиги.

Басе тошларни ҳар ён ташлар огоҳ,  
Ки то юз кўргузур бир лаъл ногоҳ.

Сен эмдиким янгибур ишиқ доғи,  
Исинибтур ародা меҳр аёғи.

Алик бергил манго паймон ичинда,  
Вафо шартини асраб жон ичинда.

Ки қолмас одаме бир хўйи бирлан,  
Ариғ йўқтур ҳамиша суйи бирлан.

Ғамимни ул жамоатким едилар,  
Тариқингдин манго андоқ дедилар.

Ки ҳар нарғисга ул кўз солғучидур,  
Тили савсан<sup>203</sup> бикин сўз солғучидур.

Кўруб ҳар сарвни борур ӯзидин,  
Юрур жуёну<sup>204</sup> сув турмас кўзидин.

Бўлуб бир ойға ҳар кун муқобил,  
Тушубтур ул назар илмида қобил.

Ўтар кўнглида ҳар дам бир дилорой,  
Тилар кўзигаки кўрса бир янги ой.

Нега керак киши ҳар жойи андоқ,  
Не бор егай чу бўлса ройи андоқ.

<sup>202</sup> мағбун — алданган, заар бўлган (савдода).

<sup>203</sup> савсан — гулсапсар, кўғагул.

<sup>204</sup> жуёс/жуён — истовчи, қидирувчи.

Үзи бир ердаю юз ерда кўзи,  
Тили иккию юз оғизда сўзи.

Киши улдурки емдин жони тўйғай,  
Кабутартек оғиз оғзига қўйғай.

На булбултек ки бўлмас шарми ҳойил<sup>205</sup>,  
Бўлур ҳар неча кун бир гулга мойил.

### ***Fazal***

Тилар бўлсанг юзумнинг лолазорин,  
Унуккин ўзга гулнинг хор хорин.

Лабим нуқлини олур бўлсанг оғизфа,  
Чиқорғил боштин ул майнинг хуморин.

Парилар оразина тортқил хат,  
Кўнгулда тиласамас бўлсанг губорин.

Қўя берма ўзунгни сув сифатлик,  
Чу кўрсанг бир малоҳат чашмасорин.

Кўруб ҳар гулни ел янглиғ эришма,  
Совурмагил кўнгулнинг рўзгорин.

Не ҳожатким қасам киргай ароға,  
Яминсиз билгил ишингнинг ясорин.

Эр улдурким кўнгул бермай кишига,  
Ичиди асрағай жонтек нигорин.

### ***Farḍ***

Нигорин панжага улким илинди,  
Илик берди, муроди кўнгли тинди.

## ***Мутолаа намудани ошиқ номаи маъшуқро ва жавоб фиристодан***

Чу лаъл этти аён фирузагун маҳд,  
Сафо қилди жаҳон бирлан этиб аҳд.

<sup>205</sup> ҳо(й)ил – тўсиқ, ғов.

Улусга берди меҳр олтун суйини,  
Қилиб байъат<sup>206</sup> қўюб итик<sup>207</sup> хўйини.

Узулди элга райҳон рангидин кут,  
Хатин сандуқ ичинда солди ёқут.

Қошимға етти ул ёри ҳақиқий,  
Бўлуб ранги югурмактин ақиқий.

Аликда хат сўзи дурри саминтек<sup>208</sup>,  
Не хатким ул нигористони Чинтек.

Тута берди манго жон тухфасини,  
Тегурди яъни жонон тухфасини.

Қародин қўзларимга нур берди,  
Ёруғлуқ расмина дастур берди.

Кўнгултек хатлари мажмуъ софи,  
Сафога қўрмаги бор эрди кофи<sup>209</sup>.

Кашишлар<sup>210</sup> хатида аммо кўнгулга,  
Бори афсун бикин шайдо кўнгулга.

Қўюб коғаз юзина нуқтадин хол,  
Жунун ҳарфина бир-бир нуқтаси дол.

Қалам тил учини анбарга булғаб,  
Алиги мушкни коғазга чулғаб.

Кўзумнинг кирбуки бўлди гуҳарфош<sup>211</sup>,  
Қаламтек ҳар хатина қўюбон бош.

Санго боқтим анго чун кўз ёшитек,  
Қарога майл кўргузуб қошитек.

<sup>206</sup> байъат – аҳд—паймон қилиш; ваъда; юқори ҳукуматни танимоқ.

<sup>207</sup> итик – ўткир, тез, кескир.

<sup>208</sup> дурри самин – қимматбаҳо дур.

<sup>209</sup> кофи(й) – етарли.

<sup>210</sup> кашиш – монах, тарки дунё қилган (христиан динида).

<sup>211</sup> гуҳарфош – чуқур ва маъноли сўзлар айтувчи, сўзга чечан.

Шабистон ичра топтим кўп раёҳин<sup>212</sup>,  
Берib ҳар гул насими руҳи роҳин.

Тили қонун билан тортиб иборат,  
Кўзи ҳар нуктада айтиб ишорат.

Қалам тортинмайин айтиб замирин,  
Қилиб сўз қандидин тилини ширин.

Жалолат<sup>213</sup> бирла тахт узра Сулаймон,  
Тилаб бир мўрдин алиги паймон.

Салобат бирла семурға этиб жаҳд,  
Таманно кўргузуб бир саъвадин аҳд.

Саодат бирла хуршиди юруб тоқ,  
Қилиб бир заррадин дархост мишоқ.

Гаҳеким қиласа юзин кун ҳувайдо,  
Қачон худ соя бўлгай анда пайдо.

Чу мазмуни саросар бўлди маълум,  
Неким борди мубҳам бўлди мафҳум.

Қаламға сув бериб очтим тилини,  
Анга осон қилиб сўз мушкилини.

Битидим номаи унвони ихлос,  
Баёнимни маонига этиб хос.

Сарій ус—сайр<sup>214</sup> пайки<sup>215</sup> ошиқона,  
Алимдин олдию бўлди равона.

Чу етти анда кирди бир қироқдин,  
Анго топширдию турди йироқдин.

*Номаи ҳафтум аз забони ошиқ ба маъшуқ*  
Ало, эй нур буржининг сипехри,  
Вафо иқлимининг шойиста меҳри.

---

раёҳин — райҳонлар.

жалол — улуғлик, азамат.

сарій ус—сайр — юриши тез, тезюар.

пайк — хабарчи, элчи.

Күзи — чүлпон, мунаввар орази — бадр,  
Янги ой — қоши, сочи — лайлатулқадр.

Үқуб ошиқ күзи ямфур дуосин,  
Чу қошинг үткариб оллида ёсин.

Бүюнғ зулфунг оғиздин топибон ком,  
Улашмас гарчи танвину алиф, лом.

Чаманда сарв бүюнгдин бўлуб шод,  
Кўруб сени еридин сачраб озод.

Аёғингга қўюбон бошини қанд,  
Лабингдин суйи бир сўрмоққа хурсанд.

Кўзунг шаҳр ичра этиб шўру ғавро,  
Бўлуб ҳар гўшадин юз фитна пайдо.

Кўнгулни қўймай ул рухсор холи,  
Димогина солиб савдо хаёли.

Тилаб зулфунг лабингтек сихҳатини,  
Бериб андин бинафша шарбатини.

Келиб хурмо лабинг оллида хаста,  
Бинафша кўрунуб зулфингга баста.

Сўзунгни эшитиб, эй жон ҳаёти,  
Чиқармай қанд, Ҳиндустон наботи.

Табассумда лабинг қилмай мудоро,  
Гуҳарни лаълинг этиб ошкоро.

Магар қотингда очти писта оғзин,  
Ким ал уруб паришон этти мағзин.

Сабо оллингда бориб тортмай оҳ,  
Ки қотиғ келмасун кўнглунгға ногоҳ.

Нетук мен [оҳ] уройин ўз ғамимдин,  
Ки пўлод эригай үтлуғ дамимдин.

На андок үтқа учрабменки ўчгай,  
Кўнгул юртида ўртаб ўт на учгай.

Фамимдин гар деса ичимдаги доғ,  
Булуттек йиғлағай ун тортибон доғ.

Манго раҳм этки күп бўлди нафири, манго  
Муанбар зулғни қил дастири.

Узун бўлди фамим меҳнат тунидек,  
Тулуъ<sup>216</sup> этгил манго давлат кунитек.

Жамолингдин мунаввар қил кўзумни,  
Эшитма эл сўзин, эшит сўзумни.

Мен эмди хастау фам ортмоқда,  
Хаёлинг олида жон тортмоқда.

Сен унугуб мұхаббат пешаларни,  
Софиниб қондоғи андишаларни.

Менинг жонимға не ўтлуғ фиғонлар,  
Сенинг кўнглунгда не турлук гумонлар.

Тушубтур то эшикинг гарди кўзга,  
Кўрунмабтур кўзумга сурма ўзга.

Кўрубтур то янгоқинг сори дийда,  
Бўлубтур олмадин кўнглум гузидা.

Борибмен то тишинг фикрида ўздин,  
Солибмен баҳраро гавҳарни кўздин.

Топибмен то юзунгдин жон навосин,  
Чиқорибмен кўнгулдин гул ҳавосин.

Ким ой бурчида юлдузни топибтур,  
Тиконни гул софиниб ўхшатибтур.

Ким этибтур асалга сирка таржих<sup>217</sup>,  
Ўқубтур мухтасар илмини талвиҳ.

Ким этибтур ачиқ оғуни тарёқ,  
Тилабтур кўкнор ичинда афлок.

---

улувъ — чиқиши, кўриниш, болқиши.

аржих — бир нарсани иккинчи бир нарсадан ортиқ кўриши.

Ким олибтур оғизга ғүк йириң,  
Билибтур ҳұсн аро Шакқарни Шириң.

Мени сен шамътек қайдирмоқинг не,  
Жафоу жавр этокин турмогинг не.

### ***Fazal***

Юзунг күзгудур, эй ҳұсн ичра моҳим,  
Ҳазар қилким они тутмасин оҳим.

Мени сен күрма ожизким қавидур<sup>218</sup>,  
Мұхабbat поясинда дастгоҳим.

Қародин чиқмайин зулғунғдин ўзға,  
Агар бир қыл учи бўлса паноҳим.

Қутулмай қайғудин гар фурқатингда,  
Фамингдин ўзға бўлса узроҳим.

Тузалмасун юзумдин қибласина,  
Гар ўзға сори бўлса рўйи роҳим.

Вафосизлик ҳатини тортма кўп,  
Битимас чун фаришта ул гуноҳим.

Амирийтек ки бўлсам зарра—зарра,  
Кўрунгай меҳринг идидин гиёҳим.

### ***Fард***

Гиёҳим чиқса ногаҳ жонтек, эй дўст,  
Кўрунгай ошиқи бежонтек, эй дўст.

### ***Мутолаа намудани маъшуқ номаи ошиқро ва жавоб фиристодан***

Чу қўрди номани муҳр этти иҳсос<sup>219</sup>,  
Қотиштурди али қундуз аро ас.

Кўзин солди анга ул моҳипайкар,  
Шабистон шамъидин қилди мунаввар.

<sup>218</sup> қави(й) — кучли, қувватли.

<sup>219</sup> иҳсос — ҳис қилиш, сезиш, билиш, аниқлаш.

Замоне ҳарф илмина исинди,  
Ичи күйди vale құрқуб қисинди.

Үзини асради ул шафи машраб,  
Ки бор эди қамар олинда ақраб.

Анингтек ўқуди шеъри ниҳони,  
Ки тўймай қолди ул элнинг ямони.

Анга ул шеър ароким қолди маҳзун,  
Радифи бор эди мақбулу мавзун.

Зарифу саркашу зебоу жаммош,  
Қарин эрди анго балки қариндош.

Сўзи ширин ўзи раъноу хийра<sup>220</sup>,  
Нечукким бодаға ҳамшира шира.

Ҳамиша соятек кунга мулозим,  
Бўлуб эришмаки бўйнина лозим.

Сўзи унига найтек боғлағон бел,  
Нетукким гул қошинда эврулур ел.

Оча берди анга сарбаста розин,  
Деди бир—бир бори сўзу гудозин.

Замири машваратқа тузди оҳанг,  
Фами тоғ этакина уробон чанг.

Йўқ эрди ногаҳ маҳрам чиқти бехост,  
Анго дедики: “Кўз бер раҳи рост.

Йироқ борму ани дамсоз қилсам,  
Ки хориж бўлгай ўзга нор қилсам.

Не дерсан мунда гар келтурсам они,  
Нуҳуфта ундасам ул бенавони”.

Жавобида деди ул қоши ҳожиб<sup>221</sup>,  
Ким анда парда очмоқ бор муносиб.

---

<sup>1</sup> хийра — қамашган, қоронғу босган, сўник; ҳайрон.  
ҳожиб — дарвозабон, пардадор; қош.

Күк устиндин солур ой ерга нурин,  
Ки то касб этар андин ер хузури.

Битиктин соя күргузур ҳумойи<sup>222</sup>,  
Ки то давлат топар андин гадойи.

Юқоридин иниб яғмур тушар пок,  
Ки то андин тирилур хору хошок.

Аларнинг чун бу сўзга тушти ройи,  
Ароға кирди рағбат қадхудойи<sup>223</sup>.

Битиди нома олтун суйи бирлан,  
Вафоу меҳр расми ҳўйи бирлан.

Саодат маркабидин мужда бериб,  
Башоратлиқ ҳабарларни юбориб.

Қалам тили чу фориғ бўлди андин,  
Давот оғзини ёпти таржимондин.

Сулаймон бегина топшурди Билқис,  
Ки бир—бир мўрга күргузма талбис<sup>224</sup>.

Дегин анда келурға рағбат эттук,  
Равон суҳбат яроғин қилки еттук.

*Номаи ҳаштум аз забони маъшуқ ба ошиқ*  
Ало, эй ғамда топқон ранги табдил,  
Равон эткон кўзи шинграфтин<sup>225</sup> нил<sup>226</sup>.

Шафақтек кўз ёшидин бодапаймой<sup>227</sup>,  
Танидин күргузуб ҳар кун янги ой.

Паришон кўнглига оғиз севар жон,  
Сиришки қаҳрабо устина маржон.

<sup>222</sup> ҳумо(й) — афсонавий қуш (бу қушнинг сояси кимнинг бошига туц  
баҳтили бўлар эмиш).

<sup>223</sup> қадхудо — рўзғор бошлиғи; ҳукмрон.

<sup>224</sup> талбис — ҳийла, мақр, найранг, ёлғон.

<sup>225</sup> шинграф — қизил ранг.

<sup>226</sup> нил — кўк бўёқ; кўзга сурма қўйиладиган мис сурмачўп; ништарға  
ұхшаш бир асбоб.

<sup>227</sup> бодапаймо(й) — маж. май тутувчи, соқий.

Тириклик соридин урмай нафас ҳеч,  
Чиқиб бот—бот дами аммо келиб ҳеч.

Фифоне тортиб Исрофилтек сур,  
Киёмат кунларитек шоми дайжур<sup>228</sup>.

Беріб ақбоб савдосинда ғам даст,  
Аёғи сайр аро Мажнунға ҳамдаст.

Кийиклартек кезиб этиб жигархун,  
Фами тоғу қизил ёши табархун<sup>229</sup>.

Бұлуб қон құнгли тинмай күз ёшидин,  
Кечиб үт үртасида су бошидин.

Фами Фарқод янглиғ құргузуб зүр,  
Фами Шириң валекин толеъи шүр.

Тузотиб кечалар әгритек унин,  
Очиб тирноғи бирлан ғам тугунин.

Қилиб үзига оху нолани ёр,  
Тутуб бир йүли номи нангдин ор.

Үзин қүймай замоне барҳам урмай,  
Ютуб хунобау андин дам урмай.

Фироқингда кечар ҳар кеча елтек,  
Таним белимға үхшаш бүлти қылтек.

Құзум ҳажрингда құп бедорлиқдин,  
Құтармас бошини беморлиқтин.

Қошим чандон сенинг йикрингни қилди,  
Ки қайғудин бүйі ёйтек әгилди.

Сочим азбаски үзин урди барҳам<sup>230</sup>,  
Сенинг ҳолинг бикиндур вақти дарҳам<sup>231</sup>.

**Дайжур** — энг қоронғу кеча, қоронғулик.

**Табархун** — қизил новдали тол; **мажс**: қизил рангли.

**Барҳам** — ост—уст.

**Дарҳам** — чатишган, чирмашган; тартибсиз, титилган, үйилған.

Менинг жонимдадур күнглунгдаги ох,  
Күнгүлдин бор күнгүл ичина чун роҳ.

Агар сен анда кўрсанг ногаҳ озор,  
Мен эшитиб бўлурмен мунда афкор.

Агар сен анда тўксанг ерга жола,  
Мен олурман кўзумдин мунда лола.

Агар сен анда бўлсанг ёшқа помол<sup>232</sup>,  
Мен ўзумдин борурмен мунда филҳол.

Арода неча бўлгай меҳнату ғам,  
Ўзунгни қайғудин қутқар, мени ҳам.

Чу мен бўлдум сенинг, ғамни узатма,  
Бу савдода мени оламға сотма.

Чиқорғил бу муаммо мушкилидин,  
Ки ёлқиб тур қулогим эл тилидин.

Менинг номусу номимни талошқин,  
Алифтек келгину элга улошқин.

Кўзунгдур айн оламдин қочурма,  
Муҳаббат нуқтасин юқори урма.

Тузолиб одамийлар хўйин олғин,  
Не дегай эл доғи охир ўёлғин.

Алик урма маломат дафтарина,  
Аёғ босқин саломат кишварина.

Танинг ҳам тонисун бир бош аёғни,  
Тил очуб сўзга тиндурсун қулогни.

Эл улус расмина кўкунгни тузгин,  
Бу харих нафмадин кўнглунгни узгин.

Жунун сархушлуғидин ўзунгга кел,  
Думофингда ҳаводин солмағил ел.

Ки давлат келгусидур бўлма ғофил,  
Саодат бирла тузгунгдур маҳофил<sup>233</sup>.

### *Ғазал*

Санго юз қайгусидур дилнавозинг,  
Келиб бош тўзгусидур сарвинозинг.

Иноят субҳидин совулғусидур,  
Дамодам шамътек сўзу гудозинг.

Фарогат елидин очилғусидур,  
Кўнгулда фунчатек сарбаста розинг.

Башорат келгусидур хизматингга,  
Саодат бўлғусидур чорасозинг.

Бошингга чиккусидур май аёғи,  
Аликтин борғусидур иҳтиrozинг<sup>234</sup>.

Тараф кўргузгусидур қоматини,  
Қазо бўлғусидур бир бир намозинг.

Муҳаббат сарвидин бар егусидур,  
Кўзунг суйи билан ариғ ниёзинг.

### *Фард*

Ниёзинг қолмағусидур кишига,  
Алигинг етгусидур васл ишига.

## *Мутолаа намудан ошиқ номаи маъшуқро ва жавоби фиристодан*

Оғиздин ташлади чун лолани зоф,  
Зиёфат баргин этти нилгун боғ.

Кўтарилди ародин тун губори,  
Ҳавони қилди тонг норанжи<sup>235</sup> нори.

Замона чашмаси кўргузди симоб,  
Ёруди ер муҳайё бўлди асбоб.

ғофил — жойлар, манзиллар; тўпланиш жойи, мажлис, базм.

иҳтиroz — сақланиш, эҳтиётланиш.

норанж — лимон, апельсин, мандарин дарахтларининг бир тури;

\* сариф тус.

Севунуб етти ул хүшсүзли қосид<sup>236</sup>,  
Ки қилди мантиқи шарҳи мақосид<sup>237</sup>.

Таваққу<sup>238</sup> күргузуб ишида таҳсин,  
Беріб сувтек ҳаво ўтина таскин.

Иноят топшуруб илина маншур<sup>239</sup>,  
Қаросидин оқарған күз топиб нур.

Мұхаббат бобидин тортиб неча фасл,  
Узун туммор аммо ичидә васл.

Манго бердики: “Печидек очилғин,  
Қаросин күзларингга сурма қылғин.

Ки давлат тушларингни қилди таъбир,  
Маломат күз ёшиңгтек бүлди бир—бир.

Күрүнди күзүнгга ал расму хўйи,  
Яно оққон ариққа келди суйи”.

Тулув<sup>240</sup> этти бийиктин<sup>241</sup> ҳиммат ойи,  
Тузалди базм аро ишрат саройи.

Чиқарди баҳт гултек пардадин юз,  
Қоронғу кечада күрүнди кундуз.

Саодат саҳмидин<sup>242</sup> солди сипар<sup>243</sup> ғам,  
Мазаллат<sup>244</sup> рўзгорин урди барҳам.

Башорат манзилина етти Билқис,  
Малоли<sup>245</sup> қабз<sup>246</sup> евидин қўбти илкис.

<sup>236</sup> қосид — хабарчи, элчи, чопар; қасд қилувчи, интилевчи.

<sup>237</sup> мақосид — мақсадлар, ниятлар.

<sup>238</sup> таваққу — бирор ишнинг воқеъ бўлишига умид билан қараши.

<sup>239</sup> маншур — ёрлиқ, фармон.

<sup>240</sup> тулуў — чиқиц, кўриниш, болқиши.

<sup>241</sup> бийик — буюк, баланд, юксакиб юқори.

<sup>242</sup> саҳм — ёй ўқи; ҳисса, улуш, бўлак.

<sup>243</sup> сипар — қалқон.

<sup>244</sup> мазаллат — ҳўрлик, очлик.

<sup>245</sup> малол — соғиниш, зерикиш, қийналиш.

<sup>246</sup> қабз — олиш, тутиш, тутамлаш.

Тузатти муштарий иқбол болин<sup>247</sup>,  
Чиқарди бүйнидин гардун ваболин<sup>248</sup>.

Нашот этти тараб созини тортиб,  
Хавас күргузди охангыда таркиб.

Исиниб етти анинг васл хони,  
Совулуб бутради ҳижрон ҳазони.

Тилагантек санго юз қўйди мақсуд,  
Тилакларингни бир—бир берди маъбуд.

Буқун хулде<sup>249</sup> ясо, саъй эт юз алвон,  
Ки тонгла келтуур ҳурини ризвон.

Дедим: “Эй қутлуғ оғизлиқ қариним,  
Тили ширин яроғлиф ҳамнишиним.

Карам қилғин яна, бир қатла борғин,  
Кўнгилни фам губоридин чиқорғин“.

Битидим номае боғлаб хаёли,  
Жавобида этиб андин саволи.

Кўнгул чун арз берди жон талошин,  
Битимактин қалам кўтарди бошин.

Илигини узатти ул ҳамовоз,  
Ошуғуб олди у, кўргузди парвоз.

Ҳаминким етти анда қолмайин кеч,  
Алина берди у, дам урмади ҳеч.

**Номаи нўҳум аз забони ошиқ ба маъшуқ**  
Ало, эй дийданинг раҳшонда<sup>250</sup> нури,  
Раёҳин жашнининг фархунда сури<sup>251</sup>.

Бўйи шамшоду рангин орази гул,  
Лаби унноб<sup>252</sup>, мушкин сочи сунбул.

<sup>1</sup> бол — қанот; елкадан қўл учигача.

<sup>1</sup> вабол — айб, камчилик; оғирлик, қийинчилик, увол.

<sup>1</sup> ҳулд — абадийлик; жаннат.

<sup>1</sup> раҳшон(да) — ялтироқ, порлоқ, товланувчи.

<sup>1</sup> сур — тўй, базм; шоҳдан ишланган карнай.

Ўзунгни то йироқ солдинг назартек,  
Күзумдур су ичинда нилуфартек.

Юзунг хуршид ҳуснининг закоти,  
Қамарға берибон ойлиғ бароти.

Йибор фаттон кўзунгдин элга боқмоқ,  
Не ҳожат фитналар ўтина чақмоқ.

Жамолинг шуҳрати ҳар ёна кетиб,  
Паритеқ ҳурлар учмоққа етиб.

Тиниб тубо бўйингнинг соясинда,  
Ўзин тортиб муҳаббат поясинда.

Юзунгнинг шармидин чиқмай суманлар<sup>253</sup>,  
Арусин<sup>254</sup> пардада асраб чаманлар.

Кўзунг сеҳри улусқа жон балоси,  
Эвуруб бошларин зулфунг ҳавоси.

Солиб юзунг сочингдин ўтқа анбар,  
Саросима қилиб элни саросар.

Шакартек эрнингу йўқ анда қили,  
Жибинтек ҳар сори юз минг қатили<sup>255</sup>.

Хирад этиб ўзин оғзинга мойил,  
Бўлубон файб<sup>256</sup> асрорина мойил.

Кўнгул сачраб қаро зулфунгда қонтек,  
Ани сончиб чу анбарсар йилонтек.

Тегиб жон захмидин кўнглунгга роҳат,  
Агарчи бор ул сангি жароҳат.

Санго йўқтур вуқуфе мушкилимдин,  
Лабинг қўлгай магар узре тилимдин.

---

252 унноб — чилонжийда.

253 суман/саман — оқ сариқ рангли хуш ис гул.

254 аруп — келин; маж. ўзига торувчи, алдоқчи.

255 қатил — ўлдирилган.

256 файб — сир, яширин.

Фироқинг ёзисида эй дилорой,  
Сочинг тундур, мен аъробио<sup>257</sup> сен ой.

Неким десам юзунгдур андин ортуқ,  
Күнгүл оллида лаълин жондин ортуқ.

Гаҳе ким берса ой шамъи зиёдин,  
Таваққуь тутмағай таҳсин суҳодин<sup>258</sup>.

Қачонким кун чиқарса шуълалиғ юз,  
Севинмагай ситойиш<sup>259</sup> қилса юлдуз.

Дамеким бўлса дарё парниён<sup>260</sup> пўш,  
Тамаддуҳ қилса хошок этмагай жўш.

Хиромон келурунгни то эшиттим,  
Ўзумдин сабртек бехост йиттим.

Кўзумдур боғ кўнглум бир ариф ев,  
Сўзум бирдур, бу икки ерда йўқ рав.

Қаёндур майл то фикринг қилойин,  
Йибор елдин хабар то очилойин.

Агар боғ ичра ўлтурсанг чолиб чанг,  
Бийикларда тузуб бўюнгтек оҳанг.

Умидимнинг ниҳоли бор бергай,  
Юзум оби сиришки<sup>261</sup> нор бергай.

Кўзумнинг мардуми қилғай мароъат,  
Кўруб шўробасин қилсанг қаноат.

Ва гар уй ичра солсанг маснади ноз,  
Бўлубон айш аро най бирла дамсоз.

<sup>257</sup> аъроб – араблар, бадавийлар, саҳройи араблар.

<sup>258</sup> сухо – ҳулкар тўпламидаги юлдузларнинг энг хираси; жуда кичик, үзимас.

<sup>259</sup> ситойиш – мақтов.

<sup>260</sup> парниён – ипакдан тўқилган гулли юпқа мато.

<sup>261</sup> сиришк – кўз ёши.

Күнгүл тутқай шароби күз қониндин,  
Бағир бергай кабоби ўз ёниндин.

Ичимдин ўтру чиққай нолаю ох,  
Юзунг хуршидина бўлуб ҳавоҳоҳ.

Мени эмди ҳалок этти фироқинг,  
Шикиб<sup>262</sup> озу фаровон иштиёқинг.

Юзунгнунг ишқидин то лоф урубмен,  
Кўпуб жону жаҳондин ўлтурубмен.

Фамингда очибон савсан<sup>263</sup> бикин сўз,  
Бўюнгда қўюбон нарғис бикин кўз.

### ***Ғазал***

Теку(р) кўзумга васлинг марҳабосен,  
Аликтин бермагил ориғ яқосин.

Равон бўлғил бери, эй оби ҳайвон,  
Кўзум кўрсун доги бир ошносин.

Висолингдин дам ургил субҳ янглиғ,  
Ёрутуб меҳр аро нурӯ сафосин.

Кўнгулким тортадур ғам мотамини,  
Қаламтек бошидин олғил қаросин.

Ямонлиғни билур яхши рақибинг,  
Нетай берсун аниңг Тангри жазосин.

Хаёлинг келса қўргузгай сиришким,  
Тўкуб оллида бир—бир можаросин.

Амирийким ғаминг жон ичра асрар,  
Кўнгул ичида асрафил вафосин.

### ***Фард***

Вафосин соғиниб журмин унутқин,  
Иноят кўзин онинг сори тутқин.

---

<sup>262</sup> шикиб — сабр, чидам, тўзим.

<sup>263</sup> савсан — гулсапсар.

## *Мутолаа намудани маъшук номас ошиқро ва жавоб фиристодан*

Чу очти номани ул зулфи занжир,  
Сифишириди алиги қор аро қир.

Назар солди солибон сўз ароға,  
Нетукким кўз берур нурин қароға.

Ўқур ҳолатда мими кўргузуб син,  
Севиниб бетакаллуф қилди таҳсин.

Машаққат тунида ул кўзи фаттон,  
Юзини қилди ою ғамни каттон.

Чиқарди ўзини ғам хилватидин,  
Сарандоз<sup>264</sup> этти улфат шарбатидин.

Эсиб вуслат баҳоридин насими,  
Очилиб сибсириққа шавқ ятими<sup>265</sup>.

Исиниб меҳр ҳашҳошина<sup>266</sup> бозор,  
Сотиб мисқолини жон нақдина ёр.

Анингким хотири бир ёни тортар,  
Ичиди ишқ тарҳи ҳар дам ортар.

Тараб жинсин чу вола кўрди ул ой,  
Кетарди али қайғу тўнидин лой.

Деди: “Усру исиндим васл ишидин,  
Нетайнким уёлурмен кишидин.

Очун рахти тилармен тила киргай,  
Жаҳон сўфи бори тафсила киргай<sup>267</sup>.

Вафо боғида эмасмен ҳавойи,  
Юзумдур лолаю аммо хитойи.

---

сарандоз — букилган, энкайган, ғамгин.

ятим — хизматкор; безори; катта, ирик.

ҳашҳош — кўкнори, кўкнор уруғи.

тафсил — бирон нарсани атрофлича, очиқ ва аниқ баён қилиш.

Бу кун эви етгай чун келди чинлик,  
Ки семурғ ичида қылсун чибинлик.

Қүёштек ер юзин тутсун қаноти,  
Узукин ташласун гардун баноти.

Ичида пардадори Зуҳра бұлсун,  
Мухолифни чиқориб узр қулсун”.

Ошуғуб қилди отланур яроғин,  
Замони жилва берди ҳусн бөғин.

Тилади күзгүни у тутти ўтру,  
Юзининг ичида күринди күзгү.

Тутунтек әтма қоши вусма қилғай,  
Күзи худ сурмани күзига илмай.

Юзи гулгунасиз жонларға оғат,  
Аёқтін бөш бору ҳусну латофат.

Ясамади юзин ул мәхр моҳи,  
Ки гултек әнглиги эрди илоҳи.

Үзин чун сайдарға қилди мураттаб,  
Йиғилди гирдина бир неча кавқаб.

Қалам урди қароға ул сўзи чин,  
Қалам тилин йилонтек қилди мушкин.

Чу кўргузди кўнгул розин билиги,  
Битимак соридин тинди алиги.

Анга топшурдиким бир ерда турмас,  
Юрур кун йўғра армақтин дам урмас.

Деди: “Еткур ангаким йўқ қарори,  
Йўлумда боз беҳад интизори”.

**Номса даҳум аз забони ошиқ ба маъшук**  
Ало, эй сабр элидин тортқон жом,  
Вафо Мисрида кўрган кўзлари шом.

Ғамидин оҳи ноқил нола рови,  
Бўлуб умрида мәҳнату ғам рови.

Қилиб ғам хилъатини ошкора,  
Қизил атлас ичию тоши хора.

Чиқарыб күкка ҳар кун нолаларни,  
Сочиб хайри юзина лолаларни.

Осиғсиз умри савдо кечаситең,  
Қаро күнләр не ялдо кечаситең.

Тилаб уйқуны топмай қўзин очиб,  
Юмуб очқунча қўзин уйқу қочиб.

Иситиб кечалар ўтлуг дамидин,  
Табиб оллида дам урмай ғамидин.

Аламдин то юзина ўлтуруб ҳўй,  
Фараҳдин секириб набзи<sup>268</sup> паёпай.

Оғизланмай лаби ишида тадбир,  
Бурун чоқтин фифон бирлан тили бир.

Чиқиб хокитең оҳи ҳардам андин,  
Йироқ ташлаб ани яхши—ёмондин.

Бало зиндонида қўзин ящартиб,  
Қўюб ўзинио оҳини тортиб.

Юзум зулфумга кўргузуб ниёзин,  
Узотиб кечалар ҳожат намозин.

Тегурууб васл этокина ўзини,  
Қўюб миқроzteк<sup>269</sup> икки қўзини.

Келиб сар—сар бикин ўтти ситамлар,  
Биҳамдуллоҳки кечти барча ғамлар.

Бу кундин сўнгра очилди жаҳонинг,  
Совуқ дай<sup>270</sup> чилласидин чиқти жонинг.

---

61 — қон томири.

1қроz — қайчи.

II — қиши мавсуми, қаттиқ совуқ.

Булуттек күзларингдин тұкмагин ёш,  
Чиқар чимган бикин туфроқтын бош.

Ки күргузди чаман тұти қанотин,  
Битиди булбула ишрат баротин.

Фазалхон бұлды бүстон ичра дуррож,  
Күнгүлтін сабрларни қилди тарож.

Чиқарди сарв аро қумри сафириң,  
Самандартек тузуб үтлуқ нафириң.

Раёхин ранги бир—бир бұлды маҳбус,  
Чамантек жилвасин күргузди товус.

Ёвуқтурким кесаклар қилғай овоз,  
Қилиб Исо қүшитек күкта парвоз.

Куруқ қолди бу лаззатлардин ағер,  
Ошиқ қилмас зағизғонға бутимор.

Бориб булбулни қылғын мажлисағұрз,  
Дегін, оқаң тұзким бұлды наврұз.

Равон шамшодқа суни юборгин,  
Ки Монитеқ безасун шоху баргин.

Хабар қыл сарвғаким бұлсун огох,  
Узатмасун үзига ғамни ногох.

Йиғочтын ваҳм бергил нарвонға,  
Ки кунда соясин солсун чаманға.

Ишорат қыл суманға ким очулсун,  
Нисор учун дирам янглиғ сочилсун.

Чиқорғил гулни хилват хонасидин,  
Ёрутқыл шамънинг парвонасидин.

Тегур савсанғаким очсун тилини,  
Чиқарсун ичидин дарди дилини.

Тилагин лолани, сол сүз ароға,  
Башорат бергил ул күнгли қароға.

Дегин, наргисгаким билсун ўзини,  
Хумор уйқусидин очсун күзини.

Буюргил елгаким фаррош бўлсун,  
Кўзунг суйи билан йўлдош бўлсун.

### *Fazal*

Тузатгин мажлиси бўстон ичинда,  
Бўюмни элт алифтек жон ичинда.

Юзумдин боғни қил тозаким ёр,  
Ярошур ёсамин райҳон ичинда.

Лабим полуудасиндин<sup>271</sup> чошни ол,  
Аликингни узатқил хон<sup>272</sup> ичинда.

Висолим ойидин кўзумни ёрут,  
Шафақтек қўйма они қон ичинда.

Шакар эрнимдин эт кўнглунгни холи,  
Тузалмай най бикин афғон ичинда.

Алик бергинча сургил май кумайтин<sup>273</sup>,  
Мудом асра ани жавлон ичинда.

Қадаҳтин тортқил розини андок,  
Ки қолсун шуҳрати даврон ичинда.

### *Farod*

Ичинда ул кишининг ким фами бор,  
Не фам ер чун менингтек ҳамдами бор.

*Мутолаа намудан ошиқ номаи маъшуқро ва  
батаҳийа-л-асбоби сиҳат машғул шудан*

Чиқарди субҳ чун гулгун амори,  
Насими куйдурууб уди урмори.

Кўнгулдин учди фам тун қузгунитеқ,  
Қарориб тебради ҳижрон кунитеқ.

полуда — соф, тоза.

лон — дастурхон(?); ризқ, таом; планета.

кумайт — тўриқ от, чавандоз от; қорамтири—қизил май.

Қанотин ёйди күк узра ҳавосил,  
Фарғбол улусқа бўлди ҳосил.

Қатимға етти ул мурғи хумоюн,  
Ким они соя янглиғ асрари кун.

Бошина қўюбон ҳудҳуд бикин тож,  
Шараф ичра олиб семурғдин бож.

Қаноти ичида ҳатни ўшуруб,  
Ичимда жаҳдини ҳаддин ошуруб.

Ҳаминким тиндию олди дамини,  
Чиқориб берди ул жон марҳамини.

Кўнгулга ёқти у, қелдим ўзумга,  
Ғуборин тўтиё қилдим кўзумга.

Битикидин саводи олди дида,  
Ким эрди васл тарихи гузида.

Кўзумнинг мардуми чун бўлди қори,  
Юзидин пардасин олди юқори.

Бу эрди сўз чу қилдим эҳтиётин,  
Ки ёзлиғ ерда ёй суҳбат бисотин.

Анингтек ерга топсун айши равнақ,  
Фалак Баҳроми ўт қўйсун Ҳаварнақ.

Зиёфат фикри чун тушти бошимға,  
Тобуқчиларни ундадим қошимға.

Буюрдимким: “Қилинг меҳмон яроғин,  
Иситинг мажлис ичра ҳон аёғин.

Арода келтурунг кофурдин шамъ,  
Йироқ тутманг замоне нурдин шамъ.

Ёрутунг ўт ичин товуқ унидин,  
Ки то эрикмасун суҳбат тунидин.

Тиланг ўрукни, қўйманг бор ичинда,  
Ки солсун олма бошин нор ичинда.

Чаман сағнида тұқунг меваларни,  
Тұқинг соқий күзидин шеваларни.

Олинг куб оғзидин балчиқни филхол,  
Лабиндин сұрунгуз сарбаста аҳвол.

Чагир суйидин этинг шира гардун,  
Күонг ўртада, қўйманг тира гардин.

Құбузчи бошина солинг ҳавони,  
Ки тутсун бўзтўргайтек навони.

Жиравчига дengиз яхши ясолсун,  
Оғирлаб унини оқори олсун”.

Мураттаб бўлди чун суҳбат яроғи,  
Кўнгул тиндию юз берди фароғи.

Хабар қилди етиб бир Хожа отлиф,  
Алиги моя соридин уётлиф.

Ки лаззат неъмати етти укулуб,  
Машаққат захмати чиқти тўкулуб.

*Расидани маъшуқ ба кулбай ошиқ  
ва даст додани висол*

Жаҳон чун қирдин, ёйди қаранфул<sup>274</sup>,  
Ҳаво экти суман устина сунбул.

Фалак қўйди энгина анбарин хол,  
Аёғи ой бошидин қилди халхол<sup>275</sup>.

Тегурди тун ели зулфина шона,  
Кавокиб ёши бўлди дона—дона.

Кириб келди қошимфа ул дилорой,  
Юзи андоқки мушкин пардада ой.

Сочи умру лаби жон чашмаситеқ,  
Қаронгулуқда ҳайвон чашмаситеқ.

---

ранфул — қалампирмунчоқ.

ҳол — оёққа тақиладиган олтин ёки кумуш халқа.

Юзи хуршид янглиғ нур этиб фош,  
Юзи оллида бўлуб кеча хаф<sup>276</sup> фош.

Салом этмакка чун эгилди бошим,  
Аёғига югуруб тушди ёшим.

Юзини очти ул давлат аруси,  
Алик берди саодат пойбуси.

Кўнгул тахтина андин сўнгра ошти,  
Ки ўлтурмақ анга андо ярошли,

Тузалди оллида руди маю жом,  
Улашти суҳбату топти саранжом.

Муғаний сеҳр аро бўлди фусунсоз,  
Чиқарди ҳар иликидин бир овоз.

Йиғочдин барг олиб тебратти бошин,  
Боришим важҳидин тузди маошин.

Масиҳо соридин мутриб дам урди,  
Унини кўтариб кўкка ошурди.

Уни ҳар кўккаким юзланди бехост,  
Ўзин еткурди, қилди қўлини рост.

Бўлуб булбул чаман ичинда шабхон,  
Унидин очилиб гуллар юз алвон.

Аёғтек тезгиниб соқий паёпай,  
Оғиздин ўтубу бошқа чиқиб май.

Ародин чун такаллуф расми етти,  
Май ўти эл димофини иситти.

Деди: “Лутф илан ул сарви гуландом  
Ким оғзи писта эрди, кўзи бодом.

Амирий, туз бир оҳангे ўзунгдин,  
Ўқи бир неча сўзи ўз—ўзингдин”.

---

<sup>276</sup> хаф(о) — яширинлик, махфийлик.

Ишорат қилди чун ул ҳусни зайни,  
Ироқийвор мен туттим Ҳусайнин\*.

Үқудум лаълитек бир шеъри рангин,  
Латифу обдору<sup>277</sup> нархи сангин.

Ҳаминким зеҳни кўргузди тааммул,  
Хаёлин белитек қилди тахайюл.

Аёф олиб ичиб туркона тилни,  
Кўтарди қизлар илан мұтадилни<sup>278</sup>.

Тута берди манга ул ҳусн боғи,  
Юқунуб тўра бирлан меҳр аёғи.

Алидин олдиму ичтим тўкуб ёш,  
Аёғитеқ алин ўптум қўюб бош.

Газак берди манга оғзи лабиндин,  
Дам урди ичгучилар машрабиндин.

Юзидин шавқ бозори бўлуб тез,  
Ароға кирди ҳар соат юз ангиз.

Гаҳе шавқ ила шафттолуни узмак,  
Гаҳе обини нор устина тузмак.

Гаҳе қанду ҳарир ичинда мумтоз,  
Гаҳе аттор ул ишдин, гоҳ баззоз.

Гаҳе гул хирманидин хўша<sup>279</sup> термак,  
Гаҳе ўйнамоқу гоҳ айта бермак.

Гаҳе олмоқ назарга гавҳари пок,  
Гаҳе сарроф бўлмоқ, гоҳи ҳаккок<sup>280</sup>.

Тонг отқунча бу иш бўлди саросар,  
Ки то муқри(й)<sup>281</sup> деди: “Оллоҳу акбар”.

---

Ишорат – тиник, мусаффо, ялтироқ; серсув.

Ичишдин – келишган, ёқимли.

Иш – бошоқ.

Ҳаккок – қимматбаҳо тошларни йўниб, гарошлаб пардозловчи.

Муқри(й) – қироат қилувчи, қори.

Равон қўбти еридин ул сумансоқ<sup>282</sup>,  
Азимат нақшини кўргузди оғоқ.

Тилади ошуғуб оллида шабранг,  
Видои кўргузуб отланди дилтанг.

Равон бўлди олиб гул баргини ел,  
Алик ташлаб анинг бармоғидин эл.

Кел, эй соқий, ки борди жон чироги,  
Тута бергил манго боштанг аёғи.

Ачиқ су бер қилиб девонаю масти,  
Ки берибтур манго шўробай даст.

*Дар арзи хол худ*  
Замонеким тузалса айш асоси  
Эрур вожиб валинеъмат сипоси.

Нечук мен қилмайин эмди дуо арз,  
Ким ўзга элга вожибтур манга фарз.

Бу султон саъй еткурди қанотим,  
Ки парвоз эттиму билгурди отим.

Бу хуршид олди эҳсон соясинда,  
Ким элим етти Салмон\* поясинда.

Бу дарё парвариш қилди басе йил,  
Ки кўргуздум ариғ гавҳар очиб тил.

Бу давлат нури кўрунди кўзумга,  
Ки гардун муштари бўлди сўзумга.

Бу Жамшид ўлди жоним дастгири,  
Ки бўлдум шеър мулкининг амири.

Худоё, то ёрутур чархини меҳр,  
Ўзин Заҳҳок кўргузур Манучеҳр.

Ёрутсун ер юзини бетагайюр,  
Юрутуб ҳукм Султони Бойсунғур.

---

<sup>282</sup> сумансоқ – ёсминга ўхшаган, гўзал.

## *Дар ҳатми китоб*

Чу ногоҳ пардадин чиқти бу тимсол,  
Эшикимдин севинуб кирди иқбол.

Деди: “Эй сўзи рангинларга артанг,  
Қаламдин кўргузубон сехру найранг.

Санго сўз файзи бўлмай бир замон банд,  
Сўзунг сехри қилиб элни забонбанд.

Сочиб хома тилидин мушқу анбар,  
Қилиб олам димоғини муаттар.

Гуман минг ранг бердинг бир қародин,  
Кўтардинг Чин мисолини ародин.

Қаламға берди зеҳнинг тезлигини,  
Анга ўгратти ранг омизлигини.

Бу нозик тарҳлар келмас кишидин,  
Нетук мен нақл этай Моний ишидин”.

Ким ул сурате қилди падидор,  
Бу ишда сурату маъни бори ёр.

Дедим: “Эй туфроқинг кўз тўтиёси,  
Не туфроқ ким саодат кимиёси.

Әрур бу ранглик гуфтор мушкил,  
Әмас осон хаёли бор мушкил.

Тасарруф кучидин сўзни узатмоқ,  
Бир ўқ йўлида юз минг қатла отмоқ.

Алина улки сўздин олди чавгон,  
Агар рад қиласа инак гўю майдон.

Солиглиқтур бу хон отини суртиқ,  
Илигин тўзға бисмиллоҳ тегуртиқ.

Бу ишнинг ўзгача варзишлари бор,  
Демактин бошқа анинг ишлари бор.

Аларким кўргузурлар зеҳнидин жўш,  
Нечук қилғайлар охир гулни хаспўш.

Бу күн туттум Уторуддек аламдин,  
Дам үргайлар бири лавху қаламдин.

Инод этиб анга булғашмағайлар,  
Вале инсофтин худ ошмағайлар.

Биҳамдуллоҳки фурсат берди даврон,  
Ёзилди номалар бошина унвон.

Бититеқ әмди тарихини котиб,  
Әтур тарихи учун забти вожиб.

Илоҳи сендин ўзга йўқ паноҳим,  
Исиниб ҳазратингда чиқти оҳим.

Гаҳеким берсанг егулук баротим,  
Амирийга нишон бер анда отин.

Анга бердинг чу девон дафтарини,  
Ато қилдинг маони кишварини.

Низомийтек ишин бедарду ранж эт,  
Анинг “Даҳнома”сини “Панж ганж” эт.

Иноят элинни ул гулдин олма,  
Кўтаргил они нори–бери солма.

Ким ул жон равзасидин чиқти ногоҳ,  
Анго сен бер кўнгуллар очуна роҳ.

Ўқуғонга мазид<sup>283</sup> этгил билигин,  
Битигонга равон қилғил алигин.

Янги ойтек они кўргуз жаҳонга,  
Тегургил қирвондан қирвонга<sup>284</sup>.

### ***Ғазалларидан***

Эй кўзда юзунг ҳайрати осори<sup>285</sup> тамошо,  
Наззорай ҳуснинг гули бехори тамошо.

<sup>283</sup> мазид/мазийят – ортиқлик, зиёдалик, фазилат.

<sup>284</sup> қирвондан қирвон – кўпдан –кўп, ер юзининг бошидан охирим

<sup>285</sup> осор – асарлар, нишоналар, белгилар.

Күнглум табиси<sup>286</sup> айлади савдо элини хуш,  
Девона эрур равнақи бозори тамошо.

Муфт<sup>287</sup> ўлди ҳавас аҳлина савдойи висолинг,  
Бемоя топар суд<sup>288</sup> харидори тамошо.

Күнглум қушини зоғларинг қилди музайян,  
Шавқ этти бу товусни гулзори тамошо.

Моҳияти хур shedни хуффош на билсун,  
Ҳар дила эмас маҳрами асрори тамошо.

Дил дийдаси бирла кўрайин ёр юзини,  
То ўлмая ағёр хабардори тамошо.

Күнглумни қилиб қасри вафо ишқ, Амирий,  
Кўз манзарасин айлади анвори тамошо.

\* \* \*

Вафо то бўлди жононимга маҳсус,  
Жафову жавр эрур жонимга маҳсус.

Ҳирому жилвау нозу малоҳат,  
Эрур сарви хиромонимга маҳсус.

Гулистон бўлди кўнглум лола янглиғ,  
Вафо доги гулистонимга маҳсус.

Кечак тонг отқучага кўнглум чекар оҳ,  
Эрур бу шамъ вайронимга маҳсус.

Кўнгул қонидадур лаълинг хаёли,  
Бу гавҳардур Бадаҳшонимга маҳсус.

Фамингда ишқ ранжи роҳатимдур,  
Бу дардинг ўлди дармонимга маҳсус.

Ғубори тўтиёйи хоки пойинг  
Бўлурму чашми гирёнимга маҳсус.

Табиат – табиат, феъл – автор, ҳулқ.

Муфт – текин.

Ўл – фойда, баҳра, наф.

Керак шоҳдин гадо ҳолини сўрмоқ,  
Бу давлат келди султонимға маҳсус.

Кўнгул хуштур висол уммиди бирла,  
Бу марҳам доғи ҳижронимға маҳсус.

Шоҳиди нози мужгонинг эрурман,  
Бу ҳанжардур менинг қонимға маҳсус.

Эрурман ишқ мулкининг Амири,  
Жунун авбоши дарбонимға маҳсус.

## МУНОЗАРА

Мунозара жанри ўзбек адабиётида узоқ тарихга эга. Дастрлаб бу жанрниңг илдизларини туркий халқлар мифларида кўрамиз. Туркий қавмларнинг пайдо бўлишига оид мифда айтилишича, Ёз қизи билан Қиши қизи ўртасида, ким қудратли деган баҳс бўлиб, иккови беллашади, мусобақади. Ёз қизи ғалаба қиласди.

Мунозара жанрининг асосий белгиларидан бири — баҳсга киришган томонлардан бири ғолиб, бири эса албатта мағлуб бўлади. Юқоридаги мифда бошланган мунозаранинг ана шу хусусияти Маҳмуд Кошфарийнинг “Девону лугатит—турк” асарида Ёз ва Қиши ўртасидаги мунозарада янада аниқ кўринади. Ҳар икки тимсол ўртасидаги мунозара ижтимоий мазмун касб этади.

Ёз ва Қиши мунозараси Германия, Англия ва Скандинавия мамлакатларида XIV — XVI асрлардан бўён бор. Мунозара бу мамлакатлар халқлари орасида маросимлар билан боғлиқ бўлиб, баҳор пайтидаги турли саналарга тўғриланган. Фарбий Германияда мунозара яқин вақтларгача баҳорги маросим ўйинлари сифатида сақланган эди.

Қиши ва Ёз олмон халқи маросим ўйинларида оломон ўртасида ўтказилган. Иккаласи бир-бирига қарама-қарши кучлар сифатида чиқади. Ёз ўз мулозимлари билан қўёш чиқадиган шарқдан келган. У Қишига “Бу ердан жўнаб қол”, деб буюради. Қиши қўпол деҳқон тимсолида бўлиб, бошига телпак кийган, у тоғдан келган ўзи билан бирга шамол, совуқни, қорни олиб келган. Аммо у даф бўлишни асло истамайди. Қиши оппоқ қорли далалари билан, Ёз эса яшил водийлари билан мақтанади. Ёзда ўт-ўланлар, кўкаради. Қиши ҳам турли-туман ичимликлар кашф қилган. Ёз ем-хашак, шароб, фалла етиштиради, буларнинг ҳаммаси қишида йўқ бўлади. Табиийки, булар Ёз ва Қиши ўртасида савол-жавоб тарзида ўтади, икковининг орқасида эса хор айтиб, мулозимлари туради. Охири Ёз ғалаба қиласди. Қиши ўзини Ёзнинг хизматкори деб атайди ва ”Икковимиз бошқа мамлакатларга борайлик, менга ёрдам бергин”, деб илтимос қиласди. Шундан кейин Ёз “Жанг тамом бўлди, хайрли тун”, деб эълон қиласди.

Мунозаранинг бундай кўринишлари VІІІ-ІХ асрлардан “Баҳор ва Қиши” номли лотинча шеър ҳам етиб келган (қаранг: Жирмунский, Сравнительное литературоведение.., 53-бет). Ёз ва Қиши мунозарасининг маросимга айланган кўриниши ёқутларда ҳам сақланган. Уларнинг маросими баҳор ва кузга оид бўлиб, баҳорнинг илк кунларида олийжаноб Тангрига қурбонлик қилиш билан бошланган (Жирмунский. Шу асар. 53-бет).

Кўпинча мунозарада кичикроқ ҳажмдаги ҳамд қисми ҳам мавжуд бўлади. Ҳамд — шу мунозарани ёзишга унданаган шахсга қаратилади.

Баъзи тадқиқотчилар мунозара жанрини ўрганиб, бу жанр шарқ мұмтоз адабиётидаги қасида жанрининг бир күринишидір, деган фикрни билдирилар. Бундай холосага келишда улар асарнинг ҳамд қисмига таянадилар (Бу ҳақда қаранг: Чайкин К. И. Асади старший и Асади младший. — сб.: “Фердовси”, Л.: 1934, стр. 133). Аммо бу фикр унчалик ўзини оқламайды. Мунозарада ҳамд шарт әмас, шунинг учун қасида билан бу жанр ўртасидаги алқадорлик түғрисида гапириш ҳам ортиқча.

Мунозара форс ва туркий халқлар адабиётида энг күхна жанрлардан. Ўрта аср форс адабиётидан бизгача бу жанрнинг эътиборли бир намунаси етиб келган. Бу мунозара “Дарахт ва хурмо” деб номланиб, асарнинг паҳлавийча матни, транскрипцияси, тожик ва рус тилларига таржимаси И. С. Брагинскийнинг “Из истории таджикской народной поэзии” (М.: 1956, 223-226-бетлар) асарида көлтирилген. Асарда ҳикоя қилинишича, хурмо билан әчки баҳсга киришиб, қайси бири инсонга күпроқ фойда көлтиришини исботлашга ҳаракат қиласылар.

XI асрда бу жанрга машхұр форс-тожик шоири Асади Тусий эътибор қаратди. Унинг бешта мунозараси бизга маълум: 1) “Тун ва кун мунозараси” (Мунозараи шаб ва руз), 2) “Найза ва ёй мунозараси” (Мунозараи рамеҳ ва қавс), 3) “Осмон ва ер мунозараси” (Мунозараи осмон ва замин), 4) “Оташпараст ва мусулмон мунозараси” (Мунозараи габр ва мусулмон), 5) “Араб ва форс мунозараси” (Мунозараи араб ва ажам). Мазкур мунозараларнинг дастлабки учтасини немис тилига Г. Эте таржима қиласылар. Түртингчи мунозара Ризо Кулихоннинг “Мажма ул-фусаҳо” тазкирасида бор. Бешинчи мунозараны Е.Э.Бертельс СССР ФА Шарқшunoslik институтининг Илмий тұпламида (19-жылд, 1958 йил) нашр қиласылар.

Туркий халқларда мунозара жанри қадимдан мавжуд, Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит-турк” асарида 20 дан ортиқ түртликтен. Ёз ва Қишлоғ мунозарадан иборат. Абдурауф Фитрат “Девон”даги 23 түртликтен мунозара жанри сифатида тиклаган.

XV асрнинг бириңчи ярмида яратылған ҳар учала мунозара, хусусан, Асади Тусий ва Саъдий ижодидаги мунозарага нисбатан мазмун ва шакл томондан кескин ўзгарганини күрсатади. Мазкур мунозараларға бириңчи марта XI асрнинг охирида инглиз олимі Ч. Риу. Catalogue of the turkish manuscripts in the British museum, vol. 111, London, 1888, стр. 284-288). Турк олимі Фуод Күпрулзода ҳам мазкур мунозараларни бир мақоласида эслаб ўтади (Қаранг: М. Коргулу. Cagatay edebiyati — “Islam ansiklopedisi”, 3 cild, 24 cuz. Istanbul. Kanaat kitabevi, 1934, 322-323-бетлар). Ахмадий, Яқиний ва Юсуф Амирийнинде

мунозараларига италян олими Алессио Бомабачи ҳам қисқача түхтатлган (A. Bombaci. Storia della letteratura turca. Milani. 1956, 127-бет).

## ЮСУФ АМИРИЙ

### “Чоғир ва Банг“

Сипору сойиш<sup>1</sup> Тангри таборак ва таолига жалл жумла<sup>2</sup> балову ғам тұлаким, марҳамати одамға ақл чирогин берди. То қалолат<sup>3</sup> қоронғулиғидин омин бұлғай. Нағын нағын: дуруду<sup>4</sup> сано сайиди коинот ва муфаххар<sup>5</sup> мавжудот, хотами анбиә Мұхаммад Мустағофаким маҳшар куни аёқ тутғучи, хароботларига<sup>6</sup> илик тутувчиидир. Саллолоқ алайҳи ва ала алиҳи ва ашҳаби ажмаин\*: Оғози<sup>7</sup> сухан: бир күн манга азизеким, балоғат Мисрида Юсуф мисоллиғ эрди ва зеҳни иъжози<sup>8</sup> изҳоринда Мусо сифатлық мутойиба бобинда таклиф билан тарғиб қылдиким, ва наср<sup>\*</sup> услуги билан түрк алғозини тартиб этиб, Банг ва Чоғир орасында мунозара тартиб қылғылғым, бу өзің тегру ҳеч эрса бу ғаврнинг уҳдасидан чиқмайтур. Бу хаёл ажыб күрүнди манга, аммо noctor бўлди яхши бўлғай, дедим — алмаъмуру маъзурун \*. Бу тарҳнинг меъмори, бу шаклнинг мухтариъи<sup>9</sup>, бу расмнинг мабдаи<sup>10</sup>, бу ҳарфнинг мураккаби<sup>11</sup>, бу лафзнинг мураттаби<sup>12</sup>, бу сирнинг соҳиб замири<sup>13</sup>, яъни Юсуф Амирий аҳсаноллоҳ авоқибаҳу\*. Анингтек кўргузурким, бир күн асҳоб<sup>\*14</sup> фурқатидин ша аҳбоб ҳасратидин мутафаккир ва мутаҳаййир ўлтурур эрдим. Ичим бўшти, ногаҳ бошимда боғ ҳавоси тушти, сайд эта чиқтим.

*Боғ ичра гашт этиб юрур эрдим сабо бикин,  
Дедимки: “Учрагай менга бир сарвқомате“.*

<sup>1</sup> сипору сойиш — қўрувчи

<sup>2</sup> жалл жумла — жамики, бор нарса, жамики мавжудот.

<sup>3</sup> қалолат — адашишга бошловчи.

<sup>4</sup> дуруд — ҳамду сано, мақтов, салом.

<sup>5</sup> муфаххар — фаҳр соҳиби, улуғлиқка эга бўлган.

<sup>6</sup> харобот — маҗ. майхона, майқада.

<sup>7</sup> оғоз — бошланиш, киришиш, ибтидо.

<sup>8</sup> иъжоз — мўъжиза қўрсатиш.

<sup>9</sup> мухтариъ — янгидан яратувчи, ихтиро этувчи.

<sup>10</sup> мабдаи — келиб чиқиш жойи, бошланиш жойи.

<sup>11</sup> мураккаб — таркиб топған; сиёҳ.

<sup>12</sup> мураттаб — тартиб берилган, тизилган.

<sup>13</sup> замир — ич, юрак; яширин фикр, мазмун.

<sup>14</sup> аҳбоб — эгалар, аҳллар; сұхбатдошлар.

Ногаҳ бир неча мувофиқи ҳамсуҳбатни кўрдумки, б гўшада ўлтуруб эрдиларким, аларнинг орасида мухолиф<sup>15</sup> ро келмас эди. Назм:

*Ародада чанг эди эгрию ҳардам,  
Ани ҳам эгри деб урурлар эрди.*

Барчалари, назм:

*Шири шакартек бири бирлан қарин<sup>16</sup>,  
Ҳамсабақу ҳамнафасу ҳамнишин.  
Завқу томоша била мажлис қуруб,  
Ичкуга машғул эдилар ўлтуруб.*

Ўзум бирла дедим: “Бу жамоатқаким файз<sup>17</sup> алард хориждур<sup>18</sup>, агар ўзумни дохил қилсан тарёқ\* тутқайлар, ёвуқр бордим эрса“.

Байт:

*Ўтру келиб барча аёқ туттилар,  
Бош қўюб барча қулоқ туттилар.*

Узру қулуб дархост<sup>19</sup> қилдимким: “Мени маоф туту муддати бўлдики, ҷоғирин қўюбтурмэн“. Бориб бир кес маъжун<sup>20</sup> келтурдилар. Олдим, ташладим, бир дам ўлтуғ буларни синчиладим эрса, назм:

*Баъзи шукуфта<sup>21</sup> хотири хушвақт гул бикин,  
Баъзи бинафшатек солибон бошлигин қуий,  
Баъзи қўл оча бирла овуниб очуқ, ёруқ,  
Баъзи қотиб, томоги қуруб оғзида суйи,  
Дедим: “Субҳон Олмоҳ не холдур“.\**

Назм:

*Бу кайфиятни эмди сўрса бўлмас,  
Тааммул<sup>22</sup> қўзи бирла кўрса бўлмас.*

Ногоҳ бир яхши хирқалиқ сўфи ва бир гулгун тўнлуқ йи мунозара ва мубоҳасага машғул бўлдилар. Мажлис ичи иккаласи яшил, қизил қавси қузах<sup>23</sup> бикин бир—бирига қотил эрдилар. Ул сўфи сувол қилди йигиттинким: “Сен не нимасен отинг недур ва хосиятинг не?“

<sup>15</sup> мухолиф — тескари, қарама—қарши.

<sup>16</sup> қарин — яқин, қалин дўст.

<sup>17</sup> файз — барака, мўллик; лутф—карам, инъом—эҳсон; кувонч.

<sup>18</sup> хориж — ташқари.

<sup>19</sup> дархост — илтимос, сўров, ўтиңч.

<sup>20</sup> маъжун — бир қанча дориворни янчиб, асалга қориштириб ясалган, кайф берувчи қулоқ дори; аралашма.

<sup>21</sup> шукуфт(а) — очилган.

<sup>22</sup> тааммул — чуқур ўлаш, диққат билан фикрлаш.

<sup>23</sup> қавси қузах — ўқ—ёй, ёйкамалак (баҳор чоғларида осмонда ранг—баранг бўлиб, ўқ—ёй шаклида кўринадиган қўёш шуъласи).

Йигит жавоб бердиким: “Мен узум наслидурмен. Узумнинг фахри менинг биландур ва манга сармаслар май от қўюбтурлар. Ҳар қачон отимни эвурсам “йам“ бўлурмен”\*.

Зоҳиран бу нозуклукни\* кўруб айтибтурлар. Назм:

*Бода дарёу эл андин кеча олмас кематек,*

*Айб қилмасменки, йўқтур элга дарёдин гузор.*

Ва баъзи мункирлар<sup>24</sup> мени\* муттаҳам қилурларким, ақлжавҳарин зойил<sup>25</sup> қилур ҳол\* улким, қазия<sup>26</sup> акстур ва Салмони Порсида бу вақтни\* кўруб, мамдуҳ<sup>27</sup> сифатида айтибтур.

Мисраъ:

*Дил пок ту дурри ақл рӯёнад зи қалби йам\*.*

Дунё\* сўз жавҳарининг саррофлари<sup>28</sup> ва лафз ақиқининг ёмон ва яххисин танигучилари менинг васфимда айтибтурлар.

Байт:

*Кабо лаълу, камар лаълу, гулу лаъл,*

*Лабаш ҳам лаълу, бини лаълу, бў лаъл\*.*

Ва риндлар мазҳабида мен ул маҳбубедурменким, менинг учун чиндин қонлар оқибтур ва чиндин жонлар\* чиқибдур. Менинг мажлисимда гоҳ аёқ бошқа қўё(р)лар\* ва гоҳ бош аёққа. Назм:

*Турубтурлар аёқим ўпмак учун,*

*Суроҳитек<sup>29</sup> бори бўйини узотиб.*

Ва мени ҳар қўйдаким\* тиласалар, тобарлар ва ошиқлар бу маҳалда айтибтурлар. Назм:

*Эй валивалай ишқи ту бор сари кўе,*

*Риндони сари кўйи ту маст аз ту ба бўе\*.*

Ва зеҳни югурук ва\* ширин сўзлуклар манга гулгун от қўюбтурлар. Ҳар кимнинг паймонаси тўлубтур менинг билан ұчашур. Ұчашгач, шаксиз чопармен. Тангри манга бу дурда<sup>30</sup> онча куч ва таҳаввур<sup>31</sup> берибтурким, агар баҳодирлар бир—бирига чиқсалар, мен юзга чиқарман ва жигардори эранлар иш\* куни менинг ҳақимда\* ўқубтурлар.

Байт:

*Юраксизни юракликларга қотғон,*

*Сариқ юзни қизил қилғон чоғирдур.*

Ва билмон\* тафи менинг зўрумни\* кўруб айтибтур. Назм:

<sup>24</sup> мункир — инкор этувчи, тонувчи, рад этувчи.

<sup>25</sup> зойил\зоил — йўқоладиган, ўчадиган.

<sup>26</sup> қазия — ҳукм, даъво, масала, гап—сўз.

<sup>27</sup> мамдуҳ — мақталган, мадҳ қилинган.

<sup>28</sup> сарроф — пул айирбошловчи; қимматбаҳо тошларни баҳоловчи.

<sup>29</sup> суроҳий — узун бўйинли сув ва май идиши, шишиаси.

<sup>30</sup> турд — суюқ нарса (масалан, май) нинг қуйқаси, сирқинди.

<sup>31</sup> таҳаввур — ғазаб ва шиддат билан ҳужум этиш, масалага тушунмай түриб, бирданига қизишиб, ҳовуллаб кетиш, ҳовлиқиши.

*Зи оби сурхи май уфтодааст Золи хирад,  
Чи жойи Зол, ки Рустам биёфтад аз сурх об\**.

Ва манфаат оламинда ул хизматкоридурмен то жоним бор элга куч берурмен ва Ҳақ таоло мени Куръонда зикр қылубтурким, наф бобинда ояtedурмен<sup>32</sup> ва ҳар нечукким, зикр қилибтур ул ҳурмат менга етар. Байт:

*Хайҳотки номас ба забони ту барояд,  
Ё ҳамчу те туеро чу мане дар назар ояд\**.

Ва менинг хосиятимни ул киши билурким, ўзини ҳикма қонунинда бу ало<sup>33</sup>\* тутар. Анинг учунким, муддатлар куб<sup>34</sup> ичинда Афлотун бикин риёзат тортибтурмен ва ҳаким мунікүруб айтибтур. Назм:

*Эй давоий нахвату номуси мо,  
Эй ту Афлотуну Жолинуси мо\**.

Ва мен авбош<sup>35</sup> ислоҳи<sup>36\*</sup> билан ул аллома дурменким хароботилар<sup>37</sup> менинг қошимда тажрид<sup>38</sup> шарҳин уқурлар”.

Чун мубҳас бу ерга етти, йигит ҳам сўрди сўғидинким “Сен таги кайфиятингдин шаммае<sup>39</sup> баён қилгин ва асрорингни ороға келтур”. Сўфи теди: “Менинг турур ерим дарвешлај тақясидурур. Вале ҳирқа ул пири сабзпӯшким<sup>40</sup>, хиёвон<sup>41</sup> кўчасида ўлтурур, анинг илгиндин кийибтурмен ва мен дардмандлар дору дерлар ва бедардлар банг. Ва менинг ҳакимд айтибтурлар. Назм:

*Сабзеки шифоий мардуми дилтангаст,  
З—ў маънавиёнро адабу фарҳангаст.  
Ҳарчанд назар ҳаме кунам дар кораш,  
Айбаш ба жуз ин нестки номаш бангаст\**.

Ажаб ҳолаттурким, бадномдурмен, бовужуди улки, бандек<sup>42</sup> тасҳифидур. Яна менинг асли отим канабтурким, эл ан экврубтурлар, “банг” бўлубтурмен\*. Баъзи орифлар асрор дерлар ул сабабтинким, ҳар кимни тутсам берк тутармен. Мардана киши керакким, менинг билан турушқай. Мисра:

<sup>32</sup> оят – нишон, белги; Куръон жумласи.

<sup>33</sup> ало – ... устига, ... га, ... дан.

<sup>34</sup> куб – кув; май қўйиладиган идиш, хум.

<sup>35</sup> авбош – бевош, дайди, саёқ.

<sup>36</sup> ислоҳ – тузатиш, яхши ҳолга келтириш.

<sup>37</sup> харобот – вайронга жой; маж. майхона, майкади.

<sup>38</sup> тажрид – ортиқча нарсалардан холи қилиш; четлашиш, ажратиш, яккалаш.

<sup>39</sup> шамма – бир оз, бир қадар.

<sup>40</sup> сабзпӯш – яшил кийган, яшилга бурканган.

<sup>41</sup> хиёбон\хиёвон – боғ, гулзорлар орасига яолинган йўлак.

<sup>42</sup> нек – яхши.

## *Масалдур эл аро “турдию марди”\*.*

Не мубошарат бобинда текма киши менинг ёйимни торта олмаским, қаттиқ тортқичидурман ва маҳкам урғучи ва сұхбат майдонида ул қадар андоздурменким<sup>43</sup>, баднафслар менинг сиғатимда айтибтурлар. Назм:

*Хар нечаким, бұлса узук аиш аро,  
Түшмас анинг ҳеч газ үқи хато.*

Ва машхурдирким, Убайд Зоконий\* айтибтур: “Хар хотун ың отунеким, әллик үғул, қызы онаси бұлуб юз яшаб, дунёдин нақл қылса, агар банги сұхбатыға мушарраф бұлмайдур, таҳқиқ ғилемгеким, дунёдин бикр борибтур. Лұттудек полон үруштиромқында худ не дерсан, тасби тошлоғондин сұнгра, агар қовундин тоғ—тоғ бұлса ва узумдин бое—боғким, юз әвурмон, индоқим, бангилар айтибтурлар. Назм:

*Мо күхі куличаро налангем,  
Мо баҳри муҳичаро наҳангем\*\*.*

Ва менинг хосиятим күптур. Баъзи худ мени санг, таржих<sup>44</sup> қилибтурлар андоқким, айтибтурлар:

*Ақлеки, эй қавнайи фузун меояд,  
Дар дасты майи ноб забун меояд.  
Ҳам банг ки, ранги зиндагони дорад,  
Кал ранги шароб бўйи хун меояд\*\*\*.*

Чоғир эшитгач, аччиқ устиндин тедиким: “Сенга тегар-муким, бу сұзни оғиз тұла менинг юзумга айтқойсен? Мен сени саҳт<sup>45</sup> соғинур эрдим. Эмди бу хомхаёлни бошингдин чиқорғил, ғұқ эрса, онча янчайин сениким, дудинг бошингдин чиқсун”.

Банг эшитгач, калла хушлук бунёд қилди — теди: “Не бұлубтур санга, мени ямлаб ютқали тууресен? Бу охсумлукни<sup>46</sup> ұна ерга әлтким, агар буқундин сұнгра үз иззатингни асрамай, қалыптың ошурсанғ онча тептурайын сениким, ширанғ остиңгдан өкссун. Сенинг орта—тоша ортуқлигинг йүқтүрүр, ҳар қайдаким сенинг зикринг қылсалар, менинг фикримни құлурлар ва ҳар қычонким сенинг ҳикоятингни қылсалар, менинг риょятимни құлурлар, бо вужуди улки, Ҳофизи Шерозий\* сенинг маалдохингдур, менинг риょятимни<sup>47</sup> қилибтур. Назм:

*Бошад эй дилки, дари майқадаҳо бикушоянд,  
Гиреҳи кори фурубастайи мо бикушоянд\*.  
Хусрав Дехлавий худ сарих<sup>48</sup> қилибтурур:*

1 қадар андоз — күч—қудрат солувчи.

2 таржих — бир нарсаны иккінчи нарсадан ортиқ қўриш.

3 саҳт — қаттиқ, мустаҳкам.

4 охсумлук — масть, бадмаст; пушаймон; қек; ҳамла; құлтум.

5 риょят — риоя, эътиборга олиш; *риょят құлмоқ* — хурматламоқ.

6 сарих — очиқ, аниқ, равшан, ойдин.

*Бе лаълу зумуррад нотавон хуррам буд,  
Чун лаъл набошад, ба зумуррад созем\*.*

Муқаррардур ва маҳфил<sup>49</sup> улки\* сен лаъл отасалар, мени зумрад ўқурлар ва ҳар ердаки, сени сув десалар, мени ўт дерлар ва ҳар мажлисдаки, сени Илёсқа нисбат қылсалар, мени Хизрға ташбиҳ қылурлар ва ҳар мақомдаким, ошиқлар сенинг шаклингни маъшуқ лабига менгзатурлар, менинг рангимни маҳбуб хаттифа ўхшатурлар, сенинг мендин орланмоғинг бағоят бемаънидур. Мен сени агарчи яхши билмон, зале яхши билурмен— андоқким айтибтурлар. Назм:

*Эй духтари роз, ту порсойи мафуруш!  
Кас нист ба олам ки, туро наниҳодаст\*.*

Албатта то сенинг аёғингни күттармагунча ёронлар лаззат қилмаслар”.

Чоғир эшитгач, қони қайнаб инфиолдин<sup>50</sup> қизориб деди: “Бу не дандонзанликтур?<sup>51</sup> Пўст—пўшлар қўйнида улғайфон, кўп занах<sup>52</sup> урма ва тек турким, журъадондин<sup>53</sup> чиққинча, сени абнон қилурмен. Сен бир ўтсенки, мажмуъ эл сенинг илгингдин куюбтурлар. Ҳар кимки, санга ўгранди — ўртанди. Бу фанда сех қилурсенки, одамийни бир дамда эшак этарсен. Фаҳмнинг оғир қилғучиси ва ваҳмнинг зоҳир қилғучиси. Мисраъ:

*Кимки кўбрак ер сени, бўлур эшак.*

Андоқки\*айтибтурлар. Назм:

*Ҳар каски алафвар ҳўрад ҳар гардад\*\*.*

Ва шақлнинг тағи эшак тезакига ўшар борчадин нозукро буқим буқун ва бардам\* била тиласенким, байт:

*Тезак янглиғ қуюшқонга қисилиб,  
Қуш отлиғлар била йўл тенг юрусанг.  
Ва сен бағоят шум гиёҳдурсен. Назм:  
Кишиким, бир сенинг юзунгни кўрди,  
Ул ўзга яхшилик юзини кўрмас.*

Эй лавандлар<sup>54</sup> сармояси<sup>55</sup> ва эй танандлар<sup>56</sup> пирояси<sup>57</sup>, бад шакл дегдони ва эй бадбаҳт оташдони, чусту чолоқ

<sup>49</sup> маҳфил — жой, манзил; тўпланиш; мажлис, базм.

<sup>50</sup> инфиол — хижолат, уялиш.

<sup>51</sup> дандонзанлик — оғир сўз айтмоқ, сўзни очиқ сўзламаслик.

<sup>52</sup> занах — беҳуда гаплар гапирмоқ, лақилламоқ; *маж.* лоф урмоқ.

<sup>53</sup> журъадон — май ичиладиган қадаҳчанинг филофи (қини); ёнда олиб юриладиган сув идиш.

<sup>54</sup> лаванд — бўш, ялқов, бекорчи; бевош киши.

<sup>55</sup> сармоя — манба, асос.

<sup>56</sup> тананд — ялқов, танбал.

<sup>57</sup> пироя — безак, зийнат.

<sup>58</sup> чусту чолоқ — чаққон, илдам.

йигитларни коҳил<sup>59</sup> ва танбал қилғон сен. Чандин одами ва одамизодларни қаро ерга ёндурғон сен.

Мисраъ:

*Илоҳики тухмунг қуруғай сенинг.*

*Банг эшиғача теди. Мисраъ:*

*Жоно, зи жамоли хеш огоҳ наий\**.

Фолибон ул бир неча байтни эшиғатурсенки, сенинг ҳаққингда айтибтурлар.

Қитъа:

*Сармояи фасоду калиди дари ситам,  
Беҳи дарахти фитнау тухми ниҳоли ғам.*

*Бунёди ҳар палидию қонуни ҳар бади,  
Анжоми ҳар шақовату оғози ҳар надам.*

*Асли фасоду. Арбадву ҳасми мулку мол,  
Нуқсони ақлу дину балойи зару дираам.*

*Дар заръи шаръ оташу дар ҷашми ақл хос,  
Боди димоги нахввату оби рӯҳи ситам.*

*Ҳамри палид донки, бувад охираш фасод,  
Жоме азу чу хурди, агар ҳаст жоми Жам\*.*

Мени таъриз<sup>60</sup> билан ташниъ<sup>61</sup> қилурсенким, элни эшак өтарсен. Элни билмон, боре сени эшак эта билурмен. Аниң учунким, сени ҳамр дерлар, ҳаминки ўртанг ёриб, замири мимини ичингдин чиқорсам, “ҳар” бўлурсен ва мундин ортуқроқ оюрушсам, “тар” бўлурсен\*\*.

Чоғир эшиғач жўш ва хуруш<sup>62</sup> этиб, теди: “Эй қўки\* кесилгур, сен ёзиларда ўз бошинг билан ўлғайғонсен. Кўп кўрмаган ва ҳам одаме сенинг сарвақтингга<sup>63</sup> тушмайдурким, сени хабардор қилса, бу шохи ношикасталиғингдиндурки, ҳар ким тепар сени чидағинча янчар ва сенинг учун айтибтурлар. Байт:

*Энг банги фуруру ба ҳудат фикре кун,  
Бо ҳарки расну калла хушки нанамоий“\*.*

Банг эшиғач, бу сўзга кўнглинда туғулуб, ўзидан тўнгулуб, леди: “Сен доим менинг мазамматимга<sup>64</sup> машғулсен ва мазаллатимга<sup>65</sup> машъуф<sup>66</sup> жамоатики сени ҳалол дерлар — ҳаром.

<sup>59</sup> коҳил — суст, ялқов, танбал.

<sup>60</sup> таъриз — киноя билан сўзлаш; эътиroz билдириш.

<sup>61</sup> ташниъ — маломат қилиш, айлаш.

<sup>62</sup> хуруш — қичқириш, ҳайқириш, фарёд чекиш.

<sup>63</sup> сарвақт — йўқлов, йўқлаб келиш.

<sup>64</sup> мазаммат — ёмонлик, ёмонлаш, тубанлик, хўрлаш.

<sup>65</sup> мазаллат — хўрлик, хорлик, пастлик.

Агар диёнатдин аларға буйи бұлғай ва тоифаеки, сени мубоҳ дерлар. Ажаб, агар амонатдин аларға ранғе бұлғай, сени ичган киши мудом бало ва дом остида ва муҳтасиб дастида. Мени егон кишиига ҳеч нима йүқ, ҳазал варақни очиб қарни түқ, кула-кула, сенинг бобингда үқур. Мисраъ:

*Ки кас мабод зикирдори исасавоб хижил\*.*

Хол бу туур, сен ўзингни мендин ортуқ тутарсен. Назм:

*Сен эмди рози бұлғыл сар басарға,*

*Тарозитек бош әндур тек турарға.*

*Тұлин ойким камолин қылса изхор,*

*Бұлур нұқсон илигига гирифтөр“.*

Чоғир әшитғач, мутагайирип бўлиб теди: “Агарчи зоҳирдә ҳайъатимиз мухолифтур, аммо ботинда ҳолатимиз мувофиқтур Вале сен қайдау мен қайда?! Менинг хосиятим юзни қизартмоқтуру сенинг одатинг сарғайтмоқ. Назм:

*Кимиё хонанд онон каз хирад бегонаанд,*

*Рост мегյянд оре, чехраҳошон чун зараст“\*.*

Банг әшитғач, мутафаккир<sup>67</sup> бўлиб, теди: “Сен менині хосиятимдин ғофилсен ва моҳиятимдин қосир; не қилиң тонигайсен ва не билиб тонигайсен. Шеър:

*Рўйи зардам рақиб нашиносад,*

*Ҳар чи, донанд ки, заъфарон чи бувад“\*.*

Бу ҳолатда Бол Чоғирни сўр келдики, ҳаммашраб эди ҳамдамлиқ даъвосин қилур эрди. Назм:

*Чоғир теди: мени сен сўрма, эй Бол,*

*Ки, эл оғзида туштум Банг элиндин.*

*Менга бу Банг доим тил тегурур,*

*Ўлубтурмен маҳолу наңг элиндин.*

Болға кайфият маълум бўлди, ширинкорлиғ билан орағириб, аларни бир-биридан айирди. Чоғир хуш бўлиб, дуқилдиким: “Эй Бол, Тангри сенга учмоқ рўзи қылсун ва хурн бекусур қучмоқим, мени бу хамри илкидин қутқардинг”. Чу сўз бу ерга етти, барчалари суҳбат бисотин бузуб, ҳар тараф силотин уруб тарқалдилар. Назм:

*Ул ёри парвин бикин жаъм эрдилар бир гўшада,*

*Охир набоат ул нақштек бир-бир паришон бўлдилар“.*

Илоҳе мажмуъни залолат<sup>68</sup> паришенлигидин ва жаҳоли вайронлигидин асралайсен. Омин ё Раб ул-оламин!\*

<sup>66</sup> машъуф – ақлдан озар даражада севган, берилган.

<sup>67</sup> мутафаккир – фикрловчи, чикрга чўмувчи, узоқ ўйловчи.

<sup>68</sup> залолат – адашиш, гумроҳлик.

## ЯҚИНИЙ

Яқиний тұғрисидаги дастлабки маълумот Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида бор.\* Яқиний тұғрисидаги асосий маълумот Навоийнинг шу асаридадир. Яна Навоий “Мұхокамат ул-лугатайн”да ҳам ХУ асрнинг биринчи ярмидаги машхур шоирлар қаторида Яқинийни ҳам айтib ўтади.

Навоий “Мұхокамат ул-лугатайн”да берган маълумотдан маълум бўлишича, Яқинийнинг эътиборга лойиқ шеърлари бор. Аммо бизга Яқинийдан “Ўқ ва Ёй” мунозарасигина етиб келган, холос.

Мазкур мунозарадаги Ўқ ва Ёй рамзий маъно касб этади. Ёй — ёлгончилик, эгрилик, Ўқ — тұғрилик рамзи, Гириш (камалак ипи) — барлос уруфини ифода этиб, тобелик, Зихгир — түркій уруглардан тархон уруғига ишора этиб, ҳукмронлик рамзини ифодалайди.

Яқинийнинг мунозараси ўзбек адабиётида Ахмадий ва Амирийнинг мунозараси каби, ифоданинг соддалити, тилининг таъсирчанлиги билан ажralиб туради. Яқинийнинг мунозараси ўзбек адабиётида илк бор ўқ ва ёй рамзини ифода этган асар сифатида машхур бўлди. Аммо ўқ ва ёй рамзи “Ўғузнома” достонида ҳам бор. Шунингдек, ўқ ва ёй тұғрисидаги афсона Мирхондинг “Равзат ус-сафо” ва Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарларида учрайди. Мирхонд ҳам, Хондамир ҳам Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъут— таворих” асарида берилган Ўғуз хоқон достонидаги ўқ ва ёйни тақрорлайдилар. Мирхонд ёзади: “Туркларда бузукларнинг даражаси, учукларникуга қараганда юқоридир, чунки уларда ўқ элчини, ёй — шоҳни гавдалантиради”.\* Хондамир ҳам ўқ ва ёйни Мирхонд сингари талқин қиласи. Яна Хондамир ва Мирхондинг ёзишларича, Ўғузхон бузукларга қўшиннинг ўнг қаноти (баронгор)ни, учукларга чап қанот (жавонгор)ни бошқаришни топширган.

“Шажари турк” да ўқ ва ёй тарихи бошқачароқ талқин қилинади. Абул Фозининг ёзишича, ўқ ва ёй осмондан Гангрининг амри билан Ўғузга ва унинг наслига рамзий алломат сифатида юборилган

Ўқ ва ёй тимсолига Фирдавсий “Шоҳнома”сида, Юсуф Амирий “Даҳнома”сида, Навоий “Хазойин ул-маоний”да мурожаат этган. ХУ асрда Яқинийдан сўнг ўқ ва ёй мунозарасини Ғадриддин Ҳилолий давом эттирди. Ҳилолий “Шоҳу дарвеш”

(1499–1508 йиллар орасида ёзилган) достонининг ХУ–ХҮ11 бобларида ёй ва ўқ тавсифига эътибор каратиб, хар иккаласининг мунозарасини тасвирлайди. Кузатишлардан маълум бўлишича, Ҳилолийнинг мунозарасига Яқинийнинг ижоди кучли таъсир этган. Яқинийнинг мунозарасига эса “Ўғузнома”нинг таъсири сезилиб туради.

### “ЎҚ ва ЁЙ“

Ногоҳ ҳублар черкасидин от чиқорғон бир яхши отлиқ йигит жавлон қилиб, илкина ўқ олиб, эгнига ё солиб, қабақ<sup>1</sup> отқоли майдон бошига азм қилди. Назм:

*Бўз отлиқ йигитки, жаҳоннинг сафосидур,  
Ошиқ кишининг отлиғу човулиғ<sup>2</sup> балосидур.*

Банда шафақтеп қон йигитлаб дедиким: “Оё! Бу не хуршедурки, қавс буржунда<sup>3</sup> тулуъ<sup>4</sup> қилибтур ва ё не кавкабтурким, чархнинг ўқидек пояси кўкка етибтур“. Отининг юрушига боқтим эрса дедимким: “Агар бу от мунгингдек ҳаддин оша чолиғ<sup>5</sup> бўлмаса, ер–кўкта мунинг ҳамтоси йўқ эрди“. Бу сўзни жилавдоре эшитиб, чилбурилик пайдо қилди. Айттимки: “Бу майдонда боре санга не қуюшқонга газаб қилиб човуши<sup>6</sup> чайнарсен!“ Охир сўзумга жавоб топа олмай дами тутулди. Алқисса, бу хаёлда мутафаккир ва бу аҳволда мутаҳаййир эрдим, чун ул йигитнинг ёсининг сўзи тилимда ва ўқининг хаёли бошимда экан, кўнглумда кечтиким: “Бу кунга дегур ҳеч кимарса турки тилининг жавҳарин ва форси алфозининг гавҳарин таркиб қилиб, ўқ ёйнинг орасинда мунозара тартиб қилмайдурким, бу важҳдин оламда андин нишона қолгай деб“. Чун ушбу сўз марғуб ва бу боис маҳбуб кўрунди, бу мунозара таснифина шуруъ<sup>7</sup> қилдим ва умид улким, хуш табълар тобуғида<sup>8</sup> мақбул матбуъ<sup>9</sup> бўлғай...

<sup>1</sup> қабақ – ёй билан нишонга олиб машқ қилиш учун узун ходанинг учига ўрнатилган нишона қовоғи.

<sup>2</sup> чов – овова.

<sup>3</sup> қавс – ёй; қавс буржи – тўққизинчи ой – ноябрь ойига тўғри келади.

<sup>4</sup> тулуъ – чиқиш, куриниш;

<sup>5</sup> чолиғ – югурик; ўткир.

<sup>6</sup> човуш – эшик отаси, элчи.

<sup>7</sup> шуруъ – киришиши.

<sup>8</sup> табуғ – ҳузур–ҳаловат.

<sup>9</sup> матбуъ – таъбга мувофиқ, лойиқ келадиган.

## Мунозаранинг ибтидоси

Бир кун бир неча соҳиб тарийқ<sup>10</sup>, аҳли қабза<sup>11</sup> отимчи<sup>12</sup> баҳодир йигитлар ёдек мажлис асбобин қуруб ва ўқтек маҳфилин тузуб, бир гӯшада гаштга чиқиб эрдилар. Ногоҳ Туркистон тарафиндин бир эгни букилган қари бирлан бир сара бўйлиғ йигит етиштилар. Қариға иззат йўлиндин ўнг қўл сори, йигитга сўл қўл сори юрт бердилар.

Йигит туз йўлидин келиб, садоқ бирла баронфорға чиқти ва қари чап тушуб, сўл қўлдин жавонфорға тушти ва қари номусин соғиниб, таарruz<sup>13</sup> била йигитни савол қилдиким: “Сен не жиҳатин қарини иззат тутмай, ўнг қўлға чиқтинг?”

Йигит жавоб бердиким: “Мен Чингизхон чоғида садоққа черка тузуб, ёғийға тегишкали илгари юруган учун севурғаб боронфорға чиқорди ва қари пасткашлик қилиб, кейин тортилғон учун ани ёзғуруб жавонфорға юборди ва Ё(й)нинг қариган чоғинда бир сўзлар қулогига етгач, оғзи елимдек йилмошиб, ўзига сингура олмай айттиким: “Сен мени қари кўруб, кучсиз соғиниб, йигитликингга мағрур бўлуб, юз кўрмай, мунунгтек юзсиз сўз айттинг ва ўзунг билмасмусенким, бу даврда хеч кимарса менинг фашимни<sup>14</sup> торта олмас ва агар гижаким қотса йигитларни маракада бўйнин юмшатиб инфиол<sup>15</sup> берурмен. Яна таҳаммул<sup>16</sup> бобинда анингтектурменким, ёйчилар қарнлар<sup>17</sup> сингиримни<sup>18</sup> тортадилар — ичимда асраб кишига дарди дил қилмадим”.

Басе мен ул соҳиби сарменким, tengri таборак ва таоло жалла жалолаҳу ва ҳабиби орасинда — алайҳиссалом — мендин ўзга киши маҳрам эрмас эди. Андоқки, “қоба ва қавсайн”<sup>19</sup> ояти Куръонда мендин хабар берур ва ҳазрати саййидул-аҳрор<sup>20</sup> амир Қосим Анвор қадласа аллоҳу сирраҳу\* — мени сендин муқаддам<sup>21</sup> тутуб қобил толибларға кўргузуб айтур. Назм:

<sup>10</sup> тарийқ — йўл, из; усул, қоида; сўфийликда: маълум маслакка эга киши.

<sup>11</sup> қабза — тутам, бир тутам.

<sup>12</sup> отимчи — мерган.

<sup>13</sup> таарruz — қаршилик.

<sup>14</sup> ғаш — кўнгилсизлик; дард.

<sup>15</sup> инфиол — хижолат, бирон нарсадан асарланиш.

<sup>16</sup> таҳаммул — сабр, чидам.

<sup>17</sup> қарн — узоқ муддат, аср.

<sup>18</sup> сингир — пай (ёй учига боғланадиган).

<sup>19</sup> қоба ва қавсайн — икки ёй оралиғи(ча).

<sup>20</sup> саййидул— аҳрор — ҳимматлилар бошлиги.

<sup>21</sup> муқаддам — биринчи ўринга кўйилган, илгари.

*Камон абру батирам зад зи завқи тири мижгонаш,  
Ба сар ғалтидаму гүфтам фидоят бод жонам раҳ!\**

Яна мавлоно Мұғрибийким\*, маърифат машриқни қүёштек ёрутти, менинг васфимда “Жоми жаҳоннамой<sup>22</sup>” отлиқ доира тартиб қилди ва тавҳид сирини аҳли таҳқиқ учун ишорат ўқи бирла аҳолис ва воҳидиййат қавсида кезлай ва номаҳрамлардин буларни менинг отимға отаб яқин қилди. Яна ибодат тариқинда малойикадек аввали умрумдин охирға дегрү рукуъдурмен<sup>23</sup> ва тақво таврида аксари авқот чилладурмен. Яна ниёзмандлиқта<sup>24</sup> яхши-ямонға қулоқ тутармен ҳар неча манга қулоқ тутмаслар ва ҳар қачон иззати билан хитоғ қылсалар ё дерлар ва агар зарофат бирла отимни айурсалар маҳбуб қошиға менгзатиб ой дерлар.

Байт:

*Янги ой ўхшар нигорим қошина,  
Балки ул ҳам кам кўрунур қошина.*

Яна баҳодурлук майдонида ҳар кимнинг қурумсоғида бўлсан ўзумни қурбон қиласин дерман. Басе ҳар ким менинг бирла сахархезлик варзиш<sup>25</sup> қилса, дан ва дунёда бархурдор<sup>26</sup> бўлур. Яна Паҳлавон Маҳмуд Сабза(во)рийдек қадағ андоздурмен<sup>27</sup>. Сенга тегармуқим, ўзунгни илгару ташлаб ўн ённи талашурсен”.

Ўқ бу сўзларни эшигтгач, газ-газ сакира бошлади ви аччиқтин айтиким: “Сенинг икки бошинг бордурким, менинг юзумда мунунгдек даъволар қилурсен. Андоқим, мавлоно Юсуф Амирий айтур:

*Чу абруйи ту камон хешро агар дорад,  
Зихи масаввури казжи у магар ду сар дорад\*.*

Ва ҳар қачон Яздонбахши<sup>28</sup> чангина тушсанг, эгрилигинги кўруб удтек<sup>29</sup> ўтқа тутуб, рубобдек қулоғингни тулғар ва агағи фуур жомидин эсруб бошинг бир ён борса, гушагир қулоғингни уруб, бўғачи бирла бўғзунгни бўғар ва агар хато қилсанг, ўлдурур кишилардек бўйнунгга чириш солурлар. Ўёлмай баҳодурлу талошурсен. Басе ул эмасмусенким, ғазо куни санчишқал

<sup>22</sup> Жоми Жаҳонномой – жаҳонни қўрсатувчи тўплам, гуруҳ.

<sup>23</sup> рукуъ – бошни эгиш; икки букулиш.

<sup>24</sup> ниёзмандлиқ – муҳожжлик, ёлвориши.

<sup>25</sup> варзиш – одат, машқ.

<sup>26</sup> бархурдор – фойдаланувчи, баҳраманд.

<sup>27</sup> қадар андоз – куч-қудрат солувчи.

<sup>28</sup> Яздонбахши – Худо гуноҳни кечиравучи.

<sup>29</sup> уд – оловга солганда хуш ис берадиган ёғоч.

баҳодирлар олинда манглай чиқсам, сен қўрқунчтин сарғариб тўс<sup>30</sup> орасинда ёшунурсен ва мен ҳар қайда етсам, қолғоннинг ал қонин оқизиб, юзига ўта чиқармен. Яна ҳар кимнинг савоб назари бўлса, хатосиз бўлурким, мен қил ёармен. Яна мен ул қуштурменким, ошиқларнинг кўнглини овлаб, рақибларни кувларман ва менинг тилимдин муаллиф айтур. Назм:

*Сар дар пайи ҳар кас, ки ниҳам, то ба қиёмат,  
Бигуризаду як чашим задан на нгарад аз пас\*.  
Басе отим кайбурдур<sup>31</sup>, андоқки шоир айтур.*

Назм:

*Доғеки, ҳаст бар дили душман кунад ду ним,  
Он тири тез парри тукаш ном кайбураст\*.*

Басе ҳар қайда севиртек қанотимни ёйсам, менинг саҳмимдин<sup>32</sup> қочарнинг арвоҳи учар ва агар туғдорига<sup>33</sup> тузларда йўлуксам, менинг ваҳмимдин ёзиларни булғар ва агар тоғлар орасида жайрон кўзлук мўғулчину хитойларнинг новакидек ирголининг қўлиға тикилсан қонига киармен. Андоқки, муаллиф айтур. Байт:

*Новакинг кирса кийикнинг қонига,  
Хеч ҳайи(қ)мас этибон гуна ёзуқ.*

Басе гоҳи инояттин алифтек ошиқларнинг жони орасига киармен ва гоҳи ўқ била найдек ҳар кимга қадалсан, менинг заҳримдин жони элтмас. Яна мен ул қуштурменким, ошиқлар мени ҳаводин тутарлар. Андоқки муаллиф айтур. Байт:

*Ҳаво қилса ўқунг жон сайди учун,  
Ани кўнглум қуши тутқай ҳаводин.*

*Гар ҳаво қилса юрактин ўтгали новакларинг,  
Жон била кўнглум қуши тутқай ҳаводин, эй бегим.*

Яна жаросундек йигитлар майдонда менинг қанотим бирла учарлар. Яна мен ул ҳумойи авжи<sup>34</sup> изаттурменким, агар парвоз қилсан фориғбол<sup>35</sup> озодалар<sup>36</sup> менинг юнгумни жон қушининг қаноти деб қувонурлар. Андоқки, Хожаги Атойи айтур:

<sup>30</sup> Тус – қайин дарахти.

<sup>31</sup> Кайбур – камон ўқининг эни энлик тури.

<sup>32</sup> Саҳм – қўрқув, хавф.

<sup>33</sup> Туғдори – тувадоқ номли йирик қуш.

<sup>34</sup> Ҳумойи авжи – юқоридаги ҳумо куши.

<sup>35</sup> Фориғбол – хотиржам.

<sup>36</sup> Озодалар – тўғри, айбсиз; фамсиз.

*Уло шаҳсувор тиркашининг ўқининг юнги  
Жон қушининг тириклата юлғон қанотидур.*

Яна агар карвонларга бадрақа<sup>37</sup> бўлмаса йўлни озиқурлар ва мен бардақасиз йўлни туз борурман. Басе ҳар қайда тарозу бўлсам, мени тортай деган кишилар жон тортарлар. Андоқки, Хожа Хисрав Дехлавий\* маҳбуб энгиндин жонга тегиб, айтур:

*Дар дилам тираг тарозу мешавад,  
К-аз даруни сина жонро бар қашад\*.*

Яна найшакарким, имон ҳаловатининг тотлиқ сўзиндиндур, менинг бирла бир ерда бутуб улгайибтур. Эй ўётсиз ё, сен мени кўргач, қўрқув саҳмимдин<sup>38</sup> ўзунгга тўлдуурсен”.

Ёй бу йўлўки сўзларни эшитгач, бағри қотғунча кулди. Аммо бир зарра юмшамади. Қаттиқ сўз бошлаб айтти: “Андоқким, жунуний шоир айтибтур. Байт:

*Ман он наямки, зи тири маломат андешам,  
Гуломи рўйи камон абрўони бадкешам\*.*

Яна сени ўқчилар банд-банд қилиб, ўртангдин ёрмоғунча менинг бирла қовуша олмадинг. Басе, ўғрилар бирлан ҳамсух-батлиқ қилғон учун барги най тўнунгни сўюб ичингни ёрдилар.

Эй хокийи хоксор, неча ўзунгни ранж тутарсен, эй файратсиз, бир бошқоқ учун ҳар бутанинг тубинда хўшачинлартек<sup>39</sup> туфроққа ботиб, хирмонингни елга берурсен. Басе, паҳлавонлар қошида менинг эвимдин қочиб, ёзиёбонда бошингга туфроқ совуурсен. Эмди санга бу журъат қайдин пайдо бўлдиким, менинг олимда туз туруб ўқ учидин сўзлашурсен ва мени пайваста соҳиб ҳуснлар қошина менгзатиб айтурлар. Назм:

*Он ду абрўийи муқаввас ду камонанд баланд,  
Ки ба сад қарн чунни турфа камон нотавон соҳт\*.*

Яна ошиқлар маъшуқ қошина пайваста ташбиҳ учун ўқурлар.

Байт:

*Ҳар куэжо мурғи диле бол кушояд, филҳол,  
Ба камон гушаи абрӯ з ҳавош андозад\*.*

Басе, ўқ бу сўзларни эшитгач, айттиким: “Зихи<sup>40</sup>, нодонки, сен-сен! Магар қариган жиҳаттин ҳариф<sup>41</sup> бўлубсенки”

<sup>37</sup> бадрақа – раҳбар, йўлловчи.

<sup>38</sup> саҳм – ёй ўқи; ҳисса, улуш.

<sup>39</sup> хўшачин – бошоқчи, машоқ терувчи.

<sup>40</sup> зихи – оғарин, яхши.

<sup>41</sup> ҳариф – қарши, ўртоқ, улфат.

ўзунгни тия тутмайсен!” Басе, шайхи фасоҳатки<sup>42</sup>, гулистанда булбултег ҳазор достони бордур, мен, гулузор қоматина, ташбиҳ қилиб айтур. Назм:

*Бирабуд дилам дар чамане сарви равоне,  
Заррин камаре, тир қаде мур миёне\*.*

Басе Хожа Ҳофиз Шерозий мени мустажобу<sup>43</sup> даъватларнинг дуоси деб айтур. Назм:

*Аз ҳар гарона тири дуо кардаам равон,  
Бошад казон миёна яке коргар шавад\*.*

Басе Хожа Камолки,\* латофат ва зарофат бобинда соҳиб камол эрди, мени норван<sup>44</sup> қоматлик, сийм<sup>45</sup> андомлар<sup>46</sup> қаддина ташбиҳ қилиб айтур. Назм:

*Ҳарки бар тири кадаш чашме намедузад, Камол,  
Ростиро рост бояд дуҳтаи чашмаш ба тир\*.*

Яна Хожа Салмон\* шамшоддек ростлиғимни кўруб, мени дилшод ғамзасина менгзатиб айтур. Байт:

*Тири ҳаданги ғамзаат аз жони мо гузашт,  
Бар мо зи ғамзайи ту чи гўям, чиҳо гузашт?\**

Яна Саккокийким, турк шоирларининг мужтаҳидидур, менинг муносиб ҳолимға айтур. Назм:

*Жоним фидо бўлсун сенинг ғамзанг ўқина нечаким,  
Ҳар неча қошинг эгмаси ўқтек бўйумни ё қилур.*

Яна Мавлоно Лутфийки, лутфи таб бирла зурафо орасинда машҳур эрур. Мен жафочи бевафо маҳбубларнинг ғамзаси деб айтур:

*Ҳаданги ғамзасини кўргач айттим:  
“Манинг жонимга ўт солғон сен ўқсан!”*

Яна муаллифки, ушшоқ<sup>47</sup> аро муҳаббат ўқина нишона бўлди, мени оҳга нисбат қилиб айтур. Байт:

*Зи дил бар мекашам сад новаки оҳ  
Ки, аз жон бигузарад тири ту ногоҳ\*.*

<sup>42</sup> фасоҳат – сўзнинг очиқ, равшан, ёқимли бўлиши; услубнинг чиройлилиги.

<sup>43</sup> мустажоб – талаби қабул этилган.

<sup>44</sup> норван – хушқомат ва сербарг бир дараҳт.

<sup>45</sup> сийм – кумуш, ақча, танга, *маж. оқ.*

<sup>46</sup> андом – жисм, гавда, таносиб, ўхшов.

<sup>47</sup> ушшоқ – ошиқлар.

Яна сен зиёда сарлық қилиб ўзунгни хұблар қошина менг-  
затқон учун, мувофиқи ҳолинга биайнихи<sup>48</sup> муаллиф айттур. Назм:

*Ба абрўйи ту ки, дар айни дилбари тоқаст,  
Гумони (каж)ки, камонрост аз зиёда сараст\*.*

Яна айттингким, манинг эвимдин қочиб туз талошурсен деб. Бу сүзни худ рост айттинг, агарчи әгри сену мен рост. Аммо бизнинг орамизда ҳеч нағы жинсият йўқтурки, мудом ва аслият бўлгай” деб бу рубоййни ўкуди:

*Бо бад манишину ҳам марав хонайи у,  
Дар дом бияфти чу хўри донаайи у.  
Тир аз сари рости камонро каж дид,  
Диди ки, чи гуна жаст аз хонайи у\*.*

Басе, Ёй Ўқнинг ўтқун сўзларин эшитиб, таҳаммул қила билмай, ҳимоят учун ўзин Гиришга боғлади ва кечган мунозара ва мубоҳасани тақрир<sup>49</sup> қилиб айттиkim: “Ўқ саҳмидин мунунгдек икки букулубтурмен ва йиллардурким, Зиҳгир (ила) бирға бош қўшуб, сени барлос деб хизматингга турубтурбиз.

Эмди Тенгри учун бизнинг орамизда ҳакам бўлуб ҳакамлардек бу баҳсни айрит қил”.

Гириш бу сўзни эшитгач, хомлиғидин печу тоб<sup>50</sup> уруб, суман бўйлар сунбулидек ўзига тўлғониб, тоб келтура олмай, Зиҳгирга айттиki: “Агар мен барлос бўлсан, сен тархонидурсен. Раво бўлғаймуким, ё куч қилмай, ўқ ёға куч қилғой. Эмди маслаҳат улдурким, ани андоқ ироқ ташладиким, Ё(й)нинг тўрини тўтиё қилиб топмағай”.

Зиҳгир эшитгач: “Хуш бўлғай!” деб ятимона гиру баст кўрсатиб бармог қўзига қўйди. Гириш бирла иттифоқ қилиб ўқни ўзига яқин тортилар. Ўқ аларни ўзидек рост соғинис илгари боргоч, Гириш оғзига андоқ таптиkim, ўқнунг оғзи тўл қон бўлуб, торундек тубан қаро ерга кирди ва бу мунозаради мақсад улким, бу даврнунг каж табларининг<sup>51</sup> қошинда ҳар ки ё(й)дек әгри бўлса, ёнларидир йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқте рост бўлуб, туз юруса, Яқини(й)тек йироқ тушар андоқки, Аси шоирнинг қитъаси бу сўзнунг ростлигина гўёдур:

*Ҳар ки шуд рост андарин майдон,  
Ҳар кужо рафт бехўзур уфтод.  
Аз кажи шуд камон ба паҳлуи шоҳ,  
Тир аз рости ба дур уфтод\*.*

<sup>48</sup> биайниҳ – худди ўзи, яққол.

<sup>49</sup> тақрир – қарор бериш, мақсадни оғзаки англатиш.

<sup>50</sup> печу тоб – изтироб; маж: сиқилиш, қийналиш.

<sup>51</sup> каж таб – қинғир феъл–атворли.

Агарчи бу сўзунинг соҳати<sup>52</sup> васиъ<sup>53</sup> эрди, шаниъ<sup>54</sup> кўрунгай, деб сўз иқтисор<sup>55</sup> бўлди. Умид улким, рост табиат, мустақим<sup>56</sup> зеҳнларнинг маҳакида<sup>57</sup> бу нақд тамом иёргай<sup>58</sup> бўлғай ва бу сафҳани мутолиа қилиб, бу номанинг силаси<sup>59</sup> ўрнига азизлардан таваққу<sup>60</sup> улким. Назм:

*Яқинийнинг равони шод қилғай,  
Дуюи хайр бирлан ёд қилғай.*

Туганд ўқ-ёйнинг мунозараси. Валлоҳу аълам.

## АҲМАДИЙ

### *Созлар мунозараси*

Бир кечада гам бирла хиромон эдим,  
Меҳнати даврон билан шодон эдим.

Қулбаи ихзон<sup>1</sup> ичида хору зор,  
Ўлтурубон дийдаи жон интизор.

Мунисим ул ёр хаёлию бас,  
Ул эди фарёдима фарёдрас.

Нуқл<sup>2</sup> фаму бода юрак қонидин,  
Ул хижил нолишим афгонидин.

Ҳардам оқиб кўз ёшидин сели хун,  
Жонда алам, бошта ҳавои жунун.

Чиқти фифон ул дили ғамноктин,  
Ўтти бу нўҳ пардаи афлоктин.

<sup>52</sup> соҳат – майдон, кенг жой.

<sup>53</sup> висиъ – кенг.

<sup>54</sup> шаниъ – ёмон, хунук, ярамас.

<sup>55</sup> иқтисор – қисқартириш, чегаралаш.

<sup>56</sup> мустақим – тўғри, ҳалол, бир жойда турувчи.

<sup>57</sup> маҳак – кумуш, олтинларга суртиб, уларнинг сифатини ажратадиган тош.

<sup>58</sup> иёргай – олтин, кумуш каби ашёнинг бошқа моддалардан ажратабиб саралангани; ўлчов.

<sup>59</sup> сила – инъом, баҳшиш, эваз.

<sup>60</sup> таваққу – бирон ишнинг воқеъ бўлишига кўз тутиш, умид билан қараш.

<sup>1</sup> ихzon – хазон бўлган, вайронга.

<sup>2</sup> нуқл – май ичганда ейиладиган ширинлик, мева ва бошқа хил емак.

Ақл ҳувайдо бүлуб айлади бок,  
Пироҳани<sup>3</sup> сабр яқосин чок.

Энтикибон ташқари чиқтим равон,  
Тун ярими ўтуб эди ул замон.

Халқи жақон барчаси ором эди,  
Тийрай<sup>4</sup> торик ажаб шом эди.

Юлдузу ой кўкта падидор<sup>5</sup> йўқ,  
Тундин уза партави<sup>6</sup> анвор йўқ.

Кўрди хирад, қолди бу ҳолатга лол,  
Борди замириндин ўшал қийлу қол.

Келдим ўшал ҳолда жондин батанг,  
Чиғди харобатта ғавфойи жанг.

Тингладим ул ҳолни ҳайрат туни,  
Етти фалак бомида<sup>7</sup> ғавро уни.

Дедим: “Эй Раб, бу не овоз эрур?  
Ҳар нафаси ўзга сазовор эрур.

Бўлдум ўшал лаҳза баяк ногаҳон<sup>8</sup>,  
Суйи харобот<sup>9</sup> ошуқуб равон —

Еттим эса, пири харобот маст,  
Жому қадаҳни қуюб ул дам зидаст.

Қолибидин руҳ бориб эрди пок,  
Ётуб ўлуклар киби баррӯйи хок.

Мажлисида ҳозир эди жамъи соз,  
Ҳар бири бир пардада гўёйи роз.

Ҳар бири ўзини ситойиш қилиб,

---

<sup>3</sup> пироҳан — қўйлак.

<sup>4</sup> тийра — қора, қоронғу; булғонч; ғам—туссали.

<sup>5</sup> падидор — пайдо бўлган, ошкор, кўринган.

<sup>6</sup> партав — ёргулик асари, нур, шуъла, порлоқлик.

<sup>7</sup> бом — том, уй томи.

<sup>8</sup> баяк ногаҳон — тўсатдан, бирданига.

<sup>9</sup> харобот — вайронна жой; маж. майхона.

Савту амал нақши намойиш қилиб,

Барчаси бир-бирини қилиб имтиҳон,  
Үртада баҳс әрдию жангу фигон.

## МАБҲАС ИБТИДОСИ. АВВАЛ ТАНБУРА СЎЗИ

Танбураи ғамзагари<sup>10</sup> фитна жўй<sup>11</sup>,  
Мажмаи ул созға келтурди рўй.

Деди: “Бу не фитнау ғавғо эрур?  
Бошингиза бехуда савдо эрур?

Арбадау<sup>12</sup> жанг недур аз газоф<sup>13</sup>?  
Парда била сўзлали, токай бу лоф?

Пардае мендек тузук оҳанг не?  
Нолаи зорим эритур сангни.

Пардада ул мурғи сухансоз мен,  
Фитна эшикин қилойин боз мен.

Барчага айтай зитариқи савоб,  
Жумла мақоматта<sup>14</sup> бир-бир жавоб.

## УД ЎЗИН ТАЪРИФ ҚИЛИБ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ<sup>15</sup> ҚИЛҒОНИ

Уд эшитиб қўйди анинг сўзидин,  
Ўртанибон бошлади сўз ўзидин.

Дедики: “Мен барчангиза шоҳмен,  
Жумла мақоматтин огоҳмен.

Нолаларим уд бикин сўзном<sup>16</sup>,  
Қайси қилур мен киби оҳанғи пок?

<sup>10</sup> ғамзагар — ноз-карашма қилувчи.

<sup>11</sup> фитна жў(й) — фитна истовчи, жанжал қидирувчи.

<sup>12</sup> арбада — шовқин-сурон, қичқирик, бадмастлик.

<sup>13</sup> газоф — асоссиз, бемаъни; беҳад, беҳисоб.

<sup>14</sup> мақомат — жой, ўрин, тураржой; даража, босқич, мусиқада асосий кўй.

<sup>15</sup> таъриз — киноя билан сўзлаш; бирон нарсаға тўқиниш.

<sup>16</sup> сўзном\сўзлуғ — ўтли, алангали; дардли.

Соз ичиди барчадин отим улук,  
Васф ичиди барча сифотим улук.

Бўлди халойиқ аро машҳур отим,  
Лойиқ эрур шоҳфа хосиятим.

Танбураи бе хиради носавоб,  
Қайси ҳунар бирла манго дер жавоб?”

## ТАНБУРА ТАЪРИЗ БИЛА АЙТҚОНИ

Танбура ул сўзни эшитиб равон,  
Деди: “Ҳало хожай ишкам калон.

Қўйгин ўшал даъвийи бeroҳни,  
Мот қилай сен киби юз шоҳни.

Қўйма бу сўзга чу билурсен билик,  
Бос юракинг, қорнингга қўйқин илик.

Барча мақоматларингдин қолиб,  
Ҳомила хотун киби қорнинг солиб.

Эгри бўлиб бўйингу бошинг сенинг,  
Қолмади беҳуда талошинг сенинг”.

## ЧАНГ ЎЗИН ТАЪРИФ ҚИЛИБ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ ҚИЛҒОНИ

Чанг орадин бўйини узотиб равон,  
Тузди ўшал лаҳза туман минг фифон.

Деди: “Билинг, барчанинг устодимен,  
Айшу тарабнинг<sup>17</sup> тақи бунёдимен.

Шаъбада таркибу амал, нақшу савт<sup>18</sup>,  
Қилмадим ул жумлани бир лаҳза фавт<sup>19</sup>.

Фамзаларим барчадин афзун эрур,  
Лайли менинг фамзам мажнун эрур.

<sup>17</sup> тараб — шодлик, хурсандчилик.

<sup>18</sup> савт — қамчи; товуш, овоз, шовқин, оҳанг.

<sup>19</sup> фавт — йўқолиш, ўтиб кетиш, ўлим.

Халқнинг эгнинда мақомим мудом,  
Мен киби йўқ тўтийи ширин калом.

Дойим эрур шоҳ билан сұхбатим,  
Аҳли табиат биладур улфатим.

Танбурадек юзини қиласай поймол,  
Айлади ўғлонлар ани дастмол”.

## ТАНБУРА ТАЪРИЗ БИЛА ЖАВОБ АЙГОНИ

Танбура деди: “Халотек<sup>20</sup>, эй фузул<sup>21</sup>,  
Бошибитин аёқ эгрисен беусул.

Мен сени қўймон бу урушмоқ била,  
Ўйнатайин мен сени бармоқ била.

Бир неча бармоқни есанг русту<sup>22</sup> бок<sup>23</sup>,  
Нолаларинг, баски келур дардинок.

Эй аёғингни кўтариб, э дани<sup>24</sup>,  
Энингга солиб хуш уарлар сени.

Мунча долларом санга гўшатоб<sup>25</sup>,  
Берди тузолмадинг, аё, ҳеч боб.

Ақлинг эрур қисқаю бўйнинг узун,  
Лофт уруб юрмагин кундузун”.

## ҚЎБУЗ ЎЗИНИ ТАЪРИФ ҚИЛИБ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ ҚИЛҒОНИ

Ўртада келди қўбузи бекарор,  
Деди: “Менингтек қани бир пири кор?

Ишқ гулистонида мен андалиб,  
Нолай зоримга муҳибтур<sup>26</sup> ҳабиб.

<sup>20</sup> хало – холи жой, бўшлиқ.

<sup>21</sup> фузул – телба, ўзбошимча, саркаш; ҳар нарсага аралашувчи.

<sup>22</sup> руст – маҳкам, қаттиқ.

<sup>23</sup> бок – қўркув, хавф, заар.

<sup>24</sup> дани(й) – паст, тубан, разил, ярамас.

<sup>25</sup> гўшатоб – чолғу қулоғи.

Мен киби йўқ мурғи сухансози ишқ,  
Жумла мақом ичра деган рози ишқ.

Мамлакати ҳуснда шаҳзодалар,  
Машғала<sup>27</sup> даҳрдин озодалар.

Барча мусоҳиб<sup>28</sup> менга шому саҳар,  
Йўқ зурафо<sup>29</sup> аҳлина мендин гузар.

Жумла йигит яхшисидур чокарим,  
Хожа Сафаршоҳ камин<sup>30</sup> навкарим.

Танбурадек жумрайи бозорини,  
Синдурайин нархи харидорини”.

## ЁТУГОН<sup>31</sup> ЎЗИНИ ТАЪРИФ ҚИЛИБ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ ҚИЛГОНИ

Келди такаллумда тотиб Ётуғон,  
Деди: “Менингтек қани бир турфа жон?”

Пояи қадрим боридиндур фузун<sup>32</sup>,  
Мен киби йўқ дунёда соҳиб фунун”.

## ТАНБУРА ТАЪРИЗ БИЛА ЖАВОБ АЙГОНИ

Танбуранинг феъли ошиб ул замон,  
Деди: “Надерсан ётиб, эй Ётуғон?

Даъвий донишму қилурсен ётиб,  
Лофт уруб, элга ўзунгни сотиб.

Маракада ётқуруб ургон сени,  
Хушлар ураг улки чидогон сени.

26 муҳиб — севувчи, дўст тутувчи.

27 машғала — машгулот, юмуш.

28 мусоҳиб — ҳамсұхбат, дўст, улфат.

29 зариф — зийрак, хуштаб; хушчақчақ.

30 камин — пана жой, хилват жой; кичкина, арзимайдиган, ҳақир.

31 ётуғон — бир турли чолғу асбоби.

32 фузун — ортиқ, зиёда, кўп.

Муттасил остин етиб, эй нотамом,  
Нолау фарёд қилурсен мудом.

Йүқ юзингга зарра уёting сенинг,  
Фароти\* йүқ, Ётуғон отинг сенинг.

Шаклинг эрур наңсу ҳаромлиқ ҳадеб,  
Сақла тилинг, журафил, эй беадаб.

Ҳар нафаси шаъбада ангезман,  
Мажлиси султонда шакаррезман.

Дарду алам баҳрида мен фарқи ишқ,  
Шуъла вужудимдин уур барқи ишқ...

Танбуранинг ботили<sup>33</sup> парвардасин<sup>34</sup>,  
Йиртайин ул боштин—аёқ пардасин.

Саҳл<sup>35</sup> баҳо бирла сотарлар они,  
Яхши-ямон барча уарлар они”.

## РУБОБ ЎЗИНИ ТАЪРИФ КИСИЛГИ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ ҚИСИЛГИ

Ҳирқасидин бош чиқи ўоб,  
Деди: “Манам фарқ ила олижаноб.

Гарчи шариатта чу бегонамен,  
Аҳли тариқат била ҳамхонамен.

Балки ҳақиқат (дин) аюрган хабар,  
Аҳли дил топсаму соҳиб назар.

Хуш ичарам фақр элидин жоми заҳр,  
Йүқ манга парвойи салотини даҳр.

Барчадин озодамену мунфариd<sup>36</sup>,  
Жумла фунун бобида мен мустайд<sup>37</sup>.

<sup>33</sup> ботил(а) — бузилган, бузуқ, бекор қилинган.

<sup>34</sup> парварда — тарбия топган, парваришланган.

<sup>35</sup> саҳл — осон, енгил, қулай, арзимас.

<sup>36</sup> мунфариd — якка, ёлғиз.

<sup>37</sup> мустайд — истеъдодли, қобил.

Бўлмади ҳаргиз фуқаро ҳамдами,  
Танбуранинг нокасу ноодами.

Боштин-оёқ қомати талбис<sup>38</sup> эрур,  
Балки ўзи модари иблис эрур.

## ТАНБУРА ТАЪРИЗ БИЛА ЖАВОБ АЙГОНИ

Танбура деди: “Ҳало, қилма шааф<sup>39</sup>,  
Муртадики, дарбадари бад алаф.

Аҳли тариқатму сен, эй бе хирад,  
Бошдин аёғинг тўла нафсу ҳасад.

Лек ҳақиқатда сенингдек лаванд,  
Қойда етар, тек тур, аё, худписанд<sup>40</sup>.

Сени Абубакр раббони уруб,  
Кўйди мулинглар элига топшириб.

Банги бўлиб жами мулинглар сени,  
Навбат ила хушлар, уарлар сени”.

## ФИЖЖАК ЎЗИНИ ТАЪРИФ ҚИЛИБ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ ҚИЛГОНИ

Деди Фижжак: “Ҳардаки айёрмен,  
Соз ичидা ринд<sup>41</sup> камондормен.

Ғамзам ўқи новаки жондўз эрур,  
Нолаларим барча жигар сўз эрур.

Қайдаки, мен тузсам оҳангизер<sup>42</sup>,  
Халқи жаҳондин қўпар уд жам нафир<sup>43</sup>.

Жамъи бўлур шоҳи пари лашкари,  
Ҳар бириси ҳуснда ойдин бари.

<sup>38</sup> талбис – ҳийла, макр, найранг.

<sup>39</sup> шааф – ҳаддан ортиқ берилиш, қаттиқ севиши.

<sup>40</sup> худписанд – мутакаббир, манман, ўзинигина севувчи.

<sup>41</sup> ринд – бегам, айш–ишратдан ўзини тортмайдиган.

<sup>42</sup> зер – мусиқада энг ингичка овоз, нозик товуш.

<sup>43</sup> нафир – нафратланувчи.

Шоҳи паридек кишидек ҳамдамим,  
Йўқ сари мӯ жумла жаҳондин фамим.

Бошдин-аёгин бори тадбир эрур,  
Жумла парилар манго тасхир<sup>44</sup> эрур.

Танбурадек, нокасу расвони кўр,  
Бошда ул беҳуда савдони кўр”.

## ТАНБУРА ТАЪРИЗ БИЛА ЖАВОБ АЙФОНИ

Танбура деди: “Ҳало тек, эй хасис,  
Кўрмади даврон кўзи сендек хасис.

Ул кишиким, сени чолар билгуча,  
Қолди бало дастида ул ўлгуча.

Жамъи бўлурлар санго деву пари,  
Жумла пари лашкарининг кофари<sup>45</sup>.

Гоҳ қилич бирла суюрлар они,  
Гоҳ пичноқ бирла уурлар они.

Қон ичар ул мардак<sup>46</sup> ўшал гус(с)адин,  
Ҳеч кишига демас ул қиссадин.

Сен киби расвони фақир ўройиб,  
Қолди бу ўт ичра мудом ўртониб”.

## КУНГУРА ЎЗИНИ ТАЪРИФ ҚИЛИБ, ТАНБУРАНИ ТАЪРИЗ ҚИЛҒОНИ

Бўсағадин Кўнгура қўпти равон,  
Деди: “Манам фитнаи охирзамон.

Соз ичида фитнаи айёрмен,  
Жумладин озодаю<sup>47</sup> якторамен<sup>48</sup>.

<sup>44</sup> тасхир — забт этиш; илинтириш, қўлга олиш.

<sup>45</sup> кофар — танимайдиган, инкор қиласидиган, ғайри дин; *маж.* раҳмсиз.

<sup>46</sup> мардак — енгилтабиат, пасткаш эркак.

<sup>47</sup> озода — ғамсиз, ташвишсиз; тўғри, айбсиз.

<sup>48</sup> яктори — бир торли.

Ҳар нечаким ноқису<sup>49</sup> худроямен<sup>50</sup>,  
Танбуратеклар била ҳампоямен<sup>51</sup>.

Танбура күп сұзламасун аз газоф<sup>52</sup>,  
Хаддидан ортиқ анга тегмас бу лоф”.

## ТАНБУРА ТАЪРИЗ БИЛА ЖАВОБ АЙГОНИ

Танбура деди: “Ҳало, эй Күнгурा,  
Онча осай мен сениким ингурा.

Бошиңг-аёғинг сенинг икки каду<sup>53</sup>,  
Сен киби расво манга бўлғай аду<sup>54</sup>.

Сен фалакдин қилойин нопадид<sup>55</sup>,  
Жумлаи шайхингни қилибмен мурид.

Барчасини таъна билан ўлдуруб,  
Санга етиштим борини куйдуруб”.

## КИТОБ ХОТИМАСИ

Оқибат ул қисса ўшал жамъи соз,  
Деди: “Яминдин қиласи иҳтиroz”<sup>56</sup>.

Барчаси ғайрат ўти бирла қуюб,  
Баҳсу мақомотға жондин тўюб.

Ушбу муҳол<sup>57</sup> узра фифон туздилар,  
Мусиқонинг мажлисини буздилар.

Чиқти баякногоҳ<sup>58</sup> ародин фифон,  
Пири ҳаробот ўёнди, равон.

<sup>49</sup> ноқис – нүқсонли, камчилиги бор.

<sup>50</sup> худрой – ўжар, ўзбошимча.

<sup>51</sup> ҳампой – ҳамроҳ, йўлдош.

<sup>52</sup> газоф – бемаъни, беҳуда, асоссиз; беҳад.

<sup>53</sup> каду – қовоқ; сув қовоқ.

<sup>54</sup> аду – душман.

<sup>55</sup> нопадид – кўринмайдиган, махфий; аниқсиз, тайинсиз.

<sup>56</sup> иҳтиroz – сақланиш, эҳтиётланиш.

<sup>57</sup> муҳол – мумкин бўлмайдиган иш.

<sup>58</sup> баякногоҳ – бирданига, тўсатдан.

Дедики: “Ҳай-ҳай! Бу недур моуман,  
Келди магар муҳтасиби<sup>59</sup> хум шикан<sup>60</sup>?

Онинг учунми қиласурсиз фифон?  
Борди менинг заҳраму<sup>61</sup> кўчти жаҳон”.

Барча қулоғин тутубон зор-зор,  
Дедилар: “Эй сарваримиз пирикор.

Давлату нусрат била бўлғил зиёд,  
Танбурунинг дастидин, эй пир, дод!

Ушбу кеча танбура боғлаб хаёл,  
Барчамиза берди басе инфиол<sup>62</sup>.

Танбуратекнинг сўзи устодкор,  
Бизга ўлумдур даги, бас нангур ор”.

Танбура ҳам ҳозир эди, ул замон,  
Еттию филҳол юкунди равон.

Деди: “Аё муршидимиз пирироҳ,  
Бир мени бечорада йўқтур гуноҳ.

Ушбу жамоат бари ковокбиз,  
Маъниси йўқ ботилу бебокбиз.

Барча бўлиб мени қилурға изо,  
Кўрки нечук топтилар охир жазо”.

Пир билиб кайфияти ҳолни  
Деди: “Кўюнг бехуда афъолни!”

Пир деди танбурага: “Гўш тут,  
Ҳар бирига бошқа бирор қўш тут<sup>63</sup>.

<sup>59</sup> муҳтасиб — ҳисоб этувчи, шариатга хилоф ишларни текширувчи, буюрдаги тош—тарози ва нархларни назорат этувчи.

<sup>60</sup> шикан — синиқлик, букуклиқ; сўз бирикмасида — синдирувчи матнисида келади.

<sup>61</sup> ҳаҳра — *мажс.* журъат, шижаот.

<sup>62</sup> инфиол — хижолат, уялиш, бирор нарсадан асарланиш.

<sup>63</sup> қўш тут — қўшалоқ тутмоқ, сунмоқ.

Күнглини ол барчанинг, эй фитнагар,  
Чунки санга йүктур худ алардин гузар”.

Танбура ҳам чуст құпуб ул замон  
Тутти қулоғин деди: ”Хурду<sup>64</sup> қалон,

Афв қилинг ҳар неча бeroxmen,  
Барчангиза чокари даргоxmen”.

Оқибати кор ўшал жамъи соз,  
Қилдилар оханги ярашмоқни соз.

Келди сафо лашкарию тузди саф,  
Қилди адоварат черикин бартараф.

Субҳи саҳар ошти сабо елинини,  
Сурди Хўтан хони Ҳабаш элинини.

---

<sup>64</sup> хурд(а) — майдың, зарра.

### Олтин Ўрда адабиёти

\*Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. — Тошкент, 1956, 32–49—бетлар.

\*Олтин Ўрдадаги маданий ҳаёт, хусусан, яшаш тарзida, диний эътиқодда, архитектурада ўтроклашган туркий қавмларнинг таъсири каттадир. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда жамиятининг юқори табақаси ислом динини расмий қабул қилди. Юқори табақанинг кўзга кўринган вакилларини ислом динига жалб қилиш ишларига Олтин Ўрда хонларидан Беркахон биринчи бўлиб асос солди. Беркахон томонидан ислом динининг қабул қилинишини XIV асрда яшаган машхур араб тарихчиси ибн Халдун қўйидагича тасвирлайди: “У (Берка) ислом динини Шамсиддин Элбахарзидан қабул қилди. Элбахарзий эса Нажмиддин Кубронинг муҳлисларидан бўлган шогирд эди... Бухорода истиқомат қилиб турган Элбахарзий ислом динини қабул қилиш тўғрисида Беркага таклифнома юборди. У (Берка) ислом динини қабул қилди ва, менинг қўл остимдаги бошқа ерларда ҳам диний тарғибот ишларини бемалол олиб боршингизга тўла ҳуқуқ бераман, деб Элбахарзий номига ёрлиқ жўнатди. Аммо у (Элбахарзий) бундан бош тортди. Берка Элбахарзий билан учрашиш учун йўлга чиқди, лекин (Элбахарзий) ўзининг яқин одамлари илтимос қўлмагунларигача Берканинг ўз ҳузурига киришига рухсат ўтмади. Элбахарзийнинг яқин одамлари Берканинг киришига рухсат олиб бердилар. У киргач, ислом динига келтирган иймонни яна тақрорлади ва шундан кейин шайх (ислом динини) ошкора тарғиб қилишни унга юклади. У (Берка) ўзининг бутун ҳалқи орасида ислом динини тарқатди, ўз қўл остидаги барча ерларда масжид ва мадрасалар курдирди, олимлар ва фақиҳлар (қонуншунослар)ни ўз атрофига тўплаб, улар билан иноқлашди” (Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Олтин Ўрда ва унинг қулаши., 139–140—бетлар). Олтин Ўрда архитектурасида Хоразм хунармандларининг меҳнатлари самараси яққол кўринади. Хоразмлик усталар ўзига хос ранг—баранг нақи безакларини жило бериб ишлаш санъатини Олтин Ўрда бинокорлик ишларида қўллаганлар. Шунингдек, сопол идишларни сирлашни ҳам Олтин Ўрдада хоразмлик усталар жорий қилганлар. Россия давлат эрмитажида сақданаётган қўплаб буюмларда буни кўриш мумкин.

\*Олтин Ўрда давлатининг қисқача тарихи ва бу давлатнинг ҳукмлорлари тўғрисида Лен-Пуль Стенлининг “Мусульманские империи” (Москва—Ташкент—Бишкек, 1996) китобида изчил маълумот берилган. Биз ҳам Олтин Ўрда тарихини ёритишда ушбу китобдан маълум даражада фойдаландик.

## Кутб

\*“Хусрав ва Ширин”дан парчалар “Уч булбул гулшани (Тошкент,Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1986, 457–459, 472–478, 494–496, 575–580—саҳифалар) дан олинди Достоннинг Миср нусхаси фанга маълум бўлгач (Париж миллии кутубхонасида сақланади), асар мажмуалардан ўрин ола бошлади 1948 йили Низомий Ганжавий таваллудининг 800 йиллиг муносабати билан Тошкентда “Гулдаста” номли тўпламда асарда парча чоп этилди. Машхур поляк шарқшуноси А. Зайончковски 1958 йили “Хусрав ва Ширин”нинг факсимиле ва транскрипциясин тўлиқ эълон қилди. Париж нусхаси асосида Тошкентда ҳам 197 йили мазкур достоннинг нашри амалга оширилди (XIV аср Хорази ёдномалари, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1973).

Кутбнинг “Хусрав ва Ширин”и ёзилган сана тўғрисид бошқача фикрлар ҳам бор. Шарқшунос олим А. Тагиржанов “Хусрав ва Ширин”ни 1330—1336 йиллар орасида ёзилган деб таъкидлайди (А. Тагиржанов. Хосрав ва Ширин Кутба. КД, Ленинград, 1948, 169—саҳифа). “Хусрав ва Ширин” тўғрисида дастлабки йирик тадқиқо яратган, Низомий “Хусрав ва Ширин”ининг Кутб таржимасидаг ўзига хослигини илк бор таҳдил қилган олим А. Тагиржановди Айни пайтда бу олим Кутбнинг нафақат моҳир таржимон, балки ўдаврининг йирик шоири бўлганини ҳам мазкур асар орқали далилла беради. Айни пайтда Низомий “Хисрав ва Ширин”ини таржим қилиш жараённида Кутб асар таркибида ҳам анча ўзгаришила қилгани, хусусан, қисқартиш, бобларни бирлаштириш каб жараёнларни амалга оширгани кузатилади (батафсил маълумот оли учун қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи, беш томлик, 1 том, Тошкент “Фан” нашриёти, 1977, 207—209—бетлар).

\*Риёзатдин сизиб йинч келса ўзум — “жоним азобдан эзилса маъносида; бизнингча, мазкур мисрада маломатийлик масла шиорини кўриш мумкин. Бундан олдинги байт мазмuni ҳам шун ишора қиласи.

\*юқ боғлади ул — “у қанот боғлаб учиб кетди” маъносида.

\*нири Ҳурсон — бизнингча, бу ибора тасаввуф йўлини тути шоҳликдан воз кечган Иброҳим Адҳамга ишора қиласи.

\*Уторид\Аторуд — Меркурий сайёраси, бу сайёрани эсламбаларда фалак котиби, ёзувчи ва шоирларнинг ҳомийси дайтганлар.

\*Муштарий — Юпитер сайёраси.

\*Тутуб тун занги қочти занги издин — яъни туннинг қорал занги — қора танли эгасини тарк этди. Бу мисрадаги занги сўзла тажхиси томни ҳосил қилган. Чунки ҳар иккаласи ҳам от туркум мансубдир.

\*...бу ерга текру қазғал — бу ергача қазигин; текру — гача құшымчасини ифодалайды, қазғал феъли аслида қазған тарзидә қадимті туркій тилде құлланған, чамаси, қазғал қофия сабабидан құлланған.

## Сайфи Саройи

“Шеърий ҳикоятларидан”, “Сайфи Саройи замондошларииңнегазаллари ва шоирнинг уларга жавобларидан намуналар” Амир Нажибнинг “Култура и тюркоязычна литература мамлукского Египта XIV века” китобидан (Международный Казахско-турецкий университет им. Яссуи. Институт тюркологии, Туркестан 2004. Подготовил к изданию С. Ж. Дуйсен) тузатышлар билан олинди.

\* Сайфи Саройининг мазкур шеъридан, шунингдек, замондош шоирларга шеърий жавобларидан Сайфи Саройи Мисрда мамлуклар саройида катта лавозимда бўлган, деган фикрга келиш мумкин. Колаверса, Сайфи Саройи ва унинг ижодкор замондошлари Ватандан узоқда бўлсалар ҳам, XIV асрнинг икки ярмида туркій адабиётни юқори даражага кўтариб, жамики туркій худудлардаги аҳолига тушунарли тилда ижод қиласлар. XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрда Мисрдаги маданий мұхитни мамлуклар тамомила ўзгартириб юбордилар. XV асрда яшаган араб муаррихлари қипчоқ адабий тилида ва араб тилида ижод қиласлар кўплаб олимлар, ёзувчилар ва шоирларнинг номларини келтирадилар. Улар Мисрдаги мадрасаларда турли фанлардан дарс берганлар. Олтин Ўрдадаги ўзаро жанг жадаллар оқибатида XIV асрнинг иккинчи ярмида кўплаб маданият арбоблари Мисрга кўчиб бориб, янги—янги туркій маданий марказларни пайдо қиласлар. Бу даврда қипчоқ-ўгуз тилида турли мазмундаги ва жанрдаги адабиёт шаклланди. Араб ва форс тилларидан бу тилга бир қатор асарлар таржима қилинди. Мамлуклар 150 йилга яқин Мисрда хукмронлик қилиб, Олтин Ўрдадаги маданий ҳаётни ва туркій тилни давом эттирадилар. Саккиз шоирнинг биттадан шеъри ва Сайфи Саройининг уларга жавоблари “Гулистони бит—туркій”нинг құләзмаси охирида илова қилинган.

## Шеърий ҳикоятларидан

Тош. — Тошкентда нашр қилинган “Уч булбул гулшани”, Тур. Түркистанда чоп этилган “Култура и тюркоязычна литература мамлукского Египта XIV века” китоби назарда тутилади.

\*ногаҳ — Тур. нусхада *токи*.

\*қисмин — Тур. нусхада *юмойин*.

\*бобин — Тур. нусхада шу сўз ўрнида уч нуқта қўйилган.

\*айшу — Тур. нусхада — *ишқ*.

\*эшиидур — Тош. нусхада — *ишиидур*.

\*эса — Тур. нусхада эҳсон.

\*ёнинда буйла — Тур. нусхада — қатинда уйла.

\*Анинг зикрин қилибман қутлу пеша — Тур. нусхада *Отин* зикрин қилиб ҳар дам қутлу беш.

\***Мавлоно Қози Мұхсін** — Агар “Мавлоно” унвони машхұ шоирларға нисбатан құлланишини инобатта олсак, Мавлоно Қози Мұхсін ҳам үз даврида машхұр шоирлардан бүлгани ойдиналашади.

\***Мавлоно Исҳоқ** — Саъдий “Гулистан”ининг форсча ас нусхаси 111 боби 22-жыкояси охирида “Мен айтдым” деган ибор бор. Сайфи Саройи таржимасида: “Хаёлга Хожа Исҳоқ Хоразмийнинг қуидаги ҳикмати келур” деган жумладан кейін қуидаги түртлик көлтирилган:

Тушеб бир кун отиндан, бу масални

Бадиҳа назм этти Хожа Исҳоқ;

“Жаҳон севган кишининг күзларини

Қаноат тұлдирур ё ўлса тупроқ”.

\***Мавлоно Имод Мавлавий** — “Мавлавий” тахаллуси шүң күрсатадыки, бу шоир Жалолиддин Румий асос солған тариқат мансуб бўлган. Шунингдек, шоир тахаллусида “кул” сўзини ҳақ қўллади. Чамаси, бу сўз Аҳмад Яссавийга таассуб қилиниш самараси бўлса керак.

\***Ҳасан ўғли** — бу шоирни Кўпрулизода озарбайжон шоири де ҳисоблади. Озарбайжон адабиётшунослари ҳам Ҳасан ўғлини оза дунёвий шеъриятининг асосчиси деб биладилар. Бу шоирнинг боши шеърлари билан бир қаторда, мазкур шеъри озарбайжон адабиёт хрестоматиясига киритилган. “Абу Ҳасан” тахаллуси шоирни Шарқ адабиётида ўтган. Жумладан, П.Д.Қаюмовнинг “Тазкирут уш шуаро” асарида “Абул Ҳасан” тахаллуси учта форсийзабон шои тўғрисида маълумот берилади (қаранг: П.Д.Қаюмов. Тазкират уш шуаро, 1 китоб, Тошкент, 2006, 75–76–бетлар).

\***Хоразмий** — Сайфи Саройининг Хоразмийга берга жавобидаги “Сен ул ягона форс чобуксуворисан”, мисрасида сўз ўйин бор. Мазкур мисрадаги “форс” сўзи орқали Сайфи Саройи, чамаси “Мұхаббатнома”нинг муаллифи Хоразмийга ишора қилаётгандан түолади. Чунки “Мұхаббатнома”да учта форсча нома мавжу, Қолаверса, номалар таркибида ғазал бериш илк бе “Мұхаббатнома”да учрайди ва “Даҳнома”да давом этади. Буни устига, “Мұхаббатнома” Олтин Ўрда адабий мұхитида яратилга. Мұхаммад Хўжабек Хоразмийга “Очунда кўп форсий дафтарлари бор” деб, шоирнинг форсча мероси машхұрлиги тўғрисида айтади 1 “Мұхаббатнома”ни туркӣ тилда яратишни тавсия этади. Мұхаммад Хўжабекнинг “Мұхаббатнома”да Хоразмийга берган таърифи била Сайфи Саройининг юқоридаги таърифи ўртасида уйғунлик бо-

Бизнингча, мажмуада келтирилган ғазал муаллифи билан “Мұхаббатнома” муаллифи бирдір.

\**Отин тири тутар жаҳон ичра сўзлари* — мазкур мисра ҳам Хоразмийнинг ижоди ўз даврида машхур эканига ишора қиласы.

\**ништар* — нашрда *шиштар*; чамаси, қўлёзмада сакталик бор.

**“Гулистони бит—туркий”дан** намуналар “Уч булбул гулшани”дан (Faafur Fulom номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1987, нашрға тайёрловчи филология фанлари номзоди Насрулло Даврон) баъзи тузатишлар билан олинди.

“Гулистони бит—туркий” асарининг таржимаси ва қўлёзмасининг тарихи бор. 1915 йили Туркияда нашр қилинадиган “Миллий татаббулар мажмуаси”да венгер олимни Тори Ёзеф Саъдий “Гулистон”ининг туркий тилга эски бир таржимаси Голландиядан топилгани тўғрисида хабар беради. 1950 йили Амстердамда тиббиёт тарихига оид ҳалқаро анжуманда иштирок этган профессор Фаридун Нафиз Узлук Лейден университети кутубхонасида мазкур қўлёзма билан танишиб, фотонусхасини олди ва 1954 йили Анқарада кичик кириш сўз билан қўлёзманинг факсимилесини нашр эттиради. Қўлёзма яхши сақланган, аммо хатолари кўп. Фаридун Нафиз Узлукнинг айтишича, қўлёзма Сайфи Саройининг дастхатидир. Қўлёзманинг биринчи саҳифасида форсча ва туркийча етти шеър бор, шеърларнинг муаллифлари ҳам, дастхатлар ҳам ҳар хил. Биринчи тўртлик Маҳмуд Гулистоний қаламига мансуб бўлиб, Ироқдан мағлубиятга учраб қочиб келган шаҳзода Аҳмадга бағишлиланган. Қўлёзманинг учинчи саҳифасида мазкур таржимани Сарой шаҳридан Сайфи отлиғ киши амир Тайхасга бағишлилаганлиги тўғрисида айтилади. Тўртинчи саҳифадан бошлаб Саъдий “Гулистон”ининг таржимаси бошланади. Сўнг Сайфи Саройи таржимани тўхтатиб, ўз шеърларини қўлёзмага киритади, мазкур асарни таржима қилиш сабабларини баён этади. Қўлёзманинг 11—14—саҳифаларида Сайфи Саройи 87 байтдан иборат шеърини келтиради.

Мазкур парчадан маълум бўладики, шоир дўстларининг маслаҳати билан Миср саройининг ҳожибул— ҳужабоси Тайхасбекнинг номини абадийлаштириш мақсадида “Гулистон” таржимасига киришган. Қўлёзманинг охирги саҳифасида шоирнинг 13 байтдан иборат шеъри келтирилган бўлиб, таржима тугалланган сана кўрсатилган. Бу шеърдан маълум бўлишича, “Гулистон” таржимаси тамомланган пайтда (ҳижрий 793 йилнинг шаввал ойи — милодий 1391 йилнинг август ойи) Сайфи Саройи 70 ёшда бўлган. Шоир 1321 йили Олтин Ўрда гуллаган даврда туғилган, бу пайтда Ўзбек хон ҳукмронлик қиласы (1312—1342). Олтин Ўрдадаги исёнлар даврида эса шоир ватандан узоқда — Мисрда яшарди. У ҳаётининг охирги йилларини Мисрда ўтказди.

“Гулистон”нинг таржимаси тўғрисида 1955 йили яна бир турк олими Абдулла Баттол Таймас жиддий мақола эълон қилди ва бу мақоласида асарнинг тил хусусиятларини тадқиқ этди. Мақола муаллифининг ёзишича, “Гулистони бит—туркий”нинг тили қипчоқ тилидир. Араб—форс сўзларига имкон қадар кам ўрин берган, туркий сўзларни кўпроқ ишлатган. Баъзи сўзларни турли фонетик варианта беради, бундан шу нарса маълум бўладики, Миср турк давлатида туркий қабила—уруғлар кўп бўлган, адабий тил мезонлари ишлаб чиқилмаган, шу боис маълум сўзларнинг талафузида бекарорлик хукм суреб келган. Бу тил XIV асрда қипчоқ—ўгуз ёки худудий белгиларига кўра, Миср—Олтин Ўрда адабий тили сифатида тугал шакллантирилган.

\**Абдулқодир Гилоний* — машҳур мутасаввуф, 1079 — 1166 йиллари Бағдодда яшаган авлиё. У тариқатда “Қодирия” сулукининг асосчиси, буюк мударрис бўлган, Ҳазрати Фавсул Аъзам Мұхайдиддин Саййид Абдулқодир Гилоний деган ном билан машҳурdir. Эроннинг Гилон вилоятида туғилган. Ўн олти ёшида Бағдодга бориб, илм—таҳсилга киришади. Багдодда мадраса барпо этиб, ўттиз уч йил толиби илмларга сабоқ беради. Фавсул Аъзам разияллоҳу анҳу кароматда, башоратда ва фаросатда тенгсиз зот эди ва ўз замондошлари орасида “Султон ул—авлиё” деб эътироф этилган эди. Унинг мақсади инсониятни яхшилик йўлида тарбиялаш, ожиз, йўлдан адашган бандаларга ёрдам бериб тўғри йўлга қайтариш, ҳалоллик ва эзгулик учун кураш бўлган эди. Қодирия силсиласининг рамзи яшил ранг эди. “Қодирия” сулукининг шиори шу эдикни, инсон моддий неъматлар яратиши керак, бусиз ҳаёт тўхтаб қолади. Аммо инсон ўзи яратган мол—дунёга меҳр қўймасдан; мол—дунё ҳирсидан фориғ бўлиб, дунё ишига машғул бўлиши керак. Нақшбандия сулукида бевосита ва билвосита Қодирия сулукига суюнган. X VIII асрда Шарқий Туркистоннинг Ёркент шаҳрида яшаб ўтган шоир ва таржимон, мутасаввуф олим ва тилшунос Мұҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Тазкират ул—авлиёй туркий” номли асарида Ҳазрати Фавсул Аъзамнинг ҳаёти ва таълимотига оид кўплаб ривоятлар бор (Қаранг: Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. — Табдил этиб, нашрга тайёрловчи, изоҳлар муаллифи филология фанлари номзоди Икромиддин Остонақул ўғли Оққўрғоний, Тошкент, “Камалак” нашриёти, 1995).

\**Ардашер Бобакон* — Сосонийлар сулоласининг асосчиси, милодий 226—242 йиллари ҳукмронлик қилган.

\*жисем — нашрда жисер, чамаси, қўлёзмада сакталик бор.

\**Султон Маҳмуд* — Фазнавийлар давлатининг ҳукмдорларида (998—1030 йиллари ҳукмронлик қилган). Султон Маҳмуд даврида Фазнавийлар давлати анча кучайган эди. Унинг ҳукмронлигининг охирги йилларига келиб Фазнавийлар давлатига ҳозирги Афғонистон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг бир неча вилоятлари, Ҳиндистоннинг шимолий ҳамда шимоли—фарбий вилоятлари кўшиб олинди. Маҳмуд

Ғазнавий вафотидан кейин (1030 йил) салтанат сусая бошлади, вилоятлар қўлдан кета бошлади. Масъуд 1 даврида (1030–41) Хоразм қўлдан кетди. Қорахонийлар ҳукмдорлари Амударёнинг юқори қисмидаги ерларни тортиб олдилар. Данданаконда Салжуқийлар билан бўлган жанг (1040)дан сўнг Ғазнавийлар давлати таркибида бўлган Афғонистон ва Панжоб вилоятларининг бир қисмигина сақланиб қолди, холос. XІI асрнинг 70-йилларида Фурийлар Ғазнавийларни Шимолий Ҳиндистонга сиқиб чиқардилар. Лахор Ғазнавийларнинг пойтахти бўлиб қолди. 1186 йили Фурийлар Лахорни босиб олгач, Ғазнавийлар давлати тугади.

Маҳмуд Ғазнавий истеъодли шахс бўлгани тўғрисида П. Қаюмовнинг “Тазкират уш-шуаро”сида қуйидагича маълумот берилган: “Маҳмуд Ғазнавий – бу киши жаҳон тарихида Султон Маҳмуд Ғазнавий ёки (ибн) Сабуктегин деб шарқ тарихидан жой олган бу киши шул давлатнинг муассисидур. Шунинг билан бирга, олим, фозил, адибу шоир эди. Унинг саройида шоирлар, фозиллар тўпланаар эди. Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома” номли буюк асарини бунинг буориши билан номига атаб ёзмишдур. Ғазна шаҳарида таҳтга ўлтуруб 33 йил давом этиб ҳижрий ила 421 (мил. 1030) ичи йилда Ғазнада вафот этмишдур. Тубанда бу киши ашъоридан намуналар кўрсатилади.

Ишқаш чунон гирифтки, гуломаш гулом шуд,

Маҳмуд Ғазнавийки, ҳазорон гулом...” (П. Қаюмов. Тазкират уш-шуаро, 118–119-бетлар).

\*Хожа Ҳасан Маймандий — Маҳмуд Ғазнавийнинг вазири.

### **Нома жанри тўғрисида маълумот**

\*Геродот “Тарих” китобида келтиришича, Доро Скифи: бостириб кирди. Скифлар ҳам Дорони чалгитиб, ўзларини қочиб бараётгандай қилиб кўрсатиб, тобора мамлакат ичгарисига олиб киравердилар ва айни пайтда жанговар ҳолатда турдилар. Скифлар жанг бошлашлари учун қулай имкониятга эга бўлсалар ҳам, Доро томондан жанг бошланишини кутиб турдилар. Скифлар, бехуда қон тўқилмасин, Доро яхшиликча бизнинг юртимиздан чиқиб кетсин, деган ниятда Дорога “совға” юборди. “Совға” — қуш, сичқон, бақа ва бешта ўқдан иборат эди. Доро дастлаб бу совғаларни ўз манфаатига мослаб шарҳлади: “Бу совғаларнинг маъноси шуки, скифлар ўз юртини, сувини, осмонини ҳам бизга топшириб, скифлар лашкари таслим бўлмоқчи экан”. Аммо Доронинг маслаҳатчиларидан бири, бу “совға”лар скифларнинг ҳаёт–мамот жангига тайёрлигига ишора қиласиди, деб шарҳлади. Ҳақиқатан ҳам, Доро жанг қилмай, чекиниб, Скифиядан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Скифларнинг юборган “совға”си Дорога огоҳлантириш экани маълум бўлди.

\*\*Филология фанлари номзоди М. Жамолова ўзбек адабиётидаги нома жанри бўйича номзодлик диссертацияси ёзган. У ўзбек адабиётидаги номачиликнинг шаклланишига форс адабиётидаги номанинг таъсири тўгрисида батафсил сўз юритган (қаранг: М. Жамолова. Ўзбек адабиётида нома жанри. — “Фан” нашриёти, 1992).

### Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари

Бу асар “Муборак мактублар” (Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987)дан тузатишлар билан олинди ва А. М. Шчербак нашрига (А.М. Щербак. Огузнаме. Муҳаббатнаме. Издательство восточной литературы. — М.: 1959) солиширилган ҳолда тайёрланди. А.М. Шчербак нашридан киритиб тўлдирилган байтлар қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилди.

“Муҳаббатнома”нинг эски уйғур-турк ёзувидағи нусхаси ҳижрий 835 (мил. 1432) йили Язд шаҳрида Мир Жалолиддиннинг буйруги билан кўчирилган. Асар 14 варагъа жойлаштирилган. Асарнинг асл нусхаси 7914 рақами остида Британия музейида сақланади. Асарнинг фотонусхаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг кутубхонасида 15 рақами остида ва Санкт-Петербургдаги Тилшунослик институтида Н-777 рақами остида сақланади. Инглиз олими Ч. Рье бу қўлэzmани биринчи бор тавсиф қилган (Ch. Rieu. Catalogue of the Turkish manuscripts in the British Museum, p.288a.). Ч. Рье Муҳаммад Ҳўжабекни Андҳуд, Шивирғон ва Балх шаҳарларининг ҳокими Муҳаммад Ҳўжабекнинг айнан ўзидир, деб айтган эди. Аммо В.В. Бартольд бу шаҳарлар ҳеч қаҷон Олтин Ўрда давлатига киирмаганини таъкидлаб кўрсатади (В.В. Бартольд. Отчет о командировке в Лондон. — Известия Российской Академии наук, 1914, сер. У1, вып. 13, СПб., стр. 881). Қолаверса, асарда Муҳаммад Ҳўжабек Жонибек Ҳоннинг таянчи деб кўрсатилади:

Ўза жонсиз тан әрди мулк сенсиз,  
Шаҳаншоҳ Жонибекхонга етгансиз.

Эски уйғур-турк ёзувидағи нусхада эса шу байт бошкачароқ:

Ўза жонсиз тан әрди мулк сенсиз,  
Шаҳиншоҳ Жониҳон мулкин егансиз.

(яъни сиз Жонибекхоннинг қарамоғида эдингиз, деган маънода). Шубҳасиз, бу ўринда Ўзбекхоннинг ўғли Жонибек тўгрисида сўз кетяпти.

Мазкур қўлэzmанинг қиммати шундаки, асарнинг бу нусхаси араб ёзувидағи нусхасидан олдин — аслият ёзилгандан сўнг 79 йил ўтгач кўчирилган.

“Муҳаббатнома”нинг араб ёзувидағи иккинчи нусхаси XVI аср бошларида (1508—1509 йилларда) кўчирилган. Асар 24 варагъа

жойлаштирилган. Бу нусха ҳам Британия музейида 7914 рақами остида сақланади. Мазкур нусханинг эски уйфур—турк ёзувидаги нусхадан фарқи шундаки, биринчидан, бу нусхага форсча матнлар жойлаштирилган. Айрим ўринларда байтлар ва шеърларнинг тартиби ўзгартирилган, баъзи грамматик шакллар, сўзлардаги фарқлар ҳам кўзга ташланади. (Бу ўзгаришларни ўз ўрнида кўрсатиб борамиз.)

“Муҳаббатнома”нинг учинчи қўлёзма нусхаси Истамбул университети кутубхонасида (2753 рақами остида) сақланади, деган фикрлар бор эди. Аммо А.М.Шербакнинг текширишича, бу нусханинг номигина мос келади, мазкур “Муҳаббатнома”га асло алоқаси йўқ. Асарнинг тўртинчи қўлёзма нусхаси тўғрисида К.Г.Залеман, (К.Г. Залеман. Мусульманские рукописи, вновь поступившие в Азиатский музей в 1909—1910 гг. — Известия Имп. Академии наук, СПб., 1911, сер. VI, 4, стр. 260, номер 128), СССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар бўлимида сақлананаётган бўлиши керак, деб хабар берган эди. Аммо бу қўлёзма нусхаси ҳали топилмаган. Шунинг учун ҳозирги пайтда фақат иккала нусха тўғрисида гапириш ва шу нусхаларга таяниш мақсадга мувофиқ.

Араб ёзувидаги нусха форсча матнларнинг мавжудлиги билан фарқларнан экан, бир савол пайдо бўлади: мазкур форсча шеърлар аслиятга тегишлими ёки кейинчалик қўлёzmани кўчириш пайтида киритилганми? Афсуски, икки нусхани солишириш бир хulosага келиш учун асос бўла олмайди. Шундай тахмин қилиш мумкинки, Хоразмий қандайдир форсча асл нусхадан фойдаланган ва ўз асарини ёзишда ўша форсча “Муҳаббатнома”га тақлид қилган бўлиши мумкин. Жумладан, Хоразмий асарининг вазни (ҳазаж), 11 бўғинли мисралар ва форсча метафоралардан фойдаланиш шундан гувоҳлик берадики, Хоразмий бирон форсча нусхадан фойдаланган бўлиши мумкин.

Хоразмийнинг шахси тўғрисида бирон жиддий маълумот йўқ. П. Д. Қайюмовнинг “Тазкираи Қаюмий”сида бу шоир тўғрисида қуйидагича маълумот берилади: “Бу кишининг Нозим Хоразмий деб юритиладурки, ўзининг “Муҳаббатнома” номли йирик асари билан 14—асрнинг буюк классик ёдгори билан танилмishдур. Шоирнинг таржима ҳолигина эмас, ҳаттоқи номи ҳам замонамизда маълум бўлмади. Лекин асари мўътабар китобдур. Бу асар ҳам Олтин (Ўрда) ҳукмдорлари даврида ёзилмиш қадимги асардур. Ўзи Хоразмли бўлган ва Олтин Ўрдада юрган ўзбек шоиридур”. Шундай кейин “Муҳаббатнома”даги Муҳаммад Ҳужабек шахси тўғрисидаги П.Д. Қайюмовнинг мулоҳазалари ҳамда асардан парча берилган. (Пўлотжон Домулло Қаюмов. Тазкираи Қайюмий. Тошкент. 1998, 22—бет).

\*Бунинг сабаби қуйидагича бўлиши мумкин: Олтин Ўрда адабий муҳити фақат ўзбек адабиёти ва ўзбек тилининг равнақи учун курашди. Форс тилидаги бадиий асарларни ўзбекчалаштиришга кенг миқёсда ҳаракат бўлгани ҳам бежиз эмас. Чунки Олтин Ўрданинг

Ўрта Осиё қисмидан бошқа ҳудудларида форс тилидаги адабиёт унчалик тарқалмаган, шунинг учун кенг омма бу тилдаги адабиётни ўқишидан кўпам баҳраманд бўлмаган.

“Мұхаббатнома”нинг эски уйғур-турк ва араб ёзувидағи нусхаси солиширилганда, нафақат сўз ва мисраларда, балки асарнинг мундарижасида ҳам фарқлар кўзга ташланади. Биринчидан, уйғур-турк ёзувидағи нусхада номаларга бўлинмаган, балки “нома” ўрнида “Сўз боши” ишлатилган. Иккинчидан, уйғур-турк ёзуви нусхасида дастлабки форсча ғазалдан тўрт байт берилади, қолган форсча номалар ва форсча шеърий ҳикоят бу нусхасида берилмаган\*. Учинчидан, эски уйғур-турк ёзуви нусхаси таркибида жанрлар қайд этилмаган, балки матн узулуксиз берилаверган.

\*Намруд — Иброҳим пайғамбарни ўтга ташлаган афсонавий подшоҳ.

\*Озар — бу сўз биринчидан, “ўт, олов” маъносини ифодалайди; иккинчидан, Қавс ойининг бошқа бир номи сифатида ҳам кўлланади.

\*Аввал кўрушгонин айтур — уйғур-турк ёзуви (бундан сўнг биринчи нусха деб юритамиз) нусхасида: “Сўз боши”.

\*Хусайнӣ — чамаси, Хоразмий ўзидан олдинги бирон салафига ишора қилган.

\*...соз — Биринчи нусхада ғазал шу байтдан бошланган.

\* Араб ёзуви нусхасида (бундай сўнг иккинчи нусха деб юритамиз): маҳруйе.

\* Иккинчи нусхада: гулдаҳан боз.

\* Ки гардад зуҳра бо хуршид ҳамроҳ — биринчи нусхада шу мисрадан кейин ғазал давом этмайди.

\*Су — иккинчи нусхада: сарв.

\*Тулун ой таъбия су узра қилди — биринчи нусха шу мисрадан бошланади; форсча ғазалнинг давомидан бошлаб шу мисрагача киритилмаган.

\*Эшиштинг эрса — биринчи нусхада: Эшиштимиш бўлғасан.

\* ҳусн — биринчи нусхада: кўрк.

\* Карим — биринчи нусхада: улуг.

\* қиласа — биринчи нусхада: қилди.

\* судин — иккинчи нусхада: суни.

\* Тақи маҳбубини — иккинчи нусхада: Тоги манзурини.

\* Бисот узра салойи ҳома қилдим — иккинчи нусхада: Бу хон узра салом ома қилдим.

\* сўзларимни — иккинчи нусхада: сўнгра нома

\* Мұхаммад Ҳўжабек сифати — сарлавҳа иккинчи нусхада йўқ.

\* Зихи арслонюрак қўнгирот уруги — биринчи нусхада: Аё, арслон юраклиг хон уруги. Хон сўзини қўнгирот сўзига

алмаштиришнинг сабабини А.М. Шчербак шундай изоҳлайди: “Иккинчи нусхада котибнинг Муҳаммад Ҳўжабекни қўнгирот уруғи билан боғлашга ҳаракат қилгани шуни кўрсатадики, Муҳаммад Ҳўжабек ё қўнгирот уруғидан бўлганини кўрсатмоқчи бўлган ёки котиб бошқа кўлёзмадан фойдаланган” (А.М.Шчербак. Кўрсатилган асар, 126—бет).

\* *Муҳаммад Ҳўжабек олам кувончи,*

*Саодат маъдани иқбол ганжи* — байт биринчи нусхадан бўлиб, иккинчи нусхада бу байт қўйидагича берилган:

*Саодат маъдани иқбол ганжи,*

*Муҳаммад Ҳўжабек олам кунжи.*

\* Биринчи нусхада иккинчи мисра: *Шаханшоҳ Жонихон мулкин егансиз.*

\* *Сипоҳинг* — биринчи нусхада: забонинг; бундан ташқари, иккинчи нусхада шу байт биринчи байтдан олдин берилган.

\* Иккинчи нусхада: *Ошар елдин сенинг йилганда отинг*

\* *отинг* — биринчи нусхада: зотинг.

\* *давлатқа* — биринчи нусхада: давлат бу.

\* *учиндин* — биринчи нусхада: ичиндин.

\* *шижоат* — биринчи нусхада: саховат.

\* *Шижоат бирла жудунгдин ҳамиша* — биринчи нусхада:

*Шижоаттур сенинг ишинг ҳамиша.*

\* *муқобил* — биринчи нусхада: байоволон.

\* *ӯқ кўкраю бил* — биринчи нусхада: кўкрап чу арслон.

\* *Кирап* — биринчи нусхада: киурулар.

\* *киру* — биринчи нусхада: киргу.

\* *киру* — биринчи нусхада: киргу.

\* *Агар десам сени Рустам ярарсен,*

*Туганмас минг йил ичра мингда бири* —

биринчи нусхада:

*Қиличинг бирла сафларни бузарсан,*

*Агар маҳди десам сени эзурсан.*

\**ичра* — биринчи нусхада: узра.

\**барбатчи Ноҳид* — Хусрав Парвизнинг машхур мусиқачиси исми *Борбад* бўлиб, *Ноҳид* — ёруғ юлдуз Зухра (Венера) планетасини билдиради.

\* *тобанда* — биринчи нусхада, поянда.

\* *Эшикингда* — биринчи нусхада: эшикда.

\* *кўк* — биринчи нусхада: иқлим.

\**Биринчи нусхада мисралар ўрни алмашган.*

\**дуолар* — биринчи нусхада: санолар.

\* *ёз* — биринчи нусхада: хуш.

\* *Бизинг бек ёдига ишрат қилоли,*

*Нечаким йўқтурур биз сон ичинда—*

биринчи нусхада:

*Эшигил, эй бегим, банданг сўзини,*

*Нечаким бүлмасак, биз сон ичинда.*

\**Биринчи нусхада шубайтдан сүнг: Сүз баши.*

\* ...ичкил, нүкүл ошогил — биринчи нусхада: ич, күнгүл ёзғил.

\* ...юз эллик — биринчи нусхада: юз йигирми.

\* ...бевафодур бу замона — биринчи нусхада: бевафо эрүр замона.

\*Шубайтдан сүнг: Сүз баши.

\* янгоқингда — биринчи нусхада: янгоқингга.

\* Ақиқинг сұхбатиндін жон бүлур сүз — биринчи нусхада:  
*Ақиқіндегі ирніга жон бүлди бу сүз.*

\* 1) Биринчи нусхада шубайт *Саройдин борды Чин Мочинға* чөвинге... байтидан кейін келген; 2) биринчи нусхада: *Қотингеде ерлар* ўпар жумла шаҳарлар.

\* минг — биринчи нусхада: ҳеч.

\* Хизра — биринчи нусхада: *Мисра.*

\* ёвуз — биринчи нусхада: ёмон.

\* Бу күн йүктүр сен ойтек күкта асра — биринчи нусхада:  
Бүгүн йүк дүнёда сендей никор—о.

\* сабр йүк — биринчи нусхада: йүк сабр.

\* эса — биринчи нусхада: айса.

\* дилситонға — биринчи нусхада: дилситона.

\* жаҳонға — биринчи нусхада: жаҳона.

\* Қамуғ бошдин—оёқ оби бақоға — биринчи нусхада: *Ким урап* чехраси минг таңна ойға.

\* меҳринг — биринчи нусхада: меҳри.

\* ишванғ — биринчи нусхада: ҳуснунг.

\* Нетар ул — биринчи нусхада: *Недур ул тен.*

\* ...гадонинг уйини — биринчи нусхада: гадони бир ёна.

\* Зихи — биринчи нусхада: Аё.

\* ҳасратта — биринчи нусхада: ҳазратта.

\* Юзунгедин билгурур — биринчи нусхада: *Юзунгда яшнайур.*

\* қылғыл — биринчи нусхада: бергил.

\*подшоҳнинг — биринчи нусхада: бир шоҳнинг.

\* Сенинг меҳринг била йүғрилди зотим — биринчи нусхада:  
Сенинг ҳажерингдин асрасун пайотим.

\*...май юр ғамни — биринчи нусхада: күттар бу ғамни.

\*сабур йүк — биринчи нусхада: йүк сабур.

\*Ярар — биринчи нусхада: Эрүр.

\*фидоси — биринчи нусхада: гадоси.

\*Рақибингдур тикан, сиз тоза гулсиз — биринчи нусхада:  
Рақибингиз тикансиз тоза гулсиз.

\*чимган — биринчи нусхада: бүстон.

\*онунга — биринчи нусхада: ҳуснунга.

\*оширма бу — биринчи нусхада: ошурмагил.

\*бу — биринчи нусхада: мен.

\*бу ғазалда — биринчи нусхада: бир ғазал ер...

\*...сентек эй — биринчи нусхада: сен кибин...

\*...құл сунди иликким — биринчи нусхада: ал сунди күнгүл ким.

\**кимки* — биринчи нусхада: *кимким*.

\**тоги* — биринчи нусхада: *тақи* (яна).

\**сайрапға* — биринчи нусхада: *сайрайур*.

\**Бу кун оламда бир бүстөн йўқ...* — биринчи нусхада: *Анингтек булбули бўстон йўқ...*

\**ҳайрат* — биринчи нусхада: *ҳайрон*;

\**нақшидін* — биринчи нусхада: *нақшида*.

\**Таҳайюрда* — биринчи нусхада: *тасаввурда; таҳайюр* — ҳайратда қолиш.

\**сабр йўқ* — биринчи нусхада: *йўқ сабур*.

\**оздурур* — биринчи нусхада: *осрутур*.

\**Париу ҳурдин* — биринчи нусхада: *Паридин, ҳурдин*

\**Сизингдек кимда бор* — биринчи нусхада: *Таъалалло зехи*

\**Саботек* — биринчи нусхада: *Сабо нек*.

\**ул ишидин* — биринчи нусхада: *улашиндин*.

\**Нечукким* — биринчи нусхада: *Надаг*.

\**ёшидин* — биринчи нусхада: *яшиндин*.

\**ҳуснунгга* — биринчи нусхада: *ҳусниға*.

\**лола кўнглитек* — бу мисрада *лола* қон маъносини ифода этади. “холингиз”

\**Манго учмоқ эрур* — биринчи нусхада: *Бахишштагдур сенинг*

\**Чечак дермен юзунгузга қамар ҳам* — биринчи нусхада: *Чечактаг юзунга банда камар ҳам*.

\**севганин* — биринчи нусхада: *таплайур*.

\**инсон* — биринчи нусхада: *осон*.

\**Сенинг ишқингда Хоразмий йўқолди* — биринчи нусхада: *Хоразмий ишқинг ўтиға ёқилди*.

\**Валекин* — биринчи нусхада: *Вале ҳам*.

\**Кел, эй ой юзлу дилбар* — биринчи нусхада; иккинчи нусхада: *Кел, эй юзли соқий*.

\* Ҳар икки мисрада шу сўз қуш тарзида берилган, бизнингча, кеш\киш (одат, феъл—автор; йўл, маслак, дин) маъноси тўғри келади ва шу боис кешга ўзгартиридик.

\**Бўлоли* — биринчи нусхада: *Қилоли*.

\**сабр йўқ* — биринчи нусхада: *йўқ сабур*.

\**бўйи* — биринчи нусхада: *қадди*.

\**чехрангда* — биринчи нусхада: *чехрангдин*.

\**Биринчи нусхада бу байт олдинги байтдан олдин қўлланган*.

\**Сақоқинг шуғласи* — биринчи нусхада: *Қароқинг шеваси*.

\**Юзунгузда* — биринчи нусхада: *Юзунгиздин*.

\**кисвати* — биринчи нусхада: *туниудур*.

\* *билур* — биринчи нусхада: *бilsун*.

\**орзусиндин* — биринчи нусхада: *орзусинда*.

\**Жаҳон тутти қаро зулфунг балоси* — биринчи нусхада: *Жаҳон тўйлди сенинг зулфунг қароси*.

\**халқни* — биринчи нусхада: *кўнглуми*.

\**салтанатро қул* — биринчи нусхада: *салтанат қуллар*.

- \*шод эсанг — биринчи нусхада: *шахсан*.
- \*ҳаққо — биринчи нусхада: *жона*.
- \*бўлса мен — биринчи нусхада: *тонсаман*.
- \*Севармен кўзни сизни кўрмак учун, Йурурмен ерда изни кўрмак учун — биринчи нусхада мисралар ўрни алмашган.
- \* ҳаддини — биринчи нусхада: *аҳдини*.
- \*Неча боринча — биринчи нусхада: *Яна боринча*.
- \*сабр ўйқ — биринчи нусхада: *йўқ сабур*.
- \*шоҳи қабойил — биринчи нусхада: *жон сенга мойил*.
- \*танларда — биринчи нусхада: *ул дамда*.
- \*ирнингиз — биринчи нусхада: *лаълингиз*.
- \*Қаро — биринчи нусхада: *Кушо*.
- \*ичра — биринчи нусхада: *ила*.
- \*кундуз — биринчи нусхада: *новак*.
- \*Сақоқингни ёқанг киши ўпар, бас — биринчи нусхада: *Қароқинг шевасин ѡч кимса биллас*.
- \*қадрининг — биринчи нусхада: *неъматининг*.
- \*билсам — биринчи нусхада: *айсам*.
- \*Ичим бағрим — биринчи нусхада: *Қўнгул ичра*.
- \*йўлга — биринчи нусхада: *йўлда*.
- \*киши — биринчи нусхада: *ошиқ*.
- \*Қиёматлар қўнапар — биринчи нусхада: *Қиёматлик қилур*.
- \*мехрингни — биринчи нусхада: *ишқингни*.
- \* иййойин — биринчи нусхадан; иккинчи нусхада: *бўёйин*.
- \*эшикинг — биринчи нусхада: *оёқинг*.
- \*умринг — биринчи нусхада: *бу умрим*.
- \*ашну — биринчи нусхадан; иккинчи нусхада: *ошуну*.
- \*сабр ўйқ — биринчи нусхада: *йўқ сабр*.
- \*Хусн майдонининг — биринчи нусхада: *Илтифот мулкининг*.
- \*Вагар — биринчи нусхада: *Агар*.
- \*бағрим — биринчи нусхада: *кўнглум*.
- \*Таним — биринчи нусхада: *Жоним*.
- \*сендин — биринчи нусхада: *сиздин*.
- \*кўтурман — биринчи нусхада: *кўтарман*.
- \*Фанимат ту(r) умур навқони бизга — биринчи нусхада: *Фаниматтур бу хусн навкони сизга*.
- \*мадҳидин — биринчи нусхада: *сўзидин*.
- \*Санго олмоқ кўнгулни хатм бўлди — биринчи нусхада: *Кўнгул олмоқ сенга да хатм бўлди*.
- \*Вужудқа — биринчи нусхада: *Жаҳонда*.
- \*сентек — биринчи нусхада: *сиздак*.
- \*аладдин — биринчи нусхада: *одамдин*.
- \*оийнасинда — биринчи нусхада: *о(ё)йина сенда*.
- \*булмади — биринчи нусхада: *топмагай*; асли иккинчи нусхада: *хам бўлмади деб хато ўқилган*.
- \*Ичолинг — биринчи нусхада: *Ичоли*.

- \**сочолинг* — биринчи нусхада: *сочоли*.  
 \**бақосиз* — биринчи нусхада: *вафосиз*.  
 \**вафосиз* — биринчи нусхада: *бақосиз*.  
 \**остонангдин ёр хайрбод* — биринчи нусхада: *эшикингдин ош хайрбод*.
- \**Күзум* — биринчи нусхада: *Күзунг*.  
 \**Хуснунг ҳам* — биринчи нусхада: *Жамолингнинг*.  
 \**илгиндин* — биринчи нусхада: *элкинда*.  
 \**боғлагойин* — биринчи нусхада: *боғлайн ман*.  
 \**Богишиласанг қоним* — биринчи нусхада: *Багишила қонуми*.  
 \**Кўзумга* — биринчи нусхада: *кўзумда*:  
 \* *танимга* — биринчи нусхада: *танимда*.  
 \**Кулунгузмен* — биринчи нусхада: *Кулунг мен та*.  
 \**сизингдек бўлмай* — биринчи нусхада: *санингтак табман*.  
 \* *жафоға* — биринчи нусхада: *жафонгга*.  
 \**улардин* — биринчи нусхада: *ўларин*.  
 \**Улумдур* — биринчи нусхада: *Ўлумдур*.  
 \**Маҳол эрур* — биринчи нусхада: *Муҳалдор бу*.  
 \**Нигори* — биринчи нусхада: *Нигорин*.  
 \**то ҳувайдо* — биринчи нусхада: *то ки пайдо*.  
 \**Бу* — биринчи нусхада: *Чу*.  
 \**Аторид кўрди солди хомасини* — биринчи нусхада: *Жаҳонга ёйди бу афсонасини*.
- \**кетургил* — биринчи нусхада: *қилоли*.  
 \**Ичолинг* — биринчи нусхада: *Ичоли*.  
 \**соқлагил* — биринчи нусхада: *тут йироқ*.  
 \**ширин* — биринчи нусхада: *мискин*.  
 \**орзуси* — биринчи нусхада: *орзусидур*.  
 \*Биринчи нусхада шу байт *Шоҳиким қилди хисравларни ширин мисрасидан кейин келган*.
- \**Тамаъ доминда қолур қуши эмас мен,*  
*Тилим айвон уза учқон Ҳумомен —*  
 биринчи нусхада:  
*Очунқа андалибдек хушнавоман,*  
*Телим айвон уза учқон Ҳумомен.*  
 \**ичра* — биринчи нусхада: *бирла*.  
 \**Ким уш ҳам риндмен, ҳам подшомен —* биринчи нусхада: *Ким уш мен ринду ҳам хуш порсомен*.  
 \**текин* — биринчи нусхада: *теги*.  
 \**Назар бирла агар жамсен гар Осаф* — биринчи нусхада: *Назар бирла боқибон сен мукаллаф*.
- \**Үқигил* — биринчи нусхада: *Ўқубон*.  
 \**Суюнсун* — биринчи нусхада: *Севунсун*.  
 \**Суюнсун банда Хоразмий равони* — биринчи нусхада шу мисрадан кейин асарнинг тутагани тўғрисида қуйидагича маълумот берилади: “*Тамом бўлди “Муҳаббатнома” китоби. Қутлуғ бўлсун, тарих секиз юз ўтуз бешта, чичқан йил ражаб ойнинг олтисинда Язд*

шашринда Мир Жалолиддин буюргон учун бу фақири Мансур баҳши бит(и)ди".

\*булгай — иккинчи нусхада бўлгай ёзилган, асли булға (томмоқ) тўғри.

### Хўжандийнинг "Латофатнома" асари

\*Бу асар "Муборак мактублар" (Тошкент, Fafur Fulos nomidagi Adabiёт va san'at nashriёti, 1987)дан тузатишлар билан олинди.

Бу асарни илк бор тўлиқ ҳолда академик Э. Фозилов нашш эттирган (Ходжанди. Латафат—наме. Книга о красоте. Изд. "Фан" Ташкент, 1976). Бизгача "Латофатнома"нинг тўртта нусхаси етиш келган бўлиб, бир нусхаси (эски уйғур—турк ёзувида) Кобу. кутубхонасининг музейда, икки нусхаси (бири араб ёзувида, бири эски уйғур—турк ёзувида) Истанбулда ва бир нусхаси Лондондаги сақланади. Мұхтарам олим ҳар тўртала нусха асосида танқидий матн тайёрлаган. Биз "Муборак мактублар"дан олган матн билан Э. Фозилов нашри ўртасида фарқлар бор. Шу фарқларни кўрсатиш учун Э. Фозилов тайёрлаган нашрдан олинган байтларни қори ҳарфлар билан ажратиб кўрсатдик.

Қобул нусхаси Язд ҳукмдори Амир Жалолиддин Чақмоқнин топшириги билан 893\1488 йили кўчирилган бўлиб, 313 байтда иборат. Бу нусхани 1964 йили Т. Ганжай Италияда нашр қилдирга ва Усмон Сартқоя баязи тузатишлар киритган. Тошкентда илк бои Ҳоди Зариф 1959 йили "Ўзбек адабиёти"нинг биринчи жилдидаги "Латофатнома"дан 5 ва 6—мактубларни чоп эттириди. Бу нусхалар орасида Лондон нусхаси диққатга сазовор. Бу нусха 914\1509 йили кўчирилган бўлиб, "Латофатнома" билан бир муковади "Мұхаббатнома", "Гул ва Наврӯз", Лутфий "Девон"и, "Даҳнома", "Махзан ул—асрор", Яқиний, Амирий, Амирийларнин "Мунозара"си, "Баҳр ул—худо", "Тухфат ул—салотин" каби асарла бор.

\* хати — нашрда хатинг; бизнингча, тўғриси хати.

Сўъбони Мусо — Мусо пайғамбарга ишора. У Исроил ҳалқини Мисрдан бошлаб олиб чиққан. Бу воқеа Библиянинг "Чиқиш" китобида баён қилинган, Мусо пайғамбар шу тариқа Шариф адабиётида чўпон рамзи бўлиб қолди.

Масихо — Исо Масихга ишора. Исо Масих, Библиянинг Янги Аҳд қисмida баён қилинишича, кўп мўъжизалар кўрсатган — сувни шаробга айлантирган, кўр одамларнинг кўзларини очган, шоғодамларга шифо берган ва ҳ. Исо кўрсатган мўъжизаларнинг эн буюги — ўликни тирилтириш бўлган эди. Бу мисрада ёрнишлаблари хаста кўнгилларга жон ато этадиган, Масих сингарид қудратга эга экани айтилмоқда.

\*байрам ҳилоли — “янги кўринган ой” маъносида, шунингдек, “севгилининг янги ойга ўхшаш эгилма қоши” маъносида қўлланади; байрам эса рамазондан кейин келган шакар байрами ва ииди қурбондир. Шакар байрами уч кун давом этиб, рамазоннинг парҳезкорлиги ниҳоясига етади.

\**дами Исо* — Исо Масиҳнинг мўъжизаларига ишора.

\**Тури Сино* — Тур тоғи, Арабистонда.

\**жоми Жам* — Жамшид жоми, Жамшид деган подшоҳ ясаттирган тилсимли жом. Навоий берган маълумотга кўра, Жамшид ҳакимларга буюриб, иккита жом ясаттирган, битта жомнинг номи *жоми ишратфизой* бўлиб, бу жомдаги майни ичган билан тугамас, тўлиб тураверар ва қийшайтирилса ҳам тўкилмас экан. Иккинчи жомнинг номи *жоми гитийнамой* бўлиб, бу жомдан май ичган пайтда дунёда юз берган ҳодисалар кўриниб тураг экан. Бу жомни *жоми жаҳонбин*, *жоми жаҳоннамо* ҳам дейдилар.

\**барбат* — қўбизга ўхшатиб ўрдак шаклида ясалган қадимги чолғу асбобларидан бири.

\**Қароба қони* бирла жони қондор,

*Қароба туйди қоним қона қондур* — мазкур байтда *тавзев* (қтовушлари такори), *радд ус-садр ал-ибтидо* (байт бошидаги сўзнинг иккинчи мисра бошида келиши — *Қароба*), *тажсиси том* (*қон-қона*)санъати берилган.

\**ҳинду* — мажозий маънода “қора тусли” демакдир.

\* *нуқрайифом* — матнда нуқраи хом; матнда сакталик бўлса керак, деган тахминдамиз.

\* *Ҳорут* — афсонага кўра, осмондан ер юзига ҳайдалган икки фариштанинг бири (бошқаси Морут).

\* *Бобил қудуги* — Куръонда айтилишича, Юсуф алайҳиссалом шу қудуққа ташланган.

\* *Адам* — “йўқ, йўқлик” маъноларини билдиради.

### **Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асари**

Асар “Муборак мактублар” (Тошкент,Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987)дан тўлигича олиниб, А. М. Шчербак тайёрлаган нашр (Письменные памятники Востока, историко-филологические исследования, Ежегодник — 1973, Главная редакция восточной литературы, М.: 1979, 236—271—бетлар)га солиштирилди. Зарур ўринларда “Таашшуқнома”нинг А. М. Шчербак илова қилган факсимил нусхасига мурожаат этдик. А. М. Шчербак нашридан олиб тўлдирилган байтлар қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилди.

\*Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. — Тошкент, 1997, Мукаммал асарлар тўплами, 13-том, 168-бет.

Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси XVI асрнинг 1 ярмига мансуғ бўлиб, Британия музейида сақланади. А. М. Шчербакнинг хабај беришча, асар *Хоразмийнинг “Мұҳаббатнома”си*, Лутфийнин девони, “Гул ва Наврӯз”, Мир Ҳайдар —Мажзубнинг “Махзан ул-асор”и, Яқиний, Аҳмадий ва Амирийларнинг мунозараси Хўжандийнинг “Латофатнома”си билан бир муқовададир “Таашшуқнома”дан битта номани 1927 йили А. Н. Самойлович ил бор чоп эттирган эди. У яна “Таашшуқнома” билай “Мұҳаббатнома”нинг тил хусусиятларини қиёслаб, бир мақола ҳам эълон қилган эди (“Маориф ва ўқитғучи” журнали, Самарқанд, 1927 3—4-сонлар, 42—47—бетлар). “Ўзбек адабиёти” (Тошкент, 1959, 341—347—бетлар) мажмуасида ҳам “Таашшуқнома”дан баъзи парчалар чои этилган эди. Турколог Ч. Рёҳ ҳам Саид Аҳмаднинг “Латофатнома” асарини ўз каталогига киритган (Қаранг: Ch. Rieu. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum, p. 288). Аммо у Навои берган маълумотларни инобатга олганми ёки Хўжандийнин “Латофатнома”сини назарда тутганими — буниси маълум эмас Асарнинг баъзи ўринлари, В. В. Бартольднинг кўрсатишича мажозий маъно ифодалайди (қаранг: В. В. Бартольд. Улугбек и ега время. — Сочинения, ч. 2, М.: 1964, стр. 96).

\*муғиз — нашрда Шчербак нашрида *мағози*; бизнингча, *муғи* (файз етказувчи, файз берувчи) бўлиши керак.

\*амиминг — факсимил нусхада *амининг*.

\*муқаддам — “Муборак мактублар”да *мақдам*.

\*бан — “Муборак мактублар”да *бинни*.

\*Сочингдин — матнда ва нашрларда *сакингдин*; бизнингча сочингдин бўлиши керак.

\*бечорани — “Муборак мактублар”да *бечора не*.

\*шўхи — Шчербак *рухи* (*шўхи?*) деб беради, факсимил нусхада шўхи.

\*дилфуруз — “Муборак мактублар”да *дилафруз*.

\*Анинг — “Муборак мактублар”да *Инак*.

\*Қоф — бутун ер юзини ўраб олган, деб хаёл қилингай афсонавий тоғ номи; афсонавий анқо қушини ҳам шу тоғдай дейилади.

\*Хайбар — Арабистон ярим оролида Хижоз ўлкасининг шарқи чегарасида ва Мадинадан 170 километр шимолда жойлашган биј шаҳарча. Уйлар баланд қоянинг тепасига қурилган. Мұхаммад САЛ яёв икки юзта лашкари билан Хайбарни фатҳ қилган. Хайбарни қадимги аҳолиси яхудийлар бўлиб, фатҳдан сўнгра ватанларид қолдирилган бўлсалар ҳам, халифа Умар ҳамма яхудийларни Шомғ жўнатиб юборган.

\*севинур — “Муборак мактублар”да *суюнур*.

\*тегур — “Муборак мактублар”да *етқур*; факсимил нусхада *ҳа* тегур.

\*Сочи валлайлу юзи ваззуҳога — соchlари тунга ўхшаш қора 1 юзлари гўзалга.

\* то ёнмай – “Муборак мактублар”да таянмай.

\* тегур – “Муборак мактублар”да еткур; факсимил нусхада ҳам тегур.

\*бўлғай – “Муборак мактублар”да, Шчербак нашрида ва факсимил нусхада бушғай; бизнингча, қўлёзмада сакталик бор.

\*тортор – “Муборак мактублар”да тотор; факсимил нусхада ҳам тортор.

\*Хад аро – “Муборак мактублар”да Худоро.

\*ҳам – “Муборак мактублар”да ким; факсимил нусхада ҳам.

\*севинур – “Муборак мактублар”да суюнур.

\*аймас – “Муборак мактублар”да эмас.

\*бир оз – – “Муборак мактублар”да пур аз.

\*Чу – А.М. Шчербак жавшан деб ўқиган; факсимилда чу.

\*ё – “Муборак мактублар”да эй; факсимилда ё.

\*барчасиндин – “Муборак мактублар”да барча сендин.

\*қўллуқчисидур – “Муборак мактублар”да қўллуқчисидур; А.М.Шчербак нашрида қўлмуқ хапишидур; факсимилда қўллуқчисидур. Бу сўз “қўл бўлувчи” маъносини билдиради.

\*хуршидон – “Муборак мактублар”да хуршиди оён; факсимил нусхада хуршидон.

\*раҳови – “Муборак мактублар”да ҳовоий.

\*Йалиник – “Муборак мактублар”да Мутнинг; А.М.Шчербак нашрида Муфинг; биз йалиник деб ўқидик.

\*Магар сultonи хубон бехабардур – “Муборак мактублар”да – Машғуллардин бори маъзул бўл; аммо бу мисра фотонусхада ҳам Шчербакники сингари бўлиб нима сабабдан қўллангани бизга номаълум.

\*Тек турки – “Муборак мактублар”да Еткурки; факсимил нусхада тек турки.

\*хумор ашқин – “Муборак мактублар”да хумор ишқин; А.М.Шчербак нашрида хумор ишкан; биз ҳам факсимил нусхага асосландик.

\*Сухан кўтоҳ кунам кон табъи нозик,

Надорад тоқати чандон гарони – Сўзни қисқа қилдим, токи нозик таъб одамлар оғир сабр–тоқат қилиб ўтиրмасинлар.

### \*Юсуф Амирийнинг “Даҳнома” асари

Бу асардан парча “Муборак мактублар” (Тошкент, Fafur Ўзум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987)даги матнни академик Э. Фозилов тайёрлаган нашр (Э.И. Фазылов. Лондонская рукопись “Дах–наме” и “Спора между опиумом и вином Юсуфа Амири”, Ташкент, 2007,) га қиёсланган ҳолда тузатишлар билан олинди. Э. Фозиловдан олиб тўлдирилган парчалар қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилди. “Муборак мактублар” билан Э.Фозилов тайёрлаган нашрдаги фарқлар кўп бўлгани ҳамда Э. Фозилов нашри анча сифатли амалга оширилгани учун, ҳамма фарқларни беришни

лозим топмади к. Қолаверса, Эргаш Фозилов нашрида “Муборак мактублар”даги фарқлар батафсил кўрсатиб берилган.

Яқин вақтларгача Истамбул университети қўлёзмалар фондида сақланаётган 5452 рақами туркӣ девони Юсуф Амирийга нисбат бериб келардилар. Ана шу қўлёзмадан бир неча газал ва туоқларни 1926 йили А.Н. Самойлович нашр ҳам қилдирган. Бу туоқлар ва бир таржибанд Юсуф Амирийнинг ижодидан намуналар сифатида “Ўзбек адабиёти (биринчи том, ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1959) га ҳам киритилган. Мана, ўша туоқлардан бири:

Телбаман шаҳло кўзунг олусидин,  
Узмадим боғингда васл олусидин,  
Ҳажр даштида югурмоғлиғ била,  
Етмадим васлингга йўл олусидин.

Туркия Ҳалқ Маорифи вазирлиги Истамбул университетидаги қўлёзмалар каталогини тузиш жараёнида шуни аниқладики. юқоридаги рақам остида сақланаётган қўлёзма Кўқон хони Амир Умархонники экан. Фуод Кўпрулуздода Юсуф Амирийга нисбат берган қўлёzmани профессор И.Х.Эртайлон синчиклаб ўрганиб Амир Умархонга тегишли эканини аниқлади. Юсуф Амирийнинг туркӣ тилдаги девони ҳали топилмаган, деб айтилади. Аммо машҳур адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов Юсуф Амирийнинг

Вафо то бўлди жононимга маҳсус,  
Жафову жавр эрур жононимга маҳсус.

Хирому жилвау нозу малоҳат,  
Эрур сарви хиромонимга маҳсус  
байтлари билан бошлунувчи ғазалига Навоий шу вазн ва радио  
билан жавоб ёзганини айтади. У Навоийнинг

Рақиб ул навъ эрур жононга маҳсус  
Ки, муҳдлик дарди онинг жонга маҳсус...

Эрур ишқинг мени маҳзунга маҳсус  
Ки Лайли дардидур Мажнунга маҳсус  
матлали ғазаллари айнан Юсуф Амирийнинг юқоридаги ғазалларига жавоб тарзида ёзилганини таъкидлайди (А.Ҳайитметов Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент, “Фан” нашриёти 1996, 87–бет.). Бизнингча ҳам, Абдуқодир Ҳайитметовнинг гаплари ҳақиқатга яқин қелади. Аммо қўлёзма Туркияда сақланаётгани учун бу ҳақда батафсил сўз юритиш имкони йўқ. Биз ҳам А.Ҳайитметовнинг фикрларига қўшилган ҳолда, мазкур ғазаллар Юсуф Амирийники, деган хulosага келдик ва икки ғазални юқоридаги мажмуудан олиб беришни лозим топдик.

Форсий девони (Аё София кутубхонасининг қўлёзмалар фондида 3883 рақами остида сақланади), “Даҳнома”си ва “Банг

Чоғир мунозараси” (ҳар иккаласи Британия музейида сақланади) маълум, холос. Иккала асарни ҳижр. 914 (мил.1508) йили Ҳиротда Муҳаммад бин Хоғиз Жумъян Ансорий кўчирган.

Шунингдек, “Даҳнома”нинг фотонусхаси Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт—Петербург бўлимида ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида сақланади.

“Даҳнома”дан айрим парчалар “Ўзбек адабиёти” (ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, тўрт томлик, Тошкент, 1959)нинг 1—жилдидаги чоп этилган.

\*Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, Ўн олтинчи том, Муҳокамат ул— lugatayn. — Тошкент, “Фан” нашриёти, 2000, 36—бет.

\*E.G.Browe. The Tadhkiratu'sh-shu'aru of Dawlatshah. London. 1931, p.398 (ушбу иқтибос Э. Фозиловнинг юқоридаги асаридан олинди).

\*Колим — Мусо пайғамбар.

\*Меҳр — Қуёш, пайғамбарнинг бир сифати; байтнинг мазмуни қуидагича: фалакдаги Қуёш иккига бўлинди, ўшандан бўён ой танҳо кезади.

\*важи — Афсонага кўра, пайғамбарга Жаброил фаришта орқали Худодан юборилиб турган хабар.

\*Уммуҳон — Муҳаммад САВнинг холаси?

\*ҳужра — тўққиз қават осмон маъносига қўлланган.

\*қабо қавсайни — икки ёй оралиғида ёки ундан яқинроқ” (Куръон, 53—сурә, 9—оят)

\*фақр ичида асраб мақомин — йўқсиллик билан, дунёдан кечиб, ўз ўрнига эга бўлиш.

\*жархи ҳуруф иқлими — очиқ ва баланд овоз билан сўзламоқ ёки ўқимоқ; тажвидда: ҳарф ҳаракатлар билан ўқиганда, маҳражла оралиқ қолмайди; тасаввухда: вужуди мутлақ сабаби билан ўзини кўрмоқ ва кўрсатмоқ истаги билан аввало, калом суратида кўринган ва ҳарфлар билан белгиланган. Бу ҳарфлар фақат каломнинг эмас, балки жамики мавжудотнинг, таянчидир. Бутун нарсаларнинг жавҳари ҳарфдир. Ҳамма нарса бир калом ҳукмидадир. Ҳуруфийлик ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Agah Sirri Levend. Divan edebiyati. — Istanbul, 1964, 56-62- бетлар.

## Юсуф Амирий

### “Чоғир ва банг”

Бу асар “Муборак мактублар” (Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987) китобидаги транслитерация билан Э. Рустамовнинг “Узбекская поэзия в первой половине XV века” (М.: изд. Восточной литературы, 1963) китобида берилган “Чоғир ва банг” қўлёзмасининг фотонусхаси билан солиштирсан ҳолда тайёрланди.

\* Мазкур иқтибос Э. Рустамовнинг юқоридаги асаридан олинди, 32—бет.

Зотан, Юсуф Амирий Шоҳруҳ ва Бойсунгур Мирзо хукмронлиги даврида яшаб ижод қилган. Давлатшоҳ Самарқандий Юсуф Амирий тўғрисида тўхталиб, Шоҳруҳ мирзога ва Бойсунгур мирзога бағишлаган қасидалари, яна ғазаллари тўғрисида тўхталади, аммо Амирий мунозара жанрида асар ёзгани тўғрисида хабар бермайди (гарчи мазкур тазкирада мунозара жанри шоир Асади Тусий номи муносабати билан эсланса ҳам). Давлатшоҳнинг айтишича, “Дар ин рузгор ашъори мунозара камтар мигўянд — бу даврда (яъни ХУ асрда — Н.Р.) мунозара ёзиш билан кам шуғулланадилар”. Эҳтимол, Давлатшоҳ Амирийнинг мунозарасини қайд этишни кераксиз деб билган бўлса керак. Чунки бу жанр ўша пайтда кенг тарқалмаган эди. Яна шундай тахминлар борки, Давлатшоҳ Самарқандий шоир Амирий тўғрисидаги маълумотларни Навоийнинг “Мажолис—ун—нафоис”идан олган бўлиши мумкин. Номаълум сабабларга кўра, Навоий ҳам Амирийнинг мунозарасини эсламайди. Бунга сабаб ҳам бу даврда мунозаранинг кам ёзилгани бўлса, эҳтимол.

\* Саллоюҳ алайҳи ва ала алиҳи ва ашҳаби ажмаин — матннинг бошланишидан шу жойгача транслитерацияда тушириб қолдирилган.

\* қўлёзмада: *наср* — транслитерацияда *форс* деб ўқилган.

\*.. Бу хаёл ажисб кўрунди мангъа, аммо nochor бўлди яхши бўлгай, дедим, алмаъмуру маъзурун — бу жумла транслитерацияда тушириб қолдирилган.

\*Юсуф Амирий аҳсаналлоҳ авоқибаҳу — бу жумла транслитерацияда тушириб қолдирилган.

\**асҳоб* — нашрда *асҳод*; қўлёзмада *асҳоб*.

\* қўлёзмада *тарёқ* — нашрда *тарик* деб ўқилган.

\* Дедим: “Субҳон Оллоҳ не холдур” — транслитерацияда тушириб қолдирилган.

\*йам —бунда сўз ўйини бор: 1) *йам* сўзи тескари ўқилса *мад* бўлади; 2) ем бўлиш, яъни тановул қилиш маъноси ҳам бор.

\* қўлёзмада *нозуклук* — нашрда *нохушлик* деб ўқилган.

\* қўлёзмада *мени* — нашрда *сени* деб ўқилган.

\* қўлур ҳол — нашрда *қилур. Ҳол*

\* қўлёзмада *қазия* — нашрда *қазийн* деб ўқилган.

\* қўлёзмада *вақтни* — нашрда *диққатни* деб ўқилган.

\* қўлёзмада *мамдуҳ* — нашрда *мамлӯҳ* деб ўқилган.

\* *Дил пок ту дурри ақл рўёнад зи қалби йам* — Сенинг со мусаффо дилинг дengiz қалбida ақл дуррини ўстиради.

\*қүләзмада дунё — нашрда дунёда деб ўқилган.

\**Кабо лаълу, камар лаълу, гулу лаъл,*

*Лабаш ҳам лаълу, бини лаълу, бў лаъл* — Кийими лаъл (қизил рангда), камари лаъл, бурни лаъл, (гўзал танидан тарқалган ҳид ҳам) лаъл.

\*қүләзмада жонлар — нашрда қонлар деб ўқилган.

\*қүләзмада қўё(p)лар — нашрда қўллар деб ўқилган.

\*қўләзмада ҳар кўйдаким — нашрда қайдаким деб ўқилган.

\**Эй валивалии ишқи ту бор сари кўе,*

*Риндони сари кўйи ту маст аз ту ба бўе* — Эй ишқинг ҳамма ерга овоза бўлган, Кўйнингда юрган риндлар фақат сендан келган ҳиднинг ўзидан маст бўлмиш.

\* *ва* — нашрда шу сўз тушиб қолган.

\*қўләзмада дурда — нашрда даврда деб ўқилган.

\*қўләзмада айш — нашрда иш деб ўқилган.

\*қўләзмада ҳақимда — нашрда сифатида деб ўқилган.

\* қўләзмада билмон — нашрда Солмон деб ўқилган.

\*қўләзмада зўрумни — нашрда сўзумни деб ўқилган.

\**Зи оби сурхи май уфтодааст Золи хирад,*

*Чи жойи Зол, ки Рустам биёфтад аз сурх об* — Майнинг қизил суви ал Золини йиқитмиш, Золнинг холи не бўлгайки, қизил сув Рустамни ҳам йиқитади.

\*Хайҳотки номаи ба забони ту барояд,

*Ё ҳамчу те туеро чу мане дар назар ояд* — Сен қаердаю мени тилга олишинг қаерда. Ёки “Сен киму мен ким”.

\*бу ало — нашрда: *Бу Али.*

\**Эй давои нахвату номуси мо,*

*Эй ту Афлотуну Жолинуси мо* — Эй бизнинг виждонимиз, номусимиз даво! Эй бизнинг Афлотунимиз, Жолисунимиз! *Жолинус* — қадимги юонон олимни Гален. Мелодий 130–200 йилларда яшаган.

\*ислоҳ — нашрда истилоҳ.

\**Сабзеки шифойи мардуми дилтангаст, 7исолай дилкушо*” (Кўнгилни очувчи рисола), “Ушшоқнома” (Ошиқлар ҳақида китоб) “Муш ва фурба” (Сичқон ва мушук) каби асарлари ва достонлари билан машҳурдир. Ҳазил-мутойиба ва ҳажвиётлари рисолаларда үтрайди. Айниқса, Салмон Соважий билан биринчи марта үтравшувда бу улуғ шоирга нисбат бериб айтган байти машҳурдир. Ана шу ҳажвий байтдан кейин иккала шоир танишади ва Убайд юконий Салмон Соважий марҳаматига сазовор бўлади. Бу

түғрисида Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” (ТошкенFaфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 121-бес асарида шу байт билан боғлиқ ҳикоят келтиради. Давлатшоҳ Самарқандий Убайд Зоконийнинг ўз даврида катта ҳурмат-эҳтиром сазовор шоир бўлганини кўрсатади.

\**Мо кўҳи куличаро палангем,*

*Мо баҳри муҳичаро наҳангем* — Биз кулчалар тоғиниң қоплонимиз,

Биз балиқчалар денгизида энг катта балиқмиз.

\**Ақлеки, эй кавнайи фузун меояд,*

*Дар дасти майи ноб забун меояд.*

*Ҳам банг ки, ранги зиндагони дорад,*

*Кал ранги шароб бўйи хун меояд* — Икки дунёда зиёда бўлгага ақл узумдан қилинган май олдида ҳеч нарсага арзимай қолади. Агъбангда тириклик ранги бўлса, шароб рангидан қон ҳиди келади.

\**Қўйлётмада саҳт* — нашрда пухта деб ўқилган.

\**оҳсумлук* — оқжумлук деб хато ўқилган.

\**Ҳофиз Шерозий* — асли номи Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад (тахминан 1325 йили Шерозда туғилиб, 1389/ 90 йил вафот этган), буюк форс шоири. Болалигиданоқ Куръонни қиро билан ёд ўқигани учун Ҳофиз номини олган. Яхши хаттот бўлга Хусрав Дехлавийнинг “Ҳамса”сидан Ҳофиз кўчирган 2–4 достоннинг нусхалари ЎзФА Беруний номидаги Шарқшуносли институтида сақланади. Ҳофизнинг шуҳратини оширган асарлаф унинг ғазалларидир. У Саъдий ва Хусрав Дехлавий шакллантирга ғазал жанрини юксак поғонага кўтарди. Гёте Ҳофиз ғазалларига баъ берар экан, “шодлик ва қувноқлик чашмаси” деб таърифлага Ҳофиз ғазалларида тасаввуфий тимсоллар тўлақонли ифодаси топган. Ҳофизнинг адабий мероси битта “Девон”ида жамланга “Девон” шоир вафотидан 35 йил кейин шерозлик адабиётшунинг Муҳаммад Гуландом (XIV аср охири – XV аср бошлари) томониде тузилган ва у Европада XIX асрда нашр этилган бошқа нусхали учун асос бўлган. Ҳофиз “Девон” матнини XVI асрда биринчи мар турк олими Судий тиклашга уринган. Сўнг Муҳаммад Қазвини Қосим Фаний, Қосим Анжавий ва бошқалар “Девон” матни бирмунча аниқликлар киритганлар. Қ. Анжавий нашри (Техро: 1967) га асосланган ҳолда “Девон”да 418 ғазал, 5 қасида, 29 қитъя, ‘рубой’ ва 3 маснавий (“Ёввойи оҳу”, “Соқийнома “Муғанийнома”) мавжуд, деб айтиш мумкин. Тошкент, Ҳофизнинг “Девон”и 1892–1911 йилларда форс тилида деярли ҳили или нашр этилган ва Ўрта Осиё, Эрон мактабларида дарслси сифатида ўқитилган.

\**Бошад эй дилки, дари майқадаҳо бикушоянд,*

*Гиреҳи кори фурубастайи мо бикушоянд* — Эй кўнгил, кошк майхоналар эшигини очсалар эди, юришмай қолган ишим тугунини майхоналарда ечсалар эди.

\**Бе лаълу зумуррад нотавон ҳуррам буд,*

*Чун лаъл набошад, ба зумуррад созем — Лаълсиз, зумрадсиз хурсанд бўлиш мумкин эмас. Агар лаъл бўлмаса, зумрад билан кўнгил очайлик.*

\**Қўллэзмада маҳфил улки — нашрда маҳфилдаки деб ўқилган.*

\**Эй духтари роз, ту порсойи мафуруши!*

*Кас нист ба олам ки, туро наниҳодаст — Эй узум қизи, сен художўйлик тўғрисида сафсата сотма. Оламда ҳеч бир инсон йўқки, сени кўрмаган бўлса.*

\**Андоқки — нашрда Андоқни деб хато ўқилган.*

\**Ҳар каски алафвар хўрад ҳар гардад — Кимки ўт еса, у эшак бўлади.*

\**Қўллэзмада букун ва бардам — нашрда тўқум ва бардам деб ўқилган.*

\**Қўллэзмада чолок — нашрда чолук деб ўқилган.*

\**Жоно, зи жамоли хеш огоҳ наий — Жоно, ўз жамолингдан огоҳ этмассан.*

*\*Сармояи фасоду палиди дари ситам,  
Беҳи дараҳти фитна тухми ниҳоли ғам.*

*Бунёди ҳар палидию қонуни ҳар бади,  
Анжоми ҳар шақовату оғози ҳар надам.*

*Асли фасоду. Арбадву ҳасми мулку мол,  
Нуқсони ақлу дину балойи зару дирам.*

*Дар зарби шаръ оташу дар чаими ақл хос,  
Боди димоги нахваму оби руҳи ситам.*

*Ҳамри палид донки, бувад охираш фасод,*

*Жоме азу чу хурди, агар ҳаст жоми Жам — Фасод сармояси, ситам эшигининг қалити, фитна дараҳтининг илдизи, ғам ниҳолининг уруғи. Ҳар қандай палиднинг бунёди, ҳар қандай ёмонликнинг қонуни, Ҳар қандай баҳтсизликни зоҳир қилувчи, ҳар қандай афсусланишларни бошлаб берувчи. Асли фасод, уруш ва жанжалларни уюштирувчи, молу мулк ҳасми. Ақл ва дин нуқсони, нул ва олтин балоси шариат олдида оташ, ақл кўзи олдида хок, ғурурлик димогининг ели, ситам руҳининг аччиқ сўзи. Май бир палиддурки, охири фасоддур. Ичсанг ҳамки, сен бир пиёла ҳатто Жамшид жомидан.*

*\*...ҳамр дерлар, ҳаминки ўртанг ёриб, замари “мим”ини ичингдин чиқорсан, “ҳар” бўлурсен ва мундин ортуқроқ оюрушсан, “тар” бўлурсен — арабча “ҳамр” сўзидан “мим” ҳарфи тушириб қолдирилса, “ҳар” сўзи ҳосил бўлади ва “эшак” маъносини, “тар” форс тилида “рутубат” маъносини ифодалайди.*

\**Қўллэзмада кўки — нашрда кўқайи деб ўқилган.*

\**Энг банди фуруру ба худат фикре кун,*

*Бо ҳарки расну калла хушки нанамойи“* — Эй юзсиз банг, ўзинг бир ўйлаб кўр, Охир сен кимга яқинлашмагин, уни ақлдан оздирасан.

\**Ки кас мабод зикирдори носавоб хижил* — Киши носавоб қилмишидан хижолат бўлмасин.

\**Кимиё хонанд онон каз хирад бегонаанд,*

*Рост мегўянд оре, чеҳраҳошон чун зараст* — Ақлдан бегоналар кимё деб атайдилар. Рост айтмишлар албаттаки, уларнинг юzlари зардур (сариқдур).

\**Рўйи зардам рақиб нашиносад,*

*Ҳар чи, донанд ки, заъфарон чи бувад* — Сарғайган юзимни рақиб билмайди, заъфароннинг нима эканлигини эшак қандай билсин!?

\**Омин ё Rab ул—оламин!* — транслитерацияда тушириб қолдирилган.

### **Яқиний**

#### **“Ўқ ва Ёй“**

Бу асар “Муборак мактублар” (Тошкент, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987) китобидан тузатишлар билан олинди.

\*Э. Рустамовнинг юқоридаги китобидан таржима қилиб олинди (233-бет).

\* *амир Қосим Анвор қаддаса аллоҳу сирраҳу* — бу ном “Мажолис—ун—нафоис”да ҳам эсланади. Навоийнинг айтишича, Қосим Анвор 835\1431–32 йилларда вафот этган. Яқиний ҳам Қосим Анвор тўғрисида гапирганди, қаддаса аллоҳу сирраҳу калимасини ишлатади. Демак, Яқинийнинг мазкур мунозараси амир Қосим Анвор вафотидан — 835\1431–32 йиллардан кейин ёзилган. Агар бу мунозара ХУ асрнинг иккинчи ярмида, яъни Навоий ҳаётлигида ёзилганда эди, у албатта тазкирасида Яқинийнинг исмими қайд этмаслиги эҳтимолдан узоқдир. “Мажолис”да Яқиний тахаллусли икки шоир тўғрисида сўз кетади. Улардан бири, Навоийнинг айтишича, яхши шоир эди, Султон Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган, ҳарбий юришлардан бирида ярадор бўлиб оламдан ўтган. Иккинчи Яқиний тўғрисида Навоий шундай ёзади: ““Мавлоно Яқиний — тундроқ машраблиқ киши эрди. Туркий ва форсий шеър айтур эрди. Туркчасидин бу матлани кўп мубоҳотлар била ўкур эрдиким:

Оҳким жонимфа еттим ёри нодон илгидин,

Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин.

Аммо форсийсидин бу матлаи ёмон воқеъ бўлмайдурким:

Субҳеки, дам ба меҳр назад як нафас туи,

Наҳлеки, бор наҳӯрад аз у ҳеч кас туи

(Бир нафас бўлса ҳам қўёшга дам урмаган тонг сенсан, мевасидан ҳеч ким ея олмайдиган дараҳт сенсан).

Охир дамида беадабона сўзларидин тавба қилиб, аҳли салоҳ тарийиқи билан кечти. Умеким, маъфу бўлмиш бўлғай. Қабри Дараи Дубародарондадур” (62–бет). Кўринадики, бу Яқинийнинг саройга яқинлиги тўғрисида Навоий бирон сўз айтмайди. Ч. Ръё “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг муаллифи иккинчи Яқинийдир, деб айтади. Э. Рустамов эса, мунозара ҳарбий ҳаётдан ва сарой муҳитидан олинганини назарда тутиб, “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг муаллифи биринчи Яқинийдир, “Муҳокамат ул–луғатайн” да Навоий айтган Яқиний ҳам шудир, деган тўхтамга келади.

\* *Камон абру батирам зад завқи тири мижгонаш,*

*Басар ғалтидаму гуфтам фидоят бод жонам раҳ!* – Қоши камон менга ўқ отди, унинг киприк ўқи завқидан бошим билан ийқилдиму “жоним йўлингга фидо бўлсин”, дедим.

\**Муҳаммад Мағрибий* – Алишер Навоий “Насойим ул–муҳаббат” асарида Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Маржоний Мағрибий қ.с. тўғрисида шундай маълумот беради: “Машойих бузургларидин ва сўфия акобиридиндур. Улуми илоҳи ва маорифи раббоний (жаноби Ҳаққа оид) аввоби (эшиклар) юзига очилгандур. Анга дедиларки, фалон дедики, шайх сўз айтур эрди, кўрдумки, осмондин бир нури амудий шайхнинг оғзига муттасил (туташ, кетма–кет) эрди. Чун шайх сўзни бас қилди, ул нур мунқатиъ (ажралган) бўлди. Шайх табассум қилди ва дедики, ул билмайдур, нур мунқатиъ бўлғондин сўнгра мен сўзни бас қилдим, яъни ул нурдин амуд осмондин илоҳий мададининг сурати эрди. Чун ул мадад мунқатиъ бўлди, сўз қатиъ топти. Етти юз тўқсон тўққузда Тунисда дунёдин ўтти” (Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Насойим ул–муҳаббат. “Фан” нашриёти, Тошкент, 2001, 411–бет). Бизнингча, мунозарада зикр этилган Муҳаммад Муғанний шудир.

\**Чу абруйи ту камон хешро агар дорад,*

*Зихи тасаввури қажи у магар ду сар дорад* – Камон ўзини сенинг қошингга тенг тутар экан, унинг боши иккитамики бундай эгри тасаввурда бўлди!?

\**Сар дар пайи ҳар кас, ки ниҳам, то ба қиёмат.*

*Бегуризаду як чашм задан назарад аз паст* – Мен кимнинг оёғига бош қўйсан, қиёматгача мендан қочадию бир кўз очиб юмгунча ҳам қайрилиб боқмайди.

\**Дофеки, ҳаст бар дили кушиман кунад ду ним,*

*Он тири тез парри тукаш ном кайбураст* – Кайбур аталувчи у ўткир ўқ душман дилидаги қора дофни иккига бўлиб ташлайди.

\**Хожса Ҳисрав Дехлавий* – асли исми Яминиддин бўлиб, 1253 или Ганг дарёси бўйида жойлашган Патёли қишлоғида (Ҳиндистон) иирик давлат арбоби оиласида дунёга келди. Бу буюк мутафаккир тўғрисида батафсил ва ишончли маълумот Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Газкиратуш–шуаро” асарида бор. Давлатшоҳ, бир томондан, Ҳусрав Дехлавийнинг шоир сифатидаги иқтидорини, иккинчи томондан, унинг қомусий илм эгаси эканини батафсил таърифлайди. Давлатшоҳнинг Ҳусрав Дехлавий тўғрисидаги

маълумоти қуидагилардан иборат: “Унинг (Яминиддиннинг – Н.Р.) камолоти (ортиқча) шарҳ ва баёнга муҳтоҷ эмас. Фариштасифат зоти олам маънилари ганимати билан бой, ийқон (яъни имон) конининг гавҳари ва ирфон дарёсининг бебаҳо дуридир. Ҳақиқат ишқибозлигини мажоз шевасида безаган, балки ҳақиқатнинг зебо келининга ишқибозлик қиласи, гўзал ашъори билан телба ошиқлар ярасига туз сепган, хасталарнинг шикаста дилларини хусравона замзамаси илиа мадҳуш этган (зотдир). Ошиқлар подшосидурким, номи ҳам Хусравдир. Сўзамоллик мулкида бу ном бенуқсондир. Амир Хусравнинг асли туркдир. Айтишларича, у сабзалар қуббаси аталмиш Кеш шаҳридандир. Бошқа гапларга қараганда, у Пой мурғ ва Қарши атрофида истиқомат қиласи лочин ҳазорасидан бўлиб, у тоифа Чингизхон хуружи пайтида Мовароуннаҳрдан қочиб, Хиндистонга келган ва Дехлида ўрнашиб қолган. Амир Хусравнинг ота–боболари Султон Шамсиддин Муҳаммад (Шимолий Хиндистонда 1206 –1555 йиллари ҳукмронлик қиласи музизийлар сулоласидан учинчи ҳукмдор Шамсиддин Элутумиш, 1211–1236 йиллар ҳукмронлик қиласи) замонида амирлик мартабасига эришганлар. Амир Хусравнинг отаси Амир Маҳмуд ўша тоифанинг меҳтари ва амирзодаси бўлмиш Дехли ҳукмдори Султон Муҳаммад Тўғлуқшоҳ (яъни Шамсуддин Элутумиш) даврида Ҳиндга амир бўлди. У Султон Муҳаммад Тўғлуқшоҳнинг турли иноятларига эришди ва олий даражага сазовор бўлди. (Амир Маҳмуд) кофирлар билан урушда шаҳид кетди. Амир Хусрав отасининг ўрнига ўтириди. Хиндистон подшоси Султон Алайддин Муҳаммад (у ҳам мунзизийлар сулоласидан бўлиб, еттинчи ҳукмдор Алайддин Масъудшоҳ, 1242–1246 йиллар ҳукмронлик қиласи) Амир Хусравга кўп иноятлар кўрсатди ва у амирлик мартабасига кўтарилиди. Хизмату мулоzамат вақтида турли фазилатлар касб этди ҳамда ота–боболарининг йўл–йўриқларини янада пок қиласи. Амир Хусравнинг Султон Алайддин Муҳаммад ҳамда унинг қарамали авлоди мадҳида айтган қасида ва китоблари бор. Лекин таҳқиқ оламининг насиими унинг умид боғига қараб эсгач, тубан оламни ўзининг ҳиммат назаридан паст деб билди. Кўп бор султоннинг хизматидан истеъфога чиқмоқчи бўлди, лекин Султон Алайддин рухсат этмади. Охири, эвиини қилиб, ул маҳлук хизматидан кутулди, ҳақиқат аҳлининг хизматига тутунди. Иродат қўлини маърифатли, диёнатли шайх, восиллар йўлбошчиси, ҳақиқат ва дин низоми Низомиддин Авлиёнинг этагига урди, кўп йили сулук билан машғул бўлди, сулук давомида подшолар мадҳини шеърлар девонидан маҳв этди. Шайхлар шайхи, ҳақиқат ва диннинг низоми Низомиддин Авлиё кўп бор муборак тили билан айтар эди: “Умид қиласанки, маҳшар куни шу турк бача сўзларининг сийнаси билан мени афв этурлар”. Хожа Хусрав кўп молу дунёсини шайхнинг қадамига нисор этди. “Хамса”ни унинг кўрсатмаси билан ёзди. Мана бу икки байтни шайхнинг таъзимида айтди:

Хонақоҳига мен то танда қўйдим,  
Ўзимни Каъбага таъзимдан тийдим

Ки, ошён айлабон фаришта шифтин,  
Бир чумчук мисоли қўймиш анга ин.

Шайх Низомиддин Авлиё Ҳиндистоннинг етук машойихларидан бўлиб, ўз қариндоши шайхулислом Фаридиддин Шакарганжнинг муридидир. Шайх Фаридиддиннинг тариқатдаги силсиласи, инсоф тоифасининг шайхулисломи шайх Маъдуд Чиштий (чиштия тариқатининг етук намояндаларидан бири, 1038—1133 йилларда яшаган)га уланади.

Донишманд шайх Озарийнинг “Жавоҳир ул—асрор” (Сирлар дурданаси) китобида айтилишича, шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий умрининг охирида Амир Хусрав билан кўришиш ва сұхбатлашиш мақсадида Форсдан Ҳиндистонга келган. Амир Хусравнинг шайх Саъдийга эътиқоди ҳайратланарли даражада ортиқдурким, (унга бўлган) ихлоси хусусида бундай деган:

Кўйди кайф устида Хусрав маъни майдидин жомфа

Ки, шираси Шероздаги майхонадандир аслида

Фозиллар Амир Хусрав девонини жам қила олган эмаслар. Зеро, инсоф юзасидан фикр қилиб кўриб, билгандарки, дарё зарфга, илоҳиёт илми ҳарф қайдига сифмас экан. Баҳтиёр Султон Бойсункур баҳодир (Шоҳруҳнинг ўртанса ўғли, 1433 или вафот этган) Амир Хусрав шеърларини жамлашда кўп саъй—ҳаракатлар қилди ва ўша пайтда 120 минг байтдан зиёдроқ шеъри тўпланди. Кейинчалик Амир Хусрав фазалларидан девонига кирмаган яна икки минг байтни топдилар. Таҳқиқ қилиб кўрдиларки, Амир Хусравнинг барча шеърларини тўплаш амримаҳолдир. Шу сабабдан бу ишни тўхтатган эканлар. Лекин Амир Хусрав рисолаларидан бирида ёзганки, менинг шеърларим 500 минг байтдан камроқ, 400 мингдан ортиқроқ, деб. Айтишларича, Амир Хусрав “Хамса”си 18 минг байтдан иборат. Шайх Низомий Ганжавийнинг... “Хамса”си 28 минг байт экан. .. Бойсункур Амир Хусрав “Хамса”сини Низомий “Хамса”сидан ортиқ кўрас эди... Улугбек кўрагон буни қабул этмас ва шайх Низомийга эргашар эди. Шу даъво туфайли ҳар иккала фозил подшо ўртасида кўп тортишувлар бўлиб, ҳар бирлари бир шоирга ҳомийлик этар эдилар...

Умрининг охирида Амир Хусрав ўз шеърларини тўрт қисмга, бошқаларнинг гапларига қараганда, уч қисмга бўлган. Ҳар бир қисмни алоҳида ном билан атаган. Улар қўйидагича:

1. “Тухфат ус—сифар” (Ёшлик тухфаси). Уни йигитлик чофида ёзган.

2. “Васат ул—ҳаёт” (Умр ўртаси). Уни сулук аввалида ва етук вақтларида жам этган.

3. “Фуррат ул—камол” (Камолотнинг бошланиши). (Сулукда) камолотга эришган ва шайхлиги аввалида жам этган.

4. “Бақия ан—нақия” (Поклик қолдиги). Ниҳоятда фақир ва буқчайиб қолган чоғлари ёзган.

Амир Хусрав ботиний ва зоҳирий фазилатлари туфайли мусиқийи илмида ҳам фоятда моҳир эди...

Хожа Хусравнинг “Баҳрул –аброр” (Сахийлик дengизи), “Миръот ус–сафо” (Поклик ойнаси) ва “Анис ул–қулуб” (Қалблар улфати) сингари шарофатли қасидалари халқ ўртасида машхур эканлиги, замон фозиллари бу қасидаларга назира битиб, фасоҳату балофат камолига етказғанликлари сабабли, ушбу тазкирада зикр этилмади. Амир Хусравнинг “Ҳамса”дан бўлак, Дехли подшоси Султон Алауддинга бағишиланган “Қирон ас–саъдайн” (Икки саодатли юлдузнинг тулашиши), “Маноқиби Ҳинд ва тарихи Дехли” каби бир қанча насрый асарлари, ўн бир баҳрга риоя этиб, Ҳинд подшолари аҳволи баёнида битган китоби, Хизрхон муҳаббати таърифидаги “Дувалроний ва Хизрхон” достони, “Нұх сипеҳр” (Тұққызы қават осмон) китоби, истиро ҳамда мусиқий илмида битилган китоблари ҳам бор” (Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони, Тошкент, Faғur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 85–90–бетлар).

\* *Дар дилам тираг тарозу мешавад,*

*К-аз даруни сина жонро бар қашад – Дилемда ўқинг тарозу бўлиб, кўксимдаги жонни торгади.*

\* *Ман он наямки, зи тири маломат андешам,*

*Гуломи рўйи камон абрўони бадкешам – Мен маломат ўқидин кўрқадиганлардан эмасман, лекин феъли ёмон камон қошли юзларнинг қулиман.*

\* *Он ду абруйи муқаввас ду камонанд баланд,*

*Ки ба сад қарн ҷунин турфа камон нотавон соҳт – У эгма қошлар икки юксак камондир. Бу хилдаги ажойиб камонни юз асрда ҳам ясад бўлмайди.*

\* *Ҳар кужо мурғи диле бол күшояд, филҳол,*

*Ба камон гушаи абру з ҳавои андозад – Юрак қуши ҳар қаерда қанот қоқса ҳам, дарҳол қошнинг камон гўшасига келиб йиқилади.*

\* *Бирабуд дилам дар чамане сарви равоне,*

*Заррин камаре, тир қаде мўр миёне – Дилинни чаманда бир сарви равон, заррин камар, ўқдай тик қадли, хипча бел мафтун қилди.*

\* *Аз ҳар гарона тири дуо кардаам равон,*

*Бошад казон миёна яке коргар шавад – Ҳар чеккадан дуо ўқини ўйладим, шоядки улардан бирортаси асар қилиб қолса.*

\* *Хожа Камол* – форс-тохик адабиётининг улуғларидан, мутасаввуф, машхур лирик шоир. 1318 йили Ҳўжандда туғилиб, Самарқандда таҳсил олган. Араб, форс тилларини, туркий халқлар адабиётини яхши ўрганган. Маккага борган. Миср, Ироқ, Туркияни сайр қилиб, охири Табризда турғун бўлиб қолган. Мўғул элхонлари давлати инқизозга учрагач, Эрон ва Озарбайжонни итоат эттирган маҳаллий сулола – Жалоирия ҳукмдорлари даврида шайх Табризда кўп дўстлар ортириди, шуҳрат қозонди ва ўша диёрнинг кўпчилик улуғлари унга мурид бўлдилар. Унинг валийлик ва иршод(раҳнамо)лик даражаси ҳатто шоирлик мартабасидан юқори бўлгани Давлатшоҳ тазкирасида айтилади. Тўхтамишхон Табризни

забт этгач, хотинининг фармони билан шайхни Саройга олиб кетади. Шайх Камол Саройда тўрт йил истиқомат қиласди. Шайх Саройда ҳам яхши ҳаёт кечиради, шаҳар акобирлари унга мурид бўладилар. Тўрт йилдан сўнг у Табризга қайтиб боради. Султон Увайс унга Табриз атрофидан чиройли уй ва хонақоҳ курдириб беради. Хожа Ҳофиз Шерозийда шайх Камолни фойибона кўриш ихлоси доимо бор эди. Шерозийда шайхга эътиқод пайдо бўлиб, унинг шеърларини муттасил мутолаа қиласди ва охири: “Бу бузрукворнинг табиати олий ва сўзлари покиза экан”, дейди. Ўша даврда баъзи акобир ва фозиллар, шайхнинг шеърларидаги нозик қочиримлар унинг сўзидаги ёниш, интиқликини йўқقا чиқаради, деган фикрдалар. Лекин бу муносабатлар кибрланиш аломати ва далилсиз даъво экани, шайхнинг сўзлари нозиклиги билан орифона ва таъсирчан экани ўз давридаёқ айтилган (қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий..., 128-бет). Мана бу муваҳҳидона айтилган байтдан шайхнинг табиати ва маслагани билса бўлади:

Жўш уриб денгиз баланд овоз билан нидо қилур,  
Ким агар фарқ бўлса менга, оқибат мендек бўлур.

Шайх ижодда мана шу эътиқодига содиқ қолди. Унинг ижодида шоҳларни мадҳ қилувчи қасида ва маснавийлар битишга мойиллик умуман бўлмаган.

\* Ҳарки бар тири кадаш чашме намедузад, Камол,

Ростиро рост бояд духтаи чашмаши ба тир – Эй Камол, ҳар ким унинг ўқдек (тўғри) қаддига кўз тиколмайди. Чунки тўғри нарсага тўғри кўз билан қараш, унинг (маккор) кўзини эса ўқ билан тикиш керак.

\*Хожа Салмон – асл исми Жамолиддин Салмон Соважий

(1300 – 1368). Озарбайжонлик, форс-тожик мумтоз адабиёти намояндаларидан, қасида, ғазал, маснавий ва бошқа жанрларда ижод этган. Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин”ига монанд “Жамшид ва Хуршид” достонини ёзган. Шеърларидан айrim намуналар баёзларда, турли тўпламларда сақланиб қолган. Хожа Салмон илми сиёқ (арифметика)ни яхши билган, шеъриятда ўз асрининг пешволаридан бўлган Шайх Рукниддин Алоуддавла Симоний айтган экан: “Симоннинг анорио Салмоннинг шеърига ўхшashi ҳеч ерда йўқ”. Хожа Салмон Султон Увайс (1336-1432 йиллари Ироқ, Курдистон ва Жанубий Озарбайжон устида ҳукмронлик қилган жалоирийлар сулоласидан иккинчи ҳукмдор, 1356-1374 йилларда ҳукмронлик қилган) ва унинг онаси Дишод хотин қўрсатмаси билан Зоҳир Фарёбий қасидасига жавоб айтган. Бунинг эвазига Рай мулкидан икки обод қишлоқни шоҳ унга суюргол (шоҳ томонидан инъом қилиб берилган ер-суъ) этган. Ўша қасиданинг матлаи шудир:

Ҳам оғзингу ҳам ақиқ лабинга нақди жон қўймиш,

Топиб, хилватга бир нафис жинсни ниҳон қўймиш.

Ул қутининг қулфи лаълдан, ул сенинг лабингдурким,

Устига қора ҳолинг муҳрин чунон қўймиш.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг таърифича, бу икки байт эвазига Рай мамлакатининг ҳаммасини берсалар ҳам, Салмоннинг ҳақиға хиёнат қилган бўлур эдилар.

Хожа Салмон узоқ умр кўрган. Кўзи ожиди бўлиб қолгач, сultonнинг хизматидан кетиб, қолган умрини қаноатда ўтказган. Сulton Увайс унга Рай ва Сова вилоятларини суюргол қилиб берган.

\* *Тири хаданги ғамзаат аз жони мо гузашт,*

*Бар мо зи ғамзай ту чи гўям, чихо гузашт* – Бу байтда “дўхтан – тикмоқ” феълининг “кўз тикмоқ”, “нарса тикмоқ” маъносидаги келишидан фойдаланиб, сўз ўйини ишлатилган:

Ғамзанинг қаттиқ ўқи жонимиздан ўтди, дилдан юз оҳ ўқини тортаман.

\* *Зи дил бар мекашам сад новаки оҳ*

*Ки, аз жон бигузарад тири ту ногоҳ* – Сенинг ўқинг ногоҳ жондан ўтса, дилдан юз оҳ ўқини тортаман.

\* *Ба абруйи ту ки, дар айни дилбари тоқаст,*

Гумони (каж)ки, камонрост аз зиёда сараст – Айни дилбарликда тоқ бўлган қошибинг тўғрисида камоннинг эгри гумонда бўлиши унинг магрурлигидан бошини юқори кўтарганиданур.

\* *Бо бад манишину ҳам марав хонайи у,*

*Дар дом бияфти чу хўри донаи у.*

*Тир аз сари рости камонро каж дид,*

*Диди ки, чи гуна жаст аз хонайи у –*

Ёмон билан ўтирма, ҳам борма унинг уйига,

Агар унинг донасидан есанг, тузоқقا тушасан,

Ўқ ростлик орқасида эгри қалб камоннинг

Уйидан қандай жўнаб қолганини кўрдингми?!

\* *Ҳар ки шуд рост андарин майдон,*

*Ҳар кужо рафт беҳузур уфтод.*

*Аз кажи шуд камон ба паҳлуйи шоҳ,*

*Тир аз рости ба дур уфтод –*

Кимики бу майдонда рост бўлса,

Қаерга борса ҳам беҳаловат бўлиб тушади.

Камон эгрилиги туфайли шоҳ ёнидан жой олди,

Ўқ эса ростликдан узоқларга бориб тушди.

## Аҳмадий

### “Созлар мунозараси”

Бу асар “Муборак мактублар” (Тошкент, Faфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987) китобидаги трислитерацияни Э. Рустамовнинг “Узбекская поэзия в первой половине XV века” (М.: изд. Восточной литературы, 1963) китобида берилган “Созлар мунозараси” қўлёзмасининг фото–нусхаси билан солиштирган ҳолда тузатишлар билан тайёрланди.

*Fаром* - чолғу асбобининг харраги.

# МУНДАРИЖА

Эҳтиёж ҳосиласи .....	3
Олтин Ўрда адабиёти .....	5
Кутб .....	10
“Хусрав ва Ширин”дан .....	11
Сайфи Саройи .....	56
Шеърий ҳикоятларидан .....	56
Сайфи Саройи замондошларининг ғазаллари ва шоирнинг уларга жавобларидан намуналар .....	58
“Гулистони бит-туркий”дан .....	69
Нома жанри тўғрисида маълумот .....	94
Хоразмийнинг “Мұхаббатнома” асари .....	95
Мұхаббатнома .....	96
Хўжандийнинг “Латофатнома” асари .....	131
Латофатнома .....	133
Сайд Аҳмаднинг “Таашшуқнома” асари .....	158
Таашшуқнома .....	159
Юсуф Амирийнинг “Даҳнома” асари .....	183
Даҳнома .....	184
Ғазалларидан .....	254
Мунозара .....	257
Юсуф Амирий .....	259
“Чоғир ва Банг” .....	259
Яқиний .....	267
“Ўқ ва Ёй” .....	268
Аҳмадий .....	275
“Созлар мунозараси” .....	275
Илова .....	287

**Насимхон Раҳмон**

**Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари**

**11 жилд**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг  
ўқув-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

*Мұхаррір*

*Техник мұхаррір*

*Мұсақхұқ*

М. Содиқова

И. Зоҳидова

Н. Раҳмонова

Нашриёт рақами: М-788. Босишига рухсат этилди: 19.10.07.

Қофоз бичими 60x90 1/16. Офсет босма. Офсет қофоз. Хисоб  
нашриёт т.16,0. Шартли босма т.20,0. Буюртма №150.

Адади 100 нусха. Келишилган нархда

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “ФАН” нашриёти

«Сано-Стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Широқ күласи, 100.

ISBN 978-9943-09-423-9



9 789943 094239